

Истиқлол қаҳрамонлари

Мунаввар қори
АБДУРАШИДХОНОВ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

МУНАВВАР ҚОРИ
АБДУРАШИДХОНОВ

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2003

Таҳрир ҳайъати: *Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов, Наим Каримов, Бегали Қосимов, Дилором Алимова, Суннат Аҳмедов, Шухрат Ризаев*

Мунаввар қори Абдурашидхонов XX аср бошларида ўзбек халқининг миллий озодликка эришиш йўлида фаолият кўрсатган педагог, журналист, жамоат арбобидир. Унинг «Адиби аввал», «Адиби соний», «Ер юзи», «Ҳавойижи диния», «Ўзбекча тил сабоқлиғи» китоблари, публицистик мақолалари ва хотиралари миллий маънавий меросимизнинг улкан бир қисмидир.

Қўлингиздаги китоб XX асрнинг биринчи ярмида ўзбек халқи, унинг маърифати ва маданияти тарихи билан қизиқувчи сиз азиз ўқувчиларга мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи —
санъатшунослик фанлари номзоди
Сирожиддин Аҳмедов

Масъул муҳаррир — филология фанлари доктори
Наим Каримов

Тақризчи — филология фанлари доктори
Бегали Қосимов

А 15

Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар (Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, Н. Аминов, Н. Каримов ва бошқ.: Масъул муҳаррир: Н. Каримов.—Т.: «Маънавият», 2003.—304 б.—(«Истиқлол қаҳрамонлари» туркуми).

ББК 63.3(5У)—7+74(5У)

М $\frac{4702620204-14}{М 25(04)-03}$ 17-02

© «Маънавият», 2003

МУҲАРРИДАН

Ўзбек халқи тарихининг сўнгги 130 йилга яқин даври «оқ» ва «қизил» салтанатлар таркибида кечди. Ўзбек диёрининг моддий ва маданий бойликларини талон-торож этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган чор ва совет давлатлари халқнинг шу даврда яшаган пешқадам вакиллари — уни ҳур ва озод кўришни истаган, шу йўлда фаолият кўрсатган кишиларни узлуксиз равишда маҳв этиб келди. Шундай мудҳиш сиёсат оқибатида авлодлар ўзбек халқи ичидан XX асрда етишиб чиққан буюк сиймоларни узоқ йиллар мобайнида билмай-танймай келдилар.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек халқининг машаққатли XX асрда дунёга келган Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари буюк сиймоларидан биридир.

Совет давлати Мунаввар қори Абдурашидхоновни авжи камолот фаслида — 53 ёшида Москвада отиб ташлабгина қолмай, сўнгги нафасига қадар унинг устидан тўхмат ва бўҳтон сўзларини ёғдириб келди. Фақат «қизил» салтанатнинг емирилиши билан халқимизнинг бу фидойи фарзанди ҳақидаги ҳақиқат секин-аста ўз жамолини кўрсата бошлади. Дастлаб унинг муборак номи тилга олинадиган бўлди. Сўнг узук-юлуқ маълумотлардан иборат мақолалар эълон қилинди. Бундан роса ўн йил илгари — 1992 йили эса «Шарқ юлдузи» журналида журналист Сирожиддин Аҳмад қаламига мансуб «Мунаввар қори» деб номланган тадқиқотнинг чоп этилиши билан алломанинг мунаввар чеҳрасини биздан яшириб турган қора парда узил-кесил олиб ташланди: Мунаввар қори жабрдийда халқимизнинг улуғ фарзандларидан бири сифатида қаршимизда бутун бўй-басти билан гавдаланди-қолди.

Шу вақтдан буён ўтган давр ичида Мунаввар қорининг бир неча мақолалари қайта нашр этилди. Унинг салобатли қиёфаси Миллий уйғониш даври намояндаларига бағишланган «Унутилмас сиймолар» сафидан ўзининг қонуний ўрнини эгаллади. 2001 йили эса «Шарқ» нашриёти унинг «Хотираларимдан» деган сарлавҳа остида тарих фанлари

номзоди Сотимхон Холбоев томонидан нашрга тайёрланган китобини эълон қилди.

Мана, бугун сизнинг қўлингизда атоқли журналист, маърифатпарвар, педагог ва истиқлол учун толмас курашчи Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг «Танланган асарлар»и.

Ушбу ғоят гўзал ҳодисанинг ўзиёқ Мустақилликнинг шахдам қадамлар билан ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига кириб бораётганидан шаҳодат бериб турибди.

Мунаввар қори илм-фан, маърифат ва маданиятимизнинг турли соҳаларида фаолият юритди. Унинг қаламига оид талайгина асарлар ҳали газета ва журнал саҳифаларида сочилиб, ноширларини кутиб ётибди. Бугун сиз варақлаётган китоб эса алломанинг кирилл ёзувида биринчи мартаба нашр этилган каттагина асаридир.

XX асрнинг дастлабки чорагида яшаб ижод этган шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўқир экансиз, уларнинг мутлақо ўзга адабий тилда — арабий ва форсий сўзлар билан тўлиб-тошган, мураккаб жумлалар силсиласидан иборат тил ва услубда ёзилгани яққол сезилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон сингари адибларнинг улкан хизмати шундаки, улар ҳозирги адабий тилимизни шакллантириб, сайқаллантириб бердилар. Мунаввар қори ҳам худди шу жараёнда иштирок этиб, тилимизнинг тилла жилोलар билан товланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Аmmo шунга қарамай, унинг қўлингиздаги китобдан ўрин олган асарларида услубий мураккабликларни йўқ, деб бўлмайди. Бугина эмас, балки «эски» маърифий ва маданий қарашлар асосида шаклланган арбобнинг айрим фикрлари, баҳолари ҳам сиз азизларда турли фикр ва мулоҳазалар уйғотиши мумкин. Ҳар ҳолда сиз билан биз Мунаввар қорининг мураккаб тарихий-маданий замонда яшагани ва шу замоннинг фарзанди бўлганини унутмаслигимиз лозим.

Ушбу китобдан ўрин олган асарларнинг салмоқли қисмини Мунаввар қорининг Тошкент ва Москвадаги қамоқхоналарда ёзган хотиралари ташкил этади. Бу хотиралар дастлаб ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси)нинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Л. Н. Бельскийнинг топшириғи билан ёзила бошланган.

Маълумки, Туркистон Мухторият ҳукумати зўравонлик йўли билан тугатилгач, ўз ватанларининг мустақил бўлишини орзу қилган зиёлилар турли йўл ва усуллар билан

большевизмга қарши кураш олиб бордилар. Мунаввар қори ана шу курашнинг олдинги сафида бўлибгина қолмай, шу курашга раҳбарлик ҳам қилди. Шунинг оқибати ўлароқ у 1921 ва 1926 йилларда қамоққа олинди. Иккинчи маротаба ҳибсланганида у қамоқдан советларга қарши кураш олиб бормаслик шарти билан озод қилинди. ОГПУ Мунаввар қорини доимий назорат остига олиб, Лев Бельский сиймосида ундан жадидларнинг куни кеча олиб борган ва 20-йиллар сўнггида ҳам олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида мукаммал маълумотнома ёзиб беришни ҳам талаб қилди. Агар Мунаввар қори жадидларнинг советларга қарши олиб борган ва олиб бораётган хатти-ҳаракатларини яширгудек ёхуд хаспўшлагудек бўлса, уни қамоқда чиритишни писанда ҳам қилди.

Мунаввар қори ўз хотираларини ана шундай қалтис бир вазиятда ёзди.

Атоқли адабиётшунос Иззат Султон Мунаввар қори номини эндигина тилга олиш мумкин бўлган кунларда шундай бир воқеани айтиб берган эди.

Кунларнинг бирида у трамвайда бир кекса кишини учратиб, унинг юз қирралари таниш эканига эътиборни қаратган. Кекса киши ҳам Иззат Султонни таниб, Мунаввар қорининг сафдошларидан бири бўлганини айтган. «Исми ёдимда йўқ, аммо фамилияси Каримов эди», изоҳ берган Иззат Султон.

Каримов фамилияси собиқ маҳбуснинг айтишича, «миллий иттиҳодчилар» қамоққа олина бошлагач, Мунаввар қори пайтини топиб, уларга: «Қандай айбни қўймасинлар, бўйнингизга олинг. Акс ҳолда биз озодликда юрган ёр-дўстларимизнинг номларини айтиб, уларнинг қамалишига сабабчи бўламиз. Биз ўзимизнинг ҳаётимизни қурбон қилиш эвазига миллатни сақлаб қолишимиз лозим», деган.

Иззат Султонга бу воқеани сўзлаб берган киши Мирхалил Каримов деган жасур инсон бўлади.

Мунаввар қори Л. Н. Бельскийдек ОГПУ ходимлари ихтиёрида «миллий иттиҳодчилар»нинг ҳар бир қадамига оид маълумотлар борлигини яхши билган. У дастлаб бу мудҳиш идорани чалғитадиган маълумотларни берди, бу ошкор бўлгач эса, фақат ОГПУга асосан хуфялар орқали маълум бўлган маълумотларни бериб, ҳали қамоққа олинмаган сафдошлари ва ҳали ошкор бўлмаган ҳақиқатларни яшириб қолишга ҳаракат қилди.

Ушбу китобдан жой олган турма хотираларини ўқир экансиз, масаланинг шу томонини хотирада тутишингиз лозим бўлади.

Шу нарса муҳимки, Мунаввар қори совет давлатидек қонхўр аждаҳонинг ўзини ҳам, бошқа «миллий иттиҳодчилар»ни ҳам соғ қўймаслигини яхши билган, шунинг учун ҳам сафдошларининг ҳуррият ва мустақиллик йўлида олиб борган курашлари тарихини авлодлар учун ёзиб қолдиришни фойдали, деб билган.

Қўлингиздаги китобдан ўрин олган хотиралар, аввалгиларидан фарқли ўлароқ, уни тўпловчи Сирожиддин Аҳмад томонидан муаллифнинг араб ёзувидаги қўлёзмаси асосида тўла ҳолда нашрга тайёрланди.

Умид қиламизки, Мунаввар қоридек машҳур жамоат арбобининг ҳаёти ва фаолияти, орзу ва армонлари билан танишиш сизда бу улуғ сиймога нисбатан чинакам ҳурмат туйғуларини уйғотади.

Наим КАРИМОВ

ЙЎЛБОШЧИ

Чўқ мунаввар этди оламни Мунаввар қоримиз,
Кўрдимиз равшанлигидан феълимиз, атворимиз.
Ибрат олинг, ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,
Нутқида таҳрир этиб бизларни йўқу боримиз.

ТАВАЛЛО

Эли учун куйиб-ёнган, бағри қонидан маёқ кўтарган кишиларнинг номи ҳеч қачон унут бўлмайди. Бундай инсонларни сиёсатбозлар қанчалик қораламасинлар, ўзлари эл-юрт, тарих ва замон олдида шарманда бўлиб қолаверадилар. Зеро, фидойи кишиларни эл-юрт ҳам, тарих ҳам ўз юрагида асраб-авайлайди.

Халқимиз арзанда қилиб, авлоддан-авлодга узатаётган ана шундай сиймолардан бири адиб, шоир ва педагог, жамоат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхонов эди.

Мунаввар қори халқимиз бошига тушган чоризм ва большевизм мустамлакачилиги йилларида «Мен — сендамен: сен — мендасен» ҳикматига мувофиқ элимиз, миллатимиз қалбига маърифат ва озодлик, эрк ва ҳурлик уруғини сочиб, юрт ҳаётининг серташвиш йўлларини мунаввар қилган йўлчи юлдуз эди.

1

Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳар Шайх Хованди Тахур даҳа Дархон маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Отаси Абдурашидхон Сотиболдихон Олимхон ўғлидир. (Айрим манбаларда ва халқ оғзида Абдулмажидхон ўғли, вафоти 1885 й.) У ўзи яшаб турган маҳалладаги Эшонқули додхоҳ мадрасасида ва ўз ҳовлисида мактаб очиб, 40 нафар ўқувчига дарс берган. Онаси Хосият отин (1845—1931) Тошкентнинг машҳур зиёлиларидан Хонхўжа Шораҳимхўжаев (1841—1941)нинг қизи, машҳур ўқитувчилар — Ҳасанхўжа ва Эшонхўжа Хонийларнинг ҳамшираси бўлиб, ўз ҳовлисида хотин-қизларни ўқитган.

Абдурашидхон ва Хосият отин уч ўгил кўришган. Катталари Аъзамхон (1872—1919), ўртанчаси Муслимхон (1875—1954), кичиги Мунаввархон эди.

Аъзамхон домла маҳалла мактабида болаларни ўқитарди. Унинг 1910 йилда Сирдарё вилоят ўқув юртлари инспекторига усули жаҳид мактабини очиш учун рухсат берилишини сўраб ёзган аризаси ва ўқув дастури сақланган. Ариза ва дастурга қараганда, у болаларга тўрт синф даражасида сабоқ берган. Ўқув дастурини Мунаввар қори тузган.

Муслимхон домланинг тақдири ўзгачароқ кечган. У шўро ҳукуматининг барча зулм ва тазйиқи «лаззати»ни тотди. У акаси ва укаси каби дастлаб саккиз йил мобайнида муаллимлик билан шуғулланган бўлса-да, кейинги тўққиз йил мобайнида маҳалладаги Мирза Абдуллабой масжидига имомлик қилади, масжидлар ёпилгандан сўнг эса «XVIII партсъезд» артелида қоровул бўлиб ишлади. Аммо ҳаёти доимо таҳликада кечди.

Фарзандлари Муҳаммаджон Абдурашидов кўйидаги воқеани ҳикоя қилган эдилар:

«1942 йилда НКВД қамоқхонасида ўтирар эдим. Қоронғу хонада пиқир-пиқир йиғи товушини эшитдим. Товуш қулоғимга жуда таниш туюлди. Диққат билан қулоқ солсам, дадам йиғлаяптилар. Одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб, ёнларига яқинлашиб, салом бериб: «Дада, нега йиғлаяпсиз?» — деб сўрадим. «Терговчи чақириб, тилчилик қиласиз, деб мажбурлади. Йўқ, қариб қолдим, чега-радан ҳатлаб ўтолмайман, десам, юзимга тарсаки туширди. Шу хонага қамаб қўйишди. Болам, мен қариб қолган одамман, бу ердан чиқиб кетарман, сени Оллоҳнинг ўзи асрасин. Исмингни Муҳаммаджон қўйганман», — дедилар...»

Муслимхон домла 1942 йил 27 январда давлат сирларини ошкор қилишда айбланиб қамоққа олинади. Терговчилар уни отишга ҳукм қилишни таклиф қилиб махсус мажлис (особое совещание) ҳукмига юборади. Лекин унинг жиноятини тасдиқловчи далиллар бўлмагани учун, қамоқда ўтирган кунлари жазога ҳисоб қилиниб, 1942 йил 28 ноябрда озод қилинади. Турли жойларда оддий ишчи бўлиб юриб, 69 ёшида вафот этади.

Мунаввархон дастлабки таълим-тарбияни онасидан олиб, хат-саводи чиққач, ўша даврда доврўғи чиққан Усмон домладан сабоқ олди. Акалари таъсирида вояга ета

борди. Куръони каримни хатм қилиб, «қори» унвонини олгач, ҳали илмга яхши кириб бора олмаганини фаҳмлади. «Юнусхон подшо» мадрасасида бир неча йил таҳсил кўрди, бироқ олган илмидан қониқмади.

1898 йилда Бухорога бориб ҳадис, фикҳ, илми тафсир ва бошқа соҳалар бўйича таҳсилни давом эттирди.

Мунаввар қорининг болалиги, ёшлиги мураккаб даврга тўғри келди.

Туркистонга илк губернатор бўлган К.П. фон Кауфман маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавияти, эркига, икки томон ўзаро тузган шартнома асосларига умуман эътибор бермаган. У ниҳоятда худбин, манфаатпараст, шовинист, порахўр ва муттаҳамлар гуруҳидан иборат юҳолар маъмуриятини мерос қилиб қолдирган эди. Туркистоннинг фотиҳи М. Г. Черняев эса ўлкага иккинчи бор келишида, яъни губернатор бўлгач, ниҳоятда очкўз, миллатчи мансабпараст, фитначи, айш-ишратга берилган, порахўр кишилар тўдасига дуч келганини сезади. Улар орасидан ўзи билан бемалол суҳбат қурадиган, сирлашадиган бирон кишини топа олмайди. Мулла Олим Юнусов каби эски маҳаллий вакиллар билан суҳбатлашишга мажбур бўлади. Улардан ўлканинг аҳолини билиб, ён-веригаги миллатдошларининг разиллигини кўриб, кўрқиб кетади. У кўпчилик миллатдошларига бегона бўлиб қолган адолатни тикламоқчи бўлади, аммо қаттиқ қаршиликка дуч келади. Ҳаёти катта хавф остида қолганини сезган генерал Хоразмга саёҳат баҳонасида Хивага бориб, ундан яширин тарзда Красноводскка ўтиб, Каспий денгизи орқали Боку йўли билан Петербургга қочиб қутулади. Бу ҳақда туркистонлик бир мўъмин эмас, балки миссионерлиги билан шуҳрат қозongan Н. П. Остроумов «Туркистон фотиҳи М. Г. Черняев» номли кўлэзма асарида ёзади. Черняевни даф қилган бу кимсалар ўзларини ниҳоятда маърифатли ҳисоблар эдилар. Туркистонни эгаллаб олган бундай жаноблар ўз маънавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бу ерда тараққий этган мактаб-мадрасаларни «жиловлаш» сиёсатини олиб бордилар.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Ф. М. Керенский фақат рус мактаблари ҳақида бош қотирар, мактаб-мадрасалар фаолиятини эса чеклашга ҳаракат қиларди. Керенскийнинг чор маориф министрига ёзган хатида қуйидаги фикрларни ўқиш мумкин: «(Мактаб ва мадрасалар) таркибини ўзгартирмаган ҳолда кейинчалик

улардан бизнинг рус мақсадларимиз учун фойдаланиш лозим... Шу билан бирга айтилган барча ўқув юртларини ҳеч бир сабабини кўрсатмаган ҳолда ёпиш ва улар ўрнига газна ҳисобига янгисини, махсус мақсад учун очиш керак...»

1874 йил 6 июнда ёзилган ушбу хатида Керенский фикрини давом эттириб, «... босиб олинган ўлкани ассимиляция қилиш мақсадида янги ўқув муассасаларининг халқ оммаси орасида бир хилда савод тарқатиш учун очилиши тахмин қилинади», — дейди.

Хуллас, менсимаслик, инкор қилиш, бузиш — чор «маърифатпарвар»ларининг иш услуби эди. Шу сабабли мадрасада уч йил ўқиб, рус-тузем мактабларида ишлаб, ўзини кўрсатган шахсларгина 1894 йил 27 майда қабул қилинган қоидага мувофиқ мадрасаларда катта мударрис сифатида ишлашлари мумкин эди. Акс ҳолда бу ишга ўтиш мумкин эмасди. Биргина мисол. Тошкентдаги Исахўжа эшон мадрасасида Эшон Бобохон Азизлархонов катта мударрис эди. Аммо бу кишининг катта ерлари бўлгани учун асосий вақти далада ўтарди. Талабаларга дарс бера олмасди. Шу мадрасада мукаррир бўлиб ишлаган Мулла Соатхўжа Рашидхўжаев 1905 йил декабрь бошида Ф. Керенский номига бош мударрисликка ўтказишни сўраб хат ёзади. Аммо унинг хати оқибатсиз қолдирилади.

Бу даврда мадрасаларда бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги ўқув бўлими йўқ бўлиб, архив ҳужжатларига қараганда, мударрис ва мукаррирлар билганини ўқитар, молияни эса мутавалли бошқарар эди. Мадрасадаги синфлар «адно» (қуйи), «авсат» (ўрта), «аъло» (юқори) синфлардан иборат бўлиб, ўқув муддати маълум йил билан чекланмаган, ўқувчининг ёши ҳам деярли аҳамиятсиз эди. Бунинг устига, кўпгина мадрасаларга вақфдан тушадиган маблағга мустамлакачилар шерикчилик қилаётган эди. Кўпгина аниқ фанларни ўқитиш тақиқлангани учун домлалар бошқа ўлкаларга кетиб қолар ёхуд арзимаган баҳоналар билан мадрасалардан четлаштирилар эди.

Мунаввар қори ана шу воқеалардан батафсил хабардор эди.

1892 йил 24 июнда бошланган «Вабо кўзғолони» пайтида Мунаввар қори 14 яшар бола эди. Бу исён, бир томондан, шаҳар аҳолисидан, ҳунармандлардан олинадиган солиқларнинг кўпайиши, иккинчи томондан, ўлка бозорига рус молларини тикиштириб, маҳаллий ҳунарманд-

ларнинг синдирилиши, учинчи томондан эса, вабо касаллигининг тарқалиши билан боғлиқ эди. Вабо сабр косаси тўлган халқни исёнга бошлади. Сабаби, шаҳардаги 12 қабристондан атиги биттасига майитни дафн этишга рухсат берилиб, қолганлари ноқонуний равишда ёпиб қўйилди, ҳатто кўмилганларни қабрдан кавлаб олиб, куйдириш ҳоллари содир бўлди. Бунинг устига, генерал-лейтенант Терентьев «Ўрта Осиёни босиб олиш тарихи» китобида ёзганидек: «Ҳар хил мирзаларга ўхшаш кўпгина хизматчи бўлмаган ёш руслар санитарликка ёзилганлар. Офицерлик кокардасини кийган бу жаноблар полициячиларни ҳамроҳ қилиб, тозаликни текшириш баҳонасида маҳаллий аҳоли уйига «пўшт» деб тўсатдан ичкарига кириб, ота-оналарнинг кўз олдида хоним-қизларга турли бошбошдоқликлар қилишга эрк бердилар». Бу воқеалар дийдаси қотиб улгурмаган Мунаввар қорининг кўз ўнгида бўлиб, унинг қалбида нафрат ва алам уйғотмаган, деб ким айта олади?!

Эл орасида Дукчи эшон номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад халфа Собир ўглининг ўз замондошларини «Ғофиллар» деб атаган, ўз асарини ҳам «Ибрат-ул ғофилин» деб номлаган ва унда битилган: «Ерни тириклиги одам билан, инсонни тириклиги илм билан. Илмни тириклигин билсанг, амал билан бўлура», — деган сўзлари эл оғзида юрган бир пайтда, 1898 йил май ойида унинг раҳбарлигида кўзғолон бошланди. Дукчи эшоннинг мусулмонларга хитоби халқ орасида тарқалди.

Хитобномадаги қуйидаги сатрларга эътибор берайлик: «Ўруслар ватанимизга истило этди, сўнгра тилимизга истило қилди... чўқиндилар кўпайди ва кўпаймоқда.

Кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужиклар ерлаштирилди, ҳар тараф тўнғуззор қилинди.

Аксар мусулмонлар Янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишахоналарига ўрганди, мусулмонларни ахлоқи бузилди.

Қозиларимиз бўйнига бут тақадурғон бўлди... Мусулмончилик ғариб бўлди, хурриятимиз ғайб бўлди, истиқлолимиз маҳв, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кечмас бўлдук».

Дукчи эшоннинг бу хитоби Мунаввар қори ва унинг тенгдошлари қулоғига ҳам етмай қолмаган эди. Шубҳасиз у кўзғолонда иштирок этган ва этмаганлардан 22 минг кишининг ўлдирилганини, Мингтепа тўпга тутилганини,

ўликфурушлик деган мудҳиш бир иллатнинг пайдо бўлганини эшитган эди.

Мустабид тузум, парокандаю фаромуш илм, чаласавод мударрислардан қочиб борадиган жой фақат Бухоро эди. Мунаввар қори «Туркестанские ведомости» газетасининг мухбири Григорий Андреев билан суҳбатда «Шахсан мен ҳаётда оғир йўлни босиб ўтдим. Бирон нимани ўрганиш учун Тошкент мадрасаларида кўп бўлишимга, кейин Бухорода узоқ вақт ўқишимга тўғри келди», — дейди. Аммо у Бухорога бориб ҳам орзусига ета олмади.

Оғзаки маълумотларга қараганда, Мир Араб мадрасасида таҳсилни давом эттириш учун унинг маблағи етмаган. Шу боис у Тошкентга қайтишга мажбур бўлган. Бизнинг назаримизда, фақат иқтисодий қийинчилик эмас, балки маънавий қийинчилик ҳам, Бухоро мадрасаларининг чор ҳукумати сиёсий вакилининг назоратида эканлиги ва у ерда Мунаввар қори орзу қилган илмнинг йўқлиги ҳам уни Бухорони тарк этишга мажбур қилган. Зеро, бу даврга келиб, тошкентлик, самарқандлик ва бухоролик муллалар орасида туркий халқлар фахри Исмоилбек Гаспринский (1851—1914) фикрлари кенг ёйилаётган эди. Унинг «Таржимон» газетаси Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлиги ҳудудида озчилик бўлса-да, аммо ўз ўқувчиларини топган эди.

И. Гаспринский 1891 йили Ички ишлар министрлигининг махсус топшириқлар бўйича чиновниги Вашкевич топшириғи билан ёзган таҳлилий хатининг бир нусхасини, Туркистон ўлкасида давлат тилини ўқитиш тўғрисидаги мулоҳазаларини Туркистон генерал-губернатори Розенбахга юборади. Н. П. Остроумов тавсияси билан оқибатсиз қолдирилган бу таклифга шу жаноб томонидан ёзилган хатдаги қуйидаги сўзлар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Остроумов шундай деб ёзади:

«У ўзининг «Таржимон» газетасида старли даражада аниқ фикрларни айтиб улгурди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, у Россиядаги «Ёш татарлар» фирқасининг йўлбошчиси сифатида ўз таъсирини ҳатто Туркистон аҳолисига ҳам ўтказмоқчи. Шунини афсус билан кўшимча қилишим мумкинки, у бунда кўп нарсага эришди, Тошкентда ҳам унинг ҳамфикрлари бор».

Ана шу «ҳамфикрлар» орасида Мунаввар қорининг ҳам бўлгани шубҳасиздир. Мунаввар қори И. Гаспринский билан учрашмаган бўлса-да, бироқ у кейинчалик Маҳмудхўжа Беҳбудий каби Гаспринскийнинг мухлиси ва издошига

айланади. Бу унинг усули савтия мактабларини ташкил қилишида, матбуотдаги чиқишларида яққол кўринади.

Мунаввар қори дунёқарашининг шаклланишида юқорида тилга олинган воқеа-ҳодисалардан ташқари, Туркия ва Мисрдан келган мушаввиқлар (ташвиқотчилар)нинг, турк, озарбайжон, форс ва рус тилларидаги адабиётнинг ролини инкор қилиб бўлмайди. Архив ҳужжатлари Туркия билан Туркистон ва Бухоро зиёлилари ўртасида мустақкам алоқа бўлганини кўрсатади. Бундан ташқари, Оренбург, Қозон, Петербургда нашр этилган матбуот ва адабиёт Зиё Кўкалп, Тавфиқ Фикрат, Зиё Пошо каби турк намояндаларидан ташқари, ислом ва ислом мамлакатлари истиқлоли учун қайғурган Муҳаммад Абдо, унинг устози Жамолдин Афғоний каби кишиларнинг асарлари фақат Мунаввар қоригагина эмас, балки кўпгина мусулмон мамлакатларидаги ёшларнинг онги ва дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатган. Ж. Афғонийнинг Самарқанд, Шаҳрисабз мусулмонларини Русия мустамлакасида қутқариш тўғрисида 1875 йили турк султониға ёзган мактубидан кейин Бухоро ва Туркистонға ташвиқотчилар оқими тинимсиз келган ва уларнинг ҳар бири оҳранка томонидан махсус рўйхатға олинган. Булардан ташқари, ўша даврда бадиий ва илмий адабиётчилар ичида Шекспир, Шиллер, Вольтер, Дидро каби ғарб адиб ва мутафаккирларнинг асарлари ҳам Туркистонға турли йўллар билан кириб келганини ҳам унутмаслик лозим.

Ўлкада юз бераётган воқеалар туфайли, халқнинг руҳи тушиб кетганини, зиёлиларнинг эса маънавий таназзул томон юз ўтирганини кўрган Мунаввар қори бу ҳолатларнинг ижтимоий иллизини текширишға уринади. Ушбу уриниш унинг мактаб ва мадраса фаолиятини тамоман ислоҳ қилиш фикриға олиб келади. У мадрасаларда асосий дарсларни араб тилида эмас, балки она тилида олиб бориш, диний сабоқлар билан бирға ижтимоий фанларни ўқитиш масаласини кўндаланг қўйди. Усули жадиид мактаблари фаолиятини теран ўрганиб, янги усулдаги мактабларни ташкил этиш масаласини кун тартибига чиқарди. Сабаби, онгда, фикрлашда, маорифда ўзгариш қилмай туриб сиёсатда ўзгариш қилиб бўлмасди. Виждонни уйғотмай туриб, гафлатдан қутулиб бўлмасди. Душманни енгиш, ўзини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишнинг энг асосий қуроли маърифатли одамлардан ташкил топган янги жамиятни ташкил қилиш эди. Бунға эса мактаб ва мадраса тизимида инқилоб ясамай туриб эришиш мумкин эмасди.

Шуни яхши тушуниб етган Мунаввар қори 1901 йилда Тошкент шаҳрида илк усули савтия мактабини очади. Зикр этилаётган даврда Туркистонда, хусусан, Тошкентда мактаб ишига татарлар билан бирга қримлик муаллимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

«Туркестанские ведомости» газетасининг муҳбири Г. Андреев билан қилган суҳбатида Мунаввар қори усули жадид мактабларининг ташкил этилиши ҳақида тўхталиб, бундай дейди: «Шахсан менинг ўзим оғир ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Бирон нарсани ўрганиш учун аввал Тошкент, сўнг узоқ муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил олишимга тўғри келди. Ҳар ҳолда, мадрасаларда фанларни узоқ йиллар мобайнида ўқишимга қарамай, мен ҳаёт учун зарур бўлган кўп нарсани ола олмадим.

Ана ўшанда мадрасаларда йиллар мобайнида ўқитиладиганларни билимга тез, осон ва енгил олиб борадиган яхши йўлни топиш ҳақидаги фикрга келдим. Мен янги қўлланмали, фундаментал замонавий педагогика асосида кичик мактаб-мадрасаларни ташкил этишни хоҳлардим. Бундай мусулмон мактабларнинг типи — икки синфли усули жадид мактаблари Россиянинг Оренбург ва Қозон шаҳарларида мавжуд.

Бундан саккиз йил аввал мен очган мактабда ҳозиргача ишлаб келаётган ўқитувчилар билан бирга мен Туркистонда янги мусулмон мактабларини қура бошладим. Дастлаб дастур ва дарсликларни тузишга тўғри келди».

Мунаввар қори дастлаб Қрим ва Татаристондаги ўқитувчилар тузган дастур ва адабиётлардан фойдаланади. Аммо бу «... тилдаги адабиётларнинг ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто муаллимларнинг ўзи тил жиҳатидан тушуниши қийин бўлгани учун бу усулни тарк этиб, эски усулларни фойдалик топиб, анга ружуъ этдилар. Бунга сабаб на ўлди? Жумла макотиби исломияға ярагон усули билан савтия Туркистон мактабларина ярамадими?

Ул вақтларда Туркистон мусулмонларининг гумонларича, усули савтия ёлғиз Иброҳим Ҳаққийнинг «Ақоид» ила «Уқу Қуръонни яхшилаб» мисрасини кўб зикр этган тоторча бир «Тажвид» манзумадан иборат ўлуб, ҳамма мактабларда, ҳатто кўчаларда турлук савтлар ила ул икки рисоланинг ўқита бошламишлар эди. Ул рисоалар ўз тилларида ўлмайдигиндан маъносини болалар тугул муаллимларнинг ўзлари ҳам дуруст билмас эдилар... Истанбулдан, Мисрдан, Қозондан ва ҳар тарафдан муқтадир муаллим-

лар келиб, оҳиста-оҳиста ҳар ердан мактаб очмакка, Туркистон муаллимларина усули савтия надан иборат эконин имтиҳонлар воситаси ила билдурмакка бошладилар».

1893 йилдан Туркистоннинг Қўқон, Самарқанд каби шаҳарларида татар муаллимлари, уларнинг шоғирдлари томонидан очилган усули жаҳид мактаблар ривожланмаганига, юқоридаги камчиликлардан ташқари, чор ҳукуматининг йўл бермаслиги сабаб эди. Ёзувчи Мўминжон Мухаммаджонов «Турмуш уринишлари» китобида қуйидаги фактни келтиради: «Олма отада (Верний) ўрус муаллимларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда «Татарлар, қозоқлар билан сарт болалари ўқитулмасун!» Ўқумишли татарларга билим тарқатиб, кўзларини ва фикрларини очадирлар. Сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайди. 2-янги тартиб билан ўқитувчи-муаллимлар, проғромлари, ўқитадургон китоблари кимларнинг асарлари эканлигини инспекторларга ёзиб кўрсатмагунча бола йиғиб ўқита олмайдулар», деб қарор бердилар.

Ана шундай аҳволда 1900 йилгача усули савтия мактаблари бир кўриниб, бир кўринмай фаолият кўрсатди. Ўлка ўқув юртлари бош инспектори, хусусан, Н. Остроумов, В. Наливкин, С. Граменицкий, П. Азначаев каби нозирлар мактаб дастурлари, китобларини синчиклаб текширар эдилар. Туркистон губернатори кавалерия генерал-лейтенанти Самсонов қуйидагича кўрсатма беради:

«1. Бошланғич умумтаълим билими берадиган усули жаҳид мактаблари халқ ўқув юртлари инспекцияси руҳсати билан очилади. 2. Усули жаҳид мактаблари ўқитувчилари уларда таълим олаётган ўқувчиларни ўз қавмларидан тайинлашни назорат қилиб туриш зарур. 3. Мактабларни очганларга шаҳар ва қишлоқ жамоаларига бу мактабларда умумдавлат тили — рус тилини ўқитишни жорий қилиш тавсия этилсин. 4. Бундай мактабларни очишда мактаб очувчи шахс ёки жамоадан мактабда ўқув ишлари олиб бориладиган ўқув курси дастури билан бирга дарсликлар номи тақдим этишни талаб қилиш зарур. 5. Менинг фармойишим эълон қилинган кундан бошлаб барча мавжуд усули жаҳид мактабларида ушбу қоидаларга амал қилиш мажбурийдир».

Мунаввар қори бундай кўрсатмаларга эътибор бермай, усули жаҳид мактаблари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган дарслик ва дастур ишлашга киришди. 1907 йилга келиб «Адиби аввал» дарслигини яратди. Ўзбек тилининг деярли

илк алифболаридан бўлган бу китоб Саидрасул Азизийнинг дарслиги билан олдинма-кейин босилиб чиқди. У тез орада Туркистондаги барча мактаб ўқитувчилари томонидан яхши кутиб олинди ва амалиётга татбиқ қилинди. Архив ҳужжатларига қараганда Мунаввар қорининг бу китоби С. Азизийнинг «Устои аввал» китоби билан баробар рус-тузем мактабларида ҳам ўқитилган. Шу йилларда рус-тузем мактабининг ўқитувчиларидан С. Граменицкийнинг рус ва ўзбек тилларида «Илмнинг манфаати» («О пользе науки»), П. А. Битниковнинг «Салим-ул-аввал» (алифбо) китоблари ҳам нашр этилади. Бироқ Мунаввар қорининг «Адиби аввал» китоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг тожик болалари учун мўлжалланган (1906) «Алифбои мактаби исломия» ва «Салим-ул-аввал» китобларидан ҳар жиҳатдан фарқ қилар эди. Шу боис унинг дарслигидан рус-тузем мактабларида фойдаланиш учун рухсат берилади, П. Битниковнинг асари эса Остроумов, Навиқин ва бошқалар томонидан яроқсиз деб топилади. Бу маълум маънода Мунаввар қорига қанот беради. У 1907 йилнинг охирида иккинчи дарслиги — «Адибус-соний»ни нашр эттиради.

1910—1911 йиллардан бошлаб усули жадид мактабини очган Аъзамхон, Муслимхон (Мунаввар қорининг акалари), Ҳасан қори Хоний, Эшонхўжа Хоний, Низомиддин Ҳусаинов, Рустамбек Юсуфбеков, Саъдулла қори Абдуллаев ва бошқа кўпгина тошкентлик, қўқонлик, наманганлик, фарғоналик домлалар А. Ибодов, А. Шукуров асарлари билан бир қаторда зикр этилган китобни ҳам қўллаш бошладилар. Кўпгина мактабларда Мунаввар қорининг 1—4 синфлар учун тузган дастури жорий қилинган эди. Дастлабки усули жадид мактабларининг 1-синфида «Адиб-ус-соний», «Ҳавойижи диния» ҳисоб (юздан юқори сон ва барча амаллар), 3-синфда Сўфи Оллоёр китоби, ўқиш ва ёзиш, Қуръон (тажвид билан танишиш — С. А.), «Ҳавойижи диния» (II қисм), «Тарихи анбиё», Шапочников ва Вольцов қаламига мансуб «Арифметика», «Насиҳати ат-фол», «Тажвид», 4-синфда Қуръон, «Тарихи анбиё», «Даҳрун-нажот» (Мунаввар қори асари), Р. Фахриддиновнинг «Насиҳат», «Ҳисоб масаласи», араб тили, «Дур-ул-шифоҳия», Абдушукуровнинг «Форс тили» китоблари ўқитилган.

Мактаб ўқув тизимини чуқур ўргана бошлаган Мунаввар қори булар билан чекланмай, дастурни тобора тако-

миллаштириб боради. 1912 йилга келиб, ўқувчиларга хус-
нихат, жуғрофия, ислом тарихи, турк қавмлари тарихи
фанларини ошкора ўқита бошлайди, мактаб остонасига
қоровул қўйиб, ижтимоий соҳалардан сабоқ беради. У ма-
ҳаллий ўқитувчилар орасида биринчи бўлиб «Намуна» мак-
табини ташкил қилади ҳамда рус тилини ўқитиш масала-
сини ҳукумат олдига кўндаланг қўяди. Душманни енгмоқ-
чи бўлсанг, уни ўрган ақидасига амал қилган Мунаввар
қори қуйидаги «Мавиза» битмасини беради:

«Сирдарё вилоят Халқ ўқув юртлари директори жаноб
олийларига

Тошкент шаҳар Шайх Хованди Таҳур даҳа Гарновбоши
мактабининг муаллимидан

Сиз иззатликдан мен бошқараётган мактабда, мусул-
монча таълимдан ташқари, қуйидаги предметлар: ариф-
метика, ўқиш китоби, жуғрофия ва дунё маълумотини
мазкур дастур асосида ўқитмоққа ижозат беришингизни
сўраш шарафига муяссарман.

Ўқитувчи: М. Қ. Абдурашидхонов (1911 й. феврал)».

Ушбу дарсларга рухсат олган Мунаввар қори 1911 йил
10 февралда Сирдарё вилояти 1-туман халқ ўқув юртлари
инспекторига қуйидаги илтимос билан мурожаат этади:

«Сирдарё вилоят халқ ўқув юртларининг туман баланд
эътимодли инспектори жанобларига

Усули жаҳид мактабини сақловчи Мунаввар қори Аб-
дурашидхоновдан

ИЛТИМОС

Руслар билан доимий равишда мулоқотда бўлиш, ай-
ниқса, савдо, маъмурий, темир йўл каби турли жабҳалар-
да фаолият олиб бориш учун маҳаллий аҳоли ҳар хил би-
лимларни эгаллашда қурол бўлган рус тилини билиши ке-
раклигига иқроқ бўляпман. Шу боис сиз баланд эътимод-
лидан хокисорона илтимос қилиш шарафига муяссарман-
ки, токи давлат томонидан қувватланиш имконияти ту-
ғулгунга қадар хусусий мактабимизда ўз харажатим билан
болаларга рус тилини ўқитиш учун рухсат берсангиз. Рус
тили тўртинчи синф болаларига ҳар куни 2 соат, яъни
соат 2 дан соат 4 гача, шанба ва якшанба кунларидан
бошқа ҳамма кунларда ўқитилади. Рус тилини ўқитиш учун

халқ мактаби директори С. М. Граменицкий томонидан тузилган дарсликнинг I ва II қисмлари қўлланма бўлади. Дарсни ўқитувчи С. И. Колконовга бермоқчиман. 1911 йил, 10 феврал».

Улка аҳолисини руслаштириш пайида бўлганлар кўнглига бу илтимос-таклиф мос тушармиди? Бир қарашда, уларга мойдек ёқадиган нарса. Ҳақиқатда-чи?! Бу таклиф уларга мутлақо маъқул келмаганди. Ахир маҳаллий кишилар орасидан чиқадиган кишилар рус тилини чала-чулпа билса, кифоя. Шу боис Туркистон ўлкаси ўқув юрглари бошқармаси қошидаги Попечитиллар комитети ўзининг 1911 йил 6—8 июнда бўлиб ўтган мажлисида Мунаввар қорининг илтимосини рад қилади. Сансалорликни қаранг! 22 февралда тақдим этилган ҳужжатга 6—8 июнда жавоб бериляпти! Баҳона ҳам жўнгина: «Халқ маориф министрлигининг усули жаҳид мактабларини очиш ва тутиш тўғрисидаги маълум кўрсатмаси келмагунча илтимосни рад этишга қарор қилинди».

Халқимизда қайсар ва инжиқ одамлар ҳақида «иссиққа ҳам, совуққа ҳам кўнмайди» деган ибора бор. Чор маъмурлари ҳам ўзларини ушбу вазиятда ана шундай тутдилар, десак муболаға бўлмайди. Лекин Мунаввар қори ҳам ҳужумни сусайтирмади. Ўз мактабида рус тили ўқитилишига эришди. Сирдарё вилоят 1-туман халқ ўқув юрглари инспектори 1914 йил 30 январда ёзган рапортида «Фақат Мунаввар қорида рус тилини ўргатиш учун рухсат бор. Бу рус тили ўқитиладиган ягона мактабдир», — дейди.

Мунаввар қори мактаб маориф ислоҳоти, том маънодаги миллий мактаб яратиш ниятидан сира қайтмади. Мактабда рус тилини ўқитиш масаласини ижобий ҳал қилди, ўқув дастурларини тобора такомиллаштира борди. 1914—1916 йилларга келиб Туркистондаги кўпгина мактаблар Мунаввар қори тузган дастур асосида ишлар эди.

1917 йилда Мунаввар қори Тошкент шаҳар думасига аъзо этиб сайланади. Аммо бир йил олдин у айнан мактаб масаласида шаҳар маъмурлари билан жиққамушт бўлади. Куропаткин ҳузурига болаларни бошлаб бориб, усули жаҳид мактабларига кенг йўл беришини сўрайди. Ёш шоир (Мунаввар қорининг шогирди) Тўғрул (Б. Ҳайдарий) губернатор оstonасида туриб, устозининг ниятини маъқуллаб А. Н. Куропаткин шаънига шеър ўқийди. Бу иш учун Мунаввар қорини ҳибсга оладилар. Аммо кўп ўтмай озод қилинган Мунаввар қори 1917 йил 6 сентябрда шаҳар бошлиғи Н. Г. Маллицкий олдига масалани бошқача кўяди.

Халқ маорифи муваққат шаҳар қўмитаси раиси А. Шмидт Маллицкий номига йўллаган хатида бу ҳақда қуйидаги маълумотни беради:

«Ҳурматли жаноб Николай Гурьевич!

Халқ маорифи муваққат шаҳар қўмитасининг шу йил 30 август қарорига мувофиқ қўйилган масаланинг билим-дони сифатида шу йил 10 сентябрда шаҳар Управасининг Дума мажлислари залида кеч соат 6 да рус-тузем мактаблари ўрнига 6 синфлик миллий мусулмонлар мактабини ташкил этиш масаласига бағишланган мажлисга ташриф этишингизни сўраш шарафига муяссарман. Қўмигада муҳокама қилиш учун доклад қўмита аъзоси Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан тақдим этилган».

Н. Остроумовнинг ушбу воқеаларга оид хотираларига назар ташлайлик: «Ҳозирги пайтда Туркистон мусулмонлари орасидаги ақлий ҳаракат раҳбарлари ўз эътиборларини мактаб масаласига қаратиб тўғри қилмоқдалар. Бу фавқулодда муҳим, принципиал, амалий масала 1917 йил 10 сентябрь кунини Тошкент Думасининг халқ таълим қўмитасида кўрилди: Ушбу қўмита аъзоси Мунаввар қори Рашидов (Туркистонда мактаб масаласи билан амалий шуғулланувчи фаолиятчан раҳбариятнинг йўқлиги туфайли ўлканинг турли шаҳарларида Қримдаги турк-татарларникига ўхшаш усули жадид мактабларини очган. Мунаввар қори уларнинг Туркистондаги ташкилотчиси ва тарқатувчиси-дир. Маҳаллий аҳоли уни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги мактабларнинг ҳақиқий директори деб ҳисоблайди) ўлкада мавжуд бўлган рус-тузем мактабларини «миллий мактаб» номи остида миллий мусулмон мактабига айлантиришни таклиф этди. Мунаввар қори бу мактабларда олти йиллик ўқув дастурини жорий этиш лойиҳасини тақдим қилди. «Усули жадид» мактабларининг 4-синфидан бошлаб рус тилини ўқитиш дастури муҳокама қилинди, аммо лойиҳа мажлис иштирокчилари бўлган қўмита аъзоларида, хусусан мажлисга таклиф қилинган халқ мактаблари директори Граменицкийда эътироз уйғотди.

Ҳозирги пайтда лойиҳаланаётган мактаблар учун дарслик ва ўқитувчилар йўқлиги ҳақидаги изоҳга Мунаввар қори татарча дарсликлар ва Россия Оврупасидан татар ўқитувчиларни чақириш мумкинлигини, фақат уларни яхши мукофот билан тақдирлаш лозимлигини айтди... Бир сўз билан айтганда, Мунаввар қори сартларни татарлаштириш хусусида тўғри воситани кўрсатди. Шу боис бу масалани маҳаллий

аҳоли вакиллари билан келишиб олингач, махсус комиссия эътиборига тақдим этиш лозим. Шундан кейин тезда Тошкент Думаси Мунаввар қори томонидан Тошкентда 17/18-ўқув йилида очилажак «миллий мактаб» учун 37 минг сўмдан ортиқ миқдорда янги кредит очишга рухсат беришга қарор қиладилар...»

Бу воқеадан хурсанд бўлганлар тўғрисида Остроумов шундай ёзади:

«Шу пайтгача Тошкентда кўрилмаган беадабона ва тантанали ҳолат — усули жадид мактабининг ўқитувчиси Мунаввар қорининг шу воқеага айтиб ёзилган мадҳиясини ёдлаган ўқувчилар ва баъзи ҳаваскор катта ёшли кишилар баланд овоз билан куйлаб генерал-губернаторнинг уйдан то Тошкентнинг забт этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ўрнатилган ёдгорлик қўйилган шоҳ кўчагача юриш қилдилар».

Мунаввар қори «миллий мактаб» асосчиси бўлиб қолиш билан бирга чет элга болаларни ўқишга юбориш масаласини ҳам ечишга интилди. Яхшиси, кекса санъаткор Абдурахмон Акбаров хотираларига кўз ташлайлик. У қуйидагича ёзади:

«Тўдадаги жадидларнинг бош раҳбари бўлган Мунаввар қори бир кун тўданинг мажлисига келиб: «Зиёли ёшлардан бир нечасини Германияга юбориб ўқитиш керак», деб узоқ нутқ сўзлади. Шундан кейин тўданинг раҳбарларидан 7—8 киши Орифхўжабойнинг Янги шаҳардаги ҳовлисида шу ҳақда биринчи марта мажлис ўтказдилар. Аммо Тошкент боёнларининг кўпчилиги бўлиши маслаҳати кўрилди, деб иккинчи катгароқ йиғин мажлисини шайх-ховандтахурлик Каттахўжа Хўжаевнинг уйида ўтказишга қарор қилдилар.

... 1916 йил охирлари эди. Орадан 15 кунлар кейин чамасида Каттахўжа Хўжаевнинг уйида иккинчи марта катта йиғин бўлди. Бу мажлисга Тошкентнинг Орифхўжабой, Саидкаримбой, Комилжонбой чойфуруш, Асил оқсоқол, Боқинжонбой ва бошқа бойлари йиғилдилар.

Бу ерга тўпланганларнинг сони 50—60 га етарди. Буни ташкил қилишда кўпроқ ташаббус кўрсатган Мунаввар қори билан Илҳом самоварчи ва Муродхўжа Солихўжа ўғиллари эди. Ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин мажлис очилиб, биринчи бўлиб Мунаввар қори: «Ўзбек зиёли болаларини Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз. Болалар ўқиб, илм таҳсил қилиб келсалар, миллатга катта

хизмат қила оладилар», деган сўзлар билан узоқ нутқ сўзлади. Унинг кетидан Мунаввар қорининг сўзини қувватлаб Саме қори чиқиб сўзлади, охирида саволлар тушди: «Ким, неча кишини юборамиз?» деб. Саме қори «Борадиган кишиларнинг рўйхати бор», деб домла Муродхўжа Солихўжа ўғлидан рўйхатни ўқиб беришни сўради... Германияга ўқиб келиш учун борувчилар шулар экан: 1. Шайх Хованд Тахур даҳасидан ҳам икки киши: биринчиси Баланд масжид, Чақар маҳаллалик Муҳаммаджонов, иккинчиси Яланқари маҳаллалик Аъзам соатсоз ўгли, жами тўрт киши экан.

Мунаввар қори яна ўрnidан туриб: «Жамоат, мана бу ёш ўсмир болаларимизнинг Германияга бориб ўқиб келишлари фақат сиз боёнларимизнинг ёрдами остида вужудга чиқади», — дейиши билан ўтирган бойлардан бири Мунаввар қорининг қўлига анчагина пул берди... Пул тўпланиб, саналиб бўлгандан кейин Мунаввар қори ўрnidан туриб: «Миллатимизнинг келажақдаги бахту саодати учун шундай катта ҳимматларингизга кўпчилик томондан раҳматлар айтаман», деб ташаккур билдирди.

Бундай йиғилишлар кейин ҳам давом этади.

1917 йил 24 сентябрь куни Мунаввар қорининг уйида тошкентлик зиёли ва бойлардан 50—60 киши йиғилади. Мажлисда иштирок этган барча бойлар ва зиёлилар баҳоли қудрат ўртага пул ташлайдилар. Ҳазиначи Муродхўжа домла Солиҳов пулни йиғиб олади. Ушбу воқеа иштирокчиси Шокиржон Раҳимий айтишича, Мунаввар қори бу билангина кифояланмай, «Нашри маориф» уюшмаси томонидан ҳам талабаларга ёрдам кўрсатади. Ҳокимият тепасига шўролар келган пайтда эса бевосита Мунаввар қори иштирокида «Кўмак» уюшмаси тузилади. Аммо уюшманинг маблағи талабаларига тўлаш учун етмас эди. Шу сабабли ҳар бир ўқувчи бир министрликка бириктирилади.

Хуллас, мустамлакачилар қандай ҳунар кўрсатмасинлар, адиб ва мураббий маҳаллий бойларнинг бошини қовуштириб, маърифатга хизмат қилдира олди. Шунинг учун ҳам у бир неча бор ҳибсга олиниб, сўнг қўйиб юборилган.

2

Адиб илмий-педагогик ишлар билангина чекланмайди. Ўзига ўхшаш очиқ ниятли, тиниқ фикрли ёшлар — Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда

1909 йилда тошкентлик Орифхўжабой Ҳожинов раислигида «Жамияти хайрия» очади. Бироқ бу жамият иқтисодий жиҳатдан «бир неча ағниёлар»нинг иона ва ёрдамига суянгани учун эркин иш олиб бора олмайди. Лекин раис ўринбосари бўлган Мунаввар қорининг тиниб-тинчимаслиги туфайли жамият тараққийпарвар ёшлар қўлига ўтади. Бу ҳақда у қуйидагича ёзади: «Ёшларнинг совуққонлик ва сабрлиликлари бу сана яхши натижалар берди. Бойларнинг ўзлари иттифоқ қилиб ўз ораларидан фақат бир кишини раис ва бир машварат аъзоси вериб, бошқа аъзоларнинг барчасини ёшлардан сайлатдилар...»

Мунаввар қори мактаб ислоҳоти, янги типдаги ўрта ва олий ўқув юртини ташкил этишнинг барча масалалари билан жиддий шуғулланади. Ҳокимият тепасига келган бир ҳовуч шовинистлар маориф-маданият ривожини асосан ўз халқлари хизматига қўядилар. Ана шундай тадбирлардан бири — Туркистон ҳарбий штаби қошида Шарқ факультетини ташкил этиш, сўнг уни Халқ дорилфунунига айлантириб, консерватория очиш бўлди. Татар ва ўзбек зиёлилари бирлашиб, Халқ дорилфунуни очиш учун музокара ўтказдилар. Музокарада «Турон», «Муаллимлар жамияти», «Гулистон» ва бошқа жамиятлар йиғилишиб бу масала кўриб чиқилади. 9 апрелда «Мунаввар қори Абдурашидхон ҳовлисида, — деб хабар беради «Улуғ Туркистон» газетаси 1918 йил 11 апрел сониди, — мусулмон ташкилотларининг умумий ижтимоъи (йиғилиш) бўлди. Ижтимоъ Тошкентда очилажак Халқ дорилфунунига мусулмон шўъбаси очув ҳаққинда эди». Мажлис ўртага қўйилган масалани тўғри топиб, қарор қабул қилади. Бу ишни бевосита амалга ошириш учун комиссия тузилади. Ташкилотлар комиссиясининг раиси этиб Мунаввар қори Абдурашидхон сайланади. Содиқ Абдусатторов, Бурҳон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Фани Абдурашидов, Муродхўжа домла (Солиҳов) аъзоликка ўтадилар. Комиссия Туркистон ўлка маориф шўроси Ижроия қўмитасига икки вакил юбориб, олдин ибтидоий, кейин ўрта, сўнг олий қисмларни очиш ҳақидаги қарорни юборади.

Шу йил 10 апрелда ўтказилган йиғилишда Тошкентда Халқ дорилфунунининг бошланғич даражасини очиш ва бошқа олти масала кўриб чиқилади. Дорилфунунининг ибтидоий даражасини очмоқ учун олти кишидан иборат секция ташкил қилиниб, унга Бурҳон Ҳабиб, Абдусаме қори (Зиябоев), Салимхон Тиллахонов, Шоқиржон Раҳимий,

Абдуваҳоб Муродий, Рустамбек Юсуфбеков, саркотибликка эса Содиқ Абдусатторов ва Исо Тўхтабоев сайланадилар.

«Улуғ Туркистон» газетасининг хабарига қараганда, дорилфунун учун дастур тайёрлаш Мунаввар қори, Муродхўжа домла, Бурҳон Ҳабибга топширилади.

3 майда ўтказилган йиғилишда 20 овоз билан Мунаввар қори комиссия раислигига, 21 овоз билан Исо Тўхтабоев (биринчи муовин), 18 овоз билан Бурҳон Ҳабиб иккинчи муовинликка сайланади. Комиссиянинг таъсис куни 9 апрель бўлиб қолди.

Ушбу каби қатор йиғилишлардан кейин 12 майда Викула Морозовга қарашли бинода Халқ дорилфунунининг ўзбек шўъбаси очилади. Очиш мажлисининг Президиум раиси этиб А. Попов, биринчи ўринбосар Мунаввар қори, иккинчи муовин қилиб Москвадан келган фавқулодда комиссар Юсуф Иброҳимов, саркотибликка Мухтор Бакир, Бурҳон Ҳабиб, (русча саркотибликка) Аҳмадвали Янгибоев ва Исо Тўхтабоевлар сайланадилар.

Тантанали мажлисни **Мусулмон Халқ дорилфунуни шўросининг раиси Мунаввар қори** очиқ деб эълон қилади (бизнинг таъкид — С. А.). У «Халқимизнинг илмга эҳтиёжини, дорилфунуннинг мақсадини ҳам бу неъматларнинг хуррият қаҳрамонлари соясида вужудга келгани»ни таъкидлаб, хуррият учун шаҳид бўлганлар руҳига оят ўқиб бахшида қилади. Дорилфунун мактабларига муаллимларни имтиҳон қилиш Мунаввар қори билан Бурҳон Ҳабибга топширилади.

Ўрни келганда икки лавозим ҳақида тўхталмоқ жоиз. Биринчиси — Ташкилотлар комиссиясининг раиси, иккинчиси — Мусулмон Халқ дорилфунуни шўросининг раиси. Мунаввар қори дорилфунунни ташкил этиш пайтида турли жамоат ташкилотларининг бошини қовуштиргани учун раис этиб сайланган бўлса, иккинчисига эса бевосита овозга қўйиш йўли билан сайланган. Яна «мудирлик» лавозими ҳам бор эди. Халқ дорилфунуни мудирлиги бу илмий ва ўқув жараёнини бошқарувчи лавозим бўлиб, унга Америкада ўқиб келган, таниқли татар педагоги, ўзбек зиёлларининг дўсти 1-татар мактабининг директори Бурҳон Ҳабиб тайинланган эди.

Мунаввар қори комиссия ишлари, дастур тайёрлашдан ташқари, бевосита муаллимлар тайёрловчи курс очиш билан ҳам шуғулланади ва 31 майда ўқитувчилар семинарияси биносида «Дорилмуаллимин» номи билан 8 ойлик курс очилади.

Мунаввар қорининг мактаб соҳасидаги хатти-ҳаракатлари ушбу ҳодиса билан якун топгани йўқ. У мактаб ва дорилфунун дастурларини тузди, дарсликлар ёзди. Унинг Шорасул Зуннун, Қажом Рамазон билан ҳамкорликда ёзган тўрт қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиғи» китоби ўзбек тили грамматикасининг асоси ҳисобланади, десак, сира муболаға бўлмайди.

3

Нотиқ, педагог, қомусий билим эгаси Мунаввар қори фаолиятини фақат миллий мактаб яратиш борасидаги ишлар билан чеклаш унинг фаолиятига юзаки қараш бўлур эди.

Мунаввар қори ёшларнинг халқ орасидаги ижтимоий силжишларга сабаб бўлган ишларни бажариб, обрў топаётганидан фахрланади. Чунончи, у «Тошкентда мусулмон жамияти» мақоласида шундай деб ёзади: «Тошкент жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир «жамият» деган сўзни эшитмаган Тошкент мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яҳудий ва арманлар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошкент мусулмонларининг хийли руҳлари кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамоқларига сабаб ўлди».

Эл мураббийси ҳамфиқрлари билан жамият ишларига халқ меҳрини уйғотгач, унинг тараққиётига халақит берган нуқталарни, зарарли урф-одатларни рўй-рост очиб ташлади. У Туркистон халқининг асирлик ва залилликка учраш ташхисини аниқ қўйиб, жамият ҳар бир қатламининг сажияси (характери)ни очади. «... бу замонда юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар тарафида раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизни ўз нафсларини риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди, — деб ёзади Мунаввар қори 1906 йилда босилган «Никоҳ тўғрисида» мақоласида. — Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва беҳаққоният кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди.

Миллат нима ва шарият нима билмадилар (таъкид бизники — С. А.) Шунинг учун миллат девори(нинг) раҳналари тобора зиёда бўлди».

Адиб инқироз сабабларини таҳқиқ қилар экан, ўзи мансуб дин аҳллари фаолиятини ҳам кескин қоралайди. Хусусан, у имомлар ҳақида: «Имомларимизни(нг) вазифалари қавмларига ваъз ва насиҳат бирла аҳком шариатни билдириб, ғайри машруъ ишлардан қайтармоқ бўлган ҳолда ўз вазифаларини адо қилмоққа тўй ва маърака ахтармоқдан қўллари бўшамас. Агар қавмларини олдига тушиб, тўй ва маъракага юрмасалар, ўшал куни имоматдан маъзул бўлур эмишлар. Чунки авомуннос эътиқодида имомлик қавмни олдига тушиб, тўй ва маърака ахтармоқдан иборатдир ва аъёни қавмга хушомад қилиб, гирдин экмакдан киноятдир», — деб ёзади.

Чор ҳукуматининг бу инқирозни бадтарроқ чуқурлаштиришга интилиб, масжид ва мадраса, қозихона, сайлаш ишларига, вақфларига ўзларича аралашиб, хўжайинлик қилиб, қозиларни «народный судья» атаб, ишни ўз қўлларига олиб, ўз хоҳишларига солишганини оммага таҳлил қилиб беради.

Ўзбек миллий матбуотининг пайдо бўлишини ҳам Мунаввар қори фаолиятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Иван Гейер ноширлигида илк бор ўзбек тилида чоп этилган «Ўрта Азиянинг умргузаронлиги», «Тараққий», И. Обидийнинг «Тараққий» газетасининг чиқишида ҳам Мунаввар қорининг хизмати катта. У таҳририятда ишлагани ҳақида айрим хужжатларда ишора бор. Гейер ва Исмоил Обидийнинг газеталари ёпилгач, Мунаввар қори 1906 йилда ўз газети «Хуршид»ни ташкил этади. Сабаби, Мунаввар қори матбуот тимсолида халқнинг онгини очувчи калит ва уни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўстириб, миллат сифатида шакллантирувчи омилни кўрди. У тушуниш даражасида рус, араб, форс ҳамда усмонли тилларини яхши билгани учун Боғчасарой, Қозон, Оренбург, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондан келувчи «Таржумон», «Вақт», «Шўро», «Юлдуз», «Сироти мустақим», «Хаблул матн» ва бошқа муваққат матбуот нусхаларини олиб турар, Жамоллидин Афғоний, Муҳаммад Абдо, Фарид Важдий, Муҳаммад Иқбол, Ризоиддин Фахридинов, Абдурашид Иброҳимов, Фотиҳ Каримий, М. Кўпрулузода, Тавфиқ Фикрат, Абдулҳақ Ҳомид каби шарқ зиёлиларининг илғор фикрлари билан танишиш уни ижтимоий ҳаётга янгича назар ташлашга мажбур этарди. Русия матбуотидаги турли фирқаларнинг ўзаро баҳслари ва уларнинг дастурларини кузатиш, хусусан чор ҳукуматининг махфий ташкилоти — охранка билан бўладиган олишувлар, кўпгина ўзбек бойла-

рининг хорижий давлатлар билан олиб бораётган савдосотиқ ҳамда банк муносабатлари, мустамлакачи ҳукуматининг Туркистонни арзон хомашё омборига айлантириш сиёсати, маҳаллий аҳолининг маданий-маърифий, иқтисодий таназзули сабабларини тадқиқ этиш, Россия орқали Фарбдан кириб келаётган савдо-саноат инқилоби сирлари, Афғонистон ва Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилаётган курашлар жараёнларини ўрганиш Мунаввар қорини дунёга ва ўлка аҳолини сокин кузатувчиликдан қизғин фаолиятга ундади, унда аввал маърифатпарварлик, тараққийпарварлик, жамоатчилик, кейин истиқлолчилик салоҳиятини шакллантирди. Унинг ўзи: «Мен 1904 йилдан ижтимоий ҳаракатга аралаша бошладим», — дейди.

1905, 1909, 1911 йилларда Россия, Эрон, Туркияда содир бўлган инқилобий ҳаракатлар Мунаввар қорининг ижтимоий-сиёсий қарашларини янада чархлади. Мустамлака ҳукуматининг, хусусан, Николай II нинг маълум ва машҳур Октябрь манифестидан кейин Туркистон халқи ҳам бир оз бўлса-да, сиёсий эркинликка эришди.

Аввалига Гейер, кейин Исмоил Габитов томонидан нашр этилган «Ўрта Азиянинг умргузаронлиги», «Тараққий» газеталари Мунаввар қорига ўз диди ва талабидаги миллий газеталар охранка таъбири билан айтганда, ниҳоятда сўл йўналишдаги «Хуршид» ва «Шуҳрат» газеталарини чиқаришга қувват берди. Фансурулло Худоёрхонов иқтисодий жиҳатдан қўллаган ва ўзи ҳам асосий мухбирларидан бири бўлган «Хуршид» газетаси, табиийки, марказга нисбатан анча мустабид бўлган Туркистон хўжайинларига маъқул келмаган эди. Аммо Мунаввар қори қўл қовуштириб турмади. Атрофига А. Авлоний, М. Пошшахўжаев, Н. Ҳусаинов, Н. Хўжаев, Тўлаган домла каби жонкуярларни тўплади. Оврупо маданияти ютуқларини, саноатини эгаллашга интилган ака-ука Комил ва Карим Норбековлар, С. Турсунхўжаев каби кишиларни уюштирди. Ана шу аснода унинг ташкилотчилик, мафкурачилик фаолияти кўзга ташлана борди. Туркистон охранкаси унинг ордидан махсус киши қўйишга мажбур бўлади. Бироқ бундай ҳаракат Мунаввар қорини бошлаган ишидан қайтара олмайди.

1909 йилда у ташкилотчиликка тенг ҳуқуқли бўлган фикрдошлари билан бирга «Хайрия» жамиятини ташкил этади. Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунос дўстлари билан бир қаторда жамиятнинг 41

моддадан иборат низомини ишлаб чиқади. Раис ўринбосари сифатида жамиятни консерватив қарашдаги бойлар таъсиридан қутқариб, тараққийпарвар ёшлар хизматига ўтказди. Матбуот ва жамият орқали мактаб ўқитувчилари ёрдамида ўзликни таниш ва танитиш учун олиб бораётган ташвиқотлар ўлка хўжайинларининг қулоғига бориб етади. Ўлканинг Бош начальниги Гродековнинг шахсан ўзи Мунаввар қори фаолияти билан қизиқиб қолади. 1908 йил бошларига оид бир ҳужжат ҳошиясига «Сирдарё Ҳарбий губернаторидан Мунаввар қори ҳақидаги материалларни тўплаш сўралсин», деб резолюция қўяди. Ушбу воқеадан сўнг миссионер Н. П. Остроумов тавсияси билан «Фавкуллода махфий хизмат низом ва қоидалари»га мувофиқ материаллар тўпланади. А. Авлоний муҳаррир бўлган «Шуҳрат» газетасига Мунаввар қори зимдан раҳбарлик қилаётгани, унинг Госпитальная кўчасида жойлашган уйида тинчгина иш олиб бораётгани маълум бўлади. Бунинг устига, Мунаввар қори шаҳар аҳолиси номидан 1910 йил 12—15 ноябрда Давлат Думасига мактабларда ўқиш ва ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш ҳақида «Илтимоснома» ёзгани маълум бўлиб қолади. Шу боис Мунаввар қорини ўлкадан сургун қилиш учун баҳона ахтарадилар. Аммо сабаб йўқ эди. Мунаввар қори ижтимоий ҳаракатнинг бошланғич синфи бўлган «гап»лар ва «издиҳом»ларда олиб бораётган ташвиқотлар ашёвий далиллар йўқлиги учун баҳона бўла олмасди. Умуман олганда, бу биринчи воқеа эмасди. Инсон тақдирини синдиришга моҳир бўлган мустамлака маъмурияти унга икки-уч йил аввал ҳам худди шундай ҳужум уюштирган эди.

Воқеа қуйидагича: Туркистон бойларининг кўрқоқлиги, саводсизлиги ҳамда уларнинг бир овоздан розилиги билан Петроградда 1907 йил июнь ойида бўлиб ўтган Иккинчи Давлат Думасига Тошкент шаҳар Шайх Хованд Таҳур даҳасидаги Мирза Абдуллабой масжидининг имоми, ўз билимдонлиги билан аҳоли ўртасида шуҳрат қозонган, Тошкент шаҳар гласнийси Абдувоҳидқори Абдурауфқориев юборилганди.

Бу улуғ инсон Давлат Думаси мусулмон фракциясига Туркистон халқи номидан ўлка маъмурий ва сиёсий идорасини ислоҳ қилиш ҳақида бир дастур топширган. У ердан келгач, Садри Мақсудий, Абдурашид қози Иброҳимов ва бошқаларнинг таъсирида «Хитобнома» ёзгани оҳранкага маълум бўлиб ва орадан икки йилча вақт ўтса-да,

уйи тинтув қилиниб, ўзи Тулага сургун қилинади. Унинг уйидан топилган хатлардан бирининг муаллифи эски мактабдор домлалардан Алоуддин махзум Ёқубхўжаевга мансуб деб тахмин қилиниб, сўроққа чақирилади. Бу кишининг айбсиз эканлигини яхши билган махфий хизмат ходимлари айбни Мунаввар қорига тўнкашга уринадилар. Улар Алоуддин махзумдан қуйидагича кўрсатма олишга уринадилар: «Менга кўрсатилган қўлэзмадаги гапларни, — дейди Ёқубхўжаев, — усули савтия асосчилари Мунаввар қори ва Самиф қори ёзиши мумкин». 1909 йил 8 март куни Мунаввар қори полиция департаментига чақирилиб, сўроқ қилинади. Бироқ тафтиш мобайнида Мунаввар қорини айблаш ва сургун қилиш учун баҳона топилмайди. Сўроқда қўлланилган дўқ-пўписалар иккинчи айбланувчи — домла Мўминхўжаевга таъсирини кўрсатади. Ниҳоятда билимдон, саводли бўлган бу киши вазиятдан қутулиб кетолмайди. Жандармлар алоҳида корпусининг штабс ротмистри Лалетин Мўминхўжаев оғзидан қуйидаги гапларни юлиб олади: «Ҳақиқатда ҳам маҳаллий аҳоли ҳурмат қиладиган ва сўзини инобатга оладиган шахслар бор. Масалан, Мунаввар қори ва Тўлаган домла. Булар отасига билдирмай, Самиф қорини Қозонга юборишди. Самиф қори Мунаввар қори ва Тўлаган домла билан ҳамфикр бўлиб, давлатга қарши ташвиқотлар билан шуғулланишмоқда. Муҳаммадраҳим Нуриддинхўжаевнинг боғида ўтган суҳбатда Фансуруллобек Мунаввар қорига... газетадаги давлатга қарши фикрлари учун сургун қилиниши мумкинлигини айтганда, Мунаввар қори унга эътироз билдириб, мени сургун қилишларига ачинмайман, халқни матбуотсиз қолдирганлари учун ачинаман, деди. Булардан бошқа яна уюшган 12 маҳаллий кишилар бор. Уларга Мунаввар қори раислик қилади. Мунаввар қори раислигидаги бу кишилар Истанбул, Оренбург ва Эрондаги турли газеталарни обуна йўли билан оладилар». Лалетин қўлга киритган бу маълумот биз учун муҳим факт, аммо ўша пайтда ашъвий далил бўлмагани учун жаноб Лалетин Мунаввар қорини қамоққа ололмаган.

Эл кўзини очишда матбуотни буюк омил деб билган Мунаввар қори унинг воситасида миллатни уйғотиш билан кифояланмай, халқни жипслаштиришга, унинг миллий эътиқодини юксалтиришга ҳам ҳаракат қилади. «Хуршид» газетаси ана шу интилишлар натижаси ўлароқ дунёга келади. Бу газета ижтимоий руҳи ва йўналиши билан чор ҳукумати маъмуриятини анчагина талвасага солади. Шу

боис тезда ёпиб қўйилади. Охранканинг Мунаввар қори ёзган ҳар бир китоб, ваъз, мақолани таҳлил этиб боришдан ўзга чораси қолмайди.

Николай Остроумов 1908 йилнинг февраль ойида Туркистон генерал-губернаторига махфий хат йўллаб, «Шухрат» газетасига чаласавод мулла Абдулла Авлоний муҳаррирлик қилади; унда собиқ «Хуршид» газетасининг ношири чаласавод олим Мунаввархон Абдурашидхонов ходим бўлиб ишлайди. Уларга рус, ҳатто француз тилини биладиган номаълум татар ёрдам беради», деб чақимчилик қилади. Қарангки, у «чаласавод» деб, Мунаввар қорини ерга урмоқчи бўлса-да, унинг олимлигини тан олган. У яна «Мунаввархон ўз услубида туркча, татарча ифода ва сўзларни қўллайди, хусусан, туркча «афанди» иборасини ишлатади... «Шухрат» газетасини ёпиш керак», дея маслаҳат ҳам беради.

Остроумов ўзбек муҳаррирларининг фаолиятини камситиб, уларнинг раҳнамосини «номаълум татар кишиси» деса, охранка «бу одам — Аҳмаджон Бектемиров» деб маълумотга аниқлик киритади. Кейинчалик Шўро ҳукуматига астойдил хизмат қилган, лекин барибир қатағонга учраган Қосим Солиҳов (Зиё Саид) бу жаҳид намояндаси асли татар Рашид қози Иброҳимов бўлганини айтган. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Абдурашид қози Иброҳимов татар эмас, балки бухоролик ўзбек Умар афанди ва бошқирд қизи Афифа хонимнинг ўғлидир. У кейинчалик Японияда исломни тарғиб қилиб, «Чин Чубин» газетасини нашр этган, хизматларини бутун ислом олами тан олган ватандошимиздир. Мунаввар қори бевосита шу зот билан хат ёзишиб турган ва ўз газетасида Японияда исломни тарқатиш борасида қилаётган ишлари ҳақида хабар берган.

• Охранканинг баъзи ҳужжатларида, Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуот тарихига материаллар» китобида, Абдулла Авлонийнинг таржимаи ҳолида ва шунингдек, «Шухрат» газетасининг ўзида ҳам муҳаррир сифатида Абдулла Авлоний тилга олинган. Аммо охранка бу газетага асосан Мунаввар қори ноширлик қилганини уқтиради. Бинобарин, газетанинг гоаявий йўналишида Мунаввар қорининг ўрни ва таъсири етакчи ўрин тутган, десак, хато бўлмайди.

«Хуршид», «Шухрат», «Осиё» ва бошқа газеталар ёпилсада, Мунаввар қори матбуот соҳасидаги фаолиятини асло сусайтирмайди. У маслақдоши Убайдулла Хўжаев билан

бирга «Садойи Туркистон» газетасини ташкил этади. Убайдулла Хўжаев рус тилида беназир бўлса-да, ўзбекчаси бир оз сушт эди. Шу боис асосий иш Мунаввар қорининг зиммасига тушган. Бу газета халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий дунёқарашини юксалтиришга, эстетик дидини ўстиришга, замонавий ўзбек адабий тили ва матбуот нутқининг шаклланишига катта ҳисса қўшган, халқимизни янги давр, янги адабиёт эстетикаси билан ошно этган.

У 1914—1915 йилларда «Садойи Туркистон» газетасида дўстлари Убайдулла Хўжаев (ношир ва бош муҳаррир), Абдулла Авлоний (муҳаррир), Тўлаган Хўжамёров — Тавалло (муҳаррир), Абдулҳамид Сулаймон — Чўлпон (аввал курьер, кейин Андижон бўйича мухбир), Абдурауф Музаффарзода (сайёр мухбир), Мирмуҳсин Шермухамедов (мухбир), Шокиржон Раҳимий (мухбир), Нўширавон Ёвушев (сайёр мухбир) билан бирга газетанинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий жиҳатдан юксак чўққига олиб чиқди. Мазкур газетанинг маданиятимиз тарихидаги ўрни ва роли ҳали ўз баҳосини олгани йўқ, қадрини ҳам топмади. Номлари зикр этилган шахсларнинг самимий ёрдами билан Чўлпондек шоир, Мирмуҳсиндек муҳаррир-публицист, Мирмулладек театр танқидчиси ана шу газетада бўй кўрсатди, вояга етди, элнинг сеvimли адибига айланди. Шу газета таъсири остида Хоиб тахаллуси билан шеърлар ёзиб юрган қаламкаш Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршид драматург ва катта шоир бўлиб етишди, Лутфулла Олимий, Мўминжон Муҳаммаджонов, Ҳамза, Холид Саид, Фузаил Жонбоев (миллати қозоқ) каби адиб ва журналистлар камолга етдилар, тижоратчи Саидносир Миржалилов публицист сифатида қалам тебратди. Беҳбудий элни юксакликка чорлади. Камий, Мискин каби мумтоз шоирлар ўзларига майдон топдилар. Шу газета Туркистон аҳлини қолоқлик ботқоғидан қутқариб, тараққиёт ва фароғат боғчасига олиб ўтишга астойдил хизмат қилди. Мунаввар қорининг ўзи ҳам турли мавзуларда мақолалар ёзарди. Унинг мақолалари асосан мактаб ва жамиятлар фаолиятига бағишланган эди. У мактабларни такомиллаштириш, имтиҳонлар ўтказиш ҳақида ёзар экан: «... бутун дунёдаги маданий миллатларнинг бу қайғу ва ҳасратларина иштирок этмаган ва бу шодлик масарратларидан баҳра олмаган бир қавм ва бир миллат вор эса, ул ҳам Туркистон туркларидирмиз», — деди.

Мунаввар қори газетада ишлаш билан чекланмайди. У 1915 йил март ойидан бошлаб Тошкентда нашр этила

бошлаган «Ал-ислоҳ» журнаliga асос солади, айрим сабабларга кўра, журналнинг расмий ҳужжатларини фақат Абдурахмон Сайёҳ Содиқов номига расмийлаштиради. Бир қарашда фақат шаръий саволларга жавоб беришга мўлжаллангандек туюладиган бу диний журнал ҳадис ва оятлар воситасида истиқлол ғояларини тарғиб этган. Охранканинг Мамедов, Мустафин, Киясбеков, Илькин каби таржимонлари, Остроумов сингари маслаҳатчилари журналнинг ҳар бир мақоласини синчиклаб ўқиб, охранка бошлиғи Волковга таъкиднома ва баённомалар ёзиб турганлар. Охранка тегишли жумла, ҳадису оятлар остига қизил қалам билан чизиқ тортган, «Ҳой, сарт, нима қилипсан?!» деб айюҳаннос солган. Масалан, журналнинг 1915 йил 4-сонида босилган «Банклар хусусидаги саволга жавоб» номли мақола сабаб ана шундай тўполон кўтарилган. Себзор даҳасининг қозиси, шоир Фафур Фуломнинг устози Мулла Саид Аҳрорхон махзум Абдуллаевнинг мазкур мақоласи Туркистон генерал-губернаторлиги, охранка ходимлари ва айниқса, «Россия—Осиё банки» хўжайинларининг ўтакасини ёрган. Чунки мақолада банкка қўйилган омонатдан тушадиган даромад судхўрлик сифатида баҳоланиб, судхўрлик ҳаром бўлгани каби, фоизи ҳам ҳаромдир, деган хулоса чиқарилган эди. Бунини ўқиган муслмон бойлар банкдан пулларини қайтариб олгани туфайли «Россия—Осиё банки»нинг синишига оз қолган, ҳукумат ҳам мўмай даромаддан айрилган.

Чор маъмурияти журнални дарҳол тўхтатмоқчи бўлган, аммо Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг усталик билан ёзган жавобидан сўнг журнал жазодан омон қолган. Мазкур жавоб журналда цензура номидан босилган. Аммо Мунаввар қори ва Абдурахмон Сайёҳнинг «фаросатинг етса, уқиб ол» қабилдаги кесатиғини на охранка, на унинг таржимонлари тушунган.

Охранка Мунаввар қорини маҳкамага чақириб, тушунтириш хати ёздириб олган.

Ўзбек зиёлиларини ёппасига таъқиб этиш ва жазолаш эвазига мансабу унвони ошган полковник Волков бошлиқларига Мунаввар қорини сиёсий жиҳатдан шубҳали шахс сифатида Туркистон ўлкасидан сургун қилишни таклиф этган, аммо Туркистон генерал-губернатори Мунаввар қорининг халқаро обрўсидан, маҳаллий бойлар орасидаги нуфузидан ҳайиқиб, бу таклифни маъқулламаган.

Волковнинг Мунаввар қорининг оёғига болта урмоқчи бўлгани сабаби шундаки, буюк маърифатпарвар юртдоши-

миз ўзбек зиёли ва бойларнинг бошини қовуштириб, миллатимиз, динимиз шаънига қаратилган хўрлашларни кескин қоралар, ҳатто ҳукуматдан бундай ёвуз ишларни амалга оширувчиларни қонуний жазога тортишни талаб ҳам қилар эди. Масалан, 1914 йил март ойида «Туркестанский курьер» газетасида Куръони каримни таҳқирловчи бир шеър босилади. Мунаввар қори ҳуқуқшунос дўстлари билан келишиб, газета муҳаррири бўлмиш Кирснер деган кимсани судга беради. Бироқ, Тошкент округ суди прокурор талабномаси билан танишиб чиқиб, уни оқибатсиз қолдиради. Шундан сўнг Мунаввар қори чор маъмурияти 1865 йилдаги Тошкент шартномасига кўра зиммасига олган ваъдасини бажармаётганини халқ ўртасида ошкор айтиб, уни обрўсизлантиради. Аниқроғи, у мустамлакачиларнинг маккорлигини фош этади. Бу ҳол, табиийки, Волковга хуш келмас эди. Шу боис у Мунаввар қорини сургун қилиб, танобини тортиб қўйиш пайига тушади. «Ал-Ислоҳ»да босилган мақола унга яхши баҳона бўлган эди. Аммо Волков ишни янада чигаллаштириш учун охранканинг махсус топшириқлар бўйича ходими Михаил Нарискинни ишга солади. У оқ подшонинг 1881 йил 14 августда қабул қилинган «Давлат тартиби ва тинчлигини сақлаш чоралари тўғрисида» деб номланган низомига мувофиқ Мунаввар қори Абдурашидхоновни сўроқ қилади. Туркистон забт этилганига ярим асрдан ошган бўлса-да, ўлкада ҳали ҳам ҳарбий ҳолат бекор қилинмаган эди. Нарискин ҳарчанд уринмасин, саволларига кўнгилдагидек жавоб ололмайди. Мунаввар қори «Ал-ислоҳ»да баён қилинган фикрларга қўшилмаслигини айтар экан, Куръони каримда «судхўрлик қилманглар» деган оят бор, деб зимдан барибир мақолада айтилган фикрни маъқуллайди. Волков ҳам, Нарискин ҳам жавобдан қониқмагач, Мунаввар қоридан қуйидагича тилхат ёздириб олишади: «1916 йил 23 апрель. Туркистон туман махфий бўлимида ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернаторининг амрига мувофиқ менга маълум қилинди: «Ал-ислоҳ» журналинини нашр этишда иштирок этиб, унинг саҳифаларида Россия империясининг манфаатларига зид, хусусан, «Банклар хусусидаги саволга жавоб» га ўхшаш мақолаларни жойлаштираман, мен Туркистон ўлкасидан сургун қилинадурман. Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли».

Мунаввар қори бу билан кифояланмайди. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин «Туркистон вилоятининг газети»-

ни Остроумов чангалидан тортиб олади. Бу ҳақда Николай Петровичнинг ўзи шундай ёзади: «34 йил мобайнида сартларнинг русларга яқинлаштириш ва миллий ўзига хослигини сақлаш, айниқса, татарлар таъсиридан сақлаш умдасига амал қилиб келган «вилоят газетаси» инқилобий режим эълон қилинган, тилга олинган Мунаввар қори қўлига ўтиб кетди».

Мунаввар қори «Туркистон вилоятининг газети»ни «Нажот» деб ўзгартирди. Агар газетани масъул муҳаррир сифатида бошқариб, халқнинг эътиборини ижтимоий хорижий воқеаларга қаратган бўлса, кейинчалик шу газета заминиде ташкил этилган ва Туркистон мухториятини тайёрлашда муҳим вазифани бажарган «Кенгаш» газетасида Заки Валидий билан олдинма-кейин муҳаррирлик қилди.

4

Мунаввар қори — «Турон» жамияти ҳамда «Турон» (қисқа муддат «Туркистон» деб ҳам аталган) труппасининг ташкилотчиларидан. Бу жамият ва труппа расман 1914 йилда ҳукумат рўйхатидан ўтиб, тасдиқланган бўлса-да, аслида ўз фаолиятини 1913 йилда бошлаган эди.

1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатади. Труппанинг ташкилий ва тарғибот ишларига Мунаввар қори фаол аралашади. Хусусан, кўрсатилган томоша ҳақида маълумот беради: «... шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир маротаба испектакл кўйиб, олти юз сўмга яқин фойда қилди, бунинг устига ушбу августнинг 8 кунини рамазон муносабатила, Шайх Хованд Таҳур боғида биринчи маротаба «Томоша кечаси» ясалди, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди: сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин...» Мунаввар қори ва дўстларининг шу тариқа «ҳеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига кулоқ солмай қилган сайъ ва ҳаракатлари» жамиятга ҳам, халққа ҳам «маънавий жиҳатдан ҳам кўп фойдалар келтирди».

Ана шу маънавий фойда туфайли ёш тараққийпарварлар, жумладан, буюк инсон Мунаввар қори Мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти «Турон»ни чор ҳукуматига расмий тан олдиришга эришдилар. Ҳукумат труппа низоми билан танишиб чиққач, рухсат беришга мажбур бўлди. «Турон» труппаси ва жамиятининг мақсади низомида (уставда) қуйидаги тартибда баён қилинган:

«А) Халқ орасида жиддий ва саҳна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш.

Б) Халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрса-тиш.

В) Туркистон ўлкаси ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш».

Ана шу масалалар кўтарилгани учун ҳам адиб театр санъатига муҳаббат билан қаради ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олди.

1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида илк ўзбек асарларини саҳналаштирган татар режиссёри Заки Боязидский-Валеевнинг сўзи билан айтганда, «миллий драматургия, миллий тил, миллий артистлар билан тайёрланган» ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий равишда очилди. Мавсумни расмий очиш Мунаввар қори Абдурашидхоновга топширилган эди. У мазкур тантанали маросимда шундай деган эди: «Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмагонлиғи барчангизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз театрға эҳтимолки ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки театрнинг маъноси «ибратхона» ёки «улуғлар мактаби» деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг хусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур» (таъкид бизники — С. А.).

Мунаввар қори «театр саҳнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига кирган зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолидадир», деб артист ва режиссёрлар фаолиятига юксак баҳо беради. Ёшлиқдан ислом дини қонун ва кўрсатмалари билан озиқланган, ундан руҳланган кишининг театр санъатига бундай катта баҳо бериши улкан воқеадир. Зеро, ўша йилларда театр санъатига йўл очгани учун халқимизнинг сеvimли фарзанди Маҳмудхўжа Беҳбудий домла Васлий ва бошқалар томонидан таъна ва дашномларга учраган эди. Шунга қарамай, Мунаввар қори Беҳбудийни қўллаб-қувватлади, унинг асари Тошкентда кўрсатилишида жонбозлик кўрсатди. Бу унинг дунёқараши ниҳоятда кенглигидан, билими салмоқдорлигидан, тафаккури теранлигидан далолатдир.

Улуғ адиб бундай фикрга келишидан аввал тараққий этган, маданиятли халқлар ҳаётига чуқур назар ташлаган. Уларнинг ҳаётида театр санъати қандай ўрин тутишини

ҳар томонлама ўрганган. Шу боис у ўзбек томошабинларига: «Биз шу зотларга (яъни артистларга — С. А.) ва театрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак?» — деган савол билан мурожаат қилган ва ўзи: «Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий миллатларга боқайлик: мисола, устимизга ҳоким бўлиб турган русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яҳудийларга ва бошқаларга. Кўп узоқ кетмайлик, энг яқин кўшинларимиз бўлгон тоторларга ва Қофқоз мусулмонлариға», — деб жавоб берган. Агар ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида Шекспир, Шиллер, Гюго асарлари турк, озарбайжон тилларига таржима қилинганини, Л. Толстой, А. Островский ва Н. Гоголнинг айрим асарлари татарчага ва шундан кейин ўзбекчага ағдарилганини ҳисобга олсак, унинг форс, араб, турк, татар, рус тилларини билишни эътиборда тутсак, Мунаввар қори юқорида баён қилинган фикрларга чуқур кузатиш ва ўрганиш орқали келганига иқрор бўламиз. Бундан ташқари у таниқли турк адиби Номиқ Камол, Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Озарбайжон фаҳри Мирза Фатҳали Охундов, Ж. Маматқулизода, Н. Вазиров, М. Ўрдубодий каби драматурглар фаолиятини, татар файласуфларидан Ризоиддин Фаҳриддинов, Мусо Жоруллоҳ, Зиёиддин Камолий асарлари ва ижтимоий-диний фикрларни яхши билган. Шу боис ўзбек томошабинларига Охундов ҳаётини ибрат қилиб кўрсатган. У Охундов туфайли катта ишлар амалга оширилганини таъкидлар экан, миллий театрни ташкил этган «Нажот» жамиятининг санъат «миллатнинг номуси ва обрўсини ҳифз қилур», деган хулосасига қўшилган.

Шунинг учун у миллат обрўсини ўзининг ҳаёти мазмуни, уни ривожлантиришни асл мақсади деб билди. Элининг номуси, обрўсини сақлаш пайида юргани учун: «Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?» деб дард чекди, нола қилди, аёвсиз курашга бел боғлади. «Мана, кетма-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва оламдан хабарсизлик балосидан қутулмак учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва ўрганмак керакдир», — дейди адиб.

У театр санъатига «бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак» ва тузатмак муассасаси, юқорида айтилганидек, «таби-

би ҳозик» деб қаради ва бу йўлда катта ишларни амалга оширди. Ана шундай ишлардан бири маҳаллий руҳонийларнинг театр санъатига қаршилигини синдириш бўлди. Адиб халқ бағридаги жаҳолатни олиб ташлашга интилди, эл юрагида юрт учун мутлақо янги санъат тури бўлган Европа типидagi театрға муҳаббат уйғота олди. «Турон» труппасининг 1914 йилдан то 1924 йилгача фаолияти фикримизга ёрқин далилдир.

Мунаввар қори театр санъати хусусиятларини, драматургияни чуқур билган олимдир. Шу боис Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдек шоирға устозлик қила олди. Буни Ҳамзанинг ўзи «Қайдлар»ида «9. Пирлардан: муҳтарам устози олий муаллим Мунаввар қори Абдулмажидхон ўгли... Мулоқотимиз 1908 йил, 11 декабрда» деб тан олган. Ана шу учрашувдан кейин у доимо пири билан учрашиб турган ва хат ёзиб, маслаҳат ва ёрдам сўраган. Буни Ҳамзанинг қуйидаги хатлари ва Мунаввар қорининг жавоблари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Ҳамза 1915 йил октябрь-ноябрь ойларида пирига қуйидаги хатни йўллайди:

«Хурматли Қори афандия!

Ушбу юбордигим китобларни тезда адреси заказной бандерол ила юбормоғингизни рижо қилурман. Мумкин қадар қўлёмалиги пўчта маъмурларина маълум ўлмайдургон тарзда ўрамоқ лозим.

Қанча харажат бўлса, мен берурман.

Адрес: Стар. Маргелан, Чайний базар, г-ну А. Х. Зайнуллину. Ҳамза Ҳакимзода махсус.

Ҳисоблар нима бўлди? Тамом бўлиши учун қачон йигин қиламиз? Шунини ҳам ёзиб юборинг!

Ҳамза Ниёзий».

Мактубдан сезилиб турибдики, Ҳамза ўз пиридан асарларини бостириш масаласида ёрдам сўраяпти. Жавобни ҳам тез олишни истаяпти. Хўш, гап қайси асар хусусида боряпти? Нима учун қўлёмалиги сир тутилмоқда? Бунга Мунаввар қорининг қуйидаги жавоби ойдинлик киритади.

«Хурматли Ҳамза афанди!

... Шеърингиз-да, яхши, фақат «Марҳабо» каби баъзи шеърлар чиқорилуб, ўрнига кичикроқ шеърлар аралаштирилса, яна яхшироқ бўлур эди. «Турдикул» ила «Икки мактуб» китобингиз менимча, мақбул кўрилмади. Агарда ислоҳ қилиб юборсангиз шеър ила «Ферузахоним»ни «Туркистон кутубхонаси» нашр қилиб кўради...

Муҳибингиз Мунаввар қори, 1915 йил, 4—5 ноябрь».

«Ҳурматли Ҳамза афанди!

...«Ферузахоним» ила бошқа китобларингизни эртага почтадан иншооллоҳ юборурман. Агарда «Ферузахоним» ман айтқонча, яъни:

1. Эшон ва бойларнинг малъун ва аблаҳликларини очиқдан-очиқ «малъун», «жоҳил», «хоин», «палид», «нобакор» каби сўзлар ила эмас, қилғон ишларининг ёмонлиғи ила кўрсатилса.

2. Мансур ила Ферузларнинг мактублари бироз қисқартирилса, чунки бундай ёширин мактуб қисқа ва маъноли бўлур.

3. Бир-бирлари ила кўришқондағи ҳоллари бир оз узоқроқ тасвир қилинса, чунки романга руҳ киритадурғон ва ўқувчиларни қизиқсиндурадурғон ўринлари шул васл ҳоллари бўлур.

4. Аввал тавсифлари зикр қилинуб, сўнгра сифатлар зикр қилинса, яъни «ҳар бир назир қилинмиш қизларни йигирма бир ёшиға киргизуб, сўнгра никоҳина олувга одатланган nobakor Тоҳир эшон» каби жумлаларни «Ул Тоҳир эшон ҳар бир назир қилинмиш қизни йигирма бир ёшигача умрини ўтқариб, сўнгра никоҳига олишга одатланган эди» каби қисқароқ жумлаларга таҳрир қилинса...

Ислоҳ қилиб юборсангиз аввалги шарт ила буни ҳам бостириб нашр этмак ниятидаман...

Боқий ихват дўстингиз, Мунаввар қори
1916 йил, 1 январь»

Яна бир мактуб:

...«Ферузахонимни» ҳозирда юбормай турингиз, чунки эҳтимол яқин фурсатда ман ўзим хизматингизга бориб қолсам, шунда кўришиб қарор берурмиз. Ҳозирда ҳар ерда қоғоз қаҳатчилиғи ҳукм сурмоқдадир. Биноаналайҳ хануз майдонга чиқғонларини эса алалхусус-алалхусус мактубларда жорий бўлғон китобларни бостирмак мумкин эмас. Шу сабабли гар қиммат тушса ҳам бостурмақдамиз.

«Миллий ашулалар»ингиз оз ва кичкина бўлғон сабабли бостурилди...

Дўстингиз Мунаввар қори,
17 январь, 1916 йил».

Мунаввар қори ва Ҳамзанинг ушбу ёзишмалари уларнинг ниҳоятда қадрдон бўлганликларини тасдиқловчи ҳужжатдир. Шу билан бирга бу яна қуйидаги фикрларни майдонга олиб чиқади. Биринчидан, Мунаввар қори Ҳамза-

нинг ўзи тан олган пири, маънавий отаси; иккинчидан, «Туркистон кутубхонаси» нашрининг муассисларидан биридир; учинчидан, Ҳамза ўз асарларини шу нашриётда чоп эттирган ва қўлёзмаларини фақат «маънавий отаси»га ишонган; тўртинчидан, Ҳамза қўлёзмалари чор ҳукумати томонидан доимо таъқибда бўлган, буни унинг: «Мумкин қадар қўлёзмалиги пўчта маъмурларина маълум ўлмийдирғон тарзда ўрамоқ лозим» сўзи тасдиқлайди; бешинчидан, Ҳамза ўз мактубларини 1915 йил апрель-май ва 1915 йил декабрь — 1916 йил апрель ойларида ёзган кўринади (буни Мунаввар қорининг мактублари остидаги саналар тасдиқлайди); олтинчидан, Ҳамза ўзининг пьесаси ва яна бир асари хусусида фикр юритмоқда. Унинг: «... саҳнага қўюлмоғи жамият тарафидан мақбул кўрилиб, бир вақтга мавқуф қолдирилган бўлса...» ва «рисолаларни бутун қолдириб» сўзлари бундай дейишга асос беради.

Мунаввар қорининг жавоблари ана шуларга ойдинлик киритади. Мактубдан маълум бўладики, гап, асосан, Ҳамзанинг «Ферузахоним», «Миллий ашулалар», «Турдиқул», «Икки мактуб» номли асарлари («китобингиз» сўзига эътибор беринг) ҳақида боряпти. Бироқ мактубда сўнгги асарнинг жанри ҳақида ҳеч гап йўқ. Аммо «Ферузахоним», айрим тадқиқотчилар айтганидек, «Заҳарли ҳаёт» драмасининг биринчи нусхаси бўлмай, насрий асардир. (Тадқиқотчиларни «эшон», Мансур, Феруза образларининг «Заҳарли ҳаёт» персонажларига ҳамоҳанглиги ва «малъун» каби сўзларнинг ишлатилиши чалғитган кўринади.) Мунаввар қори унинг жанрини аниқ кўрсатиб, ёзади: «... **чунки романга** (таъкид бизники — С. А.) руҳ киритадурғон ва ўқувчини қизиқсиндирадурғон ўринлари шул...»

Демак, «Ферузахоним» Ҳамзанинг тақдири номаълум романидир. (Буни топиш ва янада аниқлик киритиш ҳамзашуносларга ҳавола.)

Мактублардан яққол сезиляптики, Мунаввар қори тўғри талабларни қўйган ва ҳамиша шогирдининг ижодига хайрихоҳ бўлган. Бундан ташқари, унинг яхши услубчи эканлиги кўзга ташланыпти.

Буюк инсон Ҳамза сингари қаламкашларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан чекланмади. У халқимизни истибдод чангалидан қутқариш ишига астойдил киришди.

5

Маълумки, Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказ «инонародевлари»дан 19 дан 31 ёшгача эр кишилардан»

мардикорликка олиш ҳақидаги 1526 рақамли фармони эълон қилинади. Бу фармонни ўлка қонини сўриб ётган губернаторлик қонхўрлари бошбошдоқлик билан амалга оширадilar. Оқибатда Туркистоннинг кўпгина вилоят ва шаҳарларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб, талайгина жойларда исёнга айланади. Исёнлар шафқатсиз равишда бостирилади. Ана шу паллада тошкентлик тараққийпарварлар сукут сақламай, аҳолига турли йўллар билан ёрдам бериш пайига тушадilar. Уларнинг ҳаракати натижасида Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси ташкил этилади. Мунаввар қори шу қўмитанинг раисига ўринбосар этиб сайланади. Адиб Остроумов, Ильминский, Наливкин каби миссионерларнинг алдовига учиб, бу мудҳиш воқеага мадҳия ёзган шерикларига ён бермайди. Улар изидан бормайди. У чор ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтиради ва бу масалада Петербургга вакил юборишни ташкил этиш ишларида фаол қатнашади.

Мардикорликка олиш воқеасининг салбий томонлари билан бирга ижобий қирраларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Гарчи кўпгина қон тўкишларга сабаб бўлган эса-да, бу даҳшатли адолатсизлик Туркистон аҳолисини уйқудан уйғотди, вужудидаги мудрашни, ялқовликни сиқиб чиқарди. Тепасида кимлар ҳукмрон эканлигини англади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга отлантирди.

Февраль инқилобидан кейин пайдо бўлган тарихий шароит туб аҳолини ислом мафқураси асосида бирлаштирувчи «Шўройи ислом» жамиятини тузишга олиб келди. Сабаби, собиқ империя ҳудудида сиёсий ўзгариш содир бўлса-да, аммо ҳокимият тўнини ўзгартирган мустамлакачилар қўлида эди. Куропаткинлар, Наливкинлар, Успенскийлар, Дюрерлар ҳукумати Керенскийнинг ҳукмидан бир қадам нари ўтмас, бунинг устига, ўзларини социал-демократлар деб атовчи большевиклар «Бутун ҳокимият шўроларга!» деган ниқоб остида давлат тепасига келмоқда эдилар. Воқеаларнинг кутилмаган бурилиш олиши Ўрта Осиё, Кавказ, Татаристон, Бошқирдистон халқларини ўз тақдирларига сиёсий назар ташлашга, қуллик занжирини узиш учун сиёсий шароит етилаётганини тушунишга олиб келди. «Шўройи ислом» ҳам шунинг ҳосиласи эди. Бу жамиятнинг пайдо бўлиши ва фаолияти ҳақида Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шўъбаси раиси Содиқ Абдусатторов «Красная летопись» журналида Туркистонга осонгина бойлик орттириш учун келганини таъкидлар экан, жамиятнинг ташкил этилиши ҳақида гапириб, «Шўройи

ислом»нинг Мунаввар қори томонидан бошқарилганини айтади.

Хўш, бундай аҳамият касб этган жамият қачон ташкил бўлди ва унинг ташкилотчиларию аъзолари ким эди ва унда қандай масалалар кўрилди?

«Нажот» газетасининг хабар беришича, «Шўройи ислом»нинг биринчи норасмий мажлиси 1917 йил 14 мартда ўтган ва унда ташкилий масала кўрилган. 31 мартда ўтган мажлисда қирқ тўрт жамият тарафидан, ҳар даҳадан 10 кишидан 48 киши, уларга яна татар, қозоқлардан 13 вакил қўшимча сайланган. Аъзолар сони 61 нафарга етгани ва иш олиб бориш қийин кечиши эътиборга олиниб, 15 кишидан иборат идора мажлиси (президиум) ташкил қилинган. Шунингдек, тўрт киши ижроия кўмитасига сайланган.

Жамиятга «Тошкент Шўройи исломияси» деб ном берилган. Кейинги идора мажлисида бошқарув аъзолари сайланган. Унда Абдувоҳид қори Абдурауфқориев (раис), Мунаввар қори (ўринбосар), Каттахўжа Бобохўжа ўғли (саркотиб), Карим қори Кучукбой ўғли (муовин), Мулло Зиёохунд Йўлдошхожи ўғли (хазинадор), Абдусамиғ қори Ҳидоятбой ўғли (муовин) сайланган. Ташкилот турли жойларда ўз бўлимларини очади. Хусусан, Андижон бўлимига Миркомил Мирмўминбоев, Наманганда Саидносирхон тўра Камолхонтўраев раҳбарлик қиладилар.

Жамият ўзининг «сиёсий маслағи қилиб Федерацион республика (кенг жумҳурият)чилар дастурига қўшилмакга ва Туркистон халқини шу дастурга таклиф қилмакни мувофиқ» кўради. 3 кишидан иборат бир комиссия тузилиб, уларга дастур тузиш топширилади. Бу жамият халқ ҳаётини ислоҳ қилиш учун қуйидаги мақсадларни амалга оширишни ўз вазифаси деб белгилади:

1. Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий жиҳатдан замонга мувофиқ ислоҳот фикри тарқатмоқ.

2. Бутун Туркистон мусулмонларини бир фикр ва бир маслакка келтурмоққа тадбир ва ҳаракатлар қилмоқ.

3. Мамлакатнинг усул идоралари ҳақида маълумот йиғиб, «Таъсис мажлиси»га ҳозирламоқ.

4. Туркистоннинг ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулларида митинглар ясаб, сиёсий, илмий ва ижтимоий хутбалар ўқитмоқ.

5. Эски маъмурларни ўрnidан қолдириб, ўрнига янги маъмурлар қўймоқ йўллларини халққа кўрсатмоқ.

6. Туркистондаги турли миллатлар орасида бўлган ва бўладурғон ихтилофлар ва шубҳаларни битириб, бир-бирларига яқинлаштириб, бирлаштирмоқ учун тадбир ва ҳаракатда бўлмоқ.

Бу тадбирларни ишлашда бевосита Мунаввар қори бош-қош бўлган экан. Мустафо Чўқаевнинг айтишича, «Мунаввар қори бошчилигида «Шўройи исломия» янги давр амри билан турмуш талаблари ва юртимизнинг ёт истило асоратидан вужудга келган шароитни кўзда тутиб, ислоҳот планини ўртага ташлаган эди. Туркия, Афғонистон, Эрон, Миср ва бошқа араб ўлкалари каби ҳур, мустақил ва ярим мустақил ислом мамлакатларида кечирилган ва кечирилаётган тажрибалар миллий ҳаракатимизнинг қайси йўл ва истиқоматда боришини кўрсатган эди»¹. Бунга яна шуни қўшимча қилиш керакки, «Шўройи Ислом» оғир инқилобий давр — очарчилик пайтида халқнинг оғирини енгил қилиш учун маиший қоидаларни тартибга солиш, халқни бидъатдан қутқаришга интилиб, махсус қарор қабул қилади.

«Ҳозирги қимматчилик ва озиқсизлик шул қадар кўрқинчилик даражага бордики, — дейилади қарорда, — кўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озук тополмасдан кўчама-кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмоққа мажбурият кўрурлар.

... «Туркистон мусулмонларининг съезди» мана шул ҳолни эътиборга олинмак, орамизда бўлуб турғон баъзи бидъат ва исрофот ишларни, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, қазоқлар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза куни бўладурғон исрофотни билкуллия барҳам бермоққа қарор берди»².

У. Хўжаев ва Мунаввар қори 1917 йил 16—23 апрель кунлари Умумтуркистон мусулмонлари съездининг чақирилишига бош-қош бўлдилар. Ушбу съезд миллий чекка ўлкаларга кенг мухторият бериш масаласини илк бор кўтариб чиқди. Бу ва бошқа масалаларни ишлаб чиқиш, съезд қарорини тайёрлаш масаласида Заки Валидий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Шоислом Шоаҳмедов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Убайдулла Хўжаев билан бир қаторда Мунаввар қори катта фаолият олиб борди. Бу фаолият вақтли матбуот ва сиёсий бошқарма ҳужжатларида аксини топган.

Тошкентнинг Дегрез маҳалласидаги Маҳаммадхожи ҳовлисида иш олиб бораётган «Шўройи исломия» жамия-

¹⁻² «Нажот» газетаси, 1917 йил, 28 апрель.

ти ўзининг кейинги мажлисларида фаолиятини кенгайтириш мақсадида номини «Туркистон Шўройи исломия жамияти» деб ўзгартирди. Унга Убайдулла Хўжаев раис, М. Абдурашидхонов муовин этиб сайландилар. У. Хўжаев кўп вақтини сафарда ўтказгани учун асосий ишни Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ўзи бажарар эди. Бу билан кифояланмай, «Алаш», Марказий Россия татар-бошқирд жамиятлари, иккинчи томондан Туркистон ва Бухоро жамиятлари билан, учинчи томондан маҳаллий «Ихтиёт союзи» (қозоқларники, раиси И. Кутебаров), «Иттифоқ» (татарларники, раҳбари Б. Шараф) жамиятлари билан алоқа ўрнатган эди. Хўжандда Абдулла Раҳимбоев томонидан ташкил этилган «Турон» партиясини ҳам умумий ишга жалб эта олди.

Муваққат ҳукуматнинг «дин, сўз эркинлиги, матбуот хуррияти» декларацияси бир ниқоб эканлигини англаган Мунаввар қори ва унинг сафдошлари сиёсий вазиятни таҳлил қилиб, ҳукумат давлатни бошқаришга лаёқатсиз эканини, большевиклар давлат бошқарувида эркин иш юри-таётганини кўриб янги йўл тутишга мажбур бўлдилар.

Оралиқ вақтда ўзбек, қозоқ, татар-бошқирд ва рус сўл эсэрлари орасида музокара кечди. Музокарада Туркистонда федератив тизимдаги мухторият республика масаласи кўтарилди. Бу масала ўзбек зиёлилари учун янгилик эмасди. 1911 йилда «Турон» жамияти йўлланмаси билан Мунаввар қори дўстлари Саме қори Ризабоев (тўғриси Абдусамиғ қори Ҳидоятбоев бўлиб, айрим ҳужжатларда Зиябоев шаклида ҳам учрайди. Биз кўрган ҳужжатда Ризабоев берилгани учун аслича қолдирдик — С. А.), Ҳаким Саримсоқов билан бирга автономия асослари, турли ташкилотлар тузиш ишларини ўрганиш учун Финляндияга борган. Сабаби, Финляндия ҳам, худди Польша ва Туркистон каби чор Россиясининг мустамлакаси эди. Шу билан бирга бу ерда мустамлака ҳукуматига қарши кураш олиб борувчи «Ёш финлар» жамияти ташкил топган эдики, чамаси, Мунаввар қори бундан хабардор эди. Чунки бу ерда, аниқроғи, Гелсинфорс шаҳрида уюшма аъзоси Саъдулла Турсунхўжаевнинг хусусий дўкони бор эди. У автоном ўлка ҳаётидаги маълумотларни шу манбадан олиб турган бўлиши мумкин.

Мунаввар қори ўлка маъмурий бошқариш усуллари билан бирга маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини, ижти-

мой ҳаётини, сиёсий маданиятини кузатишга улгуради. Финляндия билан Туркистонни қиёслар экан, фин халқи автономия эмас, ҳатто мустақил давлат қуриш ва бошқаришга тайёр эканини англайди. Финляндиядан қайтишда Петербургда атоқли исломшунос олим Мусо Жоруллоҳ Бегиев билан учрашади. Ўртада «Ислом асослари» китоби (М. Бегиев) ҳақида суҳбат ўтади. Шу борада ижтимоий масалалар ҳам муҳокама қилинади. Мунаввар қори икки жойда ўтган суҳбатни ва маҳаллий шароитни қиёслар экан, Туркистон аҳолиси мухториятга тайёр эмаслигини ўшандаёқ тушуниб етган эди. Аммо истиқлол учун кураш бошланган эди. Туркларнинг «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси программаси асосида «Иттиҳоди Ислом»¹ ташкилоти тuzилган бўлиб, унга асосий раҳбар Мунаввар қори, Самарқандда Қозиҳайдарбек ва Маҳмудхўжа Беҳбудий эди. Туркистон истиқлолчилиқ ҳаракати вакиллари билан бири Али Расулевнинг сўзларига қараганда, 1912 йилда, ГПУ материалларига кўра 1909 йилда, Акбар Бойтурсунов шахсий варақасига ёзилган фактга қараганда (Тарих фанлари доктори, профессор Р. Шамсутдинов хабари) 1914 йилда махфий тарзда «Иттиҳоди Ислом» («Иттиҳод ва тараққий») фирқаси вужудга келади. Беҳбудий ўзининг «Самарқанд» газетасида ниҳоятда эҳтиёткорлик ва журналистик катта маҳорат билан «Ёш турклар ҳаракати — «Иттиҳод ва тараққий» фаолияти ҳақида фикр юритишига қараганда бу хотиралар ростга ўхшайди. Буни оҳранка ҳужжатларида «Иттиҳоди Ислом» ташкилоти тарзида тилга олиниши юқоридаги фикрларни яна бир қарра тасдиқлайди.

Шароитдан келиб чиққан ҳолда эволюцион йўлни танлаган Мунаввар қори «Иттиҳоди Ислом»ни махфий тутишга асосий сабаб, маҳаллий аҳолининг эллик йил мобайнида хориждан узиб қўйилиб, асосан қўрқув ва асоратда яшагани туфайли ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кўр ва қар қилиб қўйилгани, ярим узлат, ярим бидъат ботқоғида қолгани эди. Шу боис бу ҳолатда истиқлол — қутулиш учун шиддатли ҳаракат қилиб бўлмас, халқни оҳиста тайёрлаб бориш зарур эди. Бунинг устига ташкилотга ижобий маънодаги жаҳонгашта, ватанпарвар, миллатпарвар кишиларнинг бошини қовуштириш даркор эди. Шунинг учун Мунаввар қори «Хайрия жамияти»ни 1909 йилда тuzган пайтда Орифхўжабойни жалб этган бўлса, кейинчалик унинг ўрнига

¹ ГПУ материаллари.

Авлонийнинг келишига замин тайёрлайди. Ёшлар иш бошқариб, бойлар сармоя берадиган бўлгач, «Хайрия жамияти»дан кучлироқ «Турон» жамиятини тузишга киришилди. Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Карим Норбеков, Комил Норбеков, Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар ушбу жамият ишини фаол олиб борадилар. Аҳолини матбуот, адабиёт ва санъат ёрдамида тайёрлаш соҳасидаги ошқора иш эди бу. Зеро, театр санъати Туркистонда оддий томоша эмас, балки ижтимоий-сиёсий кураш минбарига айланган эди. Бу билан баробар тарзда «Иттиҳоди Ислом» ҳам ўз ишини олиб борди.

1917 йил майда Кавказдан Муҳаммадамин Афандизода ва бошқаларнинг дастлаб Андижон, сўнг Тошкентга келиши, «Турон» жамияти заминида «Турк адам марказият» фирқасининг ташкил топиши, «Иттиҳоди Ислом»нинг «Иттиҳоди тараққий»га, кейин «Миллий иттиҳод» ташкилотига айланиши ўлканинг сиёсий-ижтимоий ҳаётини тўлқинлантириб юборди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Салим Тиллахоновнинг таъкидлашларига қараганда, «Турк адам марказият» сиёсий ташкилот эмас, балки фирқа сифатида ташкил қилинган. Унинг Тошкентдаги аъзолари 75 кишидан иборат эди. С. Тиллахонов: «Турк адам марказият» ташкил қилинишида ёлғиз Пиримурсалзода, Хонталишский ва Афандизодалар бўлмасдан, албатта, Мунаввар қори, Назир Саидий, Баширулла Хўжаев, Маҳдихон аълам Ҳодихонов, Ҳусан Дадахўжаев, Каттахўжа Бобохўжаев, Эшонхўжа Хоний, Муҳаммадхон Пошшоҳўжаев ва бошқалар иштирок қилган бўладилар. Бу ташкилотнинг қурилиши ярим очик ва ярим ёпиқ бўлиб, «Турк адам марказият» исми очик бўлса ҳам, кўп ишлари ёпиқ бўлур эди... Халққа таъсир қилмоқ мақсадида (қариб қолғон бўлса-да), Маҳдихон аълам Ҳодихонов ўғлини раисликка сайлаган эдилар. Мунаввар қори жидий ишлашга киришган эди», — деб хотирлайди 1930 йил 12 апрелдаги кўрсатмасида. Шунингдек у С. Шарифхўжаев, С. Турсунхўжаев, С. Саидазимбоев, Мунаввар қори, О. Назирхўжаев, Б. Хўжаев, Т. Мусабоев, Комил Норбеков ва Ю. Аҳмаджоновни «Иттиҳоди тараққий»нинг муассислари деб атайди ўша кўрсатмасида. Аммо Обид атоқ Маҳмудовнинг фикри бошқачароқ.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг намояндаси Обидхон Маҳмудов 1930 йилда ГПУга берган кўргазмасида шундай дейди: «1917 йил ёзида Бокудан озарбойжонли

Муҳаммадамин Афандизода келди. У «Исмоилия» ташкилотидан махсус юборилган бўлиб, Қўқонда бир қатор митинглар ўтказди. Бир куни менинг уйимга келди. Мажлисда 11 киши йиғилди: мен, форс Пиримурсалзода, Аббосхўжа Калонхўжаев, Муҳаммадамин Муҳаммаджонов, Носиржон Зиёев, Мирзоҳид Мироқилов, Маҳмудхўжа Холиқий, Маҳмуджон Абдухолиқов, Ашурали Зоҳирий, Маҳмуджон Аҳмаджонов, Абдурауф Абдурахмонов. Муҳаммадамин Афандизода мажлис иштирокчиларига «Иттиҳоди тараққий»нинг программасини сўзлаб берди ҳамда Қўқонда бу ташкилотни тузишни таклиф этди. Ташкилотга раис этиб мен, Миён Қудрат ҳазрат биринчи муовин, Аббосхўжа Калонхўжаев иккинчи муовин қилиб сайланди. Янги аъзоларни танлаб қабул қилиш уларнинг зиммасига юкланди.

Абдурауфхожи Абдурахмонов — хазиначи, Маҳмудхўжа Холиқий котибликка сайланди.

Муҳаммадамин Афандизода Қўқонда «Иттиҳод ва тараққий»ни ташкил қилиб, Тошкентга келди. У Мунаввар қорининг ҳовлисида жойлашди. Мунаввар қорини унга биз тавсия этдик ва хат бердик.

Тошкентда Мунаввар қорининг уйида ўтган ташкилий йиғилишда ташкилот президиумига сайланганлар: Мунаввар қори Абдурашидхонов — раис, Убайдулла Хўжаев — I муовин, Миёнбузрук Миёнсолиҳов — II муовин, Миёнхўжа Хонхўжаев. Сўнгги икки киши аъзоларни қабул қилишни бажардилар. Саъдулла Турсунхўжаев хазиначи қилиб сайланди. Толибжон Мусабоев президиумга кирди. Афандизода муҳим кўрсатмаларни бериб Бухорога кетди. Бухоро ташкилотининг раиси Мирзо Абдувоҳид Мунзим эди. Президиумга Усмонхўжа Хўжаев, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Мирзо Абдуқодир Муҳиддинов сайландилар.

Самарқандда Беҳбудий — раис, Ақобир махсум Шомансуров, Қозиҳайдарбек Абусаидов, эшон Муротхон Аълохўжаев, Шоқобил Камолов раҳбариятга сайланган эдилар.

Афандизода Самарқанддан Хивага боради. Хоразм ташкилотининг раиси этиб Беғижон сайланади.

1919 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласига яқин боғлардан бирида «Иттиҳод ва тараққий»нинг Туркистон бўйича қурултойи бўлди. Қурултой ишида барча ташкилотлардан вакиллар қатнашди.

Ушбу қурултойда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Марказий Қўмитасини тузишга қарор қилинди. МҚ раиси

этиб Мунаввар қори сайланди. Ҳайъатга Саъдулло Турсунхўжаев, Миёнбузрук Солиҳов, Эшонхўжа Хонхўжаев, Ҳайдар Шавқий, Толибжон Мусабоев кирдилар».

Мунаввар қори ташкилотнинг бош мафкурачиси ва раҳбари сифатида аввало турли соҳаларда миллий кадрларни тайёрлаш масаласини ўртага қўйди. Асир турк зобитлари ёрдамида мактаб ўқувчилари орасидан миллий давлатни қуриш ва бошқариш ҳамда муҳофаза қилиш учун биринчи ва иккинчи босқич мактабларида болаларга скаутинг ва «Турк ўчоғи» типиди ярим ҳарбий таълим берадиган «тўдалар» (гуруҳлар) тузиш ишини режалаштирди. Матбуотда бу ҳақда расмий маълумот ҳам берилди. 1918 йилда «Изчи» (раҳбари Саид Аҳрорий), «Темур» (раҳбари Ҳайдар Шавқий), «Тараққий дарнағи» (раҳбари Абдурахмон Исмоилзода), «Турк кучи» (раҳбари С. Рожий), «Турон кучи» (раҳбари Тангриқул Мақсудий) ва уларнинг «Лочин», «Боту» каби қўллари (яъни филиали) ташкил қилинди. Бундай тўдалар Туркистон ўлкасининг деярли барча йирик шаҳарларида тузилди.

Миллий жумҳуриятни қуриш учун ана шундай иш бораётган бир пайтда Мустафо Чўқай, Заки Валидий ва бошқаларнинг келиб қўшилиши, рус эсерларининг аралашуви ҳамда большевикларнинг Муваққат ҳукуматни менсимай, ўз ҳолларича мустақил сиёсат олиб боришлари ва давлат тўнтаришлари туркий зиёлилар фирқасини янги изга солди.

А. Керенский билан 1916 йилдаги учрашув чоғида мухторият ҳақида суҳбатлашилган, 1917 йилда у Туркистоннинг Русиядан ажралмаган ҳолда мухториятга эришиши мумкинлигини айтган, аммо мустақилликка урингудек бўлса, қаттиқ жазоланишини уқтирган эди. Ана шу фикр шўроларнинг маълум ва машҳур декларациясидан сўнг юзага қалқиб чиқди, бу бир. Иккинчидан, Ф. Колесов, О. Тоболин, Вотинцев, Финкельштейн, Качуринер, Осипов, К. Успенскийлар Туркистоннинг ҳақиқий хўжайинлари экани тез фурсатда маълум бўлди. Кейинчалик эски партиячилар (старопартийцы) номини олган тоболинчилар хатти-ҳаракатида мустамлакачилик кайфияти яққол кўринди. Шунинг учун ҳам шўролар идорасига маҳаллий кадрларни яқинлаштиришни мутлақо истамас эдилар. Бунинг устига маҳаллий аҳолидан юқори мансабларга сайламаслик фикри Ўлка советларининг III съездида махсус қабул қилинган декларациясида (1917, 19 ноябрь) таъ-

кидланди. Мунаввар қори, Садриддин Шарифхўжаев бунга қарши ультиматум тайёрладилар. Абдулла Авлоний съезда дадиллик билан: «Сиз бизга инонализми, йўқми?» Инонасангиз бирга ишлаймиз, инонасангиз четдангина фақат бир ёрдамчи бўлиб қолайлик!» деган ультиматум — қатъий норозиликни ўқиб берди. Ана шундан кейин, аниқроғи, фавқуллода комиссар П. Кобозев келгандан кейин маҳаллий халқ вакиллари ҳукумат ишларига аралаша бошладилар.

Ф. Колесов ҳукумати, О. Тоболин бошлиқ эскипартиячиларнинг нотўғри сиёсати Туркистон Мухториятининг (1917 йил 23 декабрь) вужудга келишига замин яратди.

Мунаввар қори Қўқонда ташкил этилган Туркистон Мухтор Республикасининг тузилишида қатнашиб, ҳайъат аъзоси этиб сайланди, Тошкентда 1917 йил декабрида ўтган митингда мухториятни қўллаб-қувватлади. Лекин у большевикларнинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шафқатсиз бир тоифа эканини реквизиция пайтида англаб етган эди. Шу боис у «Хуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олуб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур», деган фикрга келган эди. У хурриятни қўлга киритмоқ учун барча мусулмон бойларини маблағ беришга чақирди. Агар бойлар маблағ ажратсалар, бу қарз ҳисобида бўлиб, миллий давлат тиклангач, қайтариб берилишини ҳам уқтирди. 1917 йилда асир турклар эшелони тўхтатиб қолиниб, Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар қори зир югуриб пул излади, бироқ ўлканинг катта сармоёга эга бўлган бойлари Ватан учун сариқ чақа ҳам бергилари келмади. Охир оқибат бойлару амир-хонлар хазинаси мустамлакачилар қўлига ўтиб кетди. Ф. Колесов ҳукумати мухториятни Перфильев ҳамда дашноқлар қўли билан қонга ботирди.

Мухторият шафқатсизлик билан тугатилгандан кейин шунинг натижаси сифатида истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Мунаввар қори ана шундай тарихий курашни икки жабҳада олиб боришга аҳд қилади: «Миллий иттиҳод» воқитаси билан истиқлолчиларга ёрдам бериш ва Шўролар ҳукумати таркибига кириш.

П. Кобозев эскипартиячиларни тор-мор келтириб, маълум ва машҳур декларацияга амал қилган ҳолда икки муҳим ишни амалга оширди. У аввало бошқарув аппарати ва партияга миллий кадрларнинг ўрнашмоғига имконият берди. Кейин Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларига декларациянинг моҳиятини тушунишмаган, деб афв эълон

қилди. Мунаввар қори ва унинг талайгина сафдошлари «Миллий иттиҳод» Марказий Кўмитасининг рухсати билан Россия федерацияси таркибидаги Туркистон автоном республикаси идораларига ишга кирдилар. Мунаввар қори маориф комиссарлигида иш бошқарувчи лавозимида фаолият олиб борди.

1920 йилда эса Эски Шаҳар Маориф бўлимида инспектор лавозимида ишлайди. Лекин Мунаввар қори комиссарликдан мажбуран кетказилади. Энди у Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Вақф ишлари бўлими мудир сифатида фаолият кўрсатаркан, ўлканинг барча шаҳарлари ва йирик қишлоқларида бўлиб, махфий ташкилот ишини йўлга қўяди. Шу боис Бокуда ўтадиган Шарқ халқлари курултойига Туркистоннинг деярли барча шаҳарларидан вакиллар боришига эришилди.

Боку курултойи 1920 йил 1 сентябрда очилди. Мунаввар қори ҳайъат аъзоси этиб сайланди. Курултой дунё халқлари олдида шўролар сиёсатини фош қилиб, миллий жумҳуриятлар, ўлкалар халқлари арзи додини эшитиб, уларнинг миллий юридик ҳуқуқларини тиклаши йўлида фаолият олиб бориши кўзда тутилган эди. Аммо Москва курултой ишини бошқа масалаларга буриб юборди.

Курултойда туркистонликлар номидан Тошпўлатбек Норбўтабеков (4.9.20 й.) нутқ сўзлаб, шундай дейди: «... биз меҳнаткаш мусулмон халқларининг ва Шарқ халқларининг овози эшитилишини хоҳлаймиз.

... Биз озодлик, тенглик ва қардошлик дебочалари қоғозда қолиб кетмасдан, ҳаётга татбиқ этилишини талаб қиламиз.

Маълумингизки, Шарқнинг ўзи ҳам, манфаати ҳам Фарбга нисбатан ўзгача, шу боис коммунизм ғояларини бир ёқлама олиб кириш қаршиликка учрайди. Мен айтаманки, биз туркистонликлар икки жанггоҳда кураш олиб боряпмиз. Бир томондан, ўз орамиздаги қора муллалар билан, иккинчи томондан, маҳаллий европалиларнинг миллатчилик шарпалари билан курашишга тўғри келмоқда. Туркистоннинг ҳақиқий аҳволини ўртоқ Зиновьев ҳам, ўртоқ Ленин ҳам, ўртоқ Троицкий ҳам билмайдилар, Туркистон ўлкасида сўнгги уч йил мобайнида нима бўлаётганидан мутлақо хабарлари йўқ. Туркистонда содир бўлаётган ишларнинг манзарасини очиқ-ойдин айтгандагина йўлбошчиларимизнинг кўзлари очилади...

... Мана шунинг учун уч йил мобайнида кечаётган Туркистон тарихи мусулмон дунёсининг бошқа жойларида

қайтарилмаслиги учун, биз барча нуқсонларни билганимиз учун айтамик: ўзларингизнинг аксилинқилобчиларингизни йўқотинг, ўзларингизнинг келгинди унсурларингизни йўқотинг, эндиликда коммунизм ниқобида ишлаётган ўзларингизнинг мустамлакачиларингизни йўқотинг!»

Норбўтабеков нутқини 1917 йил ноябрда Ленин имзои билан эълон қилинган «Россия ва Шарқ мусулмон меҳнаткашларига» декретидаги: «Бундан буён сизнинг динингиз ва урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўзларингизнинг миллий ҳаётларингизни эркин ва тўсқинчиликсиз қурингиз. Сизларнинг бунга ҳуқуқингиз бор. Сизларнинг ўзларингиз ўз мамлакатларингизнинг хўжайинлари бўлишингиз мумкин. Сизларнинг ўзларингиз ўз ҳаётингизни ўз хоҳиш ва иродангизга мос қуришингиз керак» деган сўзлари билан тугатади. 15 дақиқалик бу нутқ делегатларда катта таассурот қолдиради.

... Қурултой раҳбарларининг найрангини сезган Мунаввар қори, Т. Жонузоқов, Т. Рисқулов, О. Маҳмудов, Т. Норбўтабеков, Муллабекжон Раҳмонов ва бошқалар бўш вақтларида махфий мажлислар ўтказишарди. Султонбек Хўжанов Боку съезди ҳақида қуйидагича кўрсатма беради: «Туркистонликлардан Анварпошо ҳузурига махсус делегация борди. Делегация Мунаввар қори, Низомиддин Хўжаев, Жонузоқов, Нисомбоев, полковник Аvezбоевдан иборат бўлиб, бир кенгаш ташкил қилинди. Кенгаш «Шарқ халқлари ҳаракати съезди» деб аталди. Собиқ турк зобити, Туркистон вакили Исмоил Ҳаққий бош вазифани бажарди. Бу Анварпошо раҳбарлик қилувчи марказ эди. Наримонов ҳам бу кенгаш ишида қатнашиб турар, Рисқулов эса Туркистон ва Бухоро орқали тез-тез Бокуга бориб турарди. Алибей Жонгелдин ҳам бу кенгаш аъзоси бўлиб, Бокуга тез-тез келарди».

Қурултой пайтида расмий «Шарқда ҳамкорлик ва тарғибот кенгаши» тузилди. Мунаввар қори, Т. Рисқулов, С. Жўрабоев, О. Маҳмудов, Т. Жонузоқов, Т. Норбўтабеков шу кенгашнинг аъзоси этиб сайландилар. Съезддан сўнг Рисқулов ва Маҳмудов Московга ишга кетдилар. Ушбу кенгашнинг иши Москвада давом этиши керак эди. Аммо Туркистон маъмурияти Мунаввар қорига рухсат бермади. Мунаввар қори Бокудан қайтгач, кўп ўтмай, Маориф халқ комиссарлиги йўлланмаси ва Ф. Хўжаевнинг таклифи билан Бухорога боради.

Фитрат ва Ф. Хўжаев Бухоро ҳукумати фаолиятини яхшилаш мақсадида Мунаввар қори билан бирга Саид Аҳрорий, Чўлпон, Маннон Уйғур, Абдурахмон Исмоилзода, Фулом Зафарий каби зиёлиларни ҳам чақириб олади. Улар зиммасига вақф ва миллий маданиятни тиклаш иши юкланади.

1920 йилнинг охирида Бухорога Анварпошо, Заки Валидий ва бошқалар ҳам боришган эди. Шунингдек, бу ерга Туркиядан маълум ишларни битириб келувчи Беҳбудий ҳам етиб келиши лозим эди. Аммо...

1919 йил, чамаси, феврал охирида «Миллий иттиҳод»нинг йиғилишида Туркияга бориб, у ерда «Иттиҳод ва тараққий» аъзолари билан учрашиб, ёрдам олиниши ва Фарб давлатлари билан алоқа боғланиши лозим эди. Лекин, Беҳбудий ўз шериклари билан Шаҳрисабз шаҳри орқали ўтиб кетаётганида амир айғоқчилари томонидан қўлга олиниб, Қарши беги Тоғайбек қўлига топширилади. Беҳбудий ва шериклари оғир қийноқдан сўнг қатл қилинади. Беҳбудийнинг ўлими ва васиятини олган фарғоналик йигит — бек мирзоси Самарқандга келиб, воқеани тегишли кишиларга баён қилади. Лекин у ҳам маълум муддатдан сўнг ўлдирилади. Бу энди расмий гаплар.

Беҳбудий ва шериклари 1919 йил март ойида ўлдирилади. Туркистон автоном республикасининг Бухородаги ваколатхонаси 1919 йил 10 июлда Беҳбудийни суриштириб махсус хат йўллайди. Бунга Бухоро қўшбегисидан 1919 йил 17 августда «Беҳбудий ва унинг шерикларига сафарни давом эттиришга рухсат берилган», — деган жавоб олинади.

1920 йилда Беҳбудий ўлимининг йиллигига атаб ўтказилган кечада Ақобир Шомансуров Беҳбудийнинг ўлими ҳақида гапираётган пайтда тўхтатиб қўйилади ва орадан кўп ўтмай Зайниддин исмли оддий киши томонидан отиб ташланади.

Орадан қарийб уч йил ўтгач «Инқилоб» ва бошқа ўзбек ва рус тилидаги матбуотда Беҳбудийнинг ўлими ҳақида маълумотлар босилади. Буларнинг барчаси, хусусан, Марказий Ижроия қўмитасининг телеграммаси Беҳбудий ва шериклари ўлими Туркистон хўжайинлари томонидан амирлик билан келишган ҳолда амалга оширилган жиноят дейишга асос беради.

Атоқли олим Наим Каримовнинг хорижий ўзбек матбуотига суяниб билдирган маълумотига қараганда, Беҳбу-

дий Вильсон (АҚШ президенти) билан учрашиши керак эди, ammo уни ГПУ агенти Уткин тутиб берган экан. Бундан яна юқоридаги фикр — Беҳбудий ва шерикларини Қарши беги эмас, балки Шўронинг темир панжаси — ГПУ ўлдириб юборган деган фикр тасдиқланади, холос. Бинобарин, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатиш тўғрисидаги биринчи уриниши ҳам йўққа чиққан эди.

Ана шундай қалтис шароитда (1920 йил ноябрь — 1921 йил февраль) Мунаввар қори «Миллий иттиҳод» марказини Бухорога кўчирди. Валидий, Ф. Хўжаев, А. Муҳиддинов, Мунзим ва бошқалар йиғилиб, навбатдаги курашни режалаштирадилар. «Жадид» партияси тузилади. Бунга А. Муҳиддинов ишлаб чиққан дастур асос қилиб олинади.

Бухорода йиғилган маҳаллий зиёлилар, хусусан, Фитрат ва Ф. Хўжаев гуруҳи фаолияти тинимсиз кузатилар эди. Айрим кишилар ажал қутқуси билан ВЧК — ГПУнинг «қулоғи» га айлантирилган эдилар. Маннон Уйғурнинг ортидан (гарчи М. Уйғур уни таклиф қилмаган бўлса-да) махсус йўлланма билан Бухоро комсомолига ишга борган М. Муҳамедовнинг хотираларига қараганда, ҳар бир киши ортидан жиддий ва изчил махфий кузатув олиб бориларди. Ҳар бир аниқланган ва аниқланмаган хабар Москва ГПУсининг Шарқ бўлимига ва Тошкент ГПУ сига етказиб турилар эди. Шу аснода «Миллий иттиҳод»нинг Бухоро бўлимидан Тошкентга юборилган Ориф Каримий Садриддинхон Шарифхўжа ўғлининг топшириғи билан ёш ҳамроҳлари Юсуфбек Қурбонов ва Ниёзбеков Рустамлар билан бирга Қашқарга йўл олди. У ерда Англия ва Япония вакилларига Бухоро, Хоразм ва Туркистон ҳукуматлари номидан ёзилган хатни топшириши тайин этилади. Ammo Олмаотага яқин жойда улар қўлга олиндилар. Ориф Филмон ўғли Каримий махфий хатни ГПУчиларга беради. Бу ҳам кифоя қилмагандай, навқирон ҳамроҳларини лол қолдириб, бутун сирни фош қилади. Садриддинхон, О. Каримий Тошкентда ўтказилган судда отишга, Ю. Қурбонбоев, Р. Ниёзбеков турли муддат билан қамоқ жазосига маҳкум этилади (1921 йил мартда бошланган тергов 1921 йил 20 декабрда тугалланади). Ана шу жараёнга алоқадорликда гумон қилинган Мунаввар қори ҳам 30 март дан 1 декабргача ҳибсда сақланади.

Мунаввар қори бу муддатда кўпгина миллий, ижтимоий, сиёсий масалаларни мулоҳаза қилади. Давлатни бош-

қариш учун миллий кадрларни тайёрламасдан туриб, истиқлолга эришиб бўлмаслигини англаб етади. Шу боис «Миллий иттиҳод»ни тарқатиш фикрига келади. Чунки маърифат омма онгига сингмай туриб, виждон уйғонмайди, ҳуррият, ўз ҳуқуқини англаш ва ҳимоя қилиш ёки унга интилиш хосияти фалаж аҳволда бўлади. Ижтимоий-ҳуқуқий фалаж жамият ҳам, миллат ҳам инқирозга юз тутади. Халқ мунофиқликни дипломатия, порахўрликни сийлов деб тушунадиган ҳамда шу тахлитда яшайдиган, умри бир-бирига тўн кийгизишу ош едиришдан нарига ўтмайдиган дардсизу дард англамайдиган оломонга айланиб қолади. Мунаввар қори ана шу фожеанинг олдини олиш учун «Нашри маориф» жамиятини тузишга интилади.

Ҳукуматнинг қувиш ҳам қисилларидан кўрқмаган Мунаввар қори ўз сафдошлари Убайдулла Хўжаев, Шокиржон Раҳимий, Абдулҳамид Сулаймон, Маннон Рамз, Заҳриддин аълам Қосимов, Элбек, Шоҳид Эсон, Салим Тиллаҳон, Холмуҳаммад Охундий, Мажид Қодирий имзоси билан «Туркистон» газетасининг 1 январь сонидида «Туркистон шўролар жумҳурияти маорифпарвар ёшларига хитоб» эълон қилади.

«Хитобнома» да қуйидаги 4 модда очиқ айтилади: «1) Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл-қўлга беришиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр ғайрат билан ишласинлар. 2) Халқни маорифга ва маорифни халққа яқинлашдирмак учун қўлларидан келган ҳар бир чорага киришсинлар. 3) Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишларини ва бунинг орқасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлгон босмачилик билан курашиш ишида бор кучлари билан ҳукуматга ёрдам берсинлар. 4) Туркистон ўзбекларининг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди».

«Нашри маориф» — давлат томонидан расмий рухсат берилган уюшма бўлиб, ватанпарварлар томонидан ташкил қилинган «Туркистон» ширкати томонидан иқтисодий таъминланган эди. Унинг очилиши муносабати билан Мунаввар қори «Туркистон(1923 йил 4 март) газетасида «Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти» мақоласини эълон қилади. Мақолада: «Маданий мамлакатларнинг ҳар бирида маориф-маданият ишларини одатда халқ ўзи олиб

борадур. Ҳукумат эса ёлғиз раҳбарлик ва ёрдамчилик ва-зифаларинигина адо этиб турадур. Шул сабабли онгли мил-латлар ўзаро илмий-фанний, адабий ва ижтимоий уюш-малар ва «Нашри маориф» жамиятлари тузиб, ҳукуматла-рининг раҳбарлик ва миллатларининг ёрдами орқасида халқни маориф ва маданият жиҳатларидан юқори кўта-рилишига, оқартирилишига хизмат ва ҳаракат қилурлар.

...Мана бу йўллар билан бугун Оврупо ва Амриқо халқ-лари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг на-риги бўлаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга етишдилар», — дейди. Бинобарин, тарақ-қиётнинг энг асосий устун маориф халқ эҳтиёжига, халқ эса маориф тараққийси учун хизмат қилиши лозимлиги-ни уқтиради. Орада турли гуруҳлар ўртасидаги низоларга барҳам беришга, миллий тотувликка чақиради. У ўз фик-рини «**Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маданиятнинг тараққийси эса шу «Нашри мао-риф» уюшмалари атрофига тўпланмоғига боғлиқдир**» (таъ-кид бизники — С. А.), деб тугатади.

У Туркистон халқини «Нашри маориф» орқали Истиқ-лол, Хуррият деган нажотга етакламоқчи бўлади. Унинг бу нияти сафдошлари томонидан илиқ кутиб олинади ва бу-тун ўлка бўйлаб кенг ёйилади. «Миллий иттиҳод»чилар-нинг аксарияти ана шу ташкилотга ўтиб, курашни янги шакл ва мазмунда давом эттирдилар.

Мунаввар қори ва миллий иттиҳодчиларнинг орзу-уми-ди 1924 йилда Россиянинг навбатдаги сиёсий найранги — «миллий чегараланиш» ўтказилиши билан барбод бўлди. Катта сиёсий кураш, кучли ҳарбий-иқтисодий кучга эга бўлмаган ташкилот тажрибали, ҳарбий, иқтисодий ва сиё-сий жиҳатдан устун кучга қарши туришга ожиз эди. Бу ожиз-лик ташкилотни парокандаликка, сўнг ўз-ўзидан тарқа-лишга олиб келди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов мустамлакачиларга қарши курашнинг янги воситасини топади. Бунда унга мас-лакдошлари Саидносир Миржалилов, Убайдулла Хўжаев, Толибжон Мусабоев ва бошқалар фаол ёрдам берадилар. «Миллий иттиҳод» тарқатилгач, мустамлакачиларнинг фао-лиятини хориж матбуоти орқали фош қилишга ўтилади. Бу соҳада улар Масковдаги эски танишлардан фойдала-ниб, Парижда яшаётган Мустафо Чўқаевга маҳаллий рус ва ўзбек матбуоти юбориб турадилар, ҳатто Англияга мах-сус одам юбориб айрим муаммоларни ҳал этишга урина-дилар. Махфий манба 1925 йил 18 июлда ГПУга қуйидаги-

ча маълумот беради: «Шайх Хованди Тоҳур даҳа Раис кўча маҳалласида яшовчи Абдулсамад Абдулвоҳидов, Мақсуд Тошмуҳамедов Англияга одам юбориш учун ўзига тўқ одамлардан 2500 сўм пул тўплашди. Пул шу икки шахсда, улар Фулжадан Умарқорининг келишини пойлашяпти. У келиши билан вакил жўнатилади.

Мунаввар қори Абдурашидов саёҳатдан қайтиб келди, ҳозир уйида яшяпти».

«15 июль 1925 й. Мунаввар қори машҳур миллатчи ёзувчи, яхши ёзиши учун катта обрўга эга, ўқувчилар орасида катта таъсири бор, «Шўрои ислом»чи, кейинги пайтларда яна адабий фаолият кўрсатяпти»...

6

Мунаввар қорининг шу йиллардаги ҳаёти изтироблар ва ларзалар билан тўла. Шўро давлати ва унинг сиёсий идораси Мунаввар қорига нафақат истиқлол йўлида, балки халқ оммасини маърифатли қилиш йўлида ҳам ишлаш имконини бермади. Унинг ҳар бир нафаси хушёр кўзларнинг назорати остида кечди. Куни кеча уни иззат-ҳурмат қилган кишилар ё юқори амалларга эришганларидан кейин, ё ГПУнинг таъйиқи остида ундан юз ўгира бошладилар. Унга ишлаш имконияти берилмади. Натижада Мунаввар қори Тошкентдан Масковга кетиб, ўша ерда ишлашни кўнглига тугади. Шу боис ҳовли-жойини сотиб, пулнинг бир қисмини рафиқасига, яна бир қисмини бир танишига қолдириб, йўлга тушади. «26-йил май охирида оилаларим билан бўлгон алоқадаримни расман кесиб, Масковга жўнадим, — дейди у. — Йўлда Қизил Ўрдага тушиб, ўртоқ Рисқулов ила кўришиб, ниятимни унга билдирдим. Унинг тарафидан маъқул кўрилиб, ёрдам ваъда қилинди».

Москвада Рисқулов, Н.Тўрақулов ва бир туркман йигит ёрдамида «Шарқ халқларини ўрганиш қўмитаси»га кириб ишлашни ва ўқишни ният қилади. У хотирасида «мани миллатчилик, ватанчилик ила муттаҳам қилгон шу миллат ва шу ватандан бутун алоқамни кесиб, қолгон умримни шўролар марказида кучим етганча илмий ишлар ила машғул бўлиб, умр ўткармак эди», — дейди. Ўша пайтда Москвада бўлган А. Икромов унга ёрдам беришни ваъда қилиб, Тошкентга қайтаради. Лекин юртига қайтган алломага ҳеч ким ёрдам қўлини узатмайди. У 1927 йили муаллимлик билан шуғулланади. Йил охирига яқин эски хавф ва гумон билан уни ўқитувчиликдан бўшатишади.

Мунаввар қори қўлқоп тикиб сотиш билан рўзгор тебратади. Кун кечириш ниҳоятда қийин бўлгани учун нафақага чиқишга ҳаракат қилади. Маориф комиссарлигида ва ижтимоий таъминот идораларида ўтирган шахслар уни оворая сарсон қиладилар. 1929 йил сентябрда у нафақага илинади. Аммо унинг бир сўм пул олгани номаълум. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинади. Уйда тинтув ўтказилиб, барча ҳужжатлари, китоблари ҳовлисида ёқиб ташланади. Агидуллин сўроқ бошлайди. Дастлабки уч ой мобайнида ўтказилган терговда Мунаввар қори ҳам, шериклари ҳам ўзларини айбсиз ҳисоблаб, сўроқ варақасига имзо чекмайдилар. Аммо Давлат Сиёсий бошқармаси Шарқ бўлимининг бошлиғи К. Бельскийнинг шахсан ўзи ва Агидуллин жисмоний тазйиқ бошлайдилар. 18—20 рақамли азобхоналарда конвейер усулида олиб борилган сўроқлар, узлатхонада сақлашлар, оддий инсоний заруратлардан маҳрум қилишлар маҳбусларнинг иродасини синдириб, сўроқ варақасига имзо чекишга мажбур қилади. Агар сўроқ варақалардаги имзолар, ҳарфларнинг ёзилиши руҳий-графологик нуқтаи назардан таҳлил қилинса, маҳбуслар матнларни аллақимларнинг тазйиқи остида ва улар фикрини қўшиб ёзганлари маълум бўлади. Ҳар бир ишда ўта хотиржам бўлган Мунаввар қори дастхатида ҳам ўзгаларнинг фикрлари кўзга ташланиб қолади.

Мунаввар қори ўз хотираларини уч нуқтаи назардан: 1) сўроқ учун; 2) тарих учун; 3) матбуот учун ёзганини таъкидлаган. Бинобарин, бу, «нозик дидлик тадқиқотчи, баъзи гаплар учун мени айблама», деганидир.

Миллат фидойиси бўлган бу сиймо ниҳоятда ғайриинсоний шароитда сақланди. Унинг 1930 йил 30 октябрда Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармасига ёзган аризасидаги: «Ҳозир қаттиқ бетобман, оёғим шишиб кетганидан юролмайман, бошқаларнинг ёрдамига муҳтожман. Шу сабабли мени умумий камерага кўчиришингизни ёки шифохонага ётқизишингизни сўрайман», деган сўзлари фикримизга далилдир. Етти ой нур кўрмасдан, «одиначка» деган узлатда яшашга инсон у ёқда турсин, шайтон ҳам чидай олмасди. Аммо унинг буюклиги шундаки, у энг сўнгги нафасигача, яъни 1931 йил 23 апрелда отилгунига қадар ўз гоёсидан, эътиқодидан қайтмади.

Мунаввар қори кўрсатмалари ҳақида шуни айтиш керакки, унинг хотираларида учрашувлар, суҳбатлар ҳақида гап борса-да, хиёнат йўқ, дўстларини сотиш йўқ. Тарихий

вазият ва воқеаларга солиштирилганда Мунаввар қори ўз ёзувларида кимнингдир айбини ёпади, ҳақиқий фактдан чалғитади, фақат ўз фикрини аниқ ошкор қилади. Шундай бўлса-да, соҳа мутахассислари миллат тарихи, истиқлол тарихи ҳақидаги айрим муҳим далилларга эга бўладилар, деб ўйлаймиз.

Ватан ва халқ дардини вужудида туйиб яшаган Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек адиблари орасида халқимизнинг қолоқлиги сабабларини адабиётда биринчилардан бўлиб инкишоф этган сиймолардандир. У ўз мақола ва ҳикояларида халқимизнинг бидъатга ботганлиги, уламо-ларнинг тор масалалар билан ўралашиб қолгани («тўй ва маърака хурофоти», «соч ва соқол низолари», «узун ва қисқа кийим жанжаллари», «мактабда жўғрофия ва табиёт ўқитиш- ўқитмаслик ихтилофлари») ва унинг оқибатини мутафаккирона кўрсатиб берган эди.

Адиб инсонларни эзгу фазилатларга чорлади. Унинг шеър ва ҳикоялари шундай дейишга асос беради. Унинг қайси йиллардан бадиий ижод қила бошлагани номаълум. Аммо унинг 1907 йилда босилган ўқиш китобига қараганда, ижодини шу йилларда бошлаган деб тахмин қилиш мумкин. Унинг биринчи ҳикояси «Садойи Туркистон» газетасида «Кичкина фелъетон» рукнида чоп этилган бўлиб, «Бизда ҳамият» деб аталади. У негадир «Муҳаррам» тахаллусини кўйган.

«Бизда ҳамият» ҳикоясининг қаҳрамонлари зиёлилардир. Уларнинг исмлари тўлиқ қўйилмай, ҳарфлар билан белгиланган. Ҳикоянинг бош қаҳрамони — муаллифнинг ўзи. Йўлда суҳбатлашиб турган зиёлилар олдидан кўзи ожиз, етим бола чиқиб қолиб, улардан садақа сўрайди. Улардан бири аччиқ тил билан ишлаш, ўқиш кераклигини уқтиради. Бола ожиз ва мажолсиз эканини айтади. Шунда бояғи зиёлилардан бири ўзининг жоҳиллигини фош этиб, жаҳл билан: «Овруполилар кўр, қулоқсиз қар ва ҳоказо ўқимоғи мумкин бўлмаган инсонларга махсус этиб мактаблар очганлар ва мактаблардан кўр, қарлардан ўқиб чиққан инсонларнинг ҳад ва ҳисоби йўқ, сан ҳам шундоқ мактабда ўқи», — дейди. Ҳикоя қаҳрамони зиёли дўстининг нодонлигини гўзал фош қилади: «Сиз бу сўзларни қайси ерда сўзлаурсиз? Берлиндами ва ё Лондондами ўзингизни зан этарсиз... ақлингиз қаерда?» Ўз қилмишидан мулзам бўлган зиёлининг чеҳраси буришади. Дўстларидан аразлайди.

Адиб қаҳрамони тилидан ҳақиқий зиёлилик ҳақида қуйидаги фикрни ўртага ташлайди: «Зиёли миллат, Ватан нима

эканини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасига ташламоққа муҳайё бўлур... Миллат, ватан, маданият, шунга ўхшаш сўзларни билмак билан зиёли бўлмайдур».

Хуллас, адиб ўз давридаги ҳақиқий зиёлиларнинг интилишларини, масъулиятларини аниқ чизгиларда кўрсатиб беради. Бу ҳикоя шу кунда ҳам кўпгина жиҳатлари билан замонавий асар деса муболаға бўлмайди.

Агар «Туғишганлик севгиси» ҳикояси укасини бўрилар хужумидан сақлаб қолиб, ўзини қурбон қилган Ойхон исмли қишлоқ қизининг жасорати ҳақида бўлса, «Девпечак» бугунги ишни эртага қўймаслик, оталар ишини асраб-авайлаш тўғрисидадир. Адиб ҳар бир асарида болаларни тўғри сўз, саводли бўлиш, ҳур ҳаётнинг қадрига етишга ўргатади. Шу жиҳатдан қараганда, «Қулликка қандай тушди?» ҳикояси эътиборга молик.

Ҳикояда инсон ва табиат мавзуси айрича идрок этилади. Инсоннинг табиатга ҳукмронлигига зимдан норозилик билдирилади. Одам ҳам, барча жонли мавжудот ҳам тенг, улар бир-бирларини қул қилмай эъозлашлари лозим деган фикр илгари сурилади.

Мунаввар қори Абдурашидхонов шеърлар ҳам ёзган. У ялқов, дангаса, ўқишни, ҳунарни ўрганмаслик, зеҳнини чархламаслик туфайли фаҳмсизланиб, одамларга кулги бўлганларни ҳажв қилади. Ёшларни илм-маърифатга, касб эгаллашга, ота-онани ҳурмат қилишга чорлайди. Унинг «Ўзи ҳам тор эди», «Ялқовлик ёвимиздир», «Ҳар ким экканини ўрар», «Ҳимматли фақир» шеърлари фикримизга далил бўла олади.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳамон тирик, орамизда яшамоқда, биз билан ҳамнафас. Фазилатмаоб эртанги кунимизни ёритиб турибди.

Мунаввар қори «Овруро ва Омриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга етишдилар», — деганда бизнинг-да халқимизни истиқлолга олиб чиқиб, ватанимизни жаҳон мезонидаги давлатга айлантиришини орзу этган эди. Зеро, у истибдоднинг умри қисқалигини яхши биларди. Шу боис сўроқлардан бирида шўро ҳукумати, фирқа ҳам вақти келиб ичидан емирилиб, парчаланишини башорат қилган эди. Унинг башорати тўлиқ амалга ошди.

Мунаввар қорининг ҳаёт йўлини, меросини ўрганиш энди бошланди. Келажак авлод бу ишни давом эттиради, деб ўйлаймиз. Тўпламдаги «Хотиралар» архивларда сақланаётган араб имлосидаги дастхатни кирилл ҳарфига ўғриб, айрим арзимас таҳрир билан эълон қилинмоқда. Зеро, унинг қандай шароитда ёзилгани сезилиб турсин.

Айрим нутқлар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Давлат Марказий архивидан олинди. Биз самимий ёрдамлари учун архив раҳбарлари ва ходимларига ҳамда ушбу машаққатли ишни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшганлари учун устоз Наим Каримовга ташаккур айтамиз. Шунингдек, маънавий ёрдам учун камтарин ва мард инсон Нўмон Воҳидовга чин юракдан миннатдорчилик билдирамыз.

Сирожиддин Аҳмад



БАДИЙ АСАРЛАР

ШЕЪРЛАР

ОРЗУ

Кўкламнинг искаб сунбулин,
Узгим келар нозик гулин,
Товши ёқимли булбулин
Бир лаҳза сайратгим келар.

Кўргим келар гулбоғини,
Ёзгим келар дил доғини,
Васлинг-ла кўклам чоғини
Бир-бирга ўхшатгим келар.

КУЗ

Кузнинг совуқ ели эсиб,
Сарғайтирди ёз юзини.
Ўсимликлар титраб, қақшаб,
Тутолмай қолди ўзини.

Кўк юзин булут қоплаб,
Қишлоқ элин сиқиштирди.
Экинчилар шошиб-пишиб,
Экинларин йиғиштирди.

Куз аскар келди босиб,
Қирлиди япроғлар, ўтлар.
Гўё бунинг мотамида
Кўз ёшин тўкди булутлар.

Гулларнинг ранги сарғайди,
Тўкилди ерга япроғлар.
Қарғаларга макон бўлди
Булбулдан айрилиб боғлар.

Эрталаб кўрсанг, қировлар.
Оқартирган ер юзини.
Кечқурун булут қоплаган
Кўкнинг ой ҳам юлдузини.

Севингандан олақарға
Қағиллайди бўйнин чўзиб.
Кўрққанидан боғчачилар,
Узумларин олди узиб.

Эй куз! Сенинг ишларингдан
Бир яхшиси эсга келди:
Ёз бўйича ёпиқ турган
Мактаблар сенда очилди.

ҚИШ

Қиш қиличин олиб келиб,
Чопди чаманнинг гулларин.
Фунчаларин хазон этиб,
Кўкка совурди кулларин.

Битди тириклик олами,
Қотди ҳама ўлик каби.
Қор кафанига чулғади
Боғ билан тоғу чўлларин.

Қишнинг ўзи каби совуқ
Қарғалар қағиллашар.
Ёмғир ва қор араллашиб,
Лойга тўлатди йўлларин.

Уйида йўқ ўтин, кўмир
Қиш кунни камбағалларнинг,
Титрашади дириллашиб,
Ишқалаб оёқ, қўлларин.

Ишлаётгидир ишчилар
Қишнинг совуқ шамолида,
Қор билан муз орасида
Ўйламай ўнг ва сўлларин.

Чилла туни, совуқ ҳаво,
Масжид ичида бир гадо
Кийгали тўн тополмади,
Устига ёпди жулларин.

Бор кишилар равомидир
Кийса ўзи қават-қават!
Ҳолига шафқат этмаса
Юртнинг бева ва тулларин!

ЎЗИ ҲАМ ТОР ЭДИ

Бир кун бир кишининг тўпписи сувга
Тушиб оқиб кетди, бошяланг қолди.
Тутмоққа сув бўйлаб югурди, елди,
Охирда чарчади, оёғи толди.

Ётиб қўл узатган эди, тирғониб
Йиқилди, ҳўл бўлди бошдан-оёғи.
Ариқ бўйидаги тол тўнкасига
Тегиб кетди, бир оз қирилди чоғи.

Ололмай дўппидан умидин узди,
Қайтиб келди дўстларининг қошига,
Ўртоқлари сўзлашдилар ўзаро,
Кулишдилар қараб оёғ-бошига.

Бири сўрди: «Ҳорманг, ўртоқ, ов қалай?
Катта-катта балиқ сувда бормиди?»
Уялгандан деди: «Кетса майлига,
Бошимга ўзи ҳам бир оз тор эди».

ЯЛҚОВЛИК ЁВИМИЗДИР

Кўзголингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи,
Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз —мактаб боғи.
Туринг, тезроқ иш бошлайлик,
Ялқовликни биз ташлайлик!

Кўкдан булут ёмғир сочар, сувлар оқар, ўтлар ўсар,
Қушлар учар, озиқ излар, бутун дунё тинмай ишлар.
Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар,
Юрт обрўсин ёшлар сақлар.

Танбалликдир бизга душман, ишламоқнинг замонидир,
Тиниб турмас «ёшман» деган, иш инсоннинг бир жонидир.
Тирик бўлсанг, кўзғол, ўртоқ!
Кўлга ишни тез ол, ўртоқ!

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб, сендан иш кутади,
Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютади.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,
Айт ёвингга сўнг сўзингни.

Ўвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир,
Ўвга қарши курашмаслик — қўрқоқликдир, анқовликдир.
Иш қиличин, тур, қўлга ол!
Ўвга қарши чиндан қўзғол!

ҲАР КИМ ЭККАНИН ҶРАР

Бир кишининг отаси
Кўп яшамин, қартаймиш.
Соч-соқоли оқармиш,
Беллари кучдан қолмиш.

Нон еганда лаблари
Бурни билан сўзлашур.
Чой ичганда қўллари
Қалтирашиб, титрашур.

Бели икки букилган,
Юрай деса, юролмас.
Бир ўтирса, ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас.

Ўғил, келин, неvara
Зерикдилар бу ҳолдан.
Қутулмоқчи бўлдилар
Бир иш қилиб у чолдан.

Кириб бир хилват уйга,
Сўзлашдилар учовлон;
Ўғил билан неvara
Қилди ўз фикрин баён.

Сўзлар бир оз чўзилди,
Мажлис узоққа кетди.
Навбат келди келинга;
У ҳам ўз фикрин айтди.

Келин деди: «Сизларнинг
Тўғри эмас ўйингиз,
Энг яхшиси, саҳрога
Олиб чиқиб қўйингиз!»

Биров кўмар ўлигин,
Кўрмас бизнинг кўзимиз.
Машаққатсиз бу ғамдан
Қутулгаймиз ўзимиз».

Ўз фикрини сўзлашда
Келин уста йўл тутди.
Бир оғиздан мажлисда
Келиннинг фикри ўтди.

Ўғил билан невара
Кун кеч бўлгач, турдилар;
Кўтардилар у чолни,
Сахро сари юрдилар.

Бир ўринга етганда,
Сўзга кирди ўша чол.
Деди: «Ўғлим! Сўзимга
Бир оз энди қулоқ сол:

Ман отамни бир замон
Бу ўринга келтириб,
Ташлаб кетган чоғимда
Қолган эди телмуриб.

Навбат келди ўзимга,
Сен ҳам мени келтирдинг,
Мен отамга на қилсам,
Эмди менга сен қилдинг.

Менга ярар шул ўрин
Бир кун сенга ҳам ярар.
Эл аро бор бир матал:
«Ҳар ким экканин ўрар!»

Бу сўзларни эшитгач,
Ўғил ҳўнграб йиғлади.
Отасига узр айтиб,
Хизматга бел боғлади.

ҲИММАТЛИ ФАҚИР

Бир замонда чиқмиш экан саховатли бир киши,
Фақирларга шафқат экан кеча-кундуз қилмиши.
Ҳар кун қилиб бир қозон ош, муҳтожларга берарди,
Сийлар эди мискинларни, очларни тўйдиарди.
Қайда кўрса камбағални, етимларни, тулларни,
Пул берарди, қутқазарди асирларни, қулларни.

Ўз кўнглида ўйлар эди: кўб яхшидир бу иши,
Топилмайди ҳеч ўринда бундай ҳимматли киши.
Муҳтожларни излаб бир кун кезди кўча-кўйларда,
Масжидларда, мозорларда, эски-туски уйларда.
Бир бузуқ уй: девор, томи ҳар томонга йиқилган,
Бурчагида бир камбағал ўлтирибдир сиқилган.
Кўлга олган тол новдани, тинмай сават тўқийдур,
Лабларини пичирлатиб бир нарсани ўқийдур.
Ҳеч томонга қарамайди, пешонаси терлаган,
Кийимлари йиртиқ-йиртиқ, юз-қўллари кирлаган.
Олтмиш-етмиш ёшга етган, яхшигина қартайган,
Камбағаллик, иш меҳнатда ранги-рўйи сарғайган.
Буни кўргач, ул сахийнинг юраклари эзилди,
Кўзларидан чиққан ёшлар юзларига тизилди.
Бориб айтди: «Эй отажон, бу ўринни қўйингиз!
Тайин қилай бир яхши жой, ул ер бўлсин уйингиз.
Роҳат қилинг, қартайибсиз, кийим, таом берайин,
Қандай нарса истасангиз, уни тамом берайин!»
Бу сўзларга қулоқ солди у камбағал ишчи чол,
Кулиб деди: «Раҳмат, аммо менда бордир бир хаёл:
Ўзгаларнинг текин нонин оч қолсам ҳам олмасман,
Ўз кучим-ла бир парча нон топиб, уни тишларман,
То танимда жоним бордир, ўз касбимдан қолмасман,
Ҳозир менинг кўзим кўрар, қўлим тутар, ишларман,
Шул сабабли таклифингиз манга тўғри келмайди,
Текин нонга ким ўрганса, ҳиммат надир билмайди».
Энг ҳимматли манман деган сахий буни тинглади,
Камбағал чол ҳимматининг ортиғлигин англади.

ТЎҒРИ ЖАВОБ

Отаси ўлуб, бир ўғил бўлди бой,
Ки қолди анга молу мулку сарой.
Анинг олдига бир фақир келиб,
Салом айлади, тавозеъ қилиб.
Деди: Мен сенга туғма қардошман,
Бу молу манолингга йўлдошман.
Отангдин қолди сенга бу неча мол,
Бўлуб бер менга ярмини ушбу ҳол.
Ул одам деди ҳайрат ила анго:
«Нечук сен қариндош ўлурсан манго?»
Фақир айди: «Эй меҳрибоним, эшит,

Кулоқ солиб, бу арз ниҳоним эшит.
Сану ман ҳама олам инсонлари
Эмасмизми, бир одам ўғлонлари?»
Бу сўзни эшитгач, табассум қилиб,
Бир олтун чиқарди, деди: «Ол келиб».
Ул айди: «Биродар, бу қандай суҳан?
Манго шулмидур ҳисса меросдан?»
Жавобида ул марди ширин калом
Деди: «Сокит ўл, билмасун хосу ом.
Эшитсалар гар ўзга қариндошлар,
Узоғу яқиндан, ёру йўлдошлар
Бўлуб олсалар молу мулкни тамом,
Санга тегмагай бир тийин, вассалом!»

ҲИКОЯЛАР

ТУҒИШГАНЛИК СЕВГИСИ

Тоғ яқинида кичик бир қишлоқ бор эди. Шу қишлоқнинг бузуқ бир биносида ўн уч ёшлик Ойхон отлик бир киз турар эди.

Ойхоннинг ота-онаси очарчилик йилида — бундан тўрт йил бурун ўлган эдилар. Бояқиш Ойхон беш ёшлик Турдибой деган укаси билан қўш етим бўлган эди. Турдибойни онаси каби боқар эди.

Қиш чоғи келмиш, беш ҳафтадан бери қор бутун ер юзини қопламиш ва теварак оппоқ қор билан чулганмиш эди. Ойхон онасидан бир неча мартаба: «Қиш кунларда бўрилар оч қолсалар, қишлоққа келадилар-да, томоқ излайдилар», деб эшитган эди. Фақат бу ҳам томоқ топмоқ учун ташқарига чиқмоққа мажбур эди.

Бир кун эрталаб Ойхон нон олмоқ учун бозорга борди. Нон олиб, уйига яқинлашган чоғда қўрқинчли товушлар, укасининг бақирган-чақирган овози эшитилди.

Ойхон чопиб уйга кирди. Укасига югурмоқда бўлган бўрини кўрди. Бор кучи билан бориб, укасини кучоқлаб олиб, оғзи очиқ турган сандиққа солди, чап қўли билан сандиқни босиб турди.

Ойхон укасини қутқармоқдан бошқа бир нарса тушунмас, орқасидан кулиб, севиниб келаётган бешта бўрини кўрмас эди.

Бўрилар бирдан уй ичига кирдилар-да, Ойхонга югура бошладилар. Ойхон бор кучи билан ҳайдамоқ истар эди, лекин бўрилар ҳар томондан ириллаб, югурушиб, тишлаб тортишар эдилар.

Ойхон танидан оққан қон билан секин-секин кучдан кетиб, йиқила бошлаганин англар-англамас сандиқдан узоқлашди, эшик олдиғача борди.

Ортиқ бўрилар хурсанд эдилар. Бу ғайратли қиз эшик олдида кучдан қолиб йиқилди. Оч бўрилар бояқиш қизни еб битирдилар.

Бир неча соатдан сўнг уйига келган қишлоқликлар кўрдиларки, Турдибой сандиқнинг ичида пиш-пиш ухлаб ётибдир. Бечора Ойхон ўз жонини севикли укасининг ўрнига қурбон қилмишдир.

ҚАНДАЙ ҚУЛЛИК ТУШДИ?

Кўм-кўк майсалар, яхши сабзалар билан ўралган кенг, гўзал бир қирнинг устида бир айғир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Янги чиққан ям-яшил, кўм-кўк ўтларнинг энг яхшисини толалаб-толалаб ер эди. Еб, қорни тўйгандан сўнг у ёқ-бу ёққа ўйноқлаб, кишнаб юрар эди. Ҳеч кимни ёнига йўлатмас эди. Ёлларини йилтилатиб юриб, чарчагандан кейин, даланинг ҳар хил хуш исли чечаклар очган текис ерларига бориб ағанар эди.

Бир замон бу ерга бир хўкиз келиб қолди. Даланинг роҳат-гўзаллигини кўргач, шу ерда қолмоқчи бўлди. «Дала — кенг, текис, ўтлар қалин, сувлар тиниқ, худди тоғларнинг тепасидаги яйловларга ўхшайди, ўти менга ҳам етар, отга ҳам етар», деб ўйлади. От буни кўриб аччиғи келди. Қувлаб юбормоқчи бўлиб келган эди, хўкиз сузиб, яқин келтирмади. Шундан сўнг отга жуда алам қилиб, одамнинг ёнига келиб: «Ўртоқ, шу хўкизни қирдан қувлаб юборишга кўмак қилсанг-чи», — деди. «Тузук, сенинг бу илтимосингни қабул қилиб, хўкизни қувиб юбораман, аммо тез қувлаш учун сенинг орқангга эгар, оғзингга юган солиб, устингга отланишим керак бўлади. Шунга кўнасанми?» — деди.

От бу шартга унади. Одам эгарлаб ва юганлаб, отни миниб олиб, қирга чиқди. Хўкиз буни кўргандан кейин қирдан қочиб кетди. Хўкиздан қутулгач, от кишига: «Қани, ўртоқ, устимдан туш, эгар-юганингни ол, хўкизни ҳайдаганингга раҳмат!» — деди. Киши отдан тушди, лекин отнинг оғзидан юганни олмади. Бунинг устига оёқларига ҳам кишан солди. Шу кундан бошлаб бир ерга бормоқчи бўлса, дарров отнинг устига эгар солиб, миниб борадиган бўлди. От эса одамга қул бўлиб қолди.

ДЕВПЕЧАК

Бир кун бир деҳқон саккиз ёшли ўғлини етаклаб боғча-сига кирди. Боғчада олма, нок, шафтоли, ўрик, анор, анжир ҳам узум каби ҳар турли емиш оғочлари ям-яшил бўлиб кўкарган. Ўриklarнинг довуччалари ёш болаларни қизиқтирадиган бир тусда осилиб турган эди. Ота-бола боғчада кеза-кеза бир ёш ўрик оғочининг тагига етдилар. Бола қўл узатиб, ҳалиги ўрикдан икки-уч дона узиб, оғзига солди. Ўрик думбул эди. Қарс-курс чайнагандан сўнгра: «Отажон, бу ўрик қандай чиройлик ҳам қандай тотли!» — деди. Ота-си: «Ўғлим! Бу ўрик оғочини сен туғилган кунда сенга атаб эккан эдим. Ҳозирда бу ҳам сенга ўхшаб, саккиз ёшга кирди. Иккинги тенгсиз, бу кундан бошлаб, оғочнинг эгаси сен. Сен ўзинг боқ, ўзинг суғор, емишларини истаганча е, ўртоқларингга бер, нима қилсанг, қил!» — деди.

Бола отасининг бу сўзларига жуда севинди. Оғочга яқинроқ бориб, диққат билан қаради. Остдан бир ўт чиқиб, оғочга чирмаша бошлаганин кўрди.

— Отажон, бу қандай ўт, нима учун менинг ўригимга чирмашадир?

— Ўғлим! Бу девпечак деган ўтдир. Буни тезлик билан юлиб тозаламаса, бир неча кун ичида бутун оғочни ўраб олиб, дарров қуритадир. Бу ўт учун илдиз ҳам керак эмас, оғочнинг бир шохида озгина бир бўлаги қолса ҳам ўсиб кетиб, бутун шохларни қоплайдир.

— Бўлмаса, эртага кириб бу душманни бутун илдизларини юлиб, ўригимни тозалаб кўяман.

— Балли, ўғлим, шундай қил, унутма!

Ота-бола бу суҳбатдан сўнг қўл ушлашиб, боғчадан чиқиб кетдилар.

Эртасига боланинг эсидан ўриги чиқиб кетди. Орадан ўн беш кун ўтди. Боланинг эсига бирдан боғчадаги ўриги ва унга чирмашган девпечак тушди. Югурганча боғчага кирди, ўрикнинг тагига бориб қараса, аллақачон девпечак ўрикни бутун шохларигача ўраб олган, яшил япроқларни сарғайтирган, тотли емишларини сўлдирган эди.

БИЗДА ҲАМИЯТ

Ҳаво қиш ўлдиғиндан гоят совуқ эди. Кўчалар билчираб битган, бутун атрофни балчиқлар ифлос қилиб ташлаган эди. Шул балчиқларнинг ўртасиндан, балчиқларга ботган, кийимлари йиртилган, икки кўзи нобажо бир етим

бола кўлида асо ушлаб келмоқда эди. Лекин бу етим болани кўрган инсон ҳар қандай ҳамиятсиз бўлса ҳам раҳми келур эди.

Мени ёнимдаги зиёлилар «назар-диққатларина жалб этдирдилар». У етим бола бизларга яқин келди-да, шул ерда одамлар борлигини билмиш каби қарамакга бошлаб бизларга қарши маъюслик бирлан шундай деди:

— Тақсирлар, менга шафқат этиб бир оз маованат қилингизлар! — дедиғи бирлан ман ёнимдаги зиёлиларни бир нарса бермакларини таклиф этдим. Маним бу таклифим А. афандига ўхшамадигиндан манга таҳқир назари бирлан бир қараб олдиғиндан сўнгра бу етим болага қараб шўйла дедилар:

— Сен ёшсан. Куч ва қувватинг бор, ўқи, мардикор ишла, андин сўнгра пул топилур, — деб қатъий сўзламишдилар. Заволли бола йиғлаб ёлингон товуш бирлан:

— Ўргулай почча, ўқий десам кўзларим кўр, мардикор ишламак мумкин эмас, балчиқлардан юролмайман, қорним оч, таом егани қудратим етмайди. ... нима қилай? — дедиғи аснода А. афанди ғоятда шиддатли этиб шундай дедилар:

— Овруполиклар кўр, қулоқсиз кар ва ҳоказо ўқумоғи мумкин бўлмагон инсонларга махсус этиб мактаблар очгонлар ва у мактаблардан кўр, карлардан ўқуб чиқгон инсонларнинг ҳад ва ҳисоби йўқ, сан ҳам шундоғ мактабда ўқи.

Шундоғ деб эрдилар, зиёлилар қаҳқаҳа этиб кулуб юбордилар. Ман ҳам шу сўзларни сўзладим:

— Сиз бу сўзларингизни қайси ерда сўзларсиз? Берлиндами ва ё Лундундами, ўзингизни зан этурсиз... ақлингиз қайси ерда? — деб эрдимки, А. афандининг чеҳралари буришиб, ачиғлари бирлан манга қараб:

— Сан ёшсан, ҳали санга гап тушгани йўқ, — деб эрдилар, ман жавобан:

— Афандим? Бу вақтда ёшга қарамайди, ҳар бир киши фикр, ақл, зехн, хизмат, ҳамиятга қараб қолгондир.

Зиёлилар ҳам А. афандининг сўзларина ғоят даража мукаддир бўлдилар. Вужудлари титрамакга бошлади. Мани ҳам ҳамиятим қайнай бошлади ва зиёлиларга қарши:

— Ажабо! Бизлар ўн-ўн беш киши иттифоқ этиб, шу етим болани тарбия қилсак бўлмайдими? — дедигим вақтда Н. ва Й. афандилар масрур бўлиб қабул этган каби бошларини қимилдотдилар-да, сўнгра шуни илова этдилар:

— Сўзладигингиз тўғри, аммо А. афанди келсунлар, сўнгра музокара этамиз.

Бу сўзларина қарши А. афанди ғоят ваҳшиёна бир назар бирлан:

— Сизлар ўзингизни зиёлиман дейсизлар, аммо ... қилгон ишларингиз ҳеч бири зиёлиларнинг ишларига ўхшамайди?

Фақир А. афандининг бу сўзларина ғоят даража хафа бўлиб, шундоғ дедим:

— Демак, сизнинг занингизча, зиёли бўлмак учун ҳамиятсиз, раҳимсиз ўлмак лозимдирми?.. Агарда зиёли бўлмак учун шу шарт лозим эса, балки, сизни зиёли ўлмоқингиз лозимдир. Бизнинг занимизга зиёли ўлмак ғоят мушкул бир нарсадир. Зиёли Миллат, Ватан нима эдигини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга муҳайё бўлур. Сизнинг билмагингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозимдир. Йўқ эса, «Миллат», «Ватан», «Маданият» — шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайди. Агарда шунларнинг маънисини сўрар эсам, балки билмасангиз деб эрдим, А. афанди ғоятда хафа бўлиб, биздан ажралдилар. Биз ҳам бунни кўриб, қулиб қолдук. Бирда қарасам заволли бола бир деворга суянмиш ётиюр.

— Сан ҳозирча бориб тур. Эрта ва ё бириси кун кел. Ул вақтда сани ўз ёнимизда тарбия этамиз!

— Раҳмат, раҳмат, Худо хайр берсун, — деб кетди.

Бизлар ҳам иттифоқ бирлан ҳар биримиз ҳар тарафга, А. афандини ҳолига таассуф этуб тарқалдук.

Муҳаррам

«Садойи Туркистон» №58,
1915 йил 6 феврал

АДИБУС-СОНИЙ

Макотиби ибтидоия шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак
учун мумкин даражада очиқ тил ва осон таркиблар ила
ёзилмиш қироат китоби

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ҳамд

Аллоҳ таоло ҳазратлари бизни йўқдан бор қилди. Кичик эдик, катта қилди. Оч эдик, ризқ беруб тўйдирди. Яланғоч эдук, кийим берди. Кўрмак учун кўз берди. Эшитмак учун қулоқ берди. Сўзламоқ учун тил берди. Юрмак учун оёқ берди. Ишламак учун қўл ҳам куч берди. Яхшини ёмондан, оқни қорадан айирмак учун ақл-хуш берди. Хусусан, бизга иймон бериб, ўзининг бирлигига инонтирди. Барча пайгамбарларнинг афзали бўлган Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларига бизни уммат қилди. Ҳам динларнинг энг ҳақ ва тўғриси бўлган ислом дини ила мушарраф қилди. Бу нарсаларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг берган улуғ неъматларидир. Булардан бошқа қанча неъматлар бергандирки, ёзмоқ ва санамоқ ила адо қилмоқ мумкин эмасдир. Бу неъматларнинг ҳар бириси учун Аллоҳ таоло ҳазратларига доимо ҳамд ва шукр этмак барчамизга вожибдир. Аллоҳ таолога айтиладирган ҳамд ва шукурларнинг энг яхшиси берган неъматларини ўз ўрунларига ишлатмак ва буюрган ишларини чин кўнгил ила қилиб, қайтарган ишларидан бор куч ила ўзини тортмоқликдир.

Байт

Банданинг ҳаргиз қўлидан келмағай
Неъматини Ҳақ шукрини этмак тамом.
Яхшиси улдулки, ҳар бир неъматин
Ўз ерига сарф қилгай хосу ом.
«Қил!» — деганин жону дил бирла қилуб,
«Кўй!» — деганин ўзига билгай ҳаром.

САЛОВОТ

Бизнинг динимиз — ислом, ўзимиз мусулмондирмиз. Бизга ислом динини ўргатган ва мусулмонлигимизга сабаб бўлган афандимиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларидир. Бу зот Аллоҳ таолонинг энг яқин ва энг суюклик бандаси эдилар. Шул сабабли бошқа бандаларига тўғри йўлларни кўрсатмак ва эгри йўллардан қайтармак учун бу зотни элчи қилиб юборди ва ҳамма бандаларига бош ва пайғамбар қилди. Бу зот ҳам ниҳоятда тўғрилиқ ила Аллоҳ таолонинг ҳамма буйруқларини саҳобаларига ўргатдилар, саҳобалар боболаримизга ва боболаримиз бизга еткурдилар. Шу йўл ила биз мусулмон бўлдик. Мана шул Муҳаммад алайҳиссалом бизнинг пайғамбаримиз ва биз шул зотнинг умматларидурмиз. Шунинг учун бу зотнинг ўзларига ва барча авлод, қариндош ва саҳобаларига Аллоҳ таолодан раҳмат тиламак ва бу зотнинг кўрсатган йўлларида ва айтган сўзларидан заррача чиқмаслик ҳар бир мусулмонман деган кишига лозимдур.

ИЛМ

Илм — билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмоқдир.

Одам боласи туғилган замонда ҳеч нарсани билмас. Ҳаттоки сўзламоқ, ёзмоқ, яхшини ёмондан, оқни қорадан айирмак каби энг керакли нарсалардан маҳрумлик ҳолда дунёга келур. Сўнгра оз-оз ўрганмоқ ила ҳар нарсани билур.

Оталаримиз, оналаримиз, улуғларимиз ва муаллим афандиларимиз ушбу билган нарсаларимизни ўргатмаган бўлсалар эди, ҳозирда биз ҳам ҳеч нарсани билмас эдук. Шунинг учун одам болаларига зиёда лозим бўлган нарса — билмаганларини билганлардан сўраб ва ўқуб ўрганмак, яъни илм деган азиз ва фойдали нарсани қўлга олмак учун ҳаракат қилмоқдир. Илм — одамнинг зехнини очар, ақлини орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур. Охиратда саодатли ва шарофатли қилур.

Б а й т

Илмдур дунёда энг яхши хунар,
Илмсиздан яхшидур гунг ила кар.

Ҳар киши илм-ла бўлса ошно,
Иззату давлатда бўлғай доимо,
Илмсиз одам залилу хор ўлур,
Илмсизлардан ҳамма безор ўлур.

АХЛОҚ ДАРСЛАРИ

Одоб

Бир киши Луқмони ҳақимдан: «Одобни кимдан ўргандингиз?» — деб сўрамиш.

Луқмони ҳақим: «Одобни одобсизлардан ўргандим», — деб жавоб бермишлар.

Ул киши яна сўрамишки: «Одобни одобсизлардан қандай ўргандингиз?»

Луқмони ҳақим жавоб бермишларки: «Доим кишиларнинг қилган ишларига ва сўзлаган сўзларига диққат ила қараб юрдим. Кимдан ёмон сўз эшитсам, ул сўзни ҳеч бир сўйламадим, кимдаки бир ёмон иш кўрсам, ул ишни ҳеч бир қилмадим, шунинг ила одобли бўлдим».

Ҳисса: одобли бўлурман деган киши ҳар нарсага иззат кўзи ила боқуб, иззат олур. Қайси иш кўзига яхши кўрунса, ул ишни қилмоқға ҳаракат қилур. Ва қай иш кўзига ёмон кўринса, ул ишдан ўзини тортур. Бундай қилган киши, албатта, одобли бўлур.

Искандар Зулқарнайн

Ўтган замонда Искандар деган улуг бир подшоҳ бор эди. Бир кун бир девонага йўлиқди. Девонанинг баъзи ҳаракатлари подшоҳга хуш келуб, айтдики: «Эй девона, мандан бир нарса сўрагил». Девона айтдики: «Эй подшоҳи олам, пашшалар манга ҳар вақт ташвиш берадурлар. Юз ва қўлларимни чоқуб, хафа қиладурлар. Буюрсангизки, пашшалар манга бундай озор бермасалар».

Подшоҳ айтди. «Эй девона, мандан шундай нарса сўрагилки, ул нарса маним ҳукимда бўлсун. Ман пашшага нечук буйруқ қилурман?»

Девона айтди: «Эй подшоҳ, дунёдаги махлуқларнинг энг кичкинаси ва ожизроғи пашшадир. Шул пашшагаки ҳукмингиз юрмаса, эмди сиздан нима сўрарман?»

Ҳисса: Дунёда сенинг на ҳожатинг вор,
Сўрагил они сан Худодан, эй ёр.

Лофчи

Бир лофчи киши бор эди. Лоф ва ёлгон сўзларни кўп сўзлар эди. Бир кун бир мажлисда денгизларнинг аҳволидан ва денгизда кўрган томошаларидан ҳикоя қилди. Мажлисдаги кишилардан бири сўрадики: «Эй биродар, сиз денгизда кўп саёҳат қилганга ўхшайсиз, денгизларнинг балиқлари қандай бўлур экан?»

Лофчи ул кишига боқуб: «Ҳалигача сиз денгиз балиқларини кўрганингиз йўқми? Денгиз балиқлари туяга ўхшаш икки узун шохли бўлурлар»,— деди.

Мажлисда ўлтурганлар билдиларки, ул бечора на туяни кўрган экан ва на денгиз балиғини. Барчалари бирдан кулишиб юбордилар. Лофчи уялиб, мажлисдан чиқиб кетди.

Ҳисса: Ўғул, парҳез қил сан ҳам ҳамиша лофу ёлгондан —
Ки яхшидур сукут этмоқ, айтуб ёлғону ёлғондан.

Икки йўлдош

Икки киши дўст ва йўлдош бўлиб, сафарга чиқдилар. Йўлда бир айиқ чиқиб, буларга югуриб ҳужум қилди. Буларнинг бири ёш ва чаққон эди. Шу сабабли тезлик ила қочуб, бир ерга бекинди. Аммо иккинчиси ўзининг кекса-лиги ва кучсизлигидан қочолмай қолди. Начора, ўзини бир ерга ташлаб, ўлигга ўхшаб қимирламай ётди. Айиқ келуб, буни искаб-искаб, ўлук гумон қилиб, зарар еткурмай ташлаб кетди.

Айиқ кетгандан сўнгра йўлдош бекинган еридан чиқуб келди ва кулиб айтдики: «Эй йўлдош, қулоғинга айиқ нима деб шивирлади?»

Йўлдош жавоб берди: «Айиқ қулоғимга, бундай ожизлик вақтида сени ташлаб кетадурғон кишига бундан сўнг асло йўлдош бўлма, деб шивирлади».

Ҳисса: Шундай кишилар ила дўст ва йўлдош бўлмоқ керакки, шодлигинга шод, хафалигинга хафа бўлсун. Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ бўлмасин.

Тўғри жавоб

Отаси ўлуб, бир киши ўлди бой,
Ки қолди анга молу мулк, сарой.
Онинг олдига бир фақир келиб,
Салом айлади кўп тавозе қилиб,

Деди: «Ман санга туғма қардошман,
Бу молу манолингга йўлдошман.
Отангдан чу қолди санга бунча мол,
Бўлиб бер менга ярмини ушбу ҳол».
Ул одам деди ҳайрат ила анго:
«Нечук сан қариндош ўлурсан манго?»
Фақир айди: «Эй меҳрибоним, эшит;
Кулоқ сол, бу арзи ниҳоним эшит,
Сану ман ҳама олам инсонлари,
Эмасмизми бир одам ўғлонлари?»
Бу сўзни эшитгач, табассум қилиб,
Бир олтун чиқарди, деди: «Ол келиб»
Ул айди: «Биродар, бу қандай сухан,
Манга шулмидир ҳисса меросдан?»
Жавобида ул марди ширин калом,
Деди: «Сокит ўл, билмасун хосу ом.
Эшитса гар ўзга қариндошлар,
Узоғу яқин, ёру йўлдошлар,
Бўлиб олсалар, молу мулк тамом,
Санго тегмагай бир тийин, вассалом».

Панд

Яхши муомалани дўст ва душманга баробар қилмоқ лозимдур. Чунки яхши сўз дўстларнинг дўстликларини ортурур. Душманларингни дўстликка айлантирур.

Назм

Бўлур хулқу хуш ҳам сучук тил била,
Етаклаб улуғ филни қил била.
Чиқар яхши сўз-ла илон инидан,
Ёмон сўз ила мусулмон динидан.

Жўгрофия

Ернинг аҳволини билдирадурғон илмни жўгрофия дейилур. Ер бизнинг кўзимизга текисга ўхшаб кўринса ҳам, аслида текис эмас. Балки пўртахолға ўхшаш юмалоқдир. Аввалларда «Ер ҳўкизнинг шохида турадир», деган сўзларга ҳар ким ишонғон бўлса ҳам, ҳозирги замонда андоғ сўзларнинг аслсизлиғи ҳар кимга маълумдир. Ер ҳеч нарсанинг устида турмас. Балки ҳавонинг ўртаси муаллақ турадур.

Пўртахолнинг юзи ўзининг пўсти ила қоплонғониға ўхшаш ер юзининг ҳам тўртдан уч бўлаги шўр сувлар ила қопланмиш, қолғон бир бўлаги тош, қум ва туфроғлар ила қопланмишдур.

Сув ила қоплонғон ўринларини денгиз, қўл ва дарё дейилур. Тош, қум ва туфроғлар ила қопланмиш ўринларини қуруғлиқ дейилур.

Денгизлар беш бўлак бўлиб, Баҳри муҳити кабир, Баҳри муҳити ҳинд, Баҳри муҳити атлас, Баҳри муҳити мунжамиди шимолий, Баҳри муҳити жанубий деб аталурлар. Ушбу денгизлар қуруғликнинг атрофини ўраб олмиш улуғ денгизлардур. Булардан бошқа қуруғликнинг орасиға ёриб кирмиш ниҳоятда кўп қўл ва денгизлар бордур. Машҳурроқлари: Оқ денгиз, Қора денгиз, Шимол денгизи, Каспий денгиз, Манош денгизи, Баҳранг денгизи, Болтиқ денгизи, Аталар денгизи, Мармара денгизи, Азов денгизи, Баҳри аҳмар, Япония денгизи ва Чин денгизларидур. Қуруғлиқ ҳам беш қитъаға бўлиниб, Европа, Осиё, Амриқо, Африқо, Австралия деб аталур.

Ҳажжож ила дарвеш

Ўтган замонда Ҳажжож исмли бир золим подшоҳ бор эди. Кўп уламо ва саидларнинг бошларини кесмиш ва қонларини тўкмиш эди. Анинг жабр ва зулми шул даражага етмишдур, тарих китобларининг ҳар бирида анинг исмини Ҳажжожни золим деб ёд қилмишлар.

Мана ушбу Ҳажжож бир кун йўлда бир дарвешга йўлиқди. Олдига чақириб: «Эй дарвеш, маним ҳақимга бир яхши дуо қил!» — деди. Дарвеш қўлини дуога кўтариб: «Ё Раб! Бу золимни жонини тезроқ олғайсан», — деб дуо қилди. Ҳажжож аччиғланиб: «На учун бундай ёмон дуо қилурсан?» — деди. Дарвеш: «Агар сан тезроқ ўлсанг, гуноҳинг кўпаймас. Ва барча фуқаро сенинг зулмингдан қутулур. Шунинг учун маним бу дуом ҳам санга ва ҳам барча кишиларға фойдалидур», — деди. Дарвешнинг тўғри жавоби Ҳажжожга хуш келуб, кўп инъомлар берди. Ҳам ул кундан бошлаб зулмдан қўл йиғди.

АХЛОҚ ДАРСЛАРИ

Тарбияли бола

Тарбияли бола улуғларни иззат ва ҳурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўзидан кичикларға шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг қадрини билур. Ўзи-

дан рози қилмоқға ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларға ёрдам берур. Инсонликға ярашган ишлардан ўзини тортмас. Ярашмаган ишларнинг (қанча фойдалиқ бўлса ҳам), яқинига бормас. Ўзи билмайдургон сўзларга ва қўлидан келмайдургон ишларга асло аралашмас. Ҳар ишда тўғрилиқдан айрилмас. Доимо яхшини яхши, ёмонни ёмон дер. Ҳар сўзни вақтига ва жойига қараб сўзлар. Ҳар ишда бир фойдани кўзлар. Ўзларига ёки бошқа инсонларга фойдаси тегмайдургон ишларга қадам қўймас. Ҳеч кимнинг ишига, кучига зарар еткурмас. Тарбиясиз, ёмон болаларга қўшилмас. Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан чиқмас. Ҳар ишда инсофни қўлдан бермас. Бировдан бир яхшилиқ кўрса, эсидан чиқармас. Қўлидан келмаган ишни устига олмас. Устига олган хизматини қилмай қолдирмас. «Миллат» деган сўзни жонидан ортиқ суяр.

Шафқат ва марҳамат

Одам болалариға лозим бўлган яхши ишларнинг бири муҳтожларға шафқат ва марҳамат қилмоқдур. Шафқат ва марҳамат эса биров бир нарсани сўрагон вақтида бор бўлса, аямасдан бермак, агарда йўқ бўлса, ширин сўз ила узр этмоқ ва қўлдан келганича бошқаларға ёрдамда бўлмоқдур. Жаноби Ҳақ таоло ҳамма махлуқларни бир-бирига муҳтож ва бир-бирига сабаб қилуб яратмишдур. Подшо гадога, гадо подшоҳға, бой фақирға, кофир мўминға, мўмин кофирға ҳосил, ҳамма бир-бирига муҳтождир.

Бу муҳтожлик ёлғиз инсонлар орасида бўлмай, инсонлар ила дунёдаги жонлиқ ва жонсизларнинг барчасини орасида ҳамма вақт кўрилмакдадур. Инсонлар минмоқ, юкларини ортмоқ, ерлариға экин сочмоқ, сут ва гўштларини емоқ ва ичмоқ учун от, туя, эшак, қўй, сигир, хўкиз, балиқ, товуқ каби ҳар хил ҳайвонларға муҳтож бўлурлар.

Ҳайвонлар эса ризқларини ўткармоқ ва болаларини тарбия қилмоқ учун кўп вақтларда инсонлар тарафидан экилган ўт, пичан ва ғаллаларға ва солинган иморатларға муҳтож бўлурлар. Шул сабабли шафқат ва марҳамат тўғрисида инсонлик, ҳайвонлик, кофирлик, мўминлик, яқинлик, узоғлик, бойлик ва фақирлик каби фарқларни эътибор қилмай, барчани баробар кўрмоқ лозимдур.

Али ила Вали

Али исмлиқ фақир бир бола бор эди. Бир куни оч қолди. Нон излаб кўчага чиқди. Кўшнилардан бирининг Вали исмлиқ бир ўғли бор эди. Вали қўлига бир парча нон ушлаб, эшигининг олдида еб турган эди. Бечора Али эса очликдан ўлум даражасиға еткан эди. Валининг қўлидаги нонни кўргани замон олдиға бориб, бўйнин эгиб, «ўртоқжон, озгина нонингдан берсанг-чи», деди. Вали эса тош кўнгиллик, шафқатсиз бола эди. Шу сабабли Алининг ҳолиға ҳеч бир раҳм қилмай: «Бор кет, санга берадурган ноним йўқ», — деди. Орадан кўп вақт ўтмади. Бир кун Валининг бир эчкиси йўқолди. Вали эчкисини ахтармоқ учун далаға чиқди. Кўп юрди, охирида ташна бўлди. Ҳар тарафдан сув излади, ҳеч бир ердан сув тополмади. Сувсизликдан йиқилмоқ даражасиға еткан ҳолда узоқдан кўзи Алиға тушди. Али бир дарахтнинг соясида қўйларини ўтлатиб, олдиға бир кўзада сув қўйиб ўтирмиш эди. Вали шодлик ила Алининг олдиға бориб: «Биродар, сув бермасанг, ташналикдан ўлурман», — деди. Али фақир бўлса ҳам олийжаноб бир бола эди. Валининг ҳолиға шафқат ва марҳамат қилуб, кўзани узатди. Вали тўйгунича сув ичиб, ташналик балосидан қутулди. Ва ўзининг улда қилган марҳаматсизлигиға Алидан афу сўраб, миннатдорлик изҳор этди.

Исроф, бухл ва саховат

Исроф ўринсиз ва заруратсиз ерларга молни сарф этмақдир. *Бухл* энг зарурий ерлардан ҳам молни қизганмоқ ва аямоқдур. *Саховат* эса ҳар иккисининг ўртаси бўлиб, молни зарур ва фойдалиқ ўрунларға сарф қилуб, зарурсиз, фойдасиз ўрунлардан сақламоқдур. *Исроф* ила бухл дин юзасидан ҳаром ва ақл юзасидан энг ёмон ва мардуд саналган ишлардандур. *Саховат* эса хўйларнинг энг яхшисидур. *Исроф* қилғувчини *мусриф* дейилур. *Бухл* қилғувчини *бахил* ва *хасис* дейилур. *Саховат* қилғувчини *сахий* ва *жўмард* дейилур. *Мусриф* киши ҳар қанча давлатлик бўлса ҳам, охир бир кун фақирлик ва хўрлик балосиға йўлиқади. *Бухл* киши ҳар қанча бой бўлса ҳам, молининг ҳузур-ҳаловати, тириклигининг лаззати ва шавкатидан қуруқ ва маҳрум қолур. *Сахий* кишининг кундан-кун моли кўпайиб, иззат ва обрўйи ортар. Ўз баробарлари орасида сўзи ўткур ва эътиборлик бўлур.

Мактаб

Болалар туғулуб, олти-етти кунлик бўлганларида оналари бешикка солурлар. Кеча ва кундуз тинмасдан ҳаракат қилуб, кўкрак сутлари ила тарбия қилурлар. Қачонки болалар олти-етти ёшга етсалар, мактабга берурлар. Мактабда муаллим ва халфалар кўкрак кучлари ила тарбия қилурлар. Бунга қараганда, мактаб болаларнинг иккинчи бешикларидур.

Аввалғи бешикда болаларга оналари сут эмизиб, танларини ўстурурлар. Иккинчи бешикда муаллимлар илм ва одоб ўргатуб, ақл ва фикрларини ўстурурлар. Болалар учун таннинг саломатлиғи лозимдур. Аммо ақл ва фикрнинг саломатлиғи ундин ортиғроқ лозимдур. Чунки ақл ва фикр-сиз тандан на ўзи учун ва на бошқа кишилар учун ҳеч бир фойда йўқдур. Шул сабабли болаларга аввалғи бешикдан кўра, иккинчи бешик бўлган — мактаб яхшироқ ва фойдалироқдур. Аввалғи бешикда сут ва таом беруб боққан ота ва она қандай дўст ва азиз бўлсалар, иккинчи бешикда илм ва одоб ўргатуб, тарбия қилган муаллим ва халфалар ондин ортуғроқ дўст ва азиздурлар.

Б а й т :

Эрур мактаб маорифнинг макони,
Замонидур бунинг ёшлик замони.
Киши қилгай кишини ушбу мактаб,
Битиргай ҳар ишини ушбу мактаб.
Бу мактабда ўқуғон ҳар бир инсон,
Билуб илму одоб бўлгай мусулмон.
Неча илм ол, одоб дунёдаким бор,
Чиқубдур барчаси мактабдан, эй ёр.

Искандар ила Арасту

Ўткан замонда Искандар Румий деган бир подшоҳ бор эди. Анинг Арасту отлиғ бир олим ва доно устоди бор эди. Искандар устодини ўз ёнига бош вазир қилиб, барча мамлакат ишларини шунга топшурмиш эди. Бир иш қилса, шунга маслаҳат ила қилур эди. Эшикдан келса, ўрнидан туриб, жой берур эди. Узининг отасидан ортуқ иззат ва хурмат қилурди.

Бир куни вазирлардан бири Искандардан сўрадики: «На учун Арастунини отангиздан ортуқ иззат қилурсиз?» Искан-

дар айтди: «Отам гўёки мани осмондан ерга тушурди. Аммо, устодим Арасту мани ердан осмонга кўтарди, яъни отам мани дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Устодим илм ва одоб ўргатуб, мартаба ва иззатимнинг ортмоғига сабаб бўлди. Шунинг учун устодимни отамдан ортуқ иззат қилурман».

Устодни отадан ортиқ иззат қилмоқ керак.

Ўқумоқ, ёзмоқ

Ўқумоқ, ёзмоқ илми қийин бир иш эмасдур. Балки, оз вақт мактабда ғайрат қилмоқ ила ўрганиладурғон бир ҳунардур. Локин, бундан ҳосил бўладурған фойдалар ниҳоятда кўпдур. Тилсиз, қулоқсиз бир одам ила соғ ва саломат бир одам орасида қанча фарқ бор бўлса, ўқумоқ, ёзмоқни билмаған кишилар ила буни билған кишилар орасида шунча фарқ бордур. Балки, буларнинг ораларидағи фарқ аларниқидан ортиғроқдур. Чунки тилсиз киши ҳар хил ишоратлар ила тилли кишиларнинг қиладурғон ишларини қила олур. Қулоқсиз киши ҳам бировнинг сўзини шундай ишоратлар ила била олур. Аммо ўқумоқ, ёзмоқ илмини билған одамларнинг қиладурғон ишларини буни билмаған одамлар ҳеч бир йўл ила қилолмаслар. Балки, ўқумоқ, ёзмоқ илмини биладурғон бир кишига муҳтож бўлурлар. Бундан муаллим билурки, ўқумоқ, ёзмоқ илмини билмаған одамлардан тилсиз, қулоқсиз кишилар яхшидур.

Аҳмад ила онаси

Аҳмад олти ёшлик бир бола эди. Ҳар вақт онасининг олдида ўтурса, онаси эски ҳикоялардан сўйлаб, Аҳмадни овутиб ўтирарди. Бир куни Аҳмадга онаси айтди: «Ўғлум, Аллоҳи таоло энг аввал отамиз Одам алайҳиссаломни туфроғдан яратди. Сўнгра онамиз ҳазрати Ҳавони яратди. Икковларини жаннатга қўйди. Бир емишни кўрсатиб: «Буни емангиз», — деди. Бир куни шайтон буларни алдаб, ул емишдан едирди. Шунинг учун Аллоҳ таоло буларни койиб, жаннатдан чиқарди. Икковлари ер юзига тушиб, эр ва хотун бўлдилар. Биз барчамиз шуларнинг болаларимиз».

Аҳмад бу сўзни эшитгач: «Онажон, сиз ҳазрати Одам ила Ҳавони кўрганмисиз?» — деди. Онаси: «Йўқ, ўғлим, китоблардан ўқуб билдим», — деди.

Аҳмад кўлига бир китоб олуб, ҳар қанча варақлаб кўрса ҳам, кўзига қора чизиқлардан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Онаси Аҳмаднинг бу ҳолини кўриб: «Ўғлим! Сан мактабда ўқумагунча китобдаги нарсаларни кўролмайсан», — деб Аҳмадни мактабга берди. Аҳмад бир оз мактабда ўқугандан сўнгра, онасидан эшитган ҳикояларини китоблардан ўқиб, ўзи биладурғон бўлди.

Ота-она

Дунёда болаларга энг дўст ва меҳрибон кишилар ўзларининг ота ва оналаридурлар. Ҳар она ўз боласини аввал тўққиз ой қорнида кўтариб юради. Сўнгра қанча азоб ва меҳнатлар ила туғар. Бола туғулган замонда «инга» деб йиғламоқдан бошқа бир нарсани билмас. Она бечора шу болани гоҳ кўтаруб, гоҳ ётқизуб, гоҳ турғузуб, гоҳ ўтқузуб тарбия қилар. Йиғласа, овулар. Оч қолса, эмизиб тўйғузар. Алҳосил, боланинг хурсандлиғи ва саломатлиғи нима ила бўлса, ҳар бирини қилур. Керак бўлганда, молини ва жонини боласидан аямас. Ота эса кеча ва кундуз ишлаб топган нарсасини болаларининг ош, нон ва кийимлариға сарф қилур. Бунинг устиға «Ўзумдан сўнгра болаларимға қолсун, болаларим кишиға муҳтож бўлмасин», деб бир нарса орттириб қўймоқ ҳаракатида бўлур. Ота-онанинг кеча ва кундуз Худодан тилаган нарсаси болаларининг саломатлиғи ва узун умр кўрмоғи, дунё ва охиратда бахтли бўлмоғидур. Болаларға бундай дўстлик ва яхшилиқни ота-онадан бошқа ҳеч ким қилолмайду. Шулар сабабли болаларға ўз ота ва оналарини чин кўнгил ила дўст тутмоқ, буюрган ишларини қилмоқ, қайтарган ишларидан қайтмоқ лозимдур.

Байт

Кишининг бор эрса ото ва оноси,
Фаниматдур анга аларнинг ризоси.
Худонинг қошида қабули яқиндур,
Ото ва ононинг болага дуоси.
Оларнинг ким оғритса кўнгилларини,
Қиёматда бўлгай жаҳаннам жазоси.

Бола қурбони

Бир хотун ўзининг тўрт ёшлиқ қизини етаклаб боғчаға чиқди. Улар вақт баҳор фасли эди. Боғча ёниға кўкарган яшил ўланлар ва новда учида очилишға яқинлашган гул гунчалари ила зийнатланмиш эди. Яшил ўланлар орасида ҳар та-

рафга чўзилиб кетган узун-узун йўллар боғчанинг ҳуснини орттурмиш ва ўртадан ўтадурғон улуғ сув боғчани иккига айирмиш эди.

Бу боғчага кирганда ёш қизнинг кўнгли очилуб, ҳар тарафга югурмоқга бошлади. Гоҳо ўланлар устига ётуб юмаланур эди. Гоҳо кўзига яхши кўринган гулларни узиб, кўксига тақуб, онасига кўрсатарди. Онаси сув бўйида ўтириб, қизининг ёқимли ҳаракатларини томоша қиларди. Лекин бу хурсандлик узоққа бормади. Сув бўйида янгиғина очилғон бир гулни кўриб, узаман, деганда қизнинг оёғи тойиб сувга йиқилди. Онаси бу ҳолни кўриб. «Дод, болам! Сан ўлгунча ман ўлай!»— деб қизининг орқасидан ўзини сувга отди. Бу товушни боғбон эшитиб, югуриб келди. Буларни бу ҳолда кўриб, кийимларини ечиб, ўзини сувга ташлади. Бориб, аввал онасини қутқармоқчи бўлганди, онаси: «Мани қўй, аввал боламини қутқар», — деб боғбонга ялиндди. Боғбой ҳам қабул қилиб, аввал болани қутқариб, сув четига чиқарди. Боғбон қайтуб борғунча бечора она хийла ерға оқуб бормиш, ўз жонини боласига қурбон қилмиш эди.

Биродарга муҳаббат

Иброҳим ўз қариндош ва биродарлариға муҳаббатлик бир бола эди. Бир кун қўшнисининг уйиға чиққанда қўшниси бир хизмат буюрди. Иброҳим аввал хизматни яхшилаб қилганлиги учун қўшниси олма берди. Олмаға қизиқиб, емоқчи бўлганида уйда касал бўлиб ётган синглиси эсига тушди. Олма ёлғиз ўзидан ўтмади. Синглисининг олдиға кируб: «Укам, қўшнимиз берган бу олмани санга келтурдим! Е!» — деди. Синглиси суюнуб, олмани олди. Ярмини ўзи еб, ярмини яна акасиға берди. Бу йўл ила бир олмани икковлари еб хурсанд бўлишдилар.

Ҳисса: Биродарлар бир-бирлариға шундай муҳаббатлик бўлмоғи лозимдур.

Кўр ила дўхтир

Яхшиғина бой бир кўр киши ҳар вақт бозорға чиқиб, ҳар хил нарсалар олурди. Лекин кўзи кўрмағанлиги учун яхши-ёмонни айира олмас эди. Яхши деб ўйлаб олған нарсаларининг кўпи ёмон нарсалар эди. Бир куни кўзининг пардасини олдурмоқ учун бир дўхтирни уйиға чақирди.

Дўхтир келиб, кўзини пардасини олди. Бир неча кундан сўнгра кўзи очилуб, уйдаги нарсаларни кўрмоққа бошлади. Бозордан олгон нарсаларининг ҳар бири кўзига ёмон кўринди. Боруб: «Сан маним уйимдаги нарсаларимни олуб, ўрнига ёмон нарсалар қўйибсан», — деб дўхтирнинг этагидан тутди. Дўхтир: «Йўқ, биродар! Аввал сан кўр эдинг. Бозордан олган нарсаларингни барчаси ёмон нарсалар эди. Сан они билмас эдинг. Эмди кўриб, аларнинг ёмонлигини билдинг», — деб жавоб берди.

Ҳисса: Нодон киши шул кўрға ўхшайдир. Яхши деб ўйлаган нарсаларининг кўпи ёмон нарсалар бўлур. Илм дўхтирға ўхшайдир. Ўқиған кишиларнинг кўзларини очар. Сўнгра ёмон ишларнинг ёмонлигини билиб, ондан ўзларини тортурлар.

ФАННИЙ ДАРСЛАР

Йил (сана)

Бир йил ўн икки ойдир. Бир ой 4 ҳафта ила 2 ёки 3 кундир. Бир ҳафта 7 кун бўлур. Бир кун 24 соат. Бир соат — 60 дақиқа (минут). Бир дақиқа 60 сония (секунд)дур. Бир сония эса кўз юмиб очгунча ўтадурган бир замондир.

Йилнинг икки хил ҳисоби бордир. Бири офтобнинг кўринишидан ҳисобланур. Буни *санаи шамсия (қуёш йили)* дейилур. Иккинчиси ойнинг кўринишидан ҳисобланур. Буни *санаи қамарий (ой йили)* дейилур.

Қуёш йили ҳисоби ила бир йил уч юз олтмиш беш кун ва олти соат бўлиб, 52 ҳафтадан бир кун ва олти соат ортиқдур. Ой йили ҳисоби ила бир йил уч юз эллик тўрт кун бўлиб, эллик ҳафтадан тўрт кун зиёдадур.

Ой йили ойлари

Ой йили ҳисоби ила ойларнинг арабча исмлари ушбулардур: муҳаррам, сафар, робиул аввал, робиул охир, жумадул аввал, жумадул охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа. Бу ҳисоб мусулмонларнинг диний ибодат ва байрамлари учун юрутилур.

Йил боши муҳаррам ойнинг биринчи кунидур. Бу кунда кўп мусулмон мамлакатларида йил боши байрам ясалур.

Муҳаррамнинг ўнинчи куни ҳазрат имом Ҳусайн (розиаллоҳу анҳу)нинг Карбалода шаҳид бўлгон кунларидур. Шунинг учун ислом вилоятларида бу кун ашуро мажлислари ясалуб, хутба ва дуолар ўқилур.

Робиул аввалнинг ўн иккинчи куни кўп ерларда мусулмонлар мактаб ва дўконларини ёпуб, иш ва касбларини ташлаб, Мавлуд байрами қилурлар. Мавлуди шариф ўқутурлар. Чунки бу кун Мавлуд куни, яъни Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг дунёга келган кунларидур.

Рамазони шарифда рўза тутулиб, ҳар кеча тарових намози ўқулур. Шавволнинг биринчи куни ийди рамазон намози ўқулур. Уч кун байрам ясалур. Зулҳижжанинг тўқинчи куни ҳар (йили) Маккаи мукаррамада ҳожилар Арофат тоғига чиқурлар. Зулҳижжанинг ўнинчи куни Ийди қурбон намози ўқилур. Уч кунгача қурбонлиқ сўйилур. Тўрт кун байрам қилинур.

Қуёш йили ойлари

Қуёш йили ойларининг русча, арабча, румча¹ номлари:

| Арабча | Русча | Румча | Кун |
|---------|----------|---------------|-----|
| Ҳамал | Март | Март | 31 |
| Савр | Апрель | Найсон | 30 |
| Жавзо | Май | Майис | 31 |
| Саратон | Июнь | Хазирон | 30 |
| Асад | Июль | Тамуз | 31 |
| Сунбула | Август | Агустус | 31 |
| Мезон | Сентябрь | Ийлул | 30 |
| Ақраб | Октябрь | Ташрини аввал | 31 |
| Қавс | Ноябрь | Ташрини соний | 30 |
| Жадий | Декабрь | Конуни аввал | 31 |
| Далв | Январь | Конуни соний | 31 |
| Ҳут | Февраль | Шабот | 28 |

¹Туркча.

Хут ойи ҳар тўрт йилда бир мартаба 29 кун, уч мартаба 28 кун бўлиб, 29 кун бўлгон йилни *санаи кабис* ёки *зурил* деб аталур. Йил боши арабчада ҳамалдан бошланур. Русчада январдан бошланур. Румчада конуни сонийдан бошланур.

Асрлар

Ҳар юз йилни бир аср дейилур. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган (кўчкан) кунларидан бошлаб саналган асрни *асри ҳижрий* дейилур.

Ҳазрати Ийсо алайҳиссаломнинг туғилгон кунларидан саналган асрни *асри мелодий* дейилур.

Ҳозирғи асримиз, асри ҳижрийнинг 12-нчиси, асри мелодийнинг 20 -нчисидур. Ўтган асрларга қарағанда, бу аср, илм ва ҳунарнинг энг тараққий қилгон ва кўпайгон асридур. Ўткан асрларда минг кишининг кучи ила бир ойда ишланадургон ишларни бу асрда мошиналар кучи ила кунда ишлайлар. Ўткан асрларда от ва ароба ила бир ойда босиладургон йўллар, бу асрда ўт ароба ва пароходлар ила бир кунда босилур. Гўёки бу асримиз илм ва ҳунар асридур. Эмди бу асрға лойиқ кишилардан бўлмоқ учун илм ва ҳунар лозимдур.

Илм ва ҳунар иши ўқумоқ ва ўрганмоқ учун ёшликдан ғайрат қилгон кишиғагина ҳосил бўлур.

Фасллар

Бир йилда тўрт фасл бордур. Бири — ёз, иккинчиси — куз, учинчиси — қиш, тўртинчиси — баҳордир. Ҳар фасл уч ой бўлур. Ёз ойлари: саратон, асад, сунбуладур. Куз ойлари: мезон, ақраб, қавсдур. Қиш ойлари: жадий, далв, ҳутдур. Баҳор ойлари: ҳамал, савр, жавзодур. Ёз фаслида ҳаволар исир, экин ва мевалар пишар, мактаб ва мадрасаларда ўқушлар тўхталур. Куз фаслида мактаб ва мадрасалар очилур. Ўқушлар бошланур. Экинлар ўрилур. Дарахтларнинг япроқлари тўкилур. Ёмғурлар ёғар. Сувлар музлар. Баҳор фаслида дарахтлар япроқ чиқарур. Гуллар очилур. Булбуллар сайрар. Ўтлар кўкарур, экинлар экилур, жонлиқ ва жонсиз махлуқларнинг ҳар бирида сирли бир кўриниш ва суюнчли бир ҳаракат пайдо бўлур, ҳар тарафдан кишининг қулоғиға хуш овозлар келур, димоғиға хуш ислар кирмоққа бошлар. Шунинг учун фаслларнинг яхшиси баҳор саналур.

Кунлар

Кунларнинг форсча, туркча исмлари ушбулардур

| | | | | | | | |
|--------|------|-------------|---------|--------------|----------|-------------|------------|
| Форсча | Жума | Шанба | Якшанба | Душанба | Сеҳшанба | Чаҳор-шанба | Панж-шанба |
| Туркча | Жума | Жума эртаси | Позар | Позар эртаси | Соли | Чаҳор-шанба | Панж-шанба |

Жума ҳафтанинг боши, кунларнинг саййиди ва мусулмонларнинг ҳафталик улуғ байрамларидур. Бу кун мусулмонларнинг жумаларга йиғилиб, жума намози ўқийдургон кунлари, ёру дўстлари, хеш ва ақробалари ила кўрушуб, аҳвол сўрашадургон кунлари, мажлис ва жамият (гап) лар ясаб, диний, васлий суҳбат ва маслаҳатлар қилишадургон кунларидур. Шунинг учун жума кунлари ишчиларга ишларини қўймоқ, косибларга касбларини тарк этмоқ, шо-гирдларга ўқушларини тўхтатмоқ, савдогар ва амалдорларга дўкон ва маҳкамаларини ёпмоқ диёнат юзасидан лозим ишлардур. Шанба иудейларнинг, якшанба христианларнинг ҳафталик байрамларидур. Буларнинг ҳам ҳар қайлари ўз байрам кунларини таъзим қилуб, юқорида этилган ишларнинг ҳар бирини қилурлар.

АХЛОҚ ДАРСЛАРИ

Ёлгончилик

Ҳар ким бўлгон ишни бўлмади деса, бўлмагон ишни бўлди деса, ул киши ёлгончи дейилур. Ёлгончилик гуноҳларнинг улуғи, ҳадияларнинг бузугидур. Ёлгончиларнинг пайдо бўладигон зиёнлари ниҳоятда кўпдур. Ёлгончини Ҳақ таоло дўст тутмас. Халқ орасида сўзининг эътибори қолмас. Ҳеч ким анинг сўзиға ишонмас. Ҳамманинг кўзиға ёмон кўринур. Чунки, ёлгон сўзнинг, албатта, асли чиқмай қолмас. Бу кун ё эрта ёлгонлиғи билинуб, сўзлағувчининг уялмоғиға, шарманда бўлмоғиға сабаб бўлур. Ул сўзни чинликка чиқармак учун яна неча ёлгонларни сўзламоқ лозим келур. Бу ёлгонлар ҳам бир кун маълум бўлур. Охирида ул сўзлағувчининг исмини одамлар ёлгончи дерлар. Рост сўзласа ҳам, ёлгонға ҳисоб қилурлар.

Ёлгончи бола

Бир мактабда Ҳабиб исмлиқ бир ёлгончи бола бор эди. Ҳабиб доимо ёлгон сўзлар ва ҳар кимни алдар эди. Муаллим афанди Ҳабибга: «Ёлгон сўзлама», деб кўп насиҳатлар қилди. Жазолар берди, асло бўлмади, чунки Ҳабиб ёшлиқдан ёлгонга одат қилгон эди. Ёшлиқдан одат бўлгон ишни ташламоқ қийин бўлур. Бир вақт Ҳабиб неча кунгача мактабга келмади. Ҳар кун эрталаб: «Мактабга бораман», деб уйдан чиқар эди. У ерда-бу ерда ўйнаб, яна уйига: «Мактабдан келдим», деб борур эди. Ота-онасини: «Бу кун буни ўқидук, буни ёздук», деб ёлгон сўзлар ила алдар эди.

Бир кун Ҳабиб мактабга келди. Муаллим афанди тафтиш қилгонда, Ҳабибнинг бир ҳафта бутун узрсиз мактабдан қолгонлиги маълум бўлди. Шул сабабли Ҳабиб мактабдан қувланди.

Бул хабарни ота-онаси эшитиб, алар ҳам бу ёлгончи Ҳабибни уйдан қувладилар. Ҳабиб бечора ёлгончилик сабабидан ҳам мактабдан ва ҳам уйдан қувланди.

Ёлгончилик зарари

Бир чўпон саҳрода қўйларини ўтлатуб юрур эди. Кўзига яқин ердан бир қишлоқ кўринди. Чўпон қишлоқиларни алдамоқ учун ёлгондан: «Бўри келди, бўри келди!» — деб қичқурди. Буни эшитиб, қишлоқилар қўлларига калтак, тўқмоқ кўтариб югуришдилар. Келиб қарасаларки, бўридан ҳеч бир асар йўқ. Қўйлар баҳузур ўтлаб юрибдилар. Чўпон эса илжайуб, кулиб турибдур. Қишлоқликлар чўпоннинг ёлгондан қичқирғонини билиб, хафа бўлиб, ўз жойларига қайтиб кетишдилар.

Иттифоқо эртасига бирдан икки бўри келиб, қўйларга югурдилар, чўпон кўрқиб, бир дарахт устига чиқди. Бор овози ила: «Дод, бўри келди», деб қичқира бошлади. Лекин қишлоқилар: «Бу кун ҳам ёлгондан қичқируб, бизни алдар», деб ёрдамга келмадилар. Бўрилар бир неча қўйларни бўғиб ўлдирдилар. Чўпон бечора ўз жонини зўрға қутқариб қолди. «Ёлгончи» деб аталгон кишининг чин сўзига ҳам ҳеч ким ишонмас.

Тўғрилиқ

Тўғри сўзлик болаларни ҳар ким яхши кўрар. Кундан-кунга даражаси ва обрўси ортар. Ҳар ким олдида сўзи мақ-

бул ва ўзи эътиборлик бўлур. Улуғ-улуғ хизмат ва ўринларга лойиқ кўрурлар. Бора-бора кўлига зўр-зўр ишлар топширилур. Ёлгончи болалар эса бу неъмат ва бу давлатларнинг барчасидан куруқ қолурлар. Тўғри болалардан жаноб Ҳақ таоло ҳам рози бўлур. Шул сабабли ҳар бир сўзда тўғрилиқ ила ҳаракат қилмоқ лозимдур. Сўзда тўғрилиқ эса ёлгон сўз сўзламаслиқдур.

Ориф ила Содиқ

Бир кун Ориф ила Содиқ иккиси ўйнашуб, мактабнинг девориға осилгон соатни синдирдилар. Муаллим афанди Орифни чақириб: «Соатни ким синдирди?» — деб сўради. Ориф тўғри сўзлик бир бола эди. Шунинг учун «Содиқ ила иккимиз ўйнашуб синдирдик, гуноҳимизни кечирсангиз эди, афандим!» — деб тўғри жавоб берди.

Муаллим афанди Содиқни чақириб: «Соатни нима учун синдирдингиз?» — деб сўраганида, Содиқ: «Тақсир! Ман йўқ эдим. Орифингиз синдиргандир», — деб тонди. Сўнгра бошқа болаларнинг гувоҳликлари ила муаллим билдики, Орифнинг сўзи чин экан, соат синдирганларнинг бири Содиқ экан. Муаллим Орифга қараб: «Ўғлим Ориф, тўғри сўзлаганинг учун санинг гуноҳингни кечирдим, бундан кейин эҳтиёт бўл!» — деди. Сўнгра Содиқга боқуб: «Ёлгончи Содиқ! Сан ҳам тўғри жавоб берсанг эди, гуноҳингни кечурар эдим. Энди ёлгон сўзлаганинг учун бир кун мактабда таомсиз қолурсан. Ҳам соатнинг ярим баҳосини тўлайсан», — деди.

Ориф тўғри сўзлади, қутулди. Содиқ ёлгон сўзлади, тугтилди.

Ҳайвонлар

Ерда юрадирган, осмонда учадурган, сувда яшайдурган катта ва кичик жонли нарсаларнинг ҳаммасини *ҳайвонлар* дейилур.

Ҳайвонлар дафъатан икки қисмга бўлинулар. Бир қисмини *суякли ҳайвон*, иккинчи қисмини *суяксиз ҳайвон* дейилур.

Суякли ҳайвонлар ҳам аввалдан беш синфга бўлинулар.

Биринчиси: ерда юрадирган ва болаларини туғуб, кўкрак сутлари ила боқадурган иссиғ қонли ҳайвонлардур. Булар-

нинг кўплари тўрт оёғли бўлурлар. Ораларида от, ҳўкиз, туя, ит, мушук, кўй ва эчкиларга ўхшаган уйларда, саҳроларда боқилиб, кишидан қочмайдурганлари бордур. Буларни: аҳли *уй ҳайвони* дейилур. Йўлбарс, айиқ, бўри, тулки, буғи ва кийикларга ўхшаган, кишидан қочадурганлари, тоғларда, чўлларда ўз ҳолича яшайдурганлари бордур. Буларни ёбони (ёввойи), *қир ҳайвонлари* дейилур.

Қушлар

Суяклик ҳайвонларнинг иккинчи қисми болаларини тухумдан чиқарадурғон икки оёғли ва икки қанотли ҳайвонлардурки, буларнинг барчаларини *қуш* дейилур. Қушлар ҳам ерда юрадилар ва ҳам ҳавода учарлар. Кўкракли ҳайвонларга ўхшаган булар ҳам иссиғ қонлик бўлиб, аҳли ва ёввойи исмлари ила икки қисмга бўлинулар. Товуқ, ғоз ва ўрдакларга ўхшаган кишига ўрганғонларини аҳли, *уй қуши* дейилур. Лайлак, қарға, қорчиғай, чумчуқ ва булбулларга ўхшаган, кишидан қочадурганларини ёбоний, *қир қуши* дейилур.

Уй қушлари узун муддат кишини кўрмасдан турсалар, қир қуши бўлиб қолурлар. Қир қушлари ҳам оз вақт кишининг қўлидан таом еб турсалар, ўргануб, уй қушлари қаторига кирулар. Қушларнинг ораларида кўршапалакга ўхшаган боласини туғиб кўкрак сути ила боқадурганлари ҳам, кундузлари учолмай, кечалари учадурғонлари ва ҳам ўрдак ва ғозларга ўхшаган сувларда кўп юрадурганлари бордур. Суяклик ҳайвонларнинг учинчи қисми — зувоҳиф ва балиқ, совуқ қонли ҳайвонлар каби, буларнинг бир қисмлари қўлсиз, оёқсиз бўлиб, ерда суруниб юрулар. Бундай ҳайвонларни *зувоҳиф* дейилур. Илон бу қисмдандур.

Илонларнинг сувда юрадурғонлари, қуш ва қурбақаларни еб тириклик қиладурғонлари ва болаларини тухумдан очадурғонлари ҳам бордур. Тўртинчи синфи, яъни совуқ қонли ва сувда яшайдурғон қўлсиз, оёқсиз ҳайвонлардур. Бу синф ҳайвонларни *балиқ* дейилур.

Балиқ сув ичида нафас олур. Сувдан чиқса, нафас ололмасдан, оз вақтда ҳалок бўлур. Кўп вақтларда улурғоғи кичикроқларини еб (ютиб), тириклик қилурлар. Балиқ бола очмоқчи бўлганда, сув ичида тухум кўюр. Тухуми тариқга ўхшаган майда, ҳам ниҳоятда кўп бўлур. Бир балиқнинг тухумидан мингларча балиқлар пайдо бўлур. Шунинг учун балиқ кўп баракатли ҳайвондур. Балиқ кишилар орасида энг кўп ейиладурғон ҳайвондур.

Балиқлар ҳам қушларга ўхшаган ҳар хил исмда ва ҳар хил сувратда бўлурлар.

Қурбақа

Бешинчи синф яна сувда яшайдурғон совуқ қонли ҳайвонлардур. Лекин бу туғилғон замонда қўлсиз, оёқсиз бўлса ҳам, каттароқ бўлғон сари сувратини алиштириб, охирида қўл ва оёғли ёки тўрт оёғли бир сувратға кирур. Қурбақа синфидандур.

Қурбақа ҳам сувда ва ҳам қуруғда, нафас олмоқға қодир бир ҳайвондур. Боласи аввалан қора туслик, юмалоқ бошлиқ ва думлиқ бир қурт сифатида бўлиб, сув ичида тухумдан туғулур. Биз они *итбалиқ* деб атаймиз.

Биринчи кундан сўнгра ранги бир оз оқариб, аввал икки қўл, сўнгра икки оёғ чиқариб, тўрт оёғли ҳам қуйруқли бир ҳайвон сувратига кирур. Бора-бора қуйруғи қисқариб-қисқариб, йўқ бўлуб, ҳозирғи қурбақа сувратига кирур.

Суяксиз ҳайвонлар

Юқорида ёзилғон беш синф ҳайвонларнинг ҳаммаси суякли ҳайвонлар эди. Энди алардан бошқа бир қисм ҳайвонлар бордурки, буларни *суяксиз ҳайвон* дейилур. Суяксиз ҳайвонлар ҳам суякли ҳайвонларға ўхшаб неча синфға бўлинурлар. Лекин ҳар бир синф ҳам юмшоқ танли бўлиб, ҳамма аъзоси тери ила эт ва сувдан иборат бўлур. Баданидан заррача суяк топилмас. Шунинг учун бу қисм ҳайвонни суяксиз дейилур. Ниначи, бузоқбоши, пашша, ари, қумурсқа ва бошқа ҳар хил қуртлар бу қисмдандурлар.

Ҳайвонларнинг фаросат ва маишатлари

Жаноби Ҳақ ҳайвонларға ўзларини душмандан сақламоқ, ризқларини топиб емоқ ва болаларини боқмоқ учун бир фаросат (ҳис) бермишдур. Баъзилари қочиб, баъзилари қопиб, баъзилари чақиб, баъзилари тепиб, баъзилари заҳар сочиб, ўзларини душмандан қўрурлар¹. Баъзилари ўзлариға ўхшаш ҳайвонларни тутуб еб, баъзилари ердан чиққан ўтларни, дарахтларнинг илдизларини, лой ва қумларни, дон ва меваларни топиб еб, ризқларини ўтқарурлар. Бола очмоқ, ётуб ухламоқ учун баъзилари ер остида, баъзилари дарахт ўстида, баъзилари тоғларда, баъзилари боғларда, баъзилари қуруғда, баъзилари сувда ўзлариға

¹ Ҳимоя маъносида.

махсус уй (макон) ясаб олулар. Кўкракликлари эмизуб, кўкраксизлари керакли таомларни ҳар қайдан бўлса ҳам топиб келтируб, болаларини тарбия қилурлар. Ҳайвонлар орасида чумолига ўхшаш қишликларини ёзда йиғиб оладурғонлари бордур.

Бойқуш, укки, кўршапалакларга ўхшаш кундузлари ухлаб, кечалари ризқ излайдурғонлари бор. Айиқ, илон, қурбақа ва пашшаларга ўхшаш бутун қиш таом емасдан, қотиб ухлаб, аввал баҳордан уйғониб чиқадурғонлари бор. Ҳайвонларни ҳар бири нутқ (сўзлашмоқ), ақл, илм каби улуғ неъматлардан маҳрумдурлар. Шундай бўлса ҳам, таълим ва тарбия ила баъзи ҳайвонларга баъзи ҳаракатларни ўргатмоқ, тўти, майна каби қушларга баъзи сўзларни ўргатмоқ мумкиндур.

Инсоннинг бошқа ҳайвонлардан фарқи

Одам болаларини инсон дейилур. Инсон ҳам ҳайвон жинсидандур. Чунки ҳайвонда бўлгон емоқ, ичмоқ ва ухламоқ ишлари инсонда ҳам бордир. Инсонда бор оёқ, қўл, кўз, қулоқ ва оғиз каби аъзолар ҳайвонда ҳам бордир. Бундай ишларда инсон ила ҳайвон орасида фарқ оздур. Инсоннинг бошқа ҳайвонлардан фарқи фақат ўқимоқ, ёзмоқ, сўз сўйламоқ, ҳар ишга ақл ва фикр юритмоқ иладур. Булар эса жаноби Ҳақнинг ёлғиз инсонга берган улуғ неъматларидур. Бошқа ҳайвонлар бу неъматлардан маҳрумдурлар. Воқеан, бошқа ҳайвонларда ҳам фаросат бор. Ит эгасини танийдур, кўп вақт кўрмаса ҳам, эсидан чиқармас. Кўрган замон суюниб, қуйругини ликиллатиб, эгасини оёғини ўпар. Лекин бу фаросатини сўз ила баён қилолмас. Бундан маълум, буларга инсон бўлмоқ учун ўқумоқ, ёзмоқ илмини билмоқ лозимдур. Ўқиғон кишилар ҳам ишини ақл ва фикр ила ўйлаб қилурлар, дуруст сўз сўйламоқни ҳам ўрганурлар. Дунёга келиб, ўқимоқ, ёзмоқни ўрганмасдан, ёлғиз емоқ, ичмоқ ва ухламоқ ила умр ўткарган кишиларнинг бошқа ҳайвонлардан фарқлари йўқдир.

Ҳайвонларнинг инсонга фойдалари

Ҳайвонларнинг ҳар қайсиларини инсонга ҳар хил фойдалари бордур.

Гўеки жаноби Ҳақ ҳайвонларни инсонлар учун яратмишдур. Инсон ҳайвонларнинг ҳар биридан ҳар сувратда

фойдаланур. Кўй, сигир ва эчкиларни сўйиб, гўштларини ер, териларидан кафш, маҳси ва бошқа ҳар хил кийим ва асбоблар ясар. Тирик вақтларида сутларини соғиб ичар. От, эшак, туя ва хачирларга минар. Юклар ортар. Ҳўкизни кўшқа кўшар. Балиқларни тутуб ошар. Ит ва қушлар ила ов қилур.

Алҳосил, ҳайвонларнинг ҳар бирлари инсонларга ҳар сувратда фойда еткарурлар. Баъзилари қон ва жонлари ила ва баъзилари куч ва қувватлари ила хизмат қилурлар. Ҳайвонларнинг бу хизматлариға муқобил инсон тарафидан ҳам ҳайвонларға шафқат, раҳм ва меҳрибонлиқ лозимдур.

Шул сабабли ҳайвонларни сабабсиз ўлдирмоқ, урмоқ, қийнамоқ, оч ва ташна қолдурмоқ, оғир юкларни ортмоқ ва кўп ориғлатиб қўймоқ қаттиғ зулм ва улуг гуноҳлардан саналур.

Бахилнинг боғи кўкармас

Ўтмиш замонларда бир бахил бор эди. Анинг бойлиғи шул даражаға етишғон эдики, молининг ҳисобини ўзи ҳам билмас эди.

Лекин бу бойликдан на ўзиға ва на аҳли аёлиға ва на бошқаларға ҳеч бир фойда йўқ эди. Чунки, анинг эътиқодича, бойликдан мақсад ёлғуз кеча-кундуз ҳаракат қилиб, мол йиғмоқ эди. Аммо мол йиғмоқдан асл мақсад нима? Молни қандай ерларға сарф қилмоқ керак? Емоқ, ичмоқ, мактабу мадрасаларға, фақиру муҳтожларға ёрдам бермоқ керакми? Йўқми? Бу хусусларида ҳеч бир ўйламас эди. Ҳаттоки, ўзининг аҳли авлодининг таом ва кийимлариға ўхшаш энг зарур ўринларға ҳам минг машаққат ила ақча чиқарур эди.

Бозордан нон олса, (арзонлиғи учун) куйган ва қотканларини, мева олса, чуриғон ва сасиғонларини олур эди. Кийимлари эса ҳар вақт эски, йиртиқ ва кирлик бўлур эди. Бисотида Аҳмад исмли биргина ўғли бор эди. Баъзи бир эшонларнинг далолатлари ила бир кун ўғлини мактабға олиб борди. Муаллим афанди мактаб низомларини баён этканда, муаллимлар вазифаси учун ҳар ойда бир сўм тўлаб турмак лозим эканини ҳам сўзлаб ўтди. Бир сўмни эшиткач, бой жанобларининг кўзлари ўйнади.

Муаллимнинг юзиға боқуб: «Ойда бир сўм?.. Йўқ, афандим, ўғул ўқутмак мани ишим эмас экан, аввалги домларлар ҳафтада бир нонға қаноат қилурдилар. Ойда бир сўм қайдан чиқади? Юр, ўғлим, ўқумасанг ҳам бир ризқинг

ўтар. Ман мунча дунёни ўқиб топмадим», — деб ўглини қайтуб олиб кетди. Аҳмад бечора отасининг бахил ва хасислиғи соясида дунёда яшамоқ, инсон қаторига кирмоқ учун энг зиёда лозим бўлгон илм ва маърифатдан маҳрум бўлиб, жоҳил ва нодонлиқ ила ўсди. Кўп ўтмади, ажал келиб, бойнинг ёқосидан тутди. Аввалда анинг руҳини тарбия қилмоқ, яъни ўқитмоқ учун ойда бир сўмни кўзи қиймагон бахил эмди ҳамма дунёсини шул Аҳмадга ташлаб, ўзи бир оз дока ила бўзга ўралуб, охиратга сафар қилди. Аҳмад эса ёшликда илм ва тарбия кўрмагон, касб-хунар ўрганмагон эди. Шунинг учун яхши ва ёмонни айирмайдигон ва молнинг қадрини билмайдургон мусриф бир киши бўлиб чиқди. Тўрт-беш нафар ёмон кишиларга қўшилуб, ҳар хил қабоҳат йўлларига юрмоқга ва бир тийинлик ўрунга йигирма тийинлаб сарф қилмоқга бошлади. Отасининг шунча хасислик ила жаъм қилгон молини оз вақт ичида тамом қилуб, ўзи фақир ва муҳтож бир ҳолга тушди.

Бахилнинг моли, мусрифнинг ҳоли шундай бўлур.

Молнинг қадрини сахий билур

Бир вақт Андижон шаҳрида қаттиғ зилзила бўлуб, ҳамма иморатлар йиқилди. Кўп кишилар том ва деворларнинг остида қолуб, ҳалок ва мажруҳ бўлдилар. Кўп фақир бечоралар уйсиз, жойсиз, оч ва яланғоч қолдилар. Буларнинг фойдаларига ҳар тарафдан ионалар йиғилди. Ҳар шаҳардан ул бечораларга ақча, таом ва кийимлар юборилди. Ҳар ерда неча-неча кишилар иона йиғиб юбормоқга мутасадди бўлмиш эдилар.

Шул мутасаддиларнинг баъзилари Тошканда иона сўрамоқ учун бир бойнинг уйига бордилар. Бойни жаҳл ва газаблик бир ҳолда кўрдилар. Сўнгра газабининг сабабини билдиларки, хизматкори учи ёқилмаган бир гугуртни ерга ташлагани учун ондин койиб турган экан. Мутасаддилар бу ҳолни кўриб, бир-бирларига боқуб: «Бир гугурт учун мунча газабланган, иона сўраб нима қилурмиз?» — дедилар. Лекин яна шунча ерга келиб, ҳеч нарса демасдан кетмоқни муносиб кўрмай, нима учун келганларини бойга билдирдулар. Бой эса тезлик ила ичкари кириб, беш юз сўм ақча чиқаруб, мутасаддиларнинг қўлларига берди. Мутасаддилар ҳайрон бўлишдилар.

Бой жаноблари буларга боқуб: «Нимага ҳайрон бўлурсиз? Агарда ман бир гугуртнинг бекор кетмоғига рози бўла-

дурган даражада мусриф бўлсайдим, ҳозирда бундай хайр ишларга бериладургон ақчаларни қандай жамъ қилурдим? Сахий бўлурман, деган киши молнинг қадрини билур. Ерига қараб, пулига савдогарлик қилур. Ерига қараб, мингларча сўмнинг юзига боқмас», деди.

Ўрунли саховат

Бир бой ўглини тўй қилмоқчи бўлди. Бир неча ёру дўстларини чақируб, маслаҳат сўради. Дўстлари уч-тўрт кун шаҳар халқиға ош бермоқни, созанда ва ҳофизлар келтуриб, базм ва зиёфат қилмоқни маслаҳат кўрдилар.

Бой эса мол қадрини билгувчи эсли ва инсофли бир зот эди. Шул сабабли аларнинг берган маслаҳатларини ва кўрсатган йўлларини мувофиқ топмади ва аларға боқуб, ушбу сўзларни сўзлади: «Азиз биродарларим, тўй деган бир саховатдур. Саховат эса фақир, муҳтож, оч ва яланғочларнинг ҳақларидур. Ош берғанда шуларға бермоқ лозимдур. Ҳолбуки, орамиздағи урф-одатларға қарағанда, ман ошни сиз ҳурматлиларға ўхшаш, янги тўнли зотларға берсам керак. Агар урфу одатдан чиқиб, фақир ва муҳтожларни чақирсам, эҳтимолки, ҳар ердан ошға чақирилуб ўрганган баъзи янги тўнлиларимизни кўнгиллари қолур. Ва агар фақирларни кўйиб, бойларни чақирсам, ўзимға ва ҳам аларға зиён еткурган бўламан. Чунки ўзимнинг қанча молим ўрунсиз сарф бўлур. Алар эса ошға борурмиз, деб ўз ишларидан қолурлар. Хусусан, муаллим ва мударрисларни чақириб, мактаб ва мадрасалар ишиға қанча шогирдларни мунтазир ва саргардонликларига сабаб бўлмоқни зўр гуноҳ деб ўйлайман, шул сабабли халқға ош бермоқ учун сарф қиладурган ақчаларимни мактаб ва мадрасаларға, фақир ва муҳтожларға улашуб, ўғлимни суннатға мувофиқ хатна қилдирсам дейман, шояд сиз ҳурматлилар ҳам мани айб-ға буюрмай, бу фикримға қўшилиб, ёрдам берсангиз».

ФАННИЙ ДАРСЛАР

Ҳаво

Дунё юзи «ҳаво» исмлиқ бир жисм ила тўла бўладур. Сув ила тўлғон бир ҳовуз ичида сув кирмаған ҳеч бир ўрун қолмайдур. Шунға ўхшаш дунё юзида ҳам ҳаво кирмаған бўш ўрун йўқдур. Ҳаво ўзи рангсиз, тиниқ, юмшоқ бир жисм бўлғонлиғи учун бизим кўзимизға кўринмайдур.

Бир елпиғич ила киши ўзини елписа, юзига совуқ бир нарса келиб тегадур. Мана шу юзга теккан нарса елпиғичнинг ҳаракати ила қимирлаган ва тўлқинланган ҳаводур. Бир олманинг думидан ип бойлаб, бошдан тез айлантурулса, «ғув-ғув» деган бир товуш чиқадур. Мана бу товуш олмадан чиққани йўқ. Балки шул олма ила ҳавонинг бир-бирига тегмоқ ва суйкалмогидан пайдо бўлган товушдир.

Ер юзидағи инсонлар, ҳайвонлар ва дарахтларнинг ҳар бирлари шул ҳаво ила тирикдурлар. Сувсиз ерда балиқ тириклик қилмайдур. Шунга ўхшаш ҳавосиз ерда биз ҳам тириклик қилолмасмиз. Чунки нафас олмоқ учун балиқга сув, бизга ҳаво лозимдур. Ҳавосиз нафасни ичиға олмоқ мумкин эмасдур. Нафас олғонимизда ичимизга ҳаво кирар. Фойдалилари ўпка орасидан боруб, қонга қўшилур. Фойдасизлари нафасни қўйғонимизда ташқари чиқиб кетадур. Бундан маълум бўладики, биз доимо ҳаво ютиб турамыз. Агарда бир-икки минут ҳавосиз қолсак, нафас олмасдан бўғилуб ўламиз. Бир биз эмас, бошқа ҳайвонлар ҳам шундайлар ва инсон ва ҳайвонларнинг ичларидан чиқгон ҳаволар захарлануб, иккинчи ютишга ярамай қолурлар. Буларни эса ўланлар ва дарахтлар ютиб, тириклик қилурлар.

Булут

Бир қозонга сув тўлатиб остидан олов ёқилса, бир оз исигандан сўнг ул сувдан буғ чиқа бошлайдур. Агарда оловни ҳадеб ёқилаверса, сув қайнаб-қайнаб озая бошлар. Охирида сувнинг ҳаммаси буғ бўлиб чиқуб кетуб, қозон қуруб қолар. Бундан маълум бўлурки, сув исигон сари буғ бўлиб осмонга кўтарилур экан. Ер юзидағи денгизлар, кўллар ва дарёларни қуёш иситган сари, ондағи сувлар буғ бўлиб, осмонга чиқа бошлайдур. Куз ва қиш кунларида эрталаб сув бўйларида туриб диққат қилган киши сувдан доимо буғ чиқиб турганлигини кўп яхши биладур. Мана шул сувлардан пайдо бўлгон буғлар ердан бир неча сожин юқорига кўтарилгондан сўнгра бир-бирлариға қўшилиб қалинлашурлар. Шамол кучи ила ҳар тарафга юриб, ҳаракат қилурлар. Қуёш, ой ва юлдузларнинг олдиларини тўсиб кўк юзини қорайтурурлар. Биз шул буғ йиғинларини *булут* деб атаймиз.

Сўнг

ЕР ЮЗИ

Макотиби ибтидоиянинг 3—4-синф шогирдлари учун мўътабар китоблардан интихоб этилиб, Туркистон шеваи туркиясинда тартиб ва таҳрир ўлинмиш жуғрофия рисоласи

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

1. Муқаддима

Жаноби Ҳақ таъолий ҳазратлари бизни ердан яратмишдур. Чунки бизим туғулдурғон, ўсадурғон, тириклик қилдурғон ҳам ўлғондин сўнгра кўмиладурғон ўрнимиз шул ердур. Бас, ер бизим онамиз ва умрлик ватанимиздур. Бир кишига ўз уйи ва маҳалласининг аҳволини билиб турмак қандай лозим бўлса, умрлик ватан аслиси бўлғон ернинг аҳволини билмак ондан ортуғроқ лозимдур. Лекин бир кишининг умри ҳар қанча узун бўлса ҳам, ер юзини тамом айланиб, кўруб билолмас. Ер юзидағи инсонларни, ҳайвонларни, ҳукуматларни, шаҳарларни, тоғларни, чўлларни, денгизларни, наҳрларни ва шуларга ўхшаш керакли нарсаларнинг барчасини кўриб, билмак бир киши учун мумкин эмасдур.

Аммо жўғрофия илмини ўқуғон кишилар бу нарсаларнинг ҳар бирини осонлик ила билурлар, шул сабабли ҳозирда болаларга жўғрофия киритмак, ибтидоийдан бошлаб ўрта ва олий мактабларгача дарс жадвалига жўғрофия киритмак, бутун дунёдағи маданий миллатлар тарафидан қабул ўлинмишдир.

2. Ернинг суврат ва ҳаракати

Ер тарбуз ёки апельсинга ўхшаш юмалоқдир. Ер ҳеч нарсанинг ¹ устида турмас, балки Аллоҳи таъолийнинг қудрати ила отилган тўп замбаракига ўхшаш ҳаво орасида юруб туродир. Ернинг икки хил ҳаракати бор: бири — юмаланиш, иккинчиси — айланиш. Юмалағанда² аробанинг ғил-

¹ Бу ўринда шогирдларга ернинг думалоқлиғини далоил нақлиясини баён этмак лозимдир.

² Олмага ўхшаш бир нарсани ердан юмалатиб ҳамда думидан ип боғлаб, бошдан айлантириб кўрсатмак ва ул нарсани чироқга ўхшаш бир нарсага ул бир тарафини, сўнгра айлантириб иккинчи нимарсани тутиб, кеча ва кундуз ҳусулини тўшунтирмак муаллим афандиларнинг вазифаларидур.

дирағиға ўхшаб ўз ўқининг атрофида юмаланур. Ва бу ҳаракатни ҳар бир 24 соатда бир маротаба тамом қилур. Бундан бир кеча-кундуз ҳосил бўлур. Шул сабабли бу ҳаракатни ҳаракати юмия (кунлик ҳаракат) ва ҳаракати меҳвария (ўқ атрофида ҳаракат) дерлар.


Айланғонда эса қуёшнинг атрофида айланур. Бу ҳаракатини 365 кун ва олти соатда тамом қилур. Бундан йил ҳосил бўлур. Шул сабабли бу ҳаракатни ҳаракати санавия (йиллик ҳаракат) ва ҳаракати даврия (айланма ҳаракат) дерлар.

3. Асбоб ва атрофларнинг исмлари

Ернинг шакл ва сувратини тамоман чизуб кўрсатғон нарсани курраи мусаннаъ (глобус) дейилур. Юмалоқ қилунмасдан, қоғоз устиға чизилғон бўлса, курраи мастаҳа дейилур.

Ерни икки паллага бўлиб кўрсатғон, қоғазларни нисфи курра (полушария) дейилур.

Ерни қитъа ва мамлакатларға бўлуб, ҳар бирини бўлак-бўлак кўрсатғон қоғазларни харита (карта) дейилур. Бир неча хариталарни йиғуб дафтар қилинғон бўлса атлас дейилур. Ернинг кун ботғанға ўхшаб кўрунғон тарафини Ғарб, кун чиққанға ўхшаб кўрунғон тарафини Шарқ дейилур. Ғарбга қараб турғон кишининг ўнг ёғини Шимол, сўл ёғини Жануб дейилур. Ғарб ила Шимол орасини Ғарби шимол, Ғарб ила Жануб орасини Ғарби жануб, Шарқ ила Шимол орасини Шарқи шимол, Шарқ ила Жануб орасини Шарқи жануб дейилур. Хариталарнинг уст ёғи Шимол, ост ёғи Жануб, ўнг ёғи Шарқ, сўл ёғи Ғарб эътибор қилинмишдур.



4. Ер юзи¹

Ер юзи сув ила куруғлиқдан иборатдур. Ер юзининг түртдан бир бұлаги куруғлиқ ва уч бұлаги сув ила қопланмишдур. Куруғлуқ беш парчаға бұлину: Оврupo, Осиё, Африқо, Амриқо, Австралиё.

Буларнинг ҳар бирини қитъа дейилур. Булардан Оврupo, Осиё, Африқо қитъаларини барри аъқиқ (эски дунё) дейилур, Амриқо ва эски Австралиё қитъаларини барри жадида (янги дунё) дейилур.

Барча ёғи сув ила ўралғон куруғлиқни ата (жазира) дейилур. Уч ёғи сув ила ўралуб, ёлғиз бир ёғи куруғлуқға туташғон жойларни ярим ата (шаба жазира) дейилур.

Ярим атанинг куруғлуқға туташғон тор жойини барзах дейилур. Учи ингичка бўлуб, сувға узойиб чиққан жойларни бурун дейилур. Юқори кўтарулғон жойларни баланд бўлса тоғ, паст бўлса тепа дейилур. Устидан доимо тутун, олов чиқиб турадурғон тоғларни ёнар тоғ (вулқон) дейилур. Сувсиз, текис жойларни чўл, экин ўсадурғон сувлуқ жойларни дола (ува) дейилур. Тоғ ва тепалар устидағи мол ўтлайдурғон текис жойларни яйлов (қир) дейилур. Икки тоғ орасидағи тор йўлларни дарбанд (дара) дейилур. Денгиз, кўл ва наҳрларнинг буйларини соҳил дейилур.

5. Сувлар

Ер юзини түртдан уч бўлагини қоплағон сувлар аввало түрт қисмга бўлину: денгиз, кўл, наҳр, ўқёнус. Ўқёнус деб бутун куруғлиқни ўраб олган шўр сувларни айтилур. Ўқёнус сувлари бешга бўлину: Баҳри муҳити кабир, Баҳри муҳити атлас, Баҳри муҳити ҳинд, Баҳри муҳити шимолий, Баҳри муҳити жанубий. Баҳри муҳити шимолий ила Баҳри муҳити жанубий доимо муз ила қопланиб турғони учун Баҳри мунжамид, яъни Муз денгизи деб аталур.

Денгиз деб куруғлиқнинг орасиға ёриб кирғон шўр сувларни айтилур. Кўл деб барча ёғи куруғлиқ ила ўралғон сувларни айтилур. Наҳр деб тоғлардағи булоқлардан, қор ва ёмғурлардан пайдо бўлуб, бир-бириға қўшилиб, зўрайған сувларни айтилур. Наҳрлар кўлларға ва денгизларға бориб қуюлодурлар. Наҳрларнинг чиқодурғон ерларин ман-

¹ Ахтар: ушбу дарснинг ҳар бирини харита, курраи мусанналардан, расмлардан кўрсатиб ўқутмак ва ҳар бир жумласина дуруст савол кўйиб сўрамак муаллим афандиларға муҳаввалдур.

баъ, бориб қуядурғон ерларин мансуб дейилур. Икки денгизнинг бир-бирига қўшиладурғон тор жойларини бўғоз дейилур. Инсон кучила қозилғон бўғозларни қанол дейилур. Қуруғлиқ орасиға суқулиб кирғон сувларни кўрфаз дейилур. Парахўдлар кириб турадурғон кўрфазларни лиман дейилур.

6. Оврупо қитъаси

Оврупо қитъаси Осиёнинг ғарб тарафида, Африқонинг шимол тарафида воқеъ улуғ бир ярим атадур. Бу қитъанинг шимол тарафи бутун Баҳри мунжамид, шимоли шарқ тарафи Ўрол тоғлари, Ўрол наҳри, Баҳри Ҳазар (Каспий денгизи) жануб тарафи Қофқоз тоғлари, Баҳри сиёҳ (Қора денгиз), Истанбул бўғози, Мармара денгизи, Дарданел (Чаноқ қалъа) бўғози, Баҳри сафид (Оқ денгиз), Сипта (Жабали ториқ) бўғози, ғарб тарафи бутун Баҳри муҳити атлас ила ўралмишдир.

Оврупо қитъаси бошқа қитъаларнинг кичиги бўлса ҳам, ўзининг ободлилиги ва халқининг маориф, ҳунар, саноат, тижорат, зироат ва сиёсатдаги тараққийсиға қараганда, энг биринчиси ва ҳокимидир. Кенглиги 180 минг мураббаъ мил бўлиб, тўрт юз (400) милёнға яқин аҳолиси вордур. Аҳолисининг барчаси оқ жинсдан бўлуб, 25 милёнчаси мусулмон, қолғонлари христиан ва бир оз яҳудийдур.

Ер юзидаги энг зўр ҳукуматлар, мадраса ва дорилфунунлар, фабрик ва заводлар, темир йўл ва парахўдлар, шаҳар ва мамлакатлар жумласи бу қитъададур. Оврупонинг ҳавоси яхши бўлуб, ерида ҳар хил мева ва экинлар етишодур. Ер остидан олтун, кумуш, темир, кўмир каби ҳар хил фойдалиқ конлар чиқодур. Атрофи кирған-чиқған бўлиб, ата ва ярим аталари, кўрфаз ва лиманлари, денгиз ва бўғозлари, кўл ва наҳрлари кўпдир. Оврупода катта-кичик 21 мамлакат вордур. Ҳукуматларнинг беши шимолий Оврупода, олтиси ўрта Оврупода ва ўни жанубий Овруподадурлар. Шимолдаги ҳукуматлардан биринчиси ҳам каттаси Русия императўрлиғидур.

7. Русия императўрлиғи

Русия мамлақати ерининг кенглиги жиҳатидан ер юзидаги мамлакатларнинг (Англатардан сўнгра) энг улуғидир. Оврупонинг ярмидан кўпроғи, Осиёнинг учдан бири Ру-

сия мулкидир. Бунга қараганда Русия ҳукумати бутун ер юзининг (тақрибан) олтидан бир бўлагиди ҳокимдур.

Русиянинг Овруподаги ерини Оврупойи Русий дейилур. Осиёдаги ерини Осиёи Русий дейилур. Оврупойи Русийнинг шимол тарафи Баҳри мунжамид, шимоли шарқ тарафи Ўрол тоғлари, Ўрол наҳри ва Баҳри Ҳазар, жануб тарафи Қофқоз тоғлари, Қора денгиз, Туна шаҳри, Румония ҳукумати, ғарб тарафи Австриё ҳукумати, Германия (Олмоний) ҳукумати, Болтиқ денгизи, Исвеч, Нурвеж ҳукуматидур. Кенглиги (100000) юз минг мураббаъ милдур. Аҳолиси юз ўн милёнча бўлуб, тўқсон (90) милёни руслар, қолғонлари мусулмон, поляк, яҳудий, армани каби турли миллатлардан иборатдур.

8. Денгиз, кўрфаз, кўл ва наҳрлари

Оврупойи Русийнинг шимол тарафида Баҳри мунжамиди шимолий ва бундан пайдо бўлгон Абиз денгизи ҳам Печуро ва шимолий Руйна наҳрлари вор. Печуро Баҳри мунжамиди шимолийга, шимолий Руйна Абиз¹ денгизига қуйилур.

Ғарб тарафида Болтиқ денгизи ва бундан чиқгон Бутани, Финланда ва Риға кўрфазлари ҳам Нева ва ғарбий Руйна наҳрлари вор. Нева наҳри Финланда кўрфазина, ғарбий Руйна Риға кўрфазина қуйиладур. Жануб тарафинда Қора денгиз ва бундан пайдо бўлгон Азоқ денгизи ҳам Дўн, Днепр ва Днестр наҳрлари вор. Дўн наҳри Азоқ денгизина, Днепр ва Днестр наҳрлари Қора денгизга қуйилодур. Шарқ тарафинда Баҳри Ҳазар ва бунга қуйиладургон Волға ҳам Ўрол наҳрлари вор.

9. Идора ва шаҳарлари

Русия ҳукумати ерининг кенглиги, аҳолисининг кўплиги ва қувваи аскарариясига қараганда Оврупо ҳукуматлари орасинда биринчи даражада ҳисоб қилинса ҳам, мамлакатининг ободлиги ва аҳолисининг илм-маърифат, хунар ва саноатдаги тараққийсига 3-нчи даражада санолур.

Мамлакат низомларини қарамак учун Государственный дума (Мажлиси мабъусон) ва Государственный совет (Мажлиси аъён) исмли маҳкамалари вор. Бунга қараганда идораси машрутадур.

¹ Абиз—Баренц денгизи (С. А.)

Русия ҳукумат тили русча, ҳукумат мазҳаби проваславнийдур. Шундай бўлса ҳам ислом, яҳудий, маъжусий, қатълик, лутеран мазҳаблари ила амал қилғувчилар, туркча, форсча, полакча, арманича каби ҳар хил тиллар ила сўйлашадурғон кишилар кўпдур. Баҳри мунжамиди шимолийдаги «Зомбили жадид», Қўлқуеф ва Вайғач аталари ҳам Русияга тобеъдур.

Русия императўрлигининг пойтахти Петроғрад шаҳридур. Бу шаҳарни 1703 йилда Пётр Великий Финланда кўрфазига яқин ерида Нева шаҳрининг бўйига бино қилмишдур. Шул сабабли тижорат ва аскарый жиҳатдан Русиянинг биринчи шаҳридур. Бир ярим милён аҳолиси вордур. Русиянинг эски пойтахти Масков шаҳридур. Бу шаҳарнинг аҳолиси бир милён олти юз минг бўлуб, тижорат ва саноат жиҳатинча Петрограддан қолишмайдур. Булардан сўнгра Варшава, Киев, Харкуф шаҳарлари, Қора денгиз бўйида Адеса ҳам Севастопўл шаҳарлари, Дўн наҳри бўйида Ростўф шаҳри ва Вўлга наҳри бўйида Астрахан, Саратов, Самара, Симбир, Қозон, Екатирибург, Кострўма ва Ярослав шаҳарлари, Ўрол наҳри бўйида Ўренбург шаҳри, шимолий Руйно бўйида Архангелски ҳам Волуғда шаҳарлари машҳурдир.

10. Финланда

Оврупойи Русийнинг шимолий қисмида, Болтиқ денгизи соҳилида мухторият¹ (автономия) бир вилоятдир. Ҳозирча бу мамлакатнинг ўзига махсус темир йўллари, парахўд ва дорилфунунлари, телеғром ва телефонлари, ўз исмига ясағон чақа тангалари ва мамлакатни идора қиладурғон мажлиси мабъусонлари (сеймолари) вордур. Бутун мамлакатнинг кулли идоралари ўз қўл ва ихтиёрлариндандур. Марказ идораси Фелсинфорғс шаҳри бўлиб, Виборғ, Обо шаҳарлари машҳур шаҳарлардур. Аҳолиси фин ва шведлар бўлуб, барчаси 2 милёндур. Маориф ва маданият жиҳатидан руслардан қолишмайлар, балки баъзи ахлоқ-одоб хусусларидан неча мартаба ортуқдурлар. Мазҳаблари лутеран.

¹ Бир мамлакат иккинчи бир ҳукуматнинг қўлида бўлиб, барча дохийий ишлари ул мамлакатни ўз аҳллари қўлига топшурулса, шундай мамлакатни мухториятли, автономияли дейилур.

11. Исвеч-Нурвеж қироллиғлари

Шимолий Овруподағи ҳукуматларнинг иккинчиси Исвеч (Швеция), учинчиси Нурвеж (Норвегия) қироллиғларидур. Бу ҳукуматлар Исқандинавиё ярим атасинда бўлуб, шимолий тарафи Баҳри мунжамиди шимолий, ғарб тарафи — Баҳри муҳити атлас, жануб тарафи — Сунд бўғози, Исқажароҳ бўғози ва Болтиқ денгизи, шарқ тарафи — Болтиқ денгизи ва Русия ҳукумати ила ўролмишдур.

Аввалда Исвеч ва Нурвеж бир ҳукумат бўлса ҳам, ҳозир бир-бирисидан тамом айрилғон ва ҳар бирининг ўзига махсус мажлиси мабъусони ҳам қироли вор. Исвечнинг аҳолиси 4 милёнча бўлиб, пойтахти Истукулм шаҳридур. Нурвежнинг аҳолиси 3 милёнча бўлуб, пойтахти Христонийё шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Футбург, Малму, Вонса шаҳарларидур. Иккисининг идораси ҳам маршрута. Мазҳаби — протестант ва тили шведчадур. Машҳур Исқандинавиё тоғлари ила Винар, Витар ва Мулар кўллари бу мамлакатдадур.

12. Англтара қироллиғи¹

Шимолий Овруподағи ҳукуматларнинг тўртинчиси Англтара қироллиғидур. Бу мамлакат Баҳри муҳити атласда Британиё, Ирландиё ва Шотландиё каби бир неча аталардан иборатдур. Аҳолиси 42 милён бўлуб, аксари протестант мазҳаби ила амал қилур. Пойтахти Лўндўн шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Ливерпул, Бермингем, Гласқу ва Дублин шаҳарларидур. Идораси: маршрута, тили инглизчадур. Оқ денгиздағи Малта ва Қибрис аталари ҳам Англтараға тобеъдур. Машҳур Таймс наҳри бу мамлакатда, Лўндўн шаҳридан ўтадур.

13. Донимарқа қироллиғи

Шимолий Овруподағи ҳукуматларнинг бешинчиси Донимарқа (Дания) қироллиғидур. Бу мамлакат Болтиқ ва шимол денгизлари орасинда Исланда, Фивний, Лоланда, Фолстр, Бурнхўлм исмлиқ бир неча аталар ила Жўккланда ярим атасиндан иборатдур. Аҳолиси икки ярим милёнча (2500000) бўлиб, аксари протестант мазҳабиндадур.

¹ Англтара ҳукумати мамлакатининг кенглиғи ва аҳолисининг кўплиғи уруш ва суро порахўдларининг кўплиғи ила дунёнинг энг улуг ва зўр ҳукуматидур. Беш қитъанинги ҳар бирида мустамлакаси вор. Бутун аҳолиси 400 милёнчадур. Лўндўн шаҳри дунёнинг энг улуг шаҳридур. Аҳолиси 5,5 милёнду.

Пойтахти Исланда¹ атасинда Кўпенхоф шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Алсинур, Авдонис, Форхус, Вибурғ ва Олбурғ шаҳарларидур. Идораси маршрутадур. Баҳри муҳити атлас ила Баҳри мунжамиди шимолий орасиндаги Исланда атаси ҳам бу ҳукуматга тобеъдур. Машҳур Ҳақла ёнар тоғи (вулқони) Исланда атасиндадур.

14. Олмония императўрлиги

Ўрта Овруподаги ҳукуматларнинг биринчиси Олмония (Германия) императўрлиғидур. Бу ҳукуматнинг шимолий тарафи Шимол денгизи, Донимарқа ҳукумати ва Болтиқ денгизи, шарқ тарафи Русия ҳукумати ва жануб тарафи Австрия ва Исвечра ҳукуматлари, ғарб тарафи Франция, Белчиқо ва Фламанг ҳукуматларидур. Аҳолиси олтмиш милёнча (60000000) бўлуб, аксари катўлик ва протестант мазҳаблариндандур. Пойтахти Берлин шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Франкфурт, Мийунхин, Штутхардт, Дармштатд ва Ҳамбург шаҳарларидур. Идораси маршрутадур, тили немисчадур. Олмониянинг жанубида машҳур Кира ўрмон тоғлари ва бу тоғлардан чиқуб, Қора денгизга қуйиладурғон машҳур Туна — Дунай наҳри вордур. Шимол тарафинда Болтиқ денгизина қуйиладурғон Висла ва Одер наҳрлари, шимол денгизина қуйиладурғон Элба, Визир наҳрлари вордур.

15. Франция жумҳурияти

2 нчиси Франция жумҳуриятидур. Бу мамлакат шимолий тарафи Шимол денгизи, Подокла бўғози ва Манш денгизи, ғарб тарафи Баҳри муҳити атлас, Фосқония (Босқой) кўрфази, жануб тарафи: Францияни Испаниядан айирған Пирана тоғлари, Оқ денгиз, шарқ тарафи Италиё, Исвечра, Олмониё ва Белчиқо ҳукуматларидур. Аҳолиси 39 милёнча бўлуб, катўлик мазҳабига амал қилурлар.

Пойтахти Париж². Машҳур шаҳарлари: Лион, Бўрду, Марселиё, Шарбурғ, Ҳовр, Кола ва Руан шаҳарларидур. Идораси: жумҳурият, тили франсузчадур³.

¹ Исланда — муз ерлари деган сўздир. Ҳақиқатдан Исланда атаси муз бўлуб, дунёнинг энг совуқ мамлакатларидандур. Ёнар тоғлари, иссиқ булоқлари кўпдур. Кенлиги Даниядан катта бўлса ҳам, аҳолиси юз мингдан ортмайдур.

² Париж шаҳри энг зийнатли ва чиройли шаҳрдур.

³ Франсузча тил бутун дунёга ёйилиб, умумий тил ҳукминда кирмишдир.

Оқ денгиздаги Кўрсика атаси Баҳри муҳити атласида Олорун, Рей, Хилил, Фурдо, Сен ва Удасасон аталари Францияга тобеъдур. Франциядан чиқуб, Париждан ўта-тургон машҳур Сен наҳри Манш денгизина қуйиладур. Лура, Жирандо наҳрлари Фосқониё кўрфазина, Руна наҳри Оқ денгиздаги Лион кўрфазина қуйиладур.

16. Фламанг қироллиғи

3 нчиси Фламанг (Хўлланда) қироллигидур. Бу мамлакатнинг шимоли ғарб тарафлари Шимол денгизи, жануб тарафи Белчиқо ва шарқ тарафи Олмониё ҳукуматларидур. Аҳолиси олти милёнча бўлиб, пойтахти Амстердам¹ шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Лаҳи, яъни Фаға, Лувардан (Зул), Утрахт, Ҳарлем ва Ротердам шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили немисча ва франсузчадур. Бу мамлакатда илм ва ҳунар ниҳоятда тараққий учун аҳолиси кўп бойдур. Шимол денгизидан пайдо бўлгон Зуйдрза кўрфази вор. Рейн ва Муз наҳрлари бу мамлакатдан бир неча қисмга бўлинув ўтуб, шимол денгизина қуйиладур.

17. Белчиқо қироллиғи

4 нчиси Белчиқо (Белгия) қироллигидур. Бу мамлакатнинг шимол тарафи Фламанг ҳукумати, ғарб тарафи Шимол денгизи, жануб тарафи Франция ва шарқ тарафи Олмониё ҳукуматларидур.

Аҳолиси етти милёнча бўлуб, протестант мазҳабиндадур. Пойтахти Бруксил (Брюссел) шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Мунс, Анварс, Фанд, Бруж, Номур, Орлин, Лиёж ва Хаслат шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили франсузчадир. Бу мамлакатда темир ва кўмир конлари ниҳоятда кўпдур. Жануб тарафида Ордан тоғлари вор. Франциядан чиқадургон Искут ва Муз наҳрлари бу мамлакатдан ўтибдур. Темир йўлининг кўплиғи ва аҳолисининг илм ва ҳунари соясинда ниҳоятда бой мамлакатлардандур. Бу мамлакатни ҳозирда Германия ҳукумати олуб ва қанчалар идора қилиб турибдур.

¹ Амстердам шаҳри Фламанг ҳукуматининг асл пойтахти бўлса ҳам, қироллари кўп вақт Лаҳи шаҳринда турганлиғи учун бу ҳам пойтахт эътибор қилинур. Атама мунқисм бўлуб, бу аталар бир-бирини 290 кўприк ила туташирилмишдур.

18. Австриё ва Можаристон

5 нчиси Австриё ва Можаристон императўрлиғидур. Австриё ва Можаристон (Венгрия) иккиси бўлак-бўлак, икки мамлакат бўлса ҳам, бир подшоҳга тобеъ бўлгонлиғи учун бир ҳукумат саналадур. Подшоҳлари Австриё императўри ва Можаристон қироли деб аталадур.

Бу мамлакатнинг шимол тарафи Олмония ва Русия ҳукуматлари, шарқ тарафи Русия ва Румониё ҳукуматлари, жануб тарафи Румониё, Сербия ва Қоратоғ ҳукуматлари ила Адриатик денгизи, ғарб тарафи Исвечра ва Олмониё ҳукуматларидур. Туркиядан олингон Бўсна — Ҳерцоговина давлати ҳам қўшилгон ҳолда, аҳолиси 47 милёнча бўлуб, аксари катўлик, қолгонлари протестант, православ, мусулмон, яхудий мазҳаблариндадур.

Пойтахти Вена шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Будапешта, Прага, Трупод, Пурну, Қракўв, Трийиста, Зора, Лейбах, Грач шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили немисча ва можарчадур. Машҳур Алп ва Қорпот тоғлари, Платин ва Нузидил кўллари, Болтиқ денгизига қуйиладургон Тавна ва Днистр наҳрлари жумласи бу мамлакатдадур. Австриё ҳукумати Оврупода энг кучлик ва нуфузлиқ ҳукуматлар қаторидан саналур.

19. Исвечра (Швецария) жумҳурияти

6 нчиси Исвечра жумҳуриятидур. Бу мамлакатнинг шимол тарафи Олмониё, шарқ тарафи Австриё, жануб тарафи Италиё, ғарб тарафи Франция ҳукуматларидур. Аҳолиси уч ярим милёнча бўлуб, аксари протестант ва қолгонлари катўлик мазҳабидадур. Пойтахти Берн шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Женева, Лузанна, Позл, Сюрих, Аргу ва Свин шаҳарларидур. Идораси жумҳурият бўлуб, кўп халқи франсузча, италёнча тиллар ила сўйлашурлар. Исвечрани Франциядан Жура тоғлари ила Женева кўли айирадур. Италиёдан Алп тоғлари ила Можур ва Луғону кўллари айирадур. Исвечрада булардан бошқа Зура, Нуфшатл, Лусирна ва Можур исмли машҳур кўллари, Ту, Рун, Эйс, Тисс исмлик наҳрлари, турли қайнар булоқлар, хушҳаво тоғ ва тепалар ниҳоятда кўпдир. Шул сабабли ёз фаслида ҳар тарафдан кўп сайёҳлар келуб истироҳат қилурлар.

20. Пўртигиз жумҳурияти

1. Жанубий Овруподаги ҳукуматларнинг биринчиси Пўртигиз (Португалия) жумҳуриятидир. Бу мамлакатнинг шимоли ва шарқ тарафлари Испаниё мамлакатига ёпишгон бўлиб, ғарб ва жануб тарафлари Баҳри муҳити атлас ила ўралмишдур. Аҳолиси беш милёнча бўлуб, мазҳаблари катўлик. Идораси жумҳуриятдир. Пойтахти Лизбон (Лиссабон) шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Пўрту, Бриғанса, Аввара, Фору шаҳарларидур. Испаниёдан чиқадургон Минху, Дуру, Тож ва Вадий ал-ғана наҳрлари бу мамлакатдан ўтуб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур. Баҳри муҳити атласдаги Осу ва Модара аталари бу мамлакатга тобеьдур. Авваллари бу мамлакат араблар идорасида эди.

21. Испаниё қироллиғи

2 нчиси Испаниё қироллиғидур. Бу мамлакатнинг шимол тарафига Госқония кўрфази, Франция ҳукумати, шарқ тарафи Оқ денгиз, Сипта бўғози ва Баҳри муҳити атлас, Ғарб тарафи Пўртугалиё ҳукумати ва Баҳри муҳити атлас ила ўралмишдур. Аҳолиси ўн саккиз милёндан зиёда бўлуб, катўлик мазҳабидадур. Идораси маршрута, тили испанча, пойтахти Мадрид шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Барсилуна, Валенсиё, Кастилиё, Кордова, Силвиё ва Фирнота шаҳарларидур. Оқ денгиздаги Минўрқа ва Майўрқа аталари ҳам бу мамлакатга тобеьдур. Бу мамлакатнинг исми авваллардан Андалус бўлиб, араблар идорасида эди. Араблардан қолгон машҳур асарлардан Силвиё шаҳринда «Алқасир» саройи, Фирнота шаҳринда «Ал-Ҳамро» ва «Ал-Байзо» саройлари ва Кўрдўва (Куртуба) шаҳрида «Жомеъ ал-Кабир» масжиди ва «Мадинатул-Захро» саройи ҳозирда ҳам бордур. «Жомеъ ал-Кабир» масжиди алҳол калисога айлантирилғанмишдир. Испаниёда Тахо, Дуэро, Вадий ал-ғана наҳрларидан бошқа Вадий ал-Кабир исмлиқ машҳур бир наҳр бўлуб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур.

22. Италиё қироллиғи

3 нчиси Италиё қироллиғидур. Бу мамлакатнинг жанубида ғарби шимолидан шарқи жанубига қараб узайгон бир ярим ата ила Сардиниё, Сижилиё, Алба ва Лепари исмлиқ бир неча аталардан иборатдур. Шимоли Франция,

Исвечра, Австриё ҳукуматларидан Алп тоғлари ила айрилмишдур. Шарқи жануб, ғарб тарафлари эса Вандик кўрфази, Адриатиқ денгизи, Тарн кўрфази, Юнон денгизи, Оқ денгиз, Тиранин денгизи ва Жанух кўрфази ила ўралмишдур. Аҳолиси 35 милёнча бўлуб, катўлик мазҳабиндадур. Пойтахти Румо¹ шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Турино, Милан, Вандик, Флоринса ва Ниапол шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили италёнчадур. Алп тоғларидан чиқуб, Адриатиқ денгизина куйиладурғон По наҳри ила Румо шаҳрининг ёнидан ўтуб, Оқ денгизга куйиладурғон Тибр ва Арну наҳрлари ва ҳам машҳур Везу ва Этна ёнар тоғлари² Италиёдадур. Шимол тарафида Можор, Қаю ва Фордў исмлик кўллар вор. Ўртасида Перужийё, Пулсано ва Фучино исмли кўллари вор³. Сижилия атасини Италиёдан Мусино бўғози ва Сардиниё атасини Бунифачио бўғози айирадур.

23. Сербистон қироллиғи

4 нчиси Сербистон (Сербия) қироллиғидур. Бу мамлакатнинг шимол тарафи Австриё, шарқ тарафи Румонийё ва Булғорийё, жануб тарафи Юнонистон, ғарб тарафи Албаниё, Қоратоғ ва Австриё мамлакатлари ила ўралмишдур. Пойтахти Белград шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Самандра, Аликсиноч ва Зайчар шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили сербчадур.

24. Қоратоғ қироллиғи

5 нчиси Қоратоғ қироллиғидур. Бу мамлакат Адриатиқ денгизи бўйида, Сербийёнинг ғарбинда, Австриёнинг жанубида, Албаниёнинг шимолида кичкинагина бир ҳукуматдур. Аҳолиси уч милёнча, мазҳаби православ, идораси маршрута, пойтахти Чатина шаҳридур. Денгиз бўйида Бўр исмлик машҳур шаҳарлари ҳам вор.

25. Арновуд (Албания) ҳукумати

6 нчиси Арновуд (Албания) ҳукуматидур. Бу мамлакат Адриатиқ денгизи бўйича Қоратоғ, Сербистон ва Юно-

¹ Католик мазҳабининг бошлиғи папа Румо шаҳрида туродур.

² Везувий ёнар тоғлари Италиёда Неапол яқинида бўлуб, Этна ёнар тоғи Сижилиё атасидур.

³ Италиё кўл ва наҳрларининг кўплиғи соясинда Оврупонинг энг манбат ва маръи мамлакатларидан ҳисобланадур.

нистон мамлакатлари орасинда янгигина ясалгон¹ бир ислом ҳукуматидур. Аҳолиси бир ярим милёндан зиёдроҳ бўлуб, аксари ислом мазҳабидадур. Пойтахти — Дурасти ва машҳур шаҳарлари Ишқудра, Уфрида ва Авлуния шаҳарларидур.

26. Румониё қироллиғи

7 нчиси Румониё қироллиғидур. Бу мамлакат шимолдан Австриё, шарқдан Русиё, Қора денгиз ва ғарб тарафидан Сербиё ҳукуматлари ила ўралмишдир. Аҳолиси олти ярим милёнча бўлуб, аксари проваслав мазҳабидадур. Пойтахти Бухарист (Букраш) шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Яш, Тулжа, Йиркуки, Кустанча, Силастра ва Абраил шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили руминчадур.

27. Туркия императўрлиғи

8 нчиси Туркия императўрлиғидур. Туркия ҳукумати-нинг энг кўп ери Осиёдадур. Оврүподағи ерини Оврүпойи Усмоний, Осиёдағи ерини Осиёйи Усмоний² дейилур. Оврүпойи Усмоний шимолдан Булғориё, шарқдан Қора денгиз, Истанбул бўғози, жанубдан Мармара денгизи, Чаноқ қала (Дардонил) бўғози ва ғарб тарафидан Аталар денгизи ва Булғориё мамлакати ила ўралмишдур. Туркиянинг Оврүподағи аҳолиси уч ярим милёнча бўлуб, аксари му-сулмондур. Пойтахти Истанбул ва Оврүподағи машҳур ша-ҳарлари: Адирно, Қирқ калисо ва Чаркоскуй шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили туркчадур. Туркия императў-ри сиёсий жиҳатдан «Султон» ва диний жиҳатдан «Халифа» аталур.

28. Булғориё қироллиғи

9 нчиси Булғориё қироллиғидур. Бу мамлакат шимолдан Румониё, шарқдан Қора денгиз, жанубдан Туркия, Аталар денгизи, Юнонистон ва ғарбдан Сербиё мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси уч ярим милёнча бўлуб, аксари проваслав мазҳабидадур. Пойтахти Сўфиё. Машҳур

¹ Сербистон ва Қоратоғ ҳукуматларининг баъзи жойлари ҳозирда Австриё ҳукумати тарафидан забт ва хароб қилинмишдур.

² Туркия ҳукумати энг аввал ясагон кишининг исми Усмон бўлгонлиғи учун бу ҳукумат Усмоний ҳукумати аталур.

шаҳарлари: Русчик, Вана, БурҒос ва Филба шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили булғорчадур¹.

29. Юнонистон қироллиғи

10 нчиси Юнонистон (Греция) қироллиғидур. Бу мамлакат Оврупонинг энг жанубида бўлуб, шимол тарафи Булғориё, Сербия ва Албания ҳукуматлари, жануб ва ғарб тарафлари Аталар денгизи, Оқ денгиз, Юнон денгизи ила ўролмишдур. Аҳолиси 6 милёнча бўлуб, аксари проваслав мазабидадур. Пойтахти Афина (Отинна) шаҳридур. Машхур шаҳарлари: Пьера, Лариса, Тархўла, Флус, Фордича, Фўрсала ва Салўник шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили юнончадур. Аталар денгизидағи ва Юнон денгизидағи кўп аталар ила машхур Грид атаси Юнонистонга тобеъдур.

30. Кичкина ҳукуматлар

Юқорида зикр ўлинмиш 20 ҳукуматдан бошқа Оврупода яна беш адад кичкина ҳукуматлар вор. Биринчиси Австрия ила Исвечра орасинда Лихтинштийн принслиғи бўлиб, аҳолиси 9.500, марказ идораси Вадус қарясидур. Иккинчиси Монаку принслиғи бўлуб, аҳолиси 13 минг, марказ идораси Монаку шаҳаридур. Учтинчиси Пиранда тоғлари орасинда, Андур қарясидур. Тўрттинчиси Италияда, Сан-Марина ҳукумати бўлуб, аҳолиси 8 мингдур. Марина ҳукумати Оврупонинг энг эски ҳукуматларидандур. Бешинчиси Франция, Белчиқо ва Германия ҳукуматлари орасинда Люксимбург дуқалиғидур (герцоглик). Аҳолиси 31 минг бўлуб, маркази Люксимбург шаҳридур.

31. Осиё қитъаси

Эски дунёнинг иккинчиси Осиё қитъасидур. Бу қитъанинг шимол тарафи Баҳри мунжамиди шимолий ва Баҳранг бўғозидур². Шарқ тарафи бутун Баҳри муҳити кабирдур, Жануб тарафи Малақо бўғози³ ила Баҳри муҳити ҳинддур, ғарб тарафи Боб ал-мандуб бўғози, Шоб денгизи, Сувайш канали, Оқ денгиз⁴, Аталар денгизи, Чаноқ

¹ Ушбу Румония, Булғориё ва Юнонистон мамлакатларида мусулмон ва яҳудий ҳам кўпдур.

² Ушбу Баҳранг бўғози ила Осиё Амриқодан айриладур.

³ Малақо бўғози ила Осиё Австралиядан айриладур.

⁴ Бобал-мандуб бўғози, Шоб денгизи, Сувайш канали, Оқ денгиз ила Осиё Африқодан айрилодур.

қала бұғози, Мармара денгизи, Истанбул бұғози, Қора денгиз, Қофқоз тоғлари, Каспий денгизи, Ўрол наҳри ва Ўрол тоғларидур. Лингки 43 милён мураббаъ чақирим бўлуб, Оврупо ила Африқо қитъаларининг иккисидан ҳам кенг-роқдур. Бунга қараганда Осиё ҳам Оврупо каби улуғ бир ярим ата шаклиндадур.

32. Осиёнинг машҳур денгиз, кўрфаз ва бұғозлари

Осиёнинг шимол тарафинда Кўрск денгизи, Ўби кўрфази, Тор кўрфази, Нийсон ва Баҳранг кўрфазлари вор. Шарқ тарафинда Баҳранг денгизи, Япон денгизи, Сариг денгизи, шимолий ва жанубий Чин денгизлари вор. Баҳранг денгизидан пайдо бўлгон Анор кўрфази, Ухучқа, Япон денгизлари орасинда тотор бұғози, Япон ва Сариг денгизлари орасинда Қурия бұғози, Сариг денгиздан пайдо бўлгон Пачили кўрфази, шимолий ва жанубий Чин денгизлари орасинда Фу Киң Онг бұғози, жанубий Чин денгизидан пайдо бўлгон Тунгҳин ва Сиам бұғозлари вор. Жануб тарафинда Малоқо бұғозидан бошқа Баҳри муҳити ҳинддан пайдо бўлган Банғола кўрфази, Амон денгизи, Амон кўрфази, Басра кўрфази, Адан кўрфази. Басра ва Адан кўрфазлари орасинда Ҳурмуз бұғози, Ҳиндистон ила Сарандиб атаси орасинда Ёлк бұғози вор. Ғарб тарафинда эса юқорида мазкур бұғоз ва денгизлардан бошқа Шоб денгизидан пайдо бўлгон Ақба кўрфази ила Оқ денгиздан пайдо бўлгон Искандарун кўрфази вор. Булардан бошқа Туркистоннинг шимоли ғарбида Орол денгизи вор¹.

33. Осиёнинг ҳаво ва табиати

Осиёнинг шимол тарафлари ниҳоятда совуқдур. Хусусан, Баҳри мунжамиди шимолий соҳиллари доимо қор ва музлар ила қоплануб ётган тоғ ва саҳролардан иборатдур. Ўрталарининг ҳавоси мўътадил ва жануб тарафларин ҳавоси иссиқдур. Ер остидан олтун, кумуш, мис, темир, кўмир, туз ва нефть конлари чиқодур. Ёқут, феруза, олмос каби қийматлик тошлар топиладур. Ўрта ва жануб тарафларида бугдой, арпа, шоли каби ҳар хил экинлар, дорчин, қаламфир, чой ва қаҳва каби хушбўй (ислик) дарахтлар ўсадур.

¹ Осиё Овруподан ушбу аталар денгизидан бошлаб, Ўрол тоғларигача саналгон денгиз, бұғоз, тоғ ва наҳрлар ила айриладур. Орол денгизи кичкина бўлгонлиги учун баъзи жуғрофияларда Орол кўли деб атайдурлар.

Узум, анор, анжир, пўртахол, хурмо, нок ва лимун каби ҳар хил мевалар етишадур. Жануб тарафларинда маймун, фил, каркидон, арслон, қоплон, илон ва тимсоҳ каби кўрқинчлик ҳайвонлар кўпдур.

34. Осиёнинг саканаси

Осиёнинг бутун аҳолиси 900 милёнга яқиндур. Жинси жиҳатинча, Осиёнинг ғарб ва жануб тарафлариндаги халқи оқ жинсдан бўлуб, ўрта ва шарқ тарафлариндаги халқининг барчаси сариғ жинсга мансубдир.

Дин юзасидан буларнинг 180 милёнчаси мусулмон, бир ози христиан ва яҳудий, қолғонларининг жумласи маъжусий ва мушриклардур. Фақат Хитой (Чин) мамлакатида Аллоҳ таолонинг бирлиғига ишонуб — «қунфужию» исминда бир мазҳаб тутадурғон кишилар ҳам вордур.

Осиёда энг кўп сўйланадурғон тиллар: туркча, форсча, арабча, хитойча, русча ва инглизча тиллардур. Япунияда япунча, Ҳиндистонда урдуча тиллари ҳам машҳурдур. Осиё халқи зироат ва тижорат ишларинда бир оз тараққийланғон бўлсалар ҳам, саноат ва сиёсат тўғриларинда кўплари овруполиларга асир ҳукминдадурлар. Бу асирликдан ўзининг илм ва ҳунар хусусидаги саъй ва ҳаракати соясинда ёлғуз Япуния миллати қутулмушдур.

35. Мамлакат ва ҳукуматлар

Осиё қитъаси, аввало, у катта ва кичик 9 мамлакатга тақсим топадур: 1) Осиёи Русий, 2) Афғонистон, 3) Эронистон, 4) Ҳиндистон, 5) Ҳинди чиний, 6) Балужистон, 7) Осиёи Усмоний, 8) Хитой, 9) Япуния.

Осиёи Русийнинг ўзи беш парчага бўлинув. Буларнинг уч парчаси Русия ҳукуматининг идорасида бўлғон: 1) Қофқоз, 2) Сибириё, 3) Туркистон мамлакатларидур. Иккиси Русия ҳимоясида бўлғон Бухоро ва Хива хонлиқларидур.

36. Қофқоз

Қофқознинг атрофи шимолдан Қофқоз тоғлари, шарқдан Каспий денгизи, жанубдан Эронистон, Осиёи Усмоний ва ғарбдан Қора денгиз ила ўролмишдур. Аҳолиси саккиз милёнча бўлуб, аксари мусулмон ва қолғонлари христиандур. Мусулмонлар: чаркас, лазғи, тотор, турк ва пир-

сиёнлар бўлуб, христианлар: гуржи, армани ва руслардур. Қофқознинг марказий идораси Тифлис шаҳридадур. Катта шаҳарлари: Боку¹, Ботум, Потти, Кутаиси, Ширвон, Эри-вон, Нахчеван ва Танжа шаҳарларидур.

37. Сибириё²

Сибириёнинг атрофи шимолдан Баҳри мунжамиди шимолий, шарқдан Баҳранг бўғози ва Баҳри муҳити кабир, жанубдан Чин ва Туркистон мамлакатлари ва гарбдан Ўрол тоғлари ва Ўрол наҳри ила чекланмишдур. Аҳолиси олти милёнча бўлуб, аксари қалмоқ, мўғул, монжур, устиёқ, тунғус, чўқчи, бошқирд ва сомуид номиндаги маъжусий тоифалардур. Булардан христиан ва мусулмон динларини қабул этканлари ҳам бор. Оврупойи Русий ва Туркистонга яқин жойларида³ руслар, қозоқ, қирғиз, тотор, каби мусулмонлар ҳам кўпдур. Катта шаҳарлари Тўмск, Табўлск, Ўмск, Иркутск, Якутск ва Владивосток шаҳарларидур.

38. Туркистон (Ўрта Осиё)

Туркистоннинг ҳудуди: шимолдан Сибириё, шарқдан Чин, гарбдан Каспий денгизи, жанубдан Афғонистон ва Эронистон мамлакатлари ила маҳдуддур. (Бухоро ва Хева хонликлари қўшилмаган ҳолда.) Кенглиги бир ярим милён мураббаъ чақиримдур. Аҳолиси 7 милёнча бўлуб, аксари турк-ўзбек, такатуркман, қозоқ, қирғиз, торончи ва пирсиён номиндаги мусулмонлардур. Бир ози рус, яҳудий ва армани каби бошқа миллатлардур. Туркистондаги турк-ўзбек, торончи ва пирсиёнларнинг кўплари савдогарлиқ ва бир ози деҳқончилик ва мардикорлиқ ила тирикчилик қилурлар. Руслар сипоҳгарлик, деҳқончилик ва савдогарлик қилурлар. Яҳудий ва арманилар эса умуман савдогардурлар. Дўхтурлик, адвокатлик каби фойдалиқ ҳунарларнинг аксари яҳудийлар кўлиндалур.

¹ Боку шаҳри нефть конлари ила машҳурдир.

² Сибириё дунёнинг энг совуқ мамлакатидур. Русийёда кўп гуноҳкорларни шул мамлакатга юборуб, олтун конларида ишлатурлар.

³ Хусусан, Оқмўлинск, Тўрақўрғон областларида.

39. Туркистон идораси

Туркистон мамлакати идора жиҳатидан беш областга бўлинадур: Сирдарё области, Самарқанд области, Закаспий области, Фарғона области ва Еттисув области. Бу областларнинг жумласи бир генерал-губернатёр ва ҳар бири бирор военний губернатёр тарафиндан идора қилинур. Генерал-губернатёрнинг турадурғон ери Тошканд шаҳридур. Шул сабабли Тошканд шаҳри бутун Туркистоннинг марказ идораси саналур. Сирдарё областининг ҳам марказ идораси Тошканд шаҳридур, катта шаҳарлари: Чимканд, Авлиёота, Туркистон, Оқмасжид ва Ғазали шаҳарларидур.

Самарқанд областининг марказ идораси Самарқанд шаҳридур. Катта шаҳарлари: Каттакўрғон, Ўратепа, Хўжанд шаҳарларидур. Мовараҳазар областининг марказ идораси Асхабод, катта шаҳарлари: Краснавод ва Марв шаҳарларидур. Кўп аҳолиси пирсиён, такатуркманлардур. Фарғона областининг марказ идораси Искобулф шаҳридур. Катта шаҳарлари: Хўқанд, Андижон, Наманган, Марғилон ва Ўш шаҳарларидур. Еттисув областининг марказ идораси Олмаота (Верний) шаҳридур. Катта шаҳарлари: Ёрқанд, Тўқмоқ ва Қорақўл (Прежевалск) шаҳарларидур. Туркистонда ҳукумат тили русча бўлса ҳам умумий тили туркчадур. Фақат Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа ва Чашт каби баъзи шаҳар ва қишлоқларда «тожик» номинда ярим форсий ила сўйлашурлар.

40. Бухоро ва Хева хонлиқлари

Туркистонда юқорида мазкур областлардан бошқа ярим мустақил икки мусулмон ҳукумати бордур. Бири Бухоро хонлиғи, иккинчиси Хева хонлиғидур. Бухоро хонлиғининг аҳолиси 2.300000 бўлиб, жумласи мусулмондур. Марказ идораси ўзининг «Маъдани илм» исми ила бутун дунёда машхур Бухорои шариф шаҳридур. Катта шаҳарлари: Кармана, Фиждувон, Қорақўл, Чоржўй, Китоб, Шаҳрисабз шаҳарларидур. Бухорода шаҳар аҳолисининг тили тожикча бўлса ҳам саҳро ва ҳукумат тиллари туркчадур.

Хева хонлиғининг аҳолиси 650 мингча бўлуб, барчаси мусулмондур. Марказ идораси Хева шаҳридур. Бу хонлиқларнинг иккиси ҳам русиё ҳимоясинда бўлуб, тараққиёти замонадан бутун маҳрумдурлар, фақат Хева хони Исфандиёр ҳазратларининг ҳаракати ила ислоҳотга қадам қўйил-

гонлиги эшитилмақдадур. Бухорода эса ислоҳот сўзининг тилга олмак ҳам мумкин эмасдур. Ҳатто бутун олами исломда жорий бўлгон усули жадид мактаби Бухорода ҳануз ҳаром саналмақдадур.

41. Туркистонда темир йўллар

Туркистондаги темир йўлларнинг биринчиси Ўрта Осиё темир йўлидур. Бу йўл Каспий денгизи бўйидаги Красновод шаҳридан бошлаб, Асхабод, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан ўтув, Тошкандгача чўзилган бўлуб, узунлиги 1748 чақиримдур. Бу йўлнинг икки бутоғи вордур. Кушка бутоғи ва Андижон бутоғи. Кушка бутоғи Марв шаҳридан бошлаб, Афғонистон чегарасидаги Кушка истеҳкомигача чўзулгон бўлиб, узунлиги 294 чақиримдур. Андижон бутоғи Самарқанд ва Тошканд орасиндаги Чирнаево истансасидан бошлаб, Хўжанд ва Марғилон шаҳарларидан ўтув, Андижонга тўхтайдур. Бунинг узунлиги 306 чақиримдур¹. Иккинчиси Тошканд, Ўренбург темир йўлидур. Бу йўл Тошканддан бошлаб, Туркистон, Оқмасжид (Перовский) ва Ғазали шаҳарларидан ўтув, Ўренбург-Сара темир йўлига қўшиладур. Бунинг узунлиги Тошканддан Ўренбурггача 1736 чақиримдур².

42. Афғонистон³

Афғонистон шимолдан Туркистон, шарқдан Ҳиндистон, жанубдан Балужистон ва ғарбдан Эронистон мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси: 3 милёнча бўлуб, барчаси мусулмондур. Фақат шарқдаги Кофиристон вилоятида бир оз маъжусийлар вордур. Идораси мустақала, расмий тили афғонча, пойтахти Кобул шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Жалолобод, Ғазна, Кандаҳор, Чатрол, Балх ва Бадахшон шаҳарларидур.

¹ Ушбу Андижон йўлинда аксар аъзоси мусулмондан бўлгон бир ширкат тарафиндан Хўқанд истансасидан Наманган шаҳригача бир темир йўл ясолуб, 1913 йилдан бошлаб юк ва йўловчилар қабул эта бошлади.

² Арс истансасидан бошлаб Еттисув вилоятига қараб бир бутоқ Оқсувга етади. Ҳозирда одам юк ола бошлади. Хўқанддан бир бутоқ Наманган ва Жалолобод воситасида Андижон темир йўлига қўшилиб одам ҳам юк ола бошлади.

³ Афғонистон ислом хонликлари орасинда Туркиядан сўнг, аскарый жиҳатдан энг кучлидур.

43. Эронистон¹

Эронистоннинг шимоли Осиёи Русий ва Каспий денгизи, шарқи Афғонистон ва Балужистон, жануби Омон денгизи ва Басра кўрфази, Осиёи Усмонийдур. Аҳолиси 9 милёнга яқин бўлиб, расмий мазҳаби исломдур. Идораси маршрута, расмий тили форсийчадур. Пойтахти Техрон шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Ҳамадон, Исфаҳон, Табриз, Шероз ва Нишопур шаҳарларидур.

44. Балужистон

Балужистоннинг шимоли Афғонистон, шарқи Эронистон, жануби Омон денгизи ва ғарби Ҳиндистон мамлакатидур. Аҳолиси бир милёнга яқин бўлуб, аксари мусулмон ва бирози маъжусийдур. Идораси мустақала бўлуб, Англтара ҳимоясида бир ислом хонлиғидур. Пойтахти Калот шаҳридур.

45. Ҳиндистон

Ҳиндистоннинг шимоли Чин мамлакати, шарқи Ҳинди чиний ва Бангола кўрфази, жануби Баҳри муҳити Ҳиндий ва ғарби Омон денгизи, Балужистон ва Афғонистон мамлакатларидур. Жанубдаги Сарандиб (Цейлон) атаси ила Молдива ва Лакидо йигинди аталари бўлуб, 55 милёнчаси мусулмон, 5 милёнчаси христиан ва қолғонлари будда ва браҳма мазҳабидаги маъжусийлардур.

Ҳиндистон мамлакати идора жиҳатидан учга бўлунур: 1) Англтара идораси, 2) Англтара ҳимояси, 3) Мустақил ҳукуматлар.

Англтара идорасида бўлгон ерларнинг марказ идораси Дехли шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Калкута, Мадрас, Бўмбай, Банорас, Аллоҳобод, Лаҳнав ва (Сарандиб атасинда) Қўлумбо шаҳарларидур.

Англтара ҳимоясинда бўлгон ҳукуматларнинг машҳурлари олтидур:

1. Кашмир ҳукумати бўлуб, пойтахти Кашмир шаҳридур.

¹ Аҳолисининг ноиттифоқлиғи сабабли Эронистоннинг истиқлоли йилдан-йилга йўқолуб Русий ва Англтара ҳукуматларининг тахт нуфузига кирмақдадур.

2. Синдия ҳукумати бўлуб, марказ идораси Гувалюр шаҳридур.

3. Низом ҳукумати бўлуб, марказ идораси Ҳайдаробод шаҳридур.

4. Майсура ҳукумати бўлуб, марказ идораси Майсур шаҳридур.

5. Ражпутон ҳукумати бўлуб, марказ идораси Гувалюр шаҳридур.

6. Локидю аталаридур.

Мустақил ҳукуматлари учдур: 1) Непал ҳукумати бўлуб, пойтахти Катманду шаҳридур. 2) Бутан ҳукумати бўлуб, пойтахти Тасисдун шаҳридур. 3) Молдива ҳукумати бўлуб, пойтахти Мола шаҳридур.

Булардан бошқа Бангола кўрфази соҳилида Франсия ва Омон денгизи соҳилида Пўртиғиз ҳукуматларининг ҳам бир неча шаҳарлари вордур¹.

46. Ҳинди чиний

Ҳинди чиний ярим атасининг шимоли Чин мамлақати, шарқи Чин денгизи, жануби Сиём кўрфази ила Малоқо бўғози ва ғарб ёғи Бангола кўрфази ила Ҳиндистон мамлакатудур. Аҳолиси 30 милёнча бўлуб, аксари маъжусий ва бир ози мусулмондур. Ҳинди чиний мамлақати идора жиҳатидан етти қисмга бўлунур:

1. Ҳинди чин англизий бўлуб, иккига бўлунур: бири шимолда Асам ва Бирман мамлакатлари бўлуб, машхур шаҳарлари: Мондалай ва Рангун шаҳарларидур.

2. Малақо бўғозининг соҳилида Бўғозлар мустамлақоти бўлуб, марказ идораси Сингапур шаҳридур. Бу мамлакатларнинг иккиси ҳам Англтара идорасидандур. Малақо бўғозининг жанубида Жухур ҳукумати бўлуб, пойтахти Жухур² шаҳридур.

3. Шимоли шарқида Тункан ҳукумати бўлуб, пойтахти Хануй шаҳридур.

4. Шарқда Аннам ҳукумати бўлуб, пойтахти Хуна шаҳридур.

¹ Молдива ҳукумати бутун Молдива йиғинди аталарини идора қилиб тургон бир мусулмон султонлиғидур. Франсаға қараган шаҳарлар: Бундшири, Қориқол, Шондир, Нагар, Виёнун шаҳарларидур. Пўртиғизға қараганлари: Гуво, Диюдамон шаҳарларидур.

² Жухур мамлақати Англтара ҳимоясинда кичкина бир мусулмон хонлиғидурки, халқининг ҳам барчаси мусулмондур.

5. Камбуж ҳукумати бўлуб, пойтахти Пномпиг шаҳридур.
6. Кушиншин мамлакатидур. Марказ идораси Сайғун шаҳридур. Ушбу Тункан, Аннам, Камбуж ҳукуматлари Франция идорасидандур.
7. Мустақил Сиём қироллиғи бўлуб, пойтахти Понгқук шаҳридур (Ҳинди чинийда ушбу Сиём ҳукуматидин бошқа мустақил ҳукумат йўқдур).

47. Осиёи Усмоний (Туркия)

Осиёи Усмонийнинг шимол ёғи Қора денгиз, Истанбул бўғози, Мармара денгизи ва Чаноқ қала бўғозларидур, шарқ ёғи Қофқоз ва Эрон мамлакатлари, Басра ва Омон кўрфазларидур. Жануб ёғи Омон денгизи ила Адан кўрфазларидур. Ғарб ёғи Боби ал-мандуб бўғози, Шоб денгизи, Сувайш канали, Оқ денгиз ва Аталар денгизи бўлуб бир, катта ярим атадур.

Бу мамлакат икки парчага бўлунуб, шимол ёғи Онатўли¹ ва жануб ёғи Арабистон отолодур. Иккиси бирга қўшилғонда аҳолиси ўн милёнча бўлиб, аксари араб, турк ва курд каби мусулмонлар, қолғонлари арман, грек каби турли миллатлардан иборатдур. Арабистоннинг машҳур шаҳарлари Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Санъон, Ҳадида-вал-хуфүф шаҳарларидур. Онатўлининг машҳур шаҳарлари: Бурса, Искидор, Измир, Куния, Трабзун, Арзерум, Бағдод, Басра, Шом, Байрут, Қуддуси шариф, Искандарун ва Антакия шаҳарларидур. Арабистоннинг шарқи жанубида Англтара ҳимоясинда бўлган Сакат имомлига (хонлиғи) ва ғарби жанубида Англтара ҳимоясида бўлгон Адан мамлакати вордур. Булардан бошқа ўртасинда яна бир неча мустақил шайхликлар вордур.

48. Чин² (Қитой) жумҳурияти

Чин ҳукумати шимолдан Туркистон ва Сибирия, шарқдан Япония, Сарик денгиз, шимолий ва жанубий Чин денгизлари, жанубдан Ҳинди чиний ва Ҳиндистон ва ғарбдан Ҳиндистон ва Афғонистон мамлакатлари ила ўралмишдур.

¹ Ҳозирги матбуотда Суриё исми ила машҳур бўлгон Арзи Фаластин бу рисолада Онатўлига қўшилиб зикр қилинади. Шом, Байрут, Қуддуси шариф шул Арзи Фаластиндадур.

² Чин ҳукумати дунёнинг энг эски ва кишисининг кўплиғи жиҳатидан дунёнинг энг улуғ ҳукуматидур.

Аҳолиси 400 милёндан зиёда бўлуб, 70 милёнчаси му-
сулмон ва қолғонлари кунфучиё ва будда мазҳабидаги маъ-
жусийлардур. Пойтахти Пекин шаҳридур. Машҳур шаҳар-
лари Тёнчин, Шанхай, Сучуан, Қантун, Хонғчоу, Муҳ-
дин, Кошғар ва Фулжа шаҳарларидур. Идораси жумҳурият
ва тили қитойчадур. 1911—1912 йиллардаги ихтилол (тўпа-
лон) сабабли бу мамлакатнинг шимолидан Монғулиё ай-
рилуб, Русиё ҳимоясина ва жанубидан Тибет қитъаси ай-
рилуб, Англтара ҳимоясина кирғони сабаблик кенглиғига
хийла зарар келди. Ҳозирда Монғулиёнинг марказ идораси
Урго шаҳри, Тибетнинг марказ идораси Лихоса шаҳридур.

49. Япуния императорлиғи

Япуния мамлакати Чин ҳукуматининг шарқиға ёпиш-
ған Курия ярим атаси ила Баҳри муҳити кабир ичидаги
аталардан иборатдур, аҳолиси 60 милёнча бўлуб, аксари
будда мазҳабидадур. Пойтахти ¹ Токиу шаҳридур. Машҳур
шаҳарлари Сивул, Юқохомо, Қито, Осақа, Нағасақа ва
Порт-Артур шаҳарларидур. Идораси маршрута, тили япун-
чадур. Бу мамлакатда франсузча, инглизча ва қитойча тил-
лар ила суйлашадурғон кишилар ҳам кўпдур.

50. Осиёнинг машҳур ата ва ярим аталари

Баҳри мунжамиди шимолийда:

1) Янги Сибир аталари.

2) Лихов аталари (иккиси ҳам Русияға тобеъдур). Бағри
муҳити кабирда:

1) Қамчатка ярим атаси (Русияға тобеъдур).

2) Сахалин атаси (ярми Русияға, ярми Япунияға то-
беъдур).

3) Курил аталари.

4) Бизу аталари.

5) Непун атаси.

6) Сиқуқ атаси.

7) Киюсу атаси.

8) Курия ярим атаси.

9) Курмуз атаси (Япунияға тобеъдур).

¹ Қитойларға ўхшаш япунлар ҳам, умуман сариф жинсандурлар. Илм,
маърифат, хунар ва саноат тўғриларинда овруполиларни йўлда қолдир-
мак даражасинда ғайрат ва жиҳод этмакдадурлар.

Баҳри муҳити ҳинда

1) Малақо ярим атаси (ярми Англтара ва ярми Сиём ҳукуматиға тобеъдур).

2) Андоман аталари.

3) Никубор аталари (Сиём ҳукуматиға тобеъдур).

4) Сарандиб атаси.

5) Суматра атаси.

6) Локиди аталари (Англтараға тобеъдур).

7) Молдива аталари (мустақил ислом ҳукуматидур).

Оқ денгизда:

1) Қибрис атаси (Англтараға тобеъдур).

2) Рудус атаси (бошқа бир неча аталар ила баробар ҳозирда Оврупо давлатларининг ихтиёриндадур. Хоҳласа Туркияға, хоҳласа Юнонистонға топширадур).

51. Машҳур тоғлари

1) Истонувди тоғлари (Сибириянинг шимоли шарқисиндан жанубға қараб Чинғача чўзиладур).

2) Верхун тоғлари (Сибирияда Истонувди тоғларининг бир бутоғидур).

3) Ҳинғон тоғлари (Чиннинг шимоли шарқийсида бўлуб, зўр Ҳинғон ва кичик Ҳинғон исмлари ила иккиға айрилодур).

4) Соён тоғлари (Сибирия ила Чин орасинда).

5) Олтой тоғлари.

6) Тёншан тоғлари (Туркистон ила Чин орасинда).

7) Қуилунг тоғлари (Чиннинг ўртасиндадур).

8) Қорақурум тоғлари (Чиннинг ғарби жанубида).

9) Ҳимолай тоғлари (Чин ила Ҳиндистон орасинда).

10) Ҳиндикуш тоғлари (Афғонистонда).

11) Элбурз тоғлари (Эронистоннинг Каспий денгизи соҳилинда).

12) Арарат тоғлари (Эронистон, Онатўли ва Қофқоз орасинда).

13) Тотор тоғлари (Сибириянинг Япун денгизи соҳилинда).

14) Оликсандруй тоғлари.

15) Қоб тоғлари (Туркистонда).

16) Ҳот тоғлари (Жанубий Ҳиндистоннинг шарқ-ғарб соҳилларини ихота қилмишдур).

52. Машхур кўллар

- | | | |
|--------------------|-------------|-------------|
| 1) Бойқол кўли | } | Сибирияд |
| 2) Болқош кўли | | |
| 3) Чони кўли | | |
| 4) Иссиқкўл | } | Туркистонда |
| 5) Орол кўли | | |
| 6) Ҳоргут кўли | } | Чинда |
| 7) Тенгри тур кўли | | |
| 8) Ормиё кўли | Эронистонда | |
| 9) Ван кўли | } | Онатўлида |
| 10) Лут кўли | | |

53. Машхур наҳрлар

| Исмлари | Манбалари | Мансублари |
|----------------------------------|--|----------------------------|
| 1) Ўби наҳри | Олтой тоғи | Ўби кўрфази |
| 2) Энасой наҳри | Олтой тоғлари | Энасой кўрфази |
| 3) Лена наҳри | Бойқол кўли | Баҳри мунжамиди шимолий |
| 4) Амур наҳри | Олтой тоғлари | Ўхучка денгизи |
| 5) Гувонгу (Хувонхи) наҳри | Қуилунг тоғлари | Печили кўрфази |
| 6) Тонзи сирён (Зангор) наҳри | Қуилунг тоғлари | Сариғ денгиз |
| 7) Камбуджо (Ма- қунға) наҳри | Қуилунг тоғлари | Жанубий Чин ден- гизи |
| 8) Брамапутра наҳри | Ҳимолай тоғлари | Бангола кўрфази |
| 9) Хонч (Ганг) наҳри | Ҳимолай тоғлари | Бангола кўрфази |
| 10) Ҳиндус наҳри | | Омон кўрфази |
| 11) Дажла наҳри | Бу иккиси Онатўли- да Турус тоғларидан чиқуб, Энг охиёрда бирлашуб, Шаттл- араб исмлануб, Бас- ра кўрфазина қуйи- лур. | |
| 12) Фрот наҳри | | |

| | | |
|-------------------------------|----------------|------------------------|
| 13) Қизил ирмоқ наҳри | Онатўли | Қора денгиз |
| 14) Ўрол наҳри | Ўрол тоғлари | Каспий денгизи |
| 15) Жайхун наҳри (Амударё) | Тёншан тоғлари | Орол кўли |
| 16) Сайхун (Сирдарё) . | Тёншан тоғлари | Орол кўли ¹ |

54. Африқо қитъаси

Эски дунёнинг учинчиси Африқо қитъасидур. Африқонинг шимол тарафи Сита бўғози ва Оқ денгиз, шарқ тарафи Сувайш канали, Шоб денгизи, Боб ал-мандуб бўғози ва Баҳри муҳити ҳинд, жануб тарафи Баҳри муҳити кабир ва ғарб тарафи Баҳри муҳити атлас ила ўралмишдур. Бунга қараганда Африқо қитъаси улуғ бир атадур. Баҳри муҳити ҳиндидаги Мадағасқар атаси ҳам Африқодан ҳисобланур.

Африқонинг аҳолиси 150 милёнча бўлуб, акси ислом мазҳабинда бўлган занжий, барбария ва баъдавий араблар ила бутпарастлардур. Соҳил тарафларида бир ози христиан ва яҳудийлар ҳам бордур. Бунда аҳолининг акси мол боқиш, деҳқончилик, савдогарлик ила тирикчилик қилур. Кўп савдолари фил суяги, туяқуш қаноти ва хурмо каби моллар иладур.

Африқо қитъаси дунёнинг энг иссиқ мамлакатидур. Ўрталари бутун қум, чўллардан иборат бўлуб, ўзини ваҳший халқидан бошқа киши туrolмайдур. Шул сабабли аҳволи ҳануз маълум бўлмамишдур. Кўп ерларида экин ва мевалар қиш фаслида етишадур. Африқо қитъаси катта-кичик 16 мамлакатга бўлинадур.

55. Миср ва Нуба

Биринчи Миср ва Нуба мамлакатларидур. Бу мамлакатнинг шимоли Оқ денгиз, шарқи Сувайш канали ва Шоб денгизи, жануби Ҳабашистон ва Судан мамлакатлари, ғарби Саҳройи кабир, Троблис, ғарбда Бенғози мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси ўн милёнча бўлуб, акси муулмон араблардур. Пойтахти Мисри ал-Қоҳира шаҳридур.

¹ Бизим ватанимиз бўлгон Туркистоннинг ободлиғи ушбу Жайхун ва Сайхун наҳрлари иладур. Бутун Туркистон ерлари шул наҳрлардан сув ичадур.

Машхур шаҳарлари: Искандария, Сувайш, Пурт Саид, Исмоилия, Рашиду (Нуба мамлакатининг марказ идораси бўлгон) ва Хартум шаҳридур. Ҳозирда Англтара идорасиндадур¹. Машхур Нили муборак наҳри Викториёнда кўлидан чиқуб, бу мамлакатни суғориб, Оқ денгизга қуйиладур.

56. Троблис ва Бенғози

Иккинчиси Троблис ва Бенғози мамлакатидур. Бу мамлакат шимолдан Оқ денгиз, шарқан Миср, жанубан Саҳройи кабир ва ғарбан Тунис мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси бир ярим милёнча бўлуб, барчаси ислом мазҳабиндаги араблар ва барбариялардур. Марказ идораси Троблис шаҳридур. Машхур шаҳарлари: Дарна, Марзук, Вағдомус шаҳарларидур.

57. Тунис

Учинчиси Тунис мамлакатидур. Бу мамлакат шимолдан ва шарқдан Оқ денгиз, жанубдан Троблис, ғарбдан Жазоир мамлакати ила маҳдуддур. Аҳолиси икки милёнча бўлуб, барчаси ислом мазҳабидаги араблар ва барбариялардур. Марказ идораси Тунис шаҳридур. Машхур шаҳарлари: Қирвон, Бизорта, Асфоқс ва Кобус шаҳарларидур. Бу мамлакат аввали Туркияники бўлса ҳам, ҳозирда Франция ҳимоясинда бир бекликдур.

58. Жазоир

Тўртинчиси Жазоир мамлакатидур. Бу мамлакат Оқ денгиз, Тунис, Саҳройи кабир ва Фос мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси беш милёнча бўлуб, аксари ислом мазҳабиндаги араблар ва барбариялардур. Кейин келуб ўрнашган франсузлар ҳам кўпдур. Марказ идораси Жазоир шаҳри. Машхур шаҳарлари: Қустантин, Бўн, Буси ва Тулмасон шаҳарларидур. Бу мамлакат аввалда Туркияники эди, ҳозирда Франция идорасиндадур.

¹ Миср ҳукумати расман Туркияга тобеъ саналуб, мувақатан Англтара идорасинда эди. 1914 йил охирларида Англтара ҳукумати ўзиники қилуб эълон қилди. Ҳозирда шул Миср устида Англтара ила Туркиё ҳукумати урушиб турибдур. Худо кимга зафар берса Миср ўшаники бўлса керак.

59. Фос

Бешинчиси Фос мамлакатидур. Бу мамлакат Оқ денгиз, Сипта бўғози, Баҳри муҳити атлас, Саҳройи кабир ва Жазоир мамлакатлари ила ўралмишдур. Аҳолиси саккиз милёнча бўлуб, барчаси араблар ва барбарийлардур. Пойтахти Марокаш шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Фос, Работ, Танжа, Ҳакина ва Малия шаҳарларидур. Бу мамлакат аввалда мустақил бир ислом султонлиги бўлса ҳам 1911 йилдан бери Франция ҳимоясинда бир хонлиқ бўлуб қолди¹.

60. Саҳройи кабир

Олтинчиси Саҳройи кабирдур. Бу мамлакат Троблис, Жазоир ва Фос мамлакатларининг жанубинда Миср ҳудудидан Баҳри муҳити атласгача узайган қумлоқ чўллардан иборатдур. Аҳолиси: тупроқ исминдаги баъдавийлар бўлуб, тўрт милёнча тахмин қилинур. Мазҳаблари ислом, тиллари арабчадур. Тирикчиликлари мол боқмак, туз, хурмо ва фил суяги каби нарсаларни денгиз бўйлариға келтуруб сотмоқ иладур. Ҳеч бир ҳукуматға тобеъ бўлмасдан ўз ҳолларича яшайдурлар.

61. Санағомбия²

Еттинчиси Санағомбия мамлакатидур. Бу мамлакат Баҳри муҳити атлас, Кенияи шимолий ва Саҳройи кабир мамлакатлари ила ўралган бўлуб, Саноғол ва Ғомбия наҳрларининг орасиндадур. Аҳолиси ўн икки милёнча бўлуб, занжи, араб ва барбарийлардан иборатдур. Аксари мусулмон ва бир ози бутпарастдур.

Ичкари тарафлари ерлик ҳукуматлар идорасинда бўлса ҳам, соҳили франсуз, англиз, пўртиғиз ҳукуматлари идорасиндадур. Франсузларнинг марказ идораси Санлуи шаҳри, англизларники Батурист шаҳри ва пўртиғизликларники Тимбу шаҳридур.

¹ Троблис, Тунис, Жазоир ва Фос мамлакатларин тарихда «Балади барбария» деб атайдилар. Булар ичинда маориф ва маданиятнинг бир оз тараққий қилғони Тунис ва Жазоир мамлакатидур.

² Санағомбияда тимсоҳ, денгиз айиғи, маймун, оқ қарамисқа ва чигиртка каби зарарлик ҳайвонлар кўпдур.

62. Кения¹

Саккизинчиси Кения мамлакатидур. Бул мамлакат Санағомбиядан бошлаб, Кения кўрфазининг шимол ва шарқ соҳилларидан иборатдур. Аҳолиси умуман занжи (қора жинсдан) бўлуб, ўн беш милёнча тахмин қилинадур.

Дин юзасидан аксари мусулмон ва бир ози бутпарастдур. Идора жиҳатидан тўққиз мамлакатга бўлину:

1) Англтара ҳимоясинда бўлгон Сиерра Лиона жумхуриятидур. Марказ идораси Фритаун шаҳридур.

2) Мустақил Либерия жумхуриятидур. Марказ идораси Мунруё шаҳридур.

3) Францияга тобеъ Фил диши соҳилидур. Марказ идораси Гранбосан шаҳридур.

4) Олтун соҳилида Ашанти ҳукумати дур. Марказ идораси Кумас шаҳридур. (Бунда Англтаранинг Қобқувост ва Германиянинг Тўғу исмлик жойлари вордур.)

5) Францияга тобеъ Дохума ҳукумати дур. Марказ идораси Обума шаҳридур. (Бунда Англтаранинг Лоғуст исмлик бир лимани вордур.)

6) Англтарага тобеъ Нижирия мустамлакотидур. (Бунда Набин исмлик ҳукумат ҳам вор.)

7) Германияга тобеъ Фомардан мустамлакотидур.

8) Францияга тобеъ «Кўнгу Францияси» мустамлакотидур.

9) Пўртиғизга тобеъ Ангула мустамлакотидур.

63. Судан

Тўққизинчиси Судан мамлакатидур. Саҳройи кабир, Нуба, Ҳабашистон, Кўнгу, Кения ва Санағомбия мамлакатларининг орасиндаги кенг ерни Судан дейилур. Бу мамлакатнинг бир ози Миср ҳукуматиға тобеъ бўлиб, Судани мисрий атолу.

Қолган жойлари бир неча ерлик ҳукуматлар тарафиндан идора қилину. Ерлик ҳукуматларининг машҳурлари: Флата, Бомбара, Бурну, Вадой, Боғирми, Дорфур, Фурдуфан ва Сўқўту ҳукуматларидур.

Аҳолиси умуман занжилар бўлуб, ўттуз милёнча тахмин қилину. Дин юзасидан аксари мусулмон ва бир ози бутпарастдур. Бу мамлакатнинг ғарб тарафи Нигер наҳридан ва ўрталари Чод кўлидан сув ичодур.

¹ Бу соҳиллар Шимолий Кения ва Жанубий Кения исмлари ила иккига айриладур.

64. Қўнғу ҳукумати

Ўнинчиси Қўнғу ҳукуматидур. Бу мамлакат Судан, Франция Қўнғуси, Анғула, Қопланду, Занғибор мамлакатларининг орасида бўлуб, аҳолиси ҳануз лозиминча маълум эмасдур. Қўнғу наҳри бутун мамлакатга сув беруб, Баҳри муҳити атласга оқадур. Марказ идораси Қўнғу мансубиға яқин Бума шаҳридур. Бу мамлакат 1844 йилда Овруро давлатларининг иттифоқи ила ясолуб, Белчиқо ҳукуматининг ҳимоясиға топширилмишдур.

65. Домара мустамлақоти

Ўн биринчиси Германиянинг Домара мустамлақотидур. Бу мамлакат Баҳри муҳити атлас соҳилида Қопланду ва Анғула мамлакатларининг орасида бўлуб, шимолдағи Кунана наҳридан жанубдағи Уранжир наҳри мансубиғача чўзилмишдур. Аҳолиси: удомпу, домард, домоқу ва ҳутанту номиндағи баъдавий халқлар бўлуб, аҳволи ҳануз лозиминча, маълум ўлмашидир.

66. Умид буруни (Қопланд) мустамлақоти

Ўн иккинчиси Англтаранинг Умид буруни (Қопланд мустамлақотидур). Бу мамлакат, аввалда, Африқонинг жанубий учиндағи Қоб мамлақатиданғина иборат экан. Ҳозирда Қўнғу, Занғибор, Музамбик, Анғула ва Домара мамлакатлари орасидағи барча мамлакат ва ҳукуматлар ушбу Умид буруни мустамлақотиға қўшилмишдур. Идора жиҳатидан Қоб, Нотол, Қофаристон, Уронж, Трансвол, Удозия исмлари ила бир неча қавмға бўлиноб, жумласи Англтарага тобеъдур. Машҳур шаҳарлари: Қобмаки (Баҳри муҳити кабир соҳилида) Умид буруни, Жоржтаун ва Пуролизабет шаҳарлари, Нотолники, Дурбон, Урожники, Блумфунтин ва Трансволники, Притўрия шаҳарларидур.

67. Музамбик

Ўн учинчиси Пўртиғизға тобеъ Музамбик мустамлақотидур. Бу мамлакат Баҳри ҳинд соҳилида Занғибор ва Қопланд мамлакатларининг орасиндадур. Аҳолиси икки милёнча бўлуб, барчаси бутпараст ва занжилардур. Машҳур шаҳарлари: соҳилда Келеман ва Суфала шаҳарларидур.

68. Зангибор¹

Ўн тўртинчиси Зангибор султонатидур. Бу ҳукумат Баҳри муҳити ҳиндий соҳилида Судан, Қўнғу, Қопланд ва Музамбик мамлакатлари орасидадур. Аҳолиси уч милёнча бўлуб, ислом мазҳабиндаги занжилар ва кўчиб келган араблардан иборатдур. Марказ идораси Зангибор атасида бўлғон Зангибор шаҳридур.

69. Африқойи шарқий Англизий

Ўн бешинчиси Англтаранинг Африқойи шарқий мусламлакотидур. Баҳри муҳити ҳинд соҳилида Сумаол, Ҳабашистон, Судан, Қўнғу ва Зангибор мамлакатлари орасида бўлуб, Англтара идорасидадур. Машҳур шаҳарлари Зангибор султонлиғидан олинғон Мумбоз шаҳридур.

70. Сумол

Ўн олтинчиси Сумол мамлақатидур. Бу мамлақат, Боб ал-мандуб бўғозидан бошлаб, Адан кўрфази ва Баҳри муҳити ҳинд соҳилларида, Африқойи шарқий англизий ва Ҳабашистон мамлакатлари орасидадур. Бу мамлақатнинг Боб ал-мандуб бўғози ёнидағи Убуқ, Лиманис Ҳабашистон ҳудудиғача Франсияға тобеъдур. Адан кўрфази соҳилидаги Барбара шаҳри ва атрофи Англтараға тобеъдур. Адан кўрфази соҳилининг бир қисми ва Баҳри муҳити ҳинд соҳили Италиёға тобеъдур. Ўртада бир кичкина ислом ҳукумати ҳам бордур. Марказ идораси Ҳирар шаҳридур.

71. Ҳабашистон

Ўн еттинчиси Ҳабашистон мамлақатидур. Бу ҳукумат Судан, Сумол ва Африқойи шарқий англизий мамлакатлари орасинда мустақил бир ҳукуматдур.

Аҳолиси саккиз милёнча бўлиб, барчаси христиан мазҳабиндадур. Пойтахти Гувандор шаҳридур. Бу мамлақатнинг шимолида Боб ал-мандуб бўғозиға яқин Асот лиманидан бошлаб, Масуъа лиманиғача бўлғон ерлар Аритара мусламлақоти исмила Италиё идорасидадур.

¹ Бу мамлақатнинг шимол тарафиндан бир оз ерини Германия ва бир озини Англтара ҳукуматлари забт этмишлар. Демак буни ҳам талай бошламишлар.

72. Африқо атрофидаги машҳур аталар

Баҳри муҳити атлас:

- 1) Осура аталари.
- 2) Яшил бурун аталари.
- 3) Мадар аталари (Пўртиғизга тобеъдур).
- 4) Қонория аталари (Испанияга тобеъдур).
- 5) Осониюн атаси
- 6) Сант-олон атаси (Англтараға тобеъдур).

Баҳри муҳити ҳинд:

- 1) Мадағоскар атаси.
- 2) Қумур атаси (Франсияга тобеъдур).
- 3) Мосқорин аталари¹.
- 4) Алдабро аталари.
- 5) Омиронт аталари.
- 6) Сишел аталари (Англтараға тобеъдур).
- 7) Сқутара атаси (Англтара ҳимоясида бир ислом ҳукуматидур).

73. Машҳур кўллар

- 1) Чод кўли (Суданда).
- 2) Виқториё-ниёнза кўли (Занғибор мамлакатининг шимолида).
- 3) Тонғониқо кўли (Занғибор ва Қўнғу мамлакатлари орасинда).
- 4) Ниёсо кўли (Музамбик мамлакатининг ғарбида).

74. Машҳур наҳрлар

- 1) Нил наҳри (Виқториё-ниёнза кўлидан чиқуб, Оқ денгизга қуйиладур).
- 2) Санағал наҳри (Саҳройи кабир Санағомбия мамлакатлари орасиндан чиқуб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур).
- 3) Гобия наҳри (Санағомбиянинг жанубидан чиқуб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур).
- 4) Нигер наҳри (Судан ва Нижир мамлакатларидан ўтуб, Кения кўрфазига қуйиладур).

¹ Мосқорин аталаридан Реюнун — Бурбун атаси Франсияга тобеъдур. Бунда шакарқамиш, қаҳва оғочи ниҳоятда кўплдур.

X 5) Кўнғу наҳри (Кўнғу мамлакатидан ўтуб, Кения кўрфазияга қуйиладур).

6) Уранжир наҳри (Қопланд мамлакатидан ўтуб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур).

7) Замбази наҳри (Қопланд ва Музамбик мамлакатларидан ўтиб, Баҳри муҳити ҳиндга қуйиладур).

75. Амриқо қитъаси

Барри жадид, яъни янги дунёнинг¹ биринчиси Амриқо қитъасидур. Амриқонинг шимол тарафи Баҳри мунжамиди шимолий, шарқ тарафи Баҳри муҳити атлас, жануб ва ғарб тарафлари Баҳри муҳити кабирдур. Бунга қараганда, Амриқо қитъаси ҳам Африқо каби улуг бир ата шаклиндадур². Амриқо қитъасининг ҳавоси: шимолда ниҳоятда совуқ, ўртада ғоятда иссиқ ва жануб тарафларида ўртачадур.

Ери ниҳоятда манбат ўлуб, бошқа қитъаларда етишадурғон экин ва емишларнинг барчаси бу қитъада зиёдасида етишадур.

Тоғлари: олтун, кумуш, олмос, зумрат, темир ва кўмир конлариға ниҳоятда бойдур. Аҳолиси юз эллик (150) милёнча бўлиб, аксари Овруподан кўчиб борғон: инглиз, испаниол, пўртиғиз, франсуз каби христианлардур. Ерли халқни овруполилар «ҳиндий» дерлар. Ҳиндийлар умуман қизил жинсдан бўлуб, кўплари бутпарастдурлар. Амриқо қитъаси: Шимолий Амриқо, Ўрта Амриқо, жанубий Амриқо исмлари ила уч қисмга бўлинур.

76. Шимолий Амриқо

Шимолий Амриқо тўрт мамлакатга бўлинур.

1) Груланд атаси.

2) Янги Британия ёки Канадо мамлакати.

3) Жамоҳири мутаффақаъи Амриқо.

4) Мексиқо жумҳурияти. Груланд атаси Амриқонинг шимолий шарқида улуг бир ата бўлуб, Дўнимарқ ҳукуматиға тобеъдур. Бу атанинг ичкари тарафлари доимо қор ва музлар билан қоплануб турғонлиғи учун ҳеч ким турмай-

¹ Амриқо қитъаси авваллардан номаълум эди. 1492 санаи мелодийда Христоф Колумб исми бир киши топган. Шул сабабли бу қитъани янги дунё дерлар.

² Амриқо қитъаси атрофидаги аталар ила баробар Осиёдан ҳам улуг бўлиб, дунёнинг энг катта қитъасидур.

дур. Фақат соҳил тарафларинда овчилик ила тирикчилик қиладурғон эскиму деган ваҳший халқлар бордур. Бунлар қирқ мингча тахмин қилинурлар. Машхур шаҳарлари: Фут-гоб ва Ярадрикхоб шаҳарларидур.

77. Янги Британия

Иккинчиси Янги Британия мамлакатидур. Бу мамлакат Амриқонинг шимолидадир, бир неча ата ва ярим аталар ила Канадо мамлакатидан иборатдур. Аҳолиси тўрт ярим милёнча бўлуб, аксари англизлардур. Канадо ҳукумати англизларнинг имтиёзли вилоятларидан санолур. Ўзининг махсус мажлис мабъусони бор. Марказ идораси жанубий шарқда Ўттава шаҳридур. Расмий тили англизча ва расмий мазҳаби протестантдур.

78. Жамоҳири мутаффақаъи Амриқо¹

Учинчиси Жамоҳири мутаффақаъи Амриқо ҳукумати-дур. Бу мамлакат Канадо ва Мексиқо ҳукуматлари ила Баҳри муҳити атлас ва Баҳри муҳити кабир ўқёнусларининг орасидадур. Фарбидаги Аласқа қитъаси ҳам бу мамлакатга тобедур. Аҳолиси тўқсон милёнча бўлуб аксари протестант ва катўлик мазҳабларидадур. Пойтахти мамлакатнинг Шарқ соҳилига яқин ерда Вашингтон шаҳридур. Машхур шаҳарлари: Вашингтоннинг шимолида Нью-Йўрк, Бостун ва Баҳри муҳити кабир соҳилида Сан-Франсисқо шаҳарларидур. Расмий тили англизча бўлуб, французча ҳам суйланадур. Идораси мутаффақаъ жумҳуриятдур.

79. Мексиқо жумҳурияти

Тўртинчиси Мексиқо жумҳуриятидур. Бу ҳукумат Шимолий Амриқонинг энг жанубида ва Баҳри муҳити кабир ила Мексиқо кўрфазининг орасинда 27 адад кичкина ҳукуматларнинг бирлашмоғидан ҳосил бўлғон бир жумҳуриятдур. (Аввалда Испанияга тобеъ эди.)

¹ Бу мамлакат аввалда Англтара идорасинда эди. 1776 йилда Вашингтон исмлиқ бир киши бош бўлуб, 9 йилча халқни Англтара ила уруштуруб, охирида голиб келмишлар. Дохилда 450 кичкина жумҳурият ва хорижий ишларда барчаси бир ҳукуматдан иборат бўлғон ушбу ҳукуматни вужудга чиқормишдур. Ҳозирда дунёнинг энг хунарли ва кучли ҳукумати бўлмишдур.

Аҳолиси ўн тўрт милёнча бўлуб, аксари оқ жинс ила қора ва қизил жинсларнинг қўшилмоғидан ҳосил бўлган «молиз»лардур. Пойтахти Мексиқо шаҳридур. Машҳур шаҳарлари: Варақруз, Фувада, Ложар ва Монзаниллу шаҳарларидур. Аксарлари катўлик мазҳабидадур. Тиллари испанчадур.

80. Ўрта Амриқо Мексиқодан бошлаб Қўлумбиягача чўзулгон ингичка ерларни Ўрта Амриқо дейилур. Ўрта Амриқо етти мамлакатга бўлунуб, идора қилинур.

| Исми | Аҳолиси | Марказ идораси |
|---------------------------------------|----------|--------------------|
| 1) Ғватемоло жумҳурияти | 2 милён | Ғватемоло шаҳри |
| 2) Ҳўндурас жумҳурияти | 550 минг | Қумоёғу шаҳри |
| 3) Салвадур жумҳурияти | 1 милён | Сан-Салвадур шаҳри |
| 4) Никарағуво жумҳурияти | 450 минг | Лион шаҳри |
| 5) Қуста Рика жумҳурияти | 350 минг | Сан-Жувази шаҳри |
| 6) Панама мамлакати | 400 минг | Панама шаҳри |
| 7) Англтаранинг Ҳўндурас мустамлакоти | 25 минг | Бализий шаҳри |

81. Жанубий Амриқо

Панама барзаҳидан бошлаб, жанубдағи Ҳуран бурунигача узайган бир мамлакатдур

| Исми | Аҳолиси | Пойтахти |
|---|--------------|----------------|
| 1) Қўлумбиё жумҳурияти | 4 ярим милён | Буғуто шаҳри |
| 2) Ваназуа жумҳурияти | 2 ярим милён | Қарақас шаҳри |
| 3) Хатти устуво жумҳурияти | 1 ярим милён | Қуиту шаҳри |
| 4) Гвиано мамлакати (бу мамлакат учга бўлинуб, Англтара, Ҳўлланда ва Францияга тобеьдур): | | |
| Англтара Гвианоси | 300 минг | Жўржтоун шаҳри |

| | | |
|-----------------------------------|--------------|--------------------|
| Ҳолланда Гвианоси | 80 минг | Помаринду шаҳри |
| Франсия Гвианоси | 32 минг | Крин шаҳри |
| 5) Бразилия ҳукумати ¹ | 14 милён | Юджанеру шаҳри |
| 6) Перу жумҳурияти | 4 милён | Лима шаҳри |
| 7) Бўливия жумҳурияти | 3 милён | Шукизақо шаҳри |
| 8) Шили жумҳурияти | 3 ярим милён | Сантиёгу шаҳри |
| 9) Оргонтин жумҳурияти | 5 милён | Бунанусайрис шаҳри |
| 10) Пароговой | 650 минг | Осаниюн шаҳри |
| 11) Уругувай жумҳурияти | 1 милён | Монтавидану шаҳри |

82. Амриқонинг машҳур денгиз ва кўрфазлари

1) Бофун денгизи, 2) Антиқ денгизи, 3) Ҳудсон кўрфаз-и, 4) Мексиқо кўрфаз-и, 5) Сантуран кўрфаз-и (барчаси Баҳри муҳити атласдан ҳосил бўлгон), 6) Мовил денгизи (Баҳри мунжамиди шимолийдан ҳосил бўлгон), 7) Баҳрак денгизи, 8) Бристул кўрфаз-и, 9) Куқ кўрфаз-и, 10) Қолифорниё кўрфаз-и, 11) Таҳвонта кўрфаз-и, 12) Панамо кўрфаз-и (Баҳри муҳити кабирдан ҳосил бўлгон).

83. Машҳур наҳр ва кўллари

Сан-Луран наҳри (Сан-Луран кўрфазига қуйиладур), Миссисипи наҳри (Мексиқо кўрфазига қуйиладур). Миссури наҳри (Миссисипи наҳрига қуйилодур), Буюк Осора кўли (Канадо мамлакатинда), Супарюр кўли, Мичиган кўли, Ориё кўли, Ҳуран кўли (Янғи Британиё ила Жамоҳири мутаффақаъ ҳукуматлари орасинда), Амазон наҳри (Бразилиянинг шимолинда Баҳри муҳити атласга қуйиладур), Лоплата наҳри, Кўларадо наҳри (иккиси ҳам Оргонтин мамлакатиндан ўтиб, Баҳри муҳити атласга қуйиладур).

84. Машҳур тоғ ва аталари

Амриқо қитъасида: шимолий Амриқонинг ғарб соҳилида Қасқод, Рути тоғлари ила жанубий Амриқонинг бутун ғарб соҳилини ўраган Анд тоғларидан бошқа муҳим тоғлар йўқдур. Амриқо атрофинда (хусусан, шимолида) ата ва ярим аталар ниҳоятда кўп бўлса ҳам, муҳимроғи: Антил денгизидағи Антил аталаридур. Бу аталар Буюк Антил,

¹ Бразилия ҳукумати улуғ бир императўрликдур. Бутун Амриқода жумҳуриятни қабул этмағон ёлғуз шул ҳукумат қолмушдур.

Кичик Антил ва Боҳомо исмлари ила учға бўлинув. Буюк Антил: Куба, Ямайка, Пуарто-рику ва Ҳаити исмлиқ тўрт улғ атадан иборатдур.

Куба атаси Жамоҳири мутаффақаъ ҳимоясида бир ҳукуматдур. Марказ идораси Гованна шаҳридур, Ямайка атаси Англатараға тобеъдур.

Ҳаити атасининг шарқида Сан-Доминику, гарбида Ҳаити исмлиқ икки жумҳурият вордур. Ҳаитининг марказ идораси Пургу-гранс, Сан-Дўминику шаҳридур.

Пуарто-рику атаси ҳам Жамоҳиру мутаффақаъ ҳимоясинда бир ҳукумат бўлуб, марказ идораси Сан-Жуван шаҳридур. Кичик Антил аталари Пуарто-рикудан Ваназуалагача тизилгон майда аталар бўлуб, аксари Англтара ва қолгонлари Франция, Ҳолландиё, Дўнимарқа ва Жамоҳири мутаффақаъ ҳукуматлариға тобеъдур.

Боҳама аталари эса Англтара идорасидадур. Булардан бошқа жанубда Англатара идорасида бўлгон Қолқонда аталари ва Баҳранг денгизида Жамоҳири мутаффақаға тобеъ Алаутиён аталари вор.

85. Ўқёнусиё (Австралиё) қитъаси¹

Янги дунёнинг иккинчиси Ўқёнусиё қитъасидур. Бу қитъа Осиёнинг жанубида. Баҳри муҳити кабир ила Баҳри муҳити ҳинд орасинда бир неча катта ва кичик аталардан иборатдур. Ўқёнусиё қитъасини Осиёдан жанубий Чин денгизи ила Малоқо бўғози ойирадур. Амриқодан Баҳри муҳити кабир, Африқодан Баҳри муҳити ҳинд айирадур. Аҳолиси 55 милёнча тахмин қилинур. Бундан 5 милёнчаси мусулмон ва қолгонлари молиз жинсидан бўлгон ерли маъжусийлар ила Оврүподан кўчиб боргон христианлардур. Ерли халқнинг кўписи оврүполилар ила улфат бўлмасдан йилдан-йилға озайиб кетмакда ва ўрунлариға оврүполилар тўлмакдадур.

Ўқёнусиё қитъаси: Молизиё, Молонизиё, Пулунизиё, Микрунизиё аталари ила тўрт қисмға бўлинув.

86. Молизиё

Молизиё Осиёнинг жанубида Ўқёнусиёнинг шимоли гарбида воқеъ бир неча аталардан иборатдур. Ўқёнусиёнинг

¹ Ўқёнусиё қитъасидаги аталарнинг энг каттаси Австралиё атаси бўлгонлиги учун баъзи жўгрофияларда қитъани шул исм ила атайдур.

энг обод халқи кўп бўлгон ери ушбу Молизийе қисми бўлуб, аҳолиси 44 милёндан зиёдадур. Молизийе аталаридан шимолдаги Филипин аталари Жамоҳири мутаффақаъи Амриқо ҳукуматиға тобеъ, марказ идораси Манила шаҳридур.

Уртадаги Салаб атаси ва Бурнау атасининг кўп қисми шарқда Мулуқ атаси ва жануб тарафда занжирдек чўзилгон Сунд аталари¹ барчаси Хўлландийе ҳукуматиға тобеъдур. Марказ идораси Женева атасида Батавия шаҳридур. Бурнау атасининг шимолида Англатаранинг бир оз мустамлакоти ила Бурнау исмлиқ бир кичкина ислом ҳукумати вордур. Суматра атасининг ғарбий учида Оча исмлиқ бир ислом хонлиғи вордур.

87. Моловизийе

Моловизийе жанубий Ўқенусийеда воқеъ Кина жадид, Австралийе, Тасмонийе ва Янги Зеланда исмлиқ тўрт улуғ ата ила бир неча майда аталардан иборатдур. Кина жадиднинг аҳволи ҳануз лозиминча маълум эмасдур. Шундай бўлса ҳам ғарб қисми Хўлландийеники, жануб қисми Англтараники ва шимол қисми ила ғарб тарафида бўлгон Бисмарк, Янги Британие аталари ва Солумун аталарининг шимол қисми Германияники сонолур.

Австралийе, Тасмонийе ва Янги Зеланда аталари бутун Англтара идорасидадур. Австралийе атасининг аҳолиси 7 милёнга яқин бўлуб, марказ идораси шарқи жанубида Сидний шаҳридур.

Тасмонийенинг аҳолиси² бир милёнча бўлуб, марказ идораси Хуборт шаҳридур. Янги Зеланда Қуқ бўғози ила бирибидан айрилгон икки улуғ атадур. Аҳолиси 800 мингча бўлиб, марказ идораси шимолдаги атада Ўқланд шаҳридур. Булардан бошқа шарқдағи Янги Қалдуние атаси Франсияға тобеъ. Футуначи, Янги Хиберия аталари ва Солумун аталарининг жанубий қисми Англтараға тобеъдур.

¹ Сунд аталарининг энг катталари Жода ва Суматра аталаридур. Суматра атасида Матоҳ номлиқ одам ейдургон қавм бордур. Булар гуноҳкорларни ўлдируб, гўшларини емак ила жазо берар эканлар. Унларда кексароқ қариндошларини емак одати вор бўлса ҳам, ҳозирда бутун ташламишлардур. Сунда аталарининг шарқий учидағи Темир атасининг бир қисми Пўртиғизға тобеъ.

² Тасмонийенинг аҳолиси англиз муҳожирларидур. Асл аҳолиси бўлгон молизлар тамом мунқариз бўлмишдур.

88. Пулунизия, Ява ва Микронизия

Ўқёнусиёнинг шимол ва шарқида Баҳри муҳити кабир ўртасиға сочилгон ниҳоятда кўп майда аталар бордурки, буларнинг қисми шарқийсини Пулунизия ва қисми шимолийсини Микронизиё дейилур. Пулунизиянинг машҳур аталари: шимолда Ҳовой аталари ўз бошиға бир ҳукуматдур. Финикс, Унюн, Туниё, Монохики, Қуқ ва Шотом аталари Англтараға тобеъдур. Моркиз, Тувомуту, Сусита ва Тубовой аталари Франсиёға тобеъдур. Сомво аталари Германияға тобеъдур.

Микронизиядаги аталардан Мориён, Полоус, Корулин, Ролиқ ва Моршол аталари Германияға тобеъдур. Жилберт ва Аълис аталари Англтараға тобеъдур.

С ў н г

«ЕР ЮЗИ» китобидаги айрим истилоҳ ва атамаларга изоҳлар

Англтара — Англия.

Баҳри муҳити мунжамид — Атлантика океани.

Баҳри муҳити кабир — Тинч океани.

Баҳри муҳити ҳинд — Ҳинд океани.

Баҳри муҳити шимолий — Шимолий муз океани.

Баҳри муҳити жанубий — Антарктида.

Белчиқо — Бельгия.

Ваназуа — Венесуэла.

Дўнимарқ — Дания.

Исвечра — Швейцария.

Исвеч — Швеция.

Нурвеж — Норвегия.

Пўртиғиз — Португалия.

Жамоҳири мутаффақаъи Амриқо — Америка Қўшма Штатлари.

Ҳинди чиний — Ҳинди хитой.

Сакана — аҳоли, яшовчилар, турувчилар.

Манбат — унумдор.

Лингк — майдон, кенглик.

Эслатма: нотўғри талаффуз қилиниб ёзилган сўзлар учун нашрга тайёрловчи муҳтарам китобхонлардан узр сўрайди. Бу китобдаги номлар, атамалар арабча, туркча манбалардан олингани, жаҳонда содир бўлган катта-кичик урушлар туфайли мамлакат ва шаҳарларнинг географик номлари ўзгариб кетганлиги сабабли ушбу китобдаги атамаларнинг ҳозирги шаклини топиш махсус тадқиқот тадаб қиладики, нашрга тайёрловчи бу камчиликларни кейинги нашрларда эътиборга олади. — С. А.

НИКОҲ ТЎҒРИСИДА

Жаноб муаллиф ва муҳаррири «Тараққий»дин илтимос қилурманким, никоҳ масаласи хусусида мани бу беш-олти калима сўзимга «Тараққий» саҳифасидан жой берсалар.

Қола набийи саллоллоҳи алайҳи васаллам никоҳ суннати «Фаман рағба ан суннати фолис мани» мазмунича бир оқил ва болиғ кишига тазаввиж, яъни уйланмоқ суннат муаъкадаларини бири бўлмоқиға ҳеч шубҳа йўқдур. Бунга биноан ҳар ким ўз кафуввини топиб, оли қадарал ол тўй-томоша қилиб, имом афандиларимиз фасих ва мавзун иборатлар бирла ақди шаръий қилиб, бир важҳи суннат хутба ўқилиб, қизни куёв кўлиға таслим қилурлар. Хўб яхши, аммо икки-уч моддаи мувассафаси бордурки, анинг фасхиға кўшиш қилмоқ уламои зулэхтиромларимизга ва агниёларимизга вожиб даражасида муҳим ва зарурдир. Биринчиси, қалмоқ ва хитой тоифаларидан қолгон бир расми қабиҳадурким, никоҳдан бир кун муқаддам беш-ўн нафар созанда ва жувонларни жам қилиб, неча хил афъоли қабиҳа, ғайримашруълар бирла ўз ёру биродарлариға базм қилиб кўрсатиб, офаринлар уюштирар эдилар. Бу ишни шаръан ҳаромлиғи изҳори минал шамсдир. Аммо авомунносга чинон шойиъ бўлмишдирки, мартабаи истиҳлолдин ўтуб; суннат, балки вожиб даражасиға етубдур.

Закот бермоқ бўлгон ҳолда бир бой закот бермаса, ҳеч кимнинг иши йўқ, аммо ўғлини уйлантириб, базм бермаса, авомлар ўртасида маломатга мустаҳиқ бўлур.

Иккинчи никоҳ уни келинни куёв ҳовлисиға олиб борурда кўриладиргон бир расми шаниъадурки, бир аробаға келинни солиб, ул аробанинг олдида икки-уч нафар хотунлар беибо чирманда чалиб ва ҳофизлик қилиб бормоқлари. Агарчи куллиятан бўлмаса ҳам аксар жойда кўрилмоқдадур. Бу бадбахтларнинг аврат овозини эшитиб, кўп мусулмонлар гунаҳкор бўлмоқдадур.

Учинчи, даллол ва ялочи масаласидурким, мунини ҳаромлиғидин зиёда зарарлари ҳам бор. Чунончи бир ҳовлида ялочи ўйнаса, жамиъ хотунлар ани атрофида туруб ўртаға маъжусий оташпарастлардек оташ ёқурлар, баъзи жойлар-

да ул бадкирдорларнинг ўйинини эркаклар ҳам бир тарафда туруб томошо қилурлар ва баъзи нодонлар қўлларига танга олиб ўюнчисини чоқириб, бир аъло фоҳишабозлик қилурлар. Буларнинг бу ишларини бўлак мастура хотунлар кўриб турурлар. Мазкур эркакларнинг бир кўзлари ўюнчида бўлса ҳам, бир кўзлари бошқа хотунларда бўлур, ҳосили калом, тоқати исломиятдан хориж бир хилоф шаръидурки, буни шафеъи ва давоми аҳолии исломни ғайрат ва ҳамиятдин бутун-бутун жудо қилур. Бас, бу афъоли қабойиҳларни фасҳига уламолар кўшиш қилмасалар, бу ишларни шаръан жоиз эконлигини авомунносга билдурмасалар, авомуннос бул хилофи шаръий ишларни истиҳлол ва истиҳфониди мудовомат қилсалар керак ва бул эътиқод фосидалари бора-бора уламоларга ҳам таъсир қилса, бул хилофи шаръиларда авомунносга мутобаат қилсалар керак, балки мутобаатлари ҳам кўринмақдадир. Ҳаттоки баъзи аҳли илмлар бу ишларни жавозият ва шаръилигини таважжуҳ қилмоқдадурлар. Ё раб, мундай фасо ахлоқ ва мундай беҳамиятликдурки, шундай хилофи шаръиларни манъиға эллик-олтмиш минг мусулмондин бир ғайрат соҳиби топилмас.

«Тараққий», 1906 йил, 3 феврал

Ҳар беша гумон мубарки холист, шоядки паланг хуфта бошад¹. Мазмунича: ғайрат ва ҳамият соҳиблари алҳамдулиллоҳ мавжуддурлар. Чунки бундин муқаддам базм ва ялочилар ҳақида ёзгон мақоламизни «Тараққий» саҳифасида ўқуғон кишилар хаттики муҳофизии шаръийи шариф бўлгон қозийи исломимиз бул тўғрида изҳори мамнуният қилдилар. Баъзи маҳалларда ижтимоъ бўлиб, ҳар ким тўйида бачча ва ялочи ўйнатса, маҳаллаға кўшилмасун ва аралашмасун деб фотиҳа ўқуғонлари эшитилди. Бул жанобларнинг амсоллари кўпаймоғини самим бирла вожибул вужуддин тилаб ва истидоъ қилиб дермизки, борақоллоҳ, яшосун ғайрат, яшосун ҳамият, олами исломият. Бул тариқа хилофи шаръиларни манъиға энг аввал ғайрат қилгон жанобларни табрик ва таҳсин қилиб, бошқа маҳалларнинг ҳам бул жанобларга лоҳақ бўлмоқларини илтижо қилурмиз. Аммо фуқароларни соҳиби ғайратлари «паланг хуфта» манзалласидадурларки, «паланг хуфта»ни қуввати ҳеч ерга етмас. Мисола, бир маҳалла имоми ё элликбоши-

¹ Ўрмонни тинч деб ўйлама, шоядки бир йўлбарс ухлаб ётгандур.

си бош бўлиб манъ қилсалар, иккинчи маҳаллаға таъсир қилмас, иккинчи маҳаллаға таъсир қилса, учинчи маҳаллаға йўл топилмас ва бул хилофи шаръилар чунон шойиъ бўлмишдирки, баъзи беҳамиятлар маҳаллаға қўшилмаслик-ға рози бўлиб, базм ва ялочини таркиға рози бўлмас, чунки ота-боболаридин қолғон расм эмиш, бас, бул расми қабиҳаларни манъ ва фасхи уламоий зулэҳтиром ва қуззоти ислом ва ҳукуматдорон неқномларимизға лозимдурки, бул жаноблар ҳар бир ижтимоъларида иттифоқ қилиб, фалон ва фалон ишларни муҳолифи шаръийи шариф бўлгон ваҳҳидин манъ қилдук ва ҳар ким қилса фалон жазоға мустаҳиқ бўлур, деб ҳукм қилмоқлари бирла бул хилофи шаръилар бутун орамиздин кўтарилиб ва бул ишларни сабаби бирла дунёи ва охиратда сазовори охири азим бўлмоқларида шаръан ва ақлан ҳеч шубҳа йўқдир. Яҳудийлар забиҳни ман қилмоқ тўғрисида қилгон ҳамият ва жасоратлари бутун Туркистон мамлакатига таъсир қилгондек буни ҳам таъсири бутун Туркистон мамлакатига хусусан, Фарғона музофотлариға таъсири маълумимиздур. «Хайрун нос ман янфаън нос» — ҳадиси шариф маолинча, сифоти хайруннослик бирла мутассиф бўлмоқларида ҳам шак йўқдир. Зероки, бул ишларни ман қилмоқ — мусулмонларни дин ва дунёлариға фойда еткурмақдур. Дунёлариға фойда шулки, бул хилофи шаръиларини сабабидин охиратда тортадургон дўзах азобларидин холос бўлурлар, дунёлариға фойда шулки, бачча ва ялочини бир кечалик муздиға берадургон ўттуз-қирқ сўмлари ўз киссаларининг манфаатиға қолур.

Ҳамадин бул моддаси ажаброқдурки, муҳолифи шариат ва бидъат бўлгон бадбахт ва баччаларни муздлари ўттиз сўм, қирқ сўм бўлиб, куёв-келин қўшулмоқларини хилтиға энг амада зарур бўладургон хутба ўқуғувчи имом афандиларимизни муздлари йигирма тийин ё ўттиз тийин бирла бир ўн тийинлик даструймолдир. Ё раб, мундай бетартиб ва бенизомлик бўлурму.

Фарёд аз замонаи бемеҳр каж ҳаром,
Хунрези жонистони ғамангез бенизом¹.

«Тараққий», 1906 йил, 7 феврал

Хўзинг бедор қил, ё раб, бизни бу хоби ғафлатдан,
Ҳидоят қил тариқи ҳақ сори роҳи залолатдан.

¹ Бемеҳр, ҳаром, жонлар қонини қонунсиз тўкиб, ғамга ботирувчи замондан фарёд.

1905 нчи, 17 нчи октябрда берилмиш манифест, яъни хуррият жумла Русия фуқароларини асирлик зиндонидан озод қилиб, ўз ҳуқуқи диния ва дунявияларини талаб қилмоқда ва ўз мамлакатларини ислоҳида ва ўз мактаб ва мадрасаларига тартиб ва низом ижро қилмақда. Хурлик, мухторлик ато қилинди ва бул хуррият воситаси ва соясида жумла Русия фуқаролари оли алалхусус неча замонлардин бери ҳар гўшада сиқилиб ётқон мусулмонлар қафасдин озод бўлгон қушлардек ҳар тарафга парвоз қилиб, ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида чунон ғайрат ва ҳамият қила бошладиларки, ёлғуз мусулмонлардин Петербурғ шаҳрига юборилган аризалар 500 дин зиёдага болиғ бўлди. Ҳеч бир шаҳар, вилоят қолмадики, давлат Думасига мусулмонлар тарафидин вакиллар сайланмоққа маслаҳат ва машврат қилинмагон бўлса ва ҳеч бир вилоят қолмадики, ислоҳи мамлакат ва ижройи аҳкоми шариат хусусида мажлис-мушоваралар қурулмогон бўлса. Аммо биз Туркистон вилоятининг мусулмонлари ҳануз асирлик зиндониди туфроғ емакдамиз. Жумла вилоятлардин миллати-миллати садолари эшитилмакдадур. Аммо бизнинг вилоятимизда нафси-нафси наволари тараннум этилмакдадир. Ҳаммада изҳори ҳаққоният, бизларда исрори нафсоният, ҳаммада ғайрат ва ҳамият зуҳури, бизларда ихтилоф ва ғафлат ҳузури.

Биза нечун иттифоқ ўрнига одати ихтилоф ўлмиш,
Магар бизларга рўзи ўлмамиш миллатда ғайратдан.

Ҳамманинг мактаб ва мадрасалари мураттиб ва мунзим, бизларга усул ва тартиб макруҳ ва маҳрум, оли алалхусус биз Тошканд мусулмонларига суннат ўрнига бидъат, уфоқ ўрнига нифоқ, ваъз ва насиҳат ўрнига жанг ва шикоят, ғайрат ва ҳамият ўрнига хавфу ғафлат. Истеъмоли мажлисларимизнинг энг амада заруриётини ўлмиш ибодат учун бино қилингон масжидларимизнинг дарвозахонаси шикоятхонага мубаддал ўлмиш. Ваҳоланки, шикоятни рамлиғида шак ва шубҳа йўқдир. Имомларимизнинг вазифалари қавмларига ваъз ва насиҳат бирла аҳком шариятни билдируб, ғайри-машруъ ишлардин қайтармоқ бўлгон ҳолда ўз вазифаларини адо қилмоққа тўй ва маърака ахтармоқдин қўллари бўшмас. Агар қавмларини олдиға тушуб тўй ва маъракаға юрмасалар ўшал кун имоматдин маъзул бўлур эмишлар. Чунки авомунноснинг эътиқодида имомлик қавмнинг олдиға тушуб тўй ва маърака ахтармоқдин иборатдур ва аёни қавмға ҳушомад қилиб, гирдин эмакдан киноятдур.

Ваҳоланки, имомлар ноибӣ Расуллулоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдурлар. Оллоҳ таолий анбиё алайҳим-ус-саломга ўз аҳкомларини бандалариға еткузмакни ваъз ва насиҳат бирла одамларни динга ва яхши амалларға далолат қилмакни амр қилди. Ул жаноблар ҳар қайсилари маъмур бўлгон вазифаларини адо қилмак учун ўз нафслариға турлук-турлук жафоларни раво кўрдилар. Ҳаргиз ва ваъз насиҳатдин забони муборакларида қусурлик кўрулмади, хусусан, ҳазрат Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васалламининг даҳани муборакларидин тўти руҳлари парвоз қилгунча «умматим», «миллатим» калималарини забони муборакларидин қўймадилар. Қани бизларда ул жанобларға мутобақат, қани ул жанобларға мувофақат. Қачонки ул жаноб «Кулли нафси зоиқатул мавт» мазмунича дорулфанодин дорулбақоға риҳлат қилдилар. Умури ҳидоят ва муҳофазатдин ва миллати хулафойи рошидин алайҳим ар-ризвонни вазифалари ўлди. Ул жаноблар ҳам ҳар қайсилари ўз замонларида миллат учун чунон ғайрат ва жасорат кўрсатдиларки, бутун Форс ва Туркистон балки, аксар Ҳиндистон мамлакатлари бул жанобларнинг замонларида шарафи Ислому бирла мушарраф бўлди. Ҳаммалари ўзларини миллатға қурбон қилдилар. Бас, бул жанобларни ноиб ва ворислари уламоӣ киrom ва умаройи зулэҳтиромлар ўлдилар.

Бул жанобларда ҳам яқин замонларғача ўзлариға лозим бўлгон вазифаларни адосида қусурлик кўрилмади. Аммо бул замондин юз йилдин зиёдроқ муқаддам замондин бошлаб оҳишта-оҳишта миллат деворининг ҳар тарафиға раҳналар пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизнинг ўз нафсларини риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатға қилгон хизматлари танҳо хотун олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва ҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутуб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима, шариат нима, билмадилар ва қарамадилар. Шунинг учун миллат деворини раҳналари тобора зиёда бўлди. Бўзахўрлик, қиморбозлик, баччабозлик, базм қилмоқ ва ялочи ўйнатмоқ, эркакни хотун қилмоқ ва хотунни эркак қилмоқ, зино қилмоқ, шикоят қилмоқ ва бир-бирларини ҳақорат қилмоқ, хусусан, оғизга ҳақорат қилмоққим, куфри сариҳдур ва шуларға ўхшаш ҳаром амаллар ўрталарида чунон шойиё бўлдики, ҳаромлиғи ҳеч кимнинг дилидин хатир қилмади. Бу ишларни алҳол бизларнинг ота-боболаримиз расмларидур, деб истемол қилмоқ-

дадурлар, ҳаттики баъзи мўйисафедларимиз бизлар йигитлик вақтимизда мундай ишларни қилар эрдук ва мундай базмларни қилур эрдук, бизларнинг баччаларимиз мундай ўюнчи эрди, қани ул баччалар, замона фосид бўлди, йигитлар хотун бўлди, деб ўтган замонларга фахр ва бу замонга афсус ва надомат қилурлар. «Инноллоҳа йағирмо ба қавми йағир мо ба нафсихум». Мазмунича: охирул амр бу афъоли қабиҳаларимизни сабабидан мулк-мамлакатимиз тағаййур ва табаддул бўлиб, асир-у, хор-у залил бўлдук.

Вақтиқи ҳукуматдорларимиз бизларни бул тариқа гафлатда ва жаҳолатда топдилар. Миллатимиз деворининг қолғон ерларига раҳна солиб, шариатимизни ободлиғина энг амада сабаб бўладургон масжид ва мадраса вақфларини таваққуф қилиниб, қозиларимизнинг номларини «народний судья» ном қўйилиб, уч юз сўмдан васиқа қилмоқ қозиларимиздин олинди. Қозиларимиз ҳукмларини положениега мувофиқ қилмоққа мажбур бўлдилар ва соира-соира раҳналар пайдо бўлди. Аммо ўз ҳукуматдорларимизнинг кўзларини гафлат чунон қопламишки, ҳануз ўз нафсларининг фойдасини ахтармоққа машғулдирлар ва ул фойдадин миллат ва шариатга хоҳ фойда ўлсун, хоҳ зарар ўлсун ҳар бир ҳаракатларидин манфаати шахсиялари мақсуддир. Ва ҳар фикрларида риояни нафслари мавжуддир.

Уламоларимизда ҳукумат йўққи, миллат деворини раҳналарини ислоҳ қилсунлар ва ҳукуматдорларимизда гайрат йўққи, бу ислоҳда уламоларимизга ёрдам берсалар, алалхусус, ҳар миллат соҳиблари ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида ҳур ва мухтор бўлғон бу замонда ва ҳар вилоятда ислоҳи мамлакат учун мажлис, мушоваралари қурулғон бу асрда бизнинг Тошканд шаҳрида ислоҳи мамлакат хусусида на бир ижтимоъимиз бор ва на бир маслаҳатимиз бор ва на ҳуқуқи диния ва дунявиямизни талабида бир ариза бердук ва на давлат Думасига вакил сайламоқ хаёлимизга келур. Ёлғон бўлмасун, мундин бир-икки ой муқаддам уламо ва ҳукуматдорларимизнинг гайрат томурлари ҳаракатга кириб, ўз ҳуқуқларини талабида ариза бермоқ учун икки-уч бор ижтимоъ қилдилар. Афсуски, ул ижтимоълари ҳам ёлғуз палов ва зиёфатхўрлик бирла нафсониятдин иборат бир мажлис бўлди. Ариза бермоқ мунда турсун, аризани тартибига ҳам иттифоқ қила олмадилар. Чунки ҳар ким ўз манфаати шахсиясини мулоҳазасида сўз сўзлади.

Кўрқурманки, биз бечоралар шул гафлат ва шул ихтилоф ва шул нафсоният соясида ҳама мустафид бўлгон ҳурриятнинг неъматларидин ҳам маҳрум қолмасак деб. Агар шундан ҳам маҳрум бўлсак, миллатимизнинг девориға солинган раҳналар тобора зиёда бўлмоғида ҳеч шубҳа йўқдир. Агар шул ҳол бирла кетсак, тонгла қиёматда биз, аҳли исломни қўлларимиз кимнинг яқоларида бўлса керак.

Биз фуқаролар, қўйдек мусулмония, амалдорларимиз чўпон мисллик бўлиб, тонгла бизларнинг аҳволимиз борасида масъул бўлсалар керак. «Кулликум раоъ ва кулликум масъул ан раията», орамизда бўлган раҳналарни ислоҳи ҳукуматдорларимизнинг қувват ва ғайратлари бирла мумкиндир. Лоақал шунга ҳам бир ғайрат қилмасалар, мисола бу раҳналарни бир нечаси бачча ва ялочиларни ўйнатмоқдурки, мундан муқаддам газетларда ёзилиб эрди ва ул газеталарни ўқуғон кишилар ғайрат ва ҳамият қилишиб, неча ерларда бу ишларни манъиға фуқароларни ўзлари кўшиш қилишлари, аммо ерларда манъиға мувофиқ ўлсалар ҳам баъзи жойларда қўлларида ҳукумат бўлмағон ваҳидин манъ қилмоққа қодир бўлмадилар. Агар ҳукуматдорларимиз бул ишларда уламо ва фуқароларга ёрдам бериб бош қўшсалар эрди, бутун Туркистон вилоятидин бу ишларни барҳам бермоқ мумкин эрди. Бас, бу ишларни тўғрисидин қиёматда савол ўлса, кимнинг доманин тутармиз. Иккинчи дўхтур масаласидурки, боқияси бор¹.

«Тараққий» газетаси, 1906 йил, 7 март

БИЗНИ ЖАҲОЛАТ — ЖАҲЛИ МУРАККАБ

Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи қаби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати қаби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва гафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар. Ва лекин дунёга нима учун келгонини билмай, илм ва маорифға асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бақўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина

¹ Газетада Мунаввар қорининг дўхтирларга бағишланган мақоласи босилмаган.— С. А.

ёндирғувчи беҳамият ва бедийнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай орқаларидин эргаштириб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликка ўргатиб, дунё ва охиратнинг саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутиб мактабга олиб борур. Муаллимдан толиб қилурға: «Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устихони бизники, бир илож қилиб, тезлик ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб берурсиз», дер. «Эшагига яраша тушови» деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидан бечора маъсумаларни истеъдоди зотиясиға наззора икки йил зарифида жамиъ лавозумоти динияни билдирмоқ мумкин ўлгон ҳолда, тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума китобларга умри азизини барбод этарлар.

Эй ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдан мақсуди вожибот диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодия, фарз, вожиб, суннат мустаҳаб, ҳаром, макруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ҳам заруроти дунявиямиз ўлгон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан, «Тарихи Ислом» каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлгон ҳолда жоҳил домлаларнинг «таълими фалоний, қоши қаро, қаро кўзи, қаро юзи, оҳ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада айб йўқ, чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ, чунки бу зикр қилинғон улуми зарурияларни бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқитгудек булардан бошқа бир китоб топилмағон замонларда ўзи ўқиб, билган китоблари шу китоблар ўлдиғи чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмакдадурлар. Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларға бу китобларнинг таълими бефойда, демакдир. Мисола бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий

ўрнига масоили эътиқодия, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб, муслмон ўлур. Билъакс, бу китобларнинг ўзи ўқитулгон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоққа мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдир. Чунки бу китобларни тасниф қилгон зотлар Оллоҳ таолийга қурбат пайдо қилгон кишилар ўлгонлари учун айтган сўзларининг зоҳири шариятга муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдир. Чунончи мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид,
Киши кўрсанг сен, ўз динингда таклифи намоз айла.

Ёки

Хўблар меҳроби абрўсина майл этмаз фақиҳ,
Ўлса кофирдур, муслмонлар, анго қилманг намоз.

Мавлоно Ҳофиз дерки:

Май нўшки, умри жовидоний ин аст,
Кайфияти рўзгори фоний ин аст.
Ҳангоми гулу, лолау ёрон сармаст,
Хушбош, дамеки, зиндагоний ин аст.

Бу каби сўзларнинг зоҳирий муҳолифи китоб, суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатда билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳири ила амал қилиб, фасод ахлоқга мубтало бўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имоми Аъзамнинг тартиблари, буни бузаман деган кишининг ўзи бузулур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурми? Бу жаҳли мураккаб эмасму? Чунки бу жоҳиллар ҳазрат Имоми Аъзамнинг умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмағонини билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобнинг замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар. Ул жаноб каби зотнинг ҳақлариға бу каби бўлгон ифтиро, туҳмат қилгон жоҳилни иншооллоҳ ўзи билур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқиماغунча болаларнинг саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фосид ва даъвойи бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимнинг саводи ўлмас эди. Ваҳолонки, бошқа вилоятларда хат билмайдургон киши юздан ўн бўлса, Туркистон вилоятида

юздан тўқсондир. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чиқмақ бу китобларни ўқумоққа муваққуф эмас, балки бу китоблар гоят қийинликидин болаларни бесавод қолмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқилодургон мактабларда эллик боладин ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларнинг ўзинигина хатини тануб чиқур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдургон жадид мактабларида икки йил ичида эллик болани қирқ тўққизи балки ҳаммаси алассавия неча хил илмлардан имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустроқ ҳам билмасун? Лекин, билмағони бирла бу боланинг на дунёсига ва на охиратиға ҳеч бир зарари йўқ. Чунки бу китобларнинг ўзини дунё ва охиратға ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарининг эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келайлик садади каломғаки, ўғлини мактабга бермақдин мақсади нақд ва насия ёздурмоқ ўлғон жоҳил отанинг ўғлиға қилғон муаллим бечоранинг тарбияти, чеккан машаққатини ва маъсум бечораға мактабда берган кулфатини ёзиб битирмақ мумкин эмасдир. Кўргуси ва билгуси келган киши бизнинг Тошканд мактабларининг бирига кириб, икки соат истиқомат қилсун. Шунча демақ мумкиндики, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси боланинг боши ҳаракатдин қолса, ушбу таёқ шу боланинг бошида ўлур. Аммо ўқуғон-ўқумағони ила ҳеч кимнинг иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтирса кифоя қилур. Ҳаттоки, ўтган йилларда бу тариқа золим муаллимларнинг таёқи остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди.

Бу тариқа золим ва бадхулқ, жоҳил муаллимларнинг тарбиясида ўсган болалардин нима умид қилмоқ керак? Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуклари нақд ва насия ёзмоқ ҳам танҳо ўндан бир, йигирмадан бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса «мактабда ўқумоқ, игна ила чоҳ қазимоқдан ҳам қийин (мушкул) экан», дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабнинг бенизомлиги ўлур. Агар бизларнинг мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилиб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди, маъсум авлодларимизнинг руҳини ҳаётиға, дунё ва охиратининг саодатиға биринчи сабаб ўладургон илм ва маорифдин бу даражада маҳрум ўлмакиға сабаб бўлмас эдук.

Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз гафлат уйқусидин очиб, атрофимизға назар солмакимиз лозим-

дир. Ҳар миллат ўз саодат ҳол ва истиқболини муҳофаза-тига биринчи восита илм ўлмакига қаноат ҳосил қилиб, илм ва маорифга ортиқ даражада кўшиш қилган бу замонда бизлар бу гафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб ҳамма оламга масҳара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки, бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядин ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидир. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдиғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмакдаурлар.

«Тараққий» газетаси, 1906 йил, 14 июн

САБАБИ ТАРТИБ

Болаларга ўқув, ёзув билдирмак учун усули савтиянинг осонлиғи неча йиллик тажрибалар ила маълум ўлдиғиндан жумла ислом вилоятларининг макотиб ва мадрасалари бу усул ила тазйин ва ислоҳ этдиклари каби 1319—1320 (милодий 1902—1903 — С. А.) йилларда бизнинг Туркистон вилоятининг ҳам кўп муаллимлари бу усулни ўз орзу ва ихтиёрлари ила қабул этиб, мактабларда бу усул ила таълим бермакка бошламишлар эди. Локин, таассуфки, ғайратлик муаллимларимизнинг ҳаракатлари узоққа бормади. Тездан бу усулни тарк этиб, эски усулларини фойдалик топиб, анга ружуъ этдилар. Бунга сабаб на ўлди? Жумла макотиби исломияга ярағон усули савтия Туркистон мактабларина ярамадими? Хайр, афандиларим, албатта, яраб эди. Балки бу усулнинг воситаси ила ҳанузгача Туркистон мусулмонлари хийли тараққий топар эдилар.

Муаллимларнинг бу ружуъларина сабаб аввало усули савтиянинг надан иборат эконин билмаганлари, сониян Туркистон шеваи туркияси ила тартиб этилмиш усули жадида китобчаларина молик ўлмағонлари ўлди. Модомики, бу сабаблар мавжуд экан, муаллим афандиларимиз ружуъларида ҳақли эдилар. Чунки ул вақтларда Туркистон мусулмонларининг гумонларича, усули савтия ёлғиз Иброҳим Ҳаққийнинг «Ақоид» манзумаси ила «Ўқу Қуръон яхшилаб» мисрасини кўп зикр этган тоторча бир тажвид ман-

зумадан иборат ўлуб, ҳамма мактабларда, ҳатто кўчаларда турлук савтлар ила ул икки рисола ни ўқита бошламишлар эди. Ул рисола лар ўз тиллари да ўлмадиғиндан маъносини болалар тугул, муаллимларнинг ўзлари ҳам дуруст билмас эдилар. Ҳол бўйла ўлса, усули савтиядан на фойда ўлсун, албатта, оз муддатда халқни ҳам, муаллимларни ҳам усули савтиядан кўнгиллари қолиб, усули қадимияга қайтмак лари табиий, ҳам қайтдилар. Эмди эса, алҳамдулиллоҳ, ул замонлар ўтиб, Туркистон мусулмонларини ул вақтларда дамани кўрсатган усули савтия бу вақтларда бошқа аъзоларини ҳам кўрсатмакка бошлади. Истанбулдан, Мисрдан, Қозондан ва ҳар тарафдан муқтадир муаллимлар келиб, оҳиста-оҳиста ҳар ердан мактаб очмакка, Туркистон муаллимларина усули савтия надан иборат эконин имтиҳонлар воситаси ила билдурмакка бошладилар. Туркистон муаллимлари ҳам усули савтия болалариға ҳарфларнинг овозлари ила танитмоқ, ўқулгон сўзларни ёздириб, маъносини билдирмак, Бедил, Хўжа Ҳофизлар каби форсий ва мушкул китобларнинг бадалиға эътиқод, имло, ҳуснихат, илми ҳол, ҳисоб, тарихи ислом, жўғрофия, ҳандаса, ҳайъат ва соирлар каби диний ва дунёвий илмларни ҳар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмакдан иборат эконин билиб, ҳар бирларининг кўнгиллариға усули савтияни қайтадан қабул этмак фикри тушди. Лекин на қилсунлар, бу этилмиш ишларнинг ҳеч бирини доир ўз тиллари да ёзилмиш китоблари йўқ. Истанбулча, тоторча ёзилгон китоблардан эса ўз тилларини дуруст билмаган ёш болаларға бир нарсани билдирмак мумкин эмас даражада машаққатдур.

Эмди Туркистон мактабларина усули савтиянинг умуман жорий бўлмағонида бир манъи бор эса, ул ҳам китобсизликдир. Чунки фақир усули жадида тарафчиси ўлдиғиндан кўринган муаллимни усули жадида тақлиф этмакда ва алардан «Ўз тил ва хатимизда китоб йўқ, тоторча китобларни ўзимиз билмаймиз, билсамиз ҳам, болаларға билдира олмаймиз», жавоблари ила алзом этилмакда ўлдиғим каби ўзим ҳам беш йилдан бери китобсизлик меҳнатини чекмакда, болаларға ўқитган нарсаларимни алифбоға қадар Туркистон тили ва хатиға таржима қилиб, ёзиб ўтмакдаман. Модомики, ҳол бўйла экан, Туркистон муҳаррирлари ҳанузгача усули жадида китобларини таҳрир ва таржимасини шуруғ этмаганлари фақир қалам ожизонасини, гарчи ҳолиға номуносиб ўлса ҳам, оли қадар алҳол усули

жадида китобчаларини таҳрир ва таржимасини маҳсур ва мажбур этди.

Ҳар ишни алифбосидан, яъни аввалидан бошлаб қилмак қонуни адабдан ўлдиғи учун таҳрир этгон китобчаларимни бошлаб алифбосини, яъни бу «Адиби аввал»ни бостириб ҳурматлу муҳаррир ва муаллимларимизни интизори олияларина тақдим этмагим ила баробар рижо қилурмизки, маним бу китобчамни назари диққат ила боқуб, кўрингон нуқсонлариндан усули савтияға хилоф ўлгон ёки болаларға билдурмаки мушкул ўлгон ерларидан фақирни огоҳ қилмак ила ёрдам берсалар, шоядки 2-чи таъбикиким бенуқсонроқ ўлурди. Вассалом.

«Тужжор» газетаси, 1907 йил, 8 октябр

ТОШКАНДА МУСУЛМОН ЖАМИЯТИ

Тошкандда бундан тўрт сана муқаддам очилмиш бир мусулмон «Жамияти хайрия» вор. Бу жамият бошида ёшларнинг саъй ва ижтиҳоди ила очилган бўлса ҳам, баъзи сабаблара мубанний Тошканд ағниёларина топширилмиш ва шул замонғача ёшлардан фақат бир-икки кишининг таҳрик ва иштирокила бойлар тарафидан идора қилинмоқда эди.

Жамият ағниёи киром қўлларида ўз шаъниға муносиб зўр ишлай олмаган бўлса ҳам, моддий жиҳатдан ҳийли қувватланди. Етти минг сўмдан зиёда сармоёга молик бўлди. Ҳар йили икки-уч мартаба умумий мажлис ва ўн-ўн икки мартаба идора мажлислари ясаб, аъзолардан пул йиғди. Ариза бериб, иона сўровчи беш-ўн (нафар) фақир ва ожизлара ёрдам бериб турди.

Ағниёи киром жамиятдан ўз ёрдам ва ионаларин дариф тутмадилар. Бунинг исботи учун Тошканд ағниёларидан ҳурматлук Орифхўжа эшон жанобларини ўтган йил жамиятга бирдан минг сўм иона берганларин ва шаҳарнинг ўртасидан бир ҳовлиларини «Дорул ожизин» учун инъом қилганларин зикр этмак кофи ўлса керак.

Лекин олти-етти милён мусулмонли Туркистоннинг маркази ўлан Тошкандда очилмиш бир мусулмон жамиятининг жузъий (майда) ишлар илангина қаноат этуб турмоғидан Тошканд ёшлари ҳар вақт сиқиладурлар ва санавий ҳисобнома ва сарфномаларини газеталарда ёзуб, нашр этмакдан уйолурлар эди, биноаналайҳ, Тошканд жамияти халқ ҳам ҳукумат номинда бутунлай эътибордан тушмиш

ва ўлмакка маҳкум, оғир бир хасталикка дучор ўлмиш каби эди.

Жамиятнинг эски обрўсин қайтармак ва уйқудан уйғатмак учун бирдан-бир чора идора ишларини бутунлай ёшлар қўлина бермак, лоақал идора аъзоларининг аксарини ёшлардан сайламак фикри такрор-такрор талқин ўлинса ҳам, бунга эътибор этувчи оз эди, балки «Жамият ёшлар қўлина берилса, йиғилган пулларни сарф қилиб тамом қилурлар, ўзлари пул йиғолмай, шунинг ила жамият бепул бўлиб ёпилур», дейучилар кўпроқ топилур эди. Ёшлар эса жамиятдан ҳамон умид узмиёлар, энг оғир ишларни ишлиёлар ва ҳар йили бир-икки мартаба кўзгатиб, умумий мажлислар ва сайловлар қилиб ва ўзларидан кўпроқ киши ўткармакка мулоимона ҳаракатларда бўлиналар эди, лекин келажакда ағниёларнинг иона ва ҳимматлари жамият учун биринчи даражада лозим ўлдиғини эътиборга олиб, онларга қаршу жиддий ҳаракатлардан мумкин қадар сақланар эдилар.

Ёшларнинг бу совуққонлик ва сабрликлари бу сана яхши натижалар берди. Бойларнинг ўзлари иттифоқ қилиб, ўз ораларидан фақат бир раис ва машварат аъзоси вериб, бошқа аъзоларнинг барчасин ёшлардан сайладилар, ёшлар ҳар ишда бойлар ила машварат қилиб турмакни, бойлар ҳам ҳар вақт қўлларидан келган ёрдам ва ионаларини дариг тутмасликни бир-бирларина ваъда қилишиб, қўлга-қўл беришиб, иттифоқ ила ишга тутиндилар.

Бу иттифоқнинг натижаси ўлса керакки, Тошканд жамияти бу йил бутунлай бошқа тусга кирди. Уйқудан уйғониб, кўзларин уқалаб, атрофга назар сола бошлади. Қонунида зикр этилган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ қилди, бошлаб бир неча йилдан бери қарор берилубда очилмай ётган «Дорул ожизин»ни расман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар вермакда ва олтмиш қадар фақир ва қашшоқ болаларни турли мактабларда ўқитуб тарбия қилиб турмакдадир.

Жамиятнинг янги аъзолари бундай сарф илагина қаноатланмади, балки молия жиҳатини қутламак учун аъзоларнинг йилда берадургон олти шар сўм садақалари кифоя қилмаслигини билиб, пул топмакка ҳам янги йўллар излади, бошлаб «Грамофун общество»сила сўйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шартила бир неча ҳофиз-

ларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг товушин сотди, бундан фақат шу йил ичиндагина лоақал икки минг сўм кирса керакдур.

Учинчи йўлда шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир мартаба инспектакл қўйиб, олти юз сўмга яқин фойда қилди. Бунинг устига, ушбу августнинг 8-кунини рамазон муносабатила Шайх Хованди Тахур боғида бир мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди:

| | |
|---------------------------|--------------------|
| Сотилган билетлардан | 1387 сўм 54 тийин. |
| Чойхонадан дохил | 59 сўм 42 тийин. |
| Жаъми даромад | 1446 сўм 96 тийин. |
| Масорифи билет маркаси | 126 сўм 14 тийин. |
| Бошқа масорифлар | 233 сўм 65 тийин. |
| Жаъми масориф | 359 сўм 79 тийин. |
| Жамиятга қолган хос фойда | 1087 сўм 17 тийин. |

Мусулмонлар тарафиндан биринчи мартаба ясалган ушбу томоша кечасиндан бунча фойда ўз-ўзидан чиқмади, балки бунинг учун Тошканд ёшларининг кўп гайрат ва ижтиҳодлари ҳам чарчамай ва ҳеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига қулоқ солмай қилган саъй ва ҳаракатлари ўлди.

Бу томошалар жамиятга фақат моддий жиҳатдангина фойда келтуруб қолмай, балки маънавий жиҳатдан ҳам кўп фойдалар келтурди.

Тошканд жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошканд мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яҳудий ва арманилар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошканд мусулмонларининг ҳийли руҳлари кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамоқларига сабаб ўлди, шул сабабли ушбу томошаларни бошқарган ёшларга ва буларга ёрдам бериб турган шаҳар политехсиямейстрина жамият аъзоси чин кўнгулдан ташаккур этадур ва келажакда яна шундай хизматларда бўлиниб, халқ ва жамиятга фойда еткуродургон ёш йигитларимизнинг амсолларин кўпайтирмакни жаноби Ҳақдин истидоъ қиладур.

Жамият раиси муовини: *Мунаввар қори*
«Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 20—23 август.

ЖАМИЯТЛАР ҚАНДАЙ ОЧИЛУР

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдир. Ер юзиндаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасина шул дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлига сафар проғрами ясалганда, биринчи моддасини шул «Мактаб очмак» масаласини қўймишлар. Ишларини шул «мактаб»дангина бошлайлар. Мактаб очуб, билфеъл иш бошлагонларидин сўнгра ҳар тарафдин турли-турли нуқсонлар ва эҳтиёжлар кўрила бошламишдир. Мактабни очуб қўя қолгон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъованатлар, ғайрат ва ҳимматлар лозим эконлиги онглашилмишдир. Бунинг учун энг яхши чора ўлароқ «Жамият»ни тузмишлар. Яъни расмий бир қонун доирасинда халқдан иона йиғиб, очилмиш ва очиладургон мактаб ва дорулулумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар. Бора-бора бу «Жамият» шул қадар тараққий қилмиш ва раҳмат касб этмишки, маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжиёти миллиялари учун энг ишончли суянчиқ ва муттакои эттеҳоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экон, ҳозир кўп ерларда мактабни иккинчиликка қолдируб, биринчи босқичлик номи муқаддасини жамият ўзига олмишдир.

Маориф ва маданият йўлига янги қадам қўя бошлагон Туркистон мусулмонлари ҳам, табиий, шул босқичларни босмакка ва шул дарвозалардан кирмакка мажбурдурлар. Биноаналайқ ҳозирда бизим Туркистон тараққийпарварони кўброқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмакдалар. Лекин бу мактаб жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур? Қандай устав ва проғрамлар ила очмак фойдали бўлур? Мана бу хусусларда идорадан йўл ва машваратлар сўраб мактуб ёзулар. Бундай мактаблар ниҳоятда кўб бўлгонлиги учун ҳар бирини айрим-айрим жавоб ёзув ўлтирмак идора учун ҳийли мушкуллик бўладур. Тараққийи миллат ва маориф учун бундан фойдали ишларга ташаббус қила бошлагон зотларга ташаккур этмак ила баробар сўраган саволларининг жавобини хусусий мактуб ила бераолмағонимиз учун афуларини рижо қилурмиз. Ва жамият очмак хусусидаги саволларини жавобан ушбу мақолани тақдим қила-

миз: ҳозирда Тошканд, Ўренбург, Қозон, Боку, Боғчасарой каби мусулмони кўб бўлгон шаҳарларнинг ҳар бирида мусулмон жамиятлари бор. Бир ерда жамият очмоқчи бўлгон кишиларга аввало шул шаҳарлардаги жариди идораларина ёхуд машҳурроқ кишиларга мактуб ёзув, жамият қонунномасини, яъни уставини сўрамак лозим. Мактуб олгон зотлар ҳам бундай фойдали илтимосни аҳамиятсиз қолдурмасдан, уставни топуб юборадурлар. Мана бу уставлардан бир нечасини қўлга киритгандан сўнгра беш-олти киши бир ерда ўтуруб, шул уставларни ўқуб чиқурлар. Машварат қилишуб, шунлардан бирини айнан ёхуд бир оз ислоҳ ила қабул қилурлар. Ёхуд бунлардан интиҳоб қилуб, янги бир устав ясарлар. Жамиятга муносиб бир исм топуб кўюрлар.

Устав сайламоқ ёхуд интиҳоб қилмак қайси моддаларини нима учун киритилганлигини аҳли мажлисга яхшилаб тушундирмак учун мажлисда замондан ва илми ҳуқуқдан, ҳеч бўлмағонда, жамият ишларидан хабардорроқ бир кишининг вужуди¹ лозимдир. Устав ясолуб, тамом бўлгондан сўнгра: «Ушбу аризамиз баробаринда топширилмиш қонун доирасинда бир жамият очмакка рухсат берсонгиз экон», мазмунида бир ариза ёздируб, лоақал беш кишидан устав ҳам аризани имзолатиб, военний губернаторга топширилур. Ушбу ариза ва уставга қўл қўйган кишилар жамиятнинг муассислари деб аталурлар. Ҳукуматнинг рухсат бермоғи осонроқ бўлсун учун уставнинг кўб кенгайиб кетмаслиги ҳамда муассисларнинг ҳукумат қошида эътиборлироқ кишилардан бўлмоқлари яхшироқдур. Бундай кишилар топилмоғон тақдирда, суд ҳукми ила айбланмоғон ва ҳукумат қошида сиёсий жиҳатдан шубҳали саналмағон ҳар бир кишининг муассисликка киришмоғи мумкиндир. Ариза берилгондан сўнгра муассисларни тафтиш ва исправка қилуб кўрмак учун аризалари палиса идорасина топширилур. Бу вақтда, эҳтимолки, баъзи билмағон кишилар тарафидан кўрқитувлар ҳам воқеъ ўлур. Жамиятга ижозат сўрамак мухолифи низом бир иш ўлмай, халқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам фойдали бир иш бўлгонлиги учун бунда кўрқиш ва кўрқутишларга сабаб бўладургон ҳеч бир нарса йўқдур. Биноаналайҳ ҳеч бир кўрқмасдан, чарчамасдан, бу ишнинг орқасидан юрмак лозим.

Агарда бирор сабаб ила биринчи мартабада тасдиқ қилмасдан рад қилинса, они тузотиб, иккинчи мартаба, ик-

¹ Яъни иштироки.

кинчи мартаба рад қилинса, учинчи мартаба мурожаат қилмакка аввалдан жазм ва қарор беруб қўймак керак. Агарда масъул муассислар орасинда бу ишнинг орқасиндан юрурға лойиқ кишилар бўлмаса, ёнларина бир адвокат ёллаб, шунинг воситаси ила юрутулса, яна енгилроқ бўлур.

Жамиятга рухсат берилгондан сўнгра, аввало, масъуллар йиғилишиб, ўз оралариндан бир садрнишин, бир саркотиб ва бир хазиначи сайларлар. Қолгонлари идора аъзоси ҳисоб ўлинурулар. Бу кундан эътиборан жамиятнинг ҳақиқий хизмати бошланур. Пул топмак, аъзо кўпайтирмак ва қонун доирасида жамият воситасила манфаати умумияга хизмат қилмак каби улуғ ҳиммат, ғайрат ва фидокорликларга навбат келур. Фақат иш бу даражага етганда, муассис ёнина бир неча ўзлари каби фидокор миллат ходимлари тўплангон бўлиб, мақсудларина оҳиста-оҳиста етуша бошлайлар. Ишда миллий бир жамиятни вужудга чиқармак учун керак ўлан йўл, тартиб ва тадбирлар шундан иборатдур.

Кўшеш бадасту по ё ин аз асар навмид нест,
Ин зори дом охир мекашад нахжирро¹.

«Садойи Туркистон» 1914 йил, 14 июн

«ТУРОН» ТЕАТРИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

(1914 йил 27 февралда Тошкандда «Колизей» театри биносида «Турон» труппасининг расмий очилиши муносибатила сўзланган нутқ.)

Жамоат!

Сиз ҳурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат қилиб, қаршуларингизга чиқдим. Бу хусусда маним густоҳона ҳаракатимни афу этмаганингизни охи зона рижо қилурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, холис Туркистон тилида ҳануз бир тиётр ўйналмагонлиги барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз тиётрға, эҳтимолки, ўйинбозлиқ ёхуд масхарабозлиқ кўзлари ила боқурулар. Ҳолбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби, деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилин-

¹ Оёқ-қўл ҳаракатда бўлса, из қолдиради, умидсизлик келмас. Тузоққа интизорлик охири ўлдиради.

гон бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр қилмоқға ҳаракат қилур. Биноаналайх тиётрни бузуқ ахлоқ касалларининг энг ёқимли давосига ўхшатган киши ёлғончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр саҳнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхара-боз шаклига киргон зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолин-дадурлар. Бунлар аччиқ роман¹ларни ширин даволари ила халқға едирурлар ва аччиқ насиҳатларни сучук сўзлари ила халқға эшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак? Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлуб турғон русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яҳудийларга ва бошқаларга, кўб узоқ кетмайлуқ, энг яқин қўшниларимиз бўлгон Қофқоз мусулмонлариға. Бундан ўттиз йил муқаддам Қофқоз мусулмонларидин энг аввал чиқиб тиётр китоблари ёзган ва юзига ун суртиб тиётр саҳнасига чиқгон, адиби шаҳид Мирза Фатҳали Охундов жаноблариға халқ қандай кўз ила қаради? Марҳум Охундов халқнинг нуқсонини кўрсатгон, миллат тараққийсиға ва мамлакат ободлиғиға хизмат қилгон, исми ҳар ерда ҳақорат ила зикр қилинурди ва ўзидан ҳар ким нафрат қилурди. Лекин ўттиз йил ўтгандин сўнг марҳум Охундов жанобларининг чеккан машаққатлари ва тортгон заҳматларини миллат ўйлаб, тақдир қилуб, онинг хотираси ва руҳининг шодлиғи учун улуғ бир юбилей, яъни дуо мажлиси ясадиларки, ҳозирға қадар бундай улуғ мажлис мусулмонлардин ҳеч бир киши учун ясалғони йўқдур. Марҳум Охундов тутган йўлнинг улуғ фойдалари ҳозирда кўринмакда бошлади. Қофқозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шуьбалари ташкил топди, буларнинг энг машҳурлари Бокуда «Нажот жамияти» дурки, бу жамият тиётр воситасила Қофқоз халқининг ахлоқини хийла ислоҳ қилди, гафлатдин уйғонтирди, тараққий ва маорифға ҳавасларин ортдирди. Ҳозирда тиётр воситасила ҳар йил мингларча ақча жамъ қилур. Юзларча мусулмон фақир ва ожизларга ёрдам берур. Кўлидан келгунча миллатининг номус ва обрўсини ҳифз қилур ва шаҳарнинг атрофида бўлгон қишлоқларда ўттузга яқин мактаблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим қилур.

¹ Роман — ахлоқ.

Юзларча миллат болаларини тарбия қилуб, ўқитуб, ҳақиқий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонга чиқарур.

Модомики, бизим энг яқин қўшниларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлгон тоторлар ва Қофқоз мусулмонлари бу тариқа тараққий ва тамаддунга қадам қўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасила ўз миллат ва ватанларина бунча хизматлар кўрсатдилар. Биз, туркистонликлар на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлгон бузуқ одатларни йўқ қилмоқга ҳаракат қилмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлгон жамиятимизни ва фақирликдин инқирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлиғига саъй ва кўшиш қилмаймиз?

Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз?

Мана, кетба-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлиқ ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлиқ ва дунёдин хабарсизлик балосидан қутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлиғини билмак ва ўрганмак керакдур.

Бас, бизга бу билдурғувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр саҳнаседур. Сониян онларни тарк қилмак керакдурки, они тарк қилдирувчи яна жамият ва тиётр воситасила очилгон мактаб ва мадарасамиздур. Шул сабабли ҳимматли ёшларимиздан ва ҳимматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масхарабозлик кўзила боқмасдан, миллат ва ахлоқ жиҳатидан энг ибратли бир манзара ва улуғлар учун очилгон фойдали бир мактаб назари ила боқмоқларини ожизона арз ва истирҳом қилурман.

«Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил, 2 март

МАҚБУЛ ҚУРБОНЛАР

Бутун дунёдаги ҳурриятчилар орасида бир сўз бор: «Хуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олуб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олуб бўлур». Мана бу жумлалар ҳақиқатга шул қадар мувофиқдурки, ҳазрати Одамдан шул вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳурриятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки, ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, олинган ҳам кўп қон ва қурбонлар баробаринагина олинган. Биз-

нинг Россияда ҳам ҳозирги ҳуррият 1772 йил (Пугачёв ихтилоли) дан давом этуб келган тортишувлар, тўкилган қонлар, берилган қурбонлар баробаринагина олинди. Ушбу 145 йил ичинда Россияда ҳуррият учун мингларча олимларнинг баданлари турма ва зиндонларда чуриди. Мингларча файласуфлар қўл ва оёқлари боғланган ҳолда Сибирия саҳроларида умр ўтказдилар. Мингларча доҳийлар азиз ватанларидан айрилиб, чет мамлакатларда қочиб юрмакка мажбур бўлдилар. Мингларча қахрамонлар кўкракларин ўққа, бўйинларин дор арқонларина қурбон этдилар. Мингларча гуноҳсиз мазлумлар ва мазлумалар ўзларининг маъсум қонлари ила ер юзини лолазор этдилар. Лекин ҳуррият учун кўрилган шундай жабр ва жафолар, тўкилган қонлар ва берилган қурбонлар жаноб Ҳақ даргоҳида шул кунгача қабул бўлмаган тусли ҳуррият йўлида кўрилган бутун плонлар емирилиб келди. Ҳурриятчиларни тутмоқ, қамамоқ, осмоқ, кесмоқ ҳозиргача давом этди.

Бутун Россияда ҳуррият учун қилинган саъй ва ҳаракат, тўкилган қон ва берилган қурбонларга энг оз қўшилгон ва ҳуррият йўлида энг оз зарар кўрган бир миллат бор эса, ул ҳам ёлғиз Туркистон мусулмонлари эди.

Эски ҳукуматнинг 1916 йил 25 июн фармони хоинона ва золимонаси (Туркистонда ҳарбий мардикор олмоқ фармони) Туркистон мусулмонларининг ҳам кўзларин очуб, билмажбур ҳурриятчилар қаторина киритди. Зотан, аввал фармон шундай ҳикматсиз, мантиқсиз ва нодонлик ила берилгон эдики, телеграмни ўқигон ҳар бир киши ҳеч ўйламасдан: «Бу фармон Туркистон мусулмонларини ҳукуматга қарши оёқландуруб, қирмак ва ерларини қочоқларга бермак учун махсус чиқорилгон интибоҳнома», — деб ҳукм қилмоққа мажбур эди. Чунки аввал фармонда на халқни ҳозирламоқ йўллари бор ва на мардикорликни неча ададлиги бор ва на муҳлат бор? Фақат «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирия ва Қофқоз инонародецларидан 19 дан 31 ёшгача бўлган эр кишиларни чақираман», деган қисқача сўздан иборат бўлган ул фармоннинг ҳозиргача аскарый хизмат хаёлларина ҳам келмаган бир халқ орасида қандай ҳаяжон туғдирмоғи ишлар бошидаги кишиларга, албатта, маълум бўлса керак эди. Тўсатдан чиқарилгон бундай оғир фармон ёлғиз инсонларнигина эмас, ҳайвонларни ҳаракатга, қаршуликка мажбур этмоғи табиий эди. Шунини билиб туриб аввал фармонни истисносиз, шарҳсиз, плонсиз бутун Россияга нашр этдилар. Ҳам ама-

лий суратда халққа ҳеч бир тушунтирмасдан, ишга киришдилар. Ишнинг ҳақиқатини билмоқ учун маҳкамаларга борган гуноҳсиз мусулмонларни отдилар, тутдилар, алҳосил, Туркистоннинг зolim маъмурлари маълум 1916 йил июл фожиасини қўлдан ясаб майдонга чиқардилар.

Бу фожиада Тошкандда Калкин, Колесников ва Мочаловлар, Жиззахда Ивановлар, Семиречинский вилоятида, билмайман, тагин кимлар шул қадар «қаҳрамонлиқ» кўрсатдиларки, уйдаги хотун-қиз, бешикдаги болалар, ҳеч нарса қўлидан келмайдургон чол ва кампирлар, тилсиз ҳайвонлар, жонсиз иморатлар ва моллар ҳеч бири истисносиз суратда отилди, кесилди, ёқилди, ёндурилди.

Фақат, баракат берсунга баъзи кишиларнинг саъй-ҳаракатлари соясида Туркистонга генерал Куропаткин, Тевкелев ва Керенскийлар келуб, ишнинг бир оз олдини тўсдилар. Аввалги юқорида исмлари ёзилгон «қаҳрамон»лар шул қадар газабга мингон эдиларки, мусулмонларнинг гўштларин кабоб қилиб емак ул «қаҳрамонлар»нинг ошкора ва раъзабонлари ўлмиш эди. Агарда яна бир ой булар ўз ҳолларина қўйилганда, эҳтимолки, Туркистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқлари ҳозирда кишисиз, бўш харобазорлардангина иборат бўлиб қоларди.

Алҳосил, Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва ҳуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонларига қувлаб етишдилар.

Мана бу қурбонлар жаноб Ҳақ даргоҳида энг мақбул қурбонлар бўлди. Чунки бу шаҳидларнинг отилгон, кесилгон, осилгонда тўкилгон ва мазлумларнинг кўзлариндан оққан ёшлари ҳануз қуримагон, ҳукуматга қаршулик туҳмат ила зиндонларга солингон мингларча мусулмонларнинг судлари ҳануз тамом бўлмагон, военний судларнинг адолатсиз ҳукмлари ила осилгон шаҳидларнинг баданлари ҳануз чурумагон эдики, жаноби Ҳақ бу зулм ва истибодларнинг амирларидан тортиб, маъмурлариғача, шоҳларидан тортиб, қоровуллариғача ер билан яксон қилди.

145 йилдан бери тортишиб келгон ҳуррият қаҳрамонлари ишчилар ва аскарлар ила баробар Туркистон мусулмонларини ҳам онларнинг ваҳшиёна зулм ва жабрларидан қутқариб, Ҳуррият, Мусовот ва Адолат замонлар яна бита кўрди: «мақбул қурбонлар».

«Нажот» газетаси, 1917 йил, 26 март

«ШҶРОЙИ ИСЛОМ» ҚАРОРНОМАСИ

Муҳтарам мусулмонлар!

Ҳозирги қийматчилик ва озиқсизлик шул қадар кўрқинчилик даражага бордики, кўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озуқ тополмасдан, кўчаба-кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмоққа мажбурият кўрурлар. Ҳозирда давом этуб турғон даҳшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва чоғирдка балолари бу ҳолни минбаъд яна кўрқинчилик даражага олиб борадирғонга ўхшаб кўринадур. Туркистон мусулмонларининг съезди мана шул ҳолни эътиборга олинмак орамизда бўлуб турғон баъзи бидъат ва исрофот ишларини, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, қозоқлар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза куни бўладурғон исрофотни билкуллия барҳам бермоқга қарор берди.

«Шўройи исломия»нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошканднинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариятга хилоф топдилар ва ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маъракаларни шул комиссияларга топшурдилар.

Биринчи. Жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга қора кийимликлардек нимарсалар бермоқ, йўғучи ва отунларга ижройи хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отунлар келиб товуш чиқориб ўқимоқ, садр қилмоқ, хотунларга улашиладирғон етти, гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлак келди, қовунтарвуз, йигирма, қирқ, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек халққа ош бериладурғон исрофдир; қозоқлар орасидаги йил оши, пойгалар ва аҳли касабалар тарафидан арвоҳ, пари исми билан бериладурғон ош ва зиёфатларни йўқ қилинди ва булар бадалига жаноза куни давлатлик кишилар уламо-имомларга пул бериш, хайрот қилмоқлари ҳам юқорида мазкур маърака кунларида маҳалладан уч-тўрт киши чақириб, хатми Қуръон қилдирмоқлари мумкиндир.

Иккинчи. Қиз тўйларида совчигарчилик, патир, кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй, базм ва кеча исрофлари ва юз кўрар, ҳайитларда мол ёйиб, келин кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида ялочилар ўйнамоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, «тўққиз-тўққиз», сандуқларда чуриб кетадурғон гулкўрпа, фалак, кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин миёнча кўтариб ёки ароба ва туяларга ғалла ва бошқа хил нарсалар ортиб тўй юбормоқ, қозоқлардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Бунлар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим

ва зарурият уй асбоблари тўғрисида пул ила битишсунлар, ҳам никоҳ куни куёв ўзи ошналари ва маҳалла кишилари бирлан бекарнай, фақат сурнай билан боруб, никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари бирлан келини олиб борурлар. Фақат куёв ила борадурғон кишиларнинг йигирма-қирқ кишидан ошмаслиғи лозимдур. Чорлари ҳам мартаба куни бўлиб, куёв ила бирга борадурғон кишилардин келин ила борадурғон хотунлар ҳам ўн кишидан ортуқ бўлмасун. Чорлари фақат таом емоқ учунгина бўлиб, тугиб олиб кетмоқлари ва яна бешик тўйи, чиллагаризонлар бутунлай йўқолиб битсунлар.

Учинчи. Ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чақируб, ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун оши бермоқ, хатна қилинадурғон болаларга наша ва ҳам кўчабакўча саргардон қилиб, оқча йиғмоқ ва шунларга ўхшағон исрофлар билкуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақируб, кичикроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чақируб, ўғилларини хатна қилдирурлар.

«Шўройи исломия» давлатлик кишилардин илтимос қиладурки, мавлуд мажлисини ҳам кўб катта юбормасдан, мумкин қадар қасди риюя қилсалар (тежаб сарф қилсалар) ҳам тўйда... пул ва ғалла сарфи маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, бева-бечораларга, мактаб ва мадраса ва «Жамияти хайрия»ларга берсалар.

Ушбу тартибга муҳолифат қилғон кишиларнинг маърака ва тўйлари тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзуб, қозиларга топшурмоқ ва шаҳар бошлуқлариға ҳавола қилинади. Бундай кишиларга иттифоқи муслиминни бу ким омилини ва шаръан ҳаром бўлғон исрофгарчилиғини белги учун муҳтарам қозилар шариатга мувофиқ қаттиғ жазоға мустаҳиқ қиладурлар. Муҳтарам маҳалла имомлари ва маҳалла комитетларидин илтимос қиладурки, ушбу эълонномани халққа тушунтириб, халқни ушбу тартибдан чиқмаслигига тарғиб ва ташвиқ қилсалар эди. Чунки жаноби Ҳақ таъолий исроф қилғувчиларни суймас.

«Шўройи ислом» раиси муовини

Мунаввар қори

Комиссиялар:

**Мулло Саид Аҳрорхон маҳзум,
Мулло Муродхўжа эшон,
Мулло Абдусамеъ қори.**

«Нажот» газетаси, 1917 й., 27 апрел

ХИТОБНОМА

ЎЛКА МАОРИФ КОМИССАРИАТИ ТАРАФИДАН:

Мусулмон мактабларида дин дарслари

Ўткан 1918 йил 4 ноябрда Маориф комиссариати тарафидан чиқарилган 38 рақамли буйруқнинг 6-моддасинда мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмоқ тўғрисида тубандаги сўзлар ёзилган эди:

«Мусулмон халқи ўртасиндаги тараққиётнинг озлигин ва унлар орасиндаги таассуб ва қоралиқларни эътиборга олиб, дин дарслари тўғрисида мусулмон мактаблариغا истисно қилинур, ҳам мусулмон мактабларидан шогирдлариغا (имомлар тарафидан ўқитилмоқ шарт ила) таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимроқ ҳавойижи динияларин ўргатмакка муаллимларга ихтиёр берилди».

Бутун Туркистон жумҳуриятиндаги ерлик мактабларда дин дарсларини ўқитув ва мактабда ибодатлар қилдирув манъ қилинган ҳолда, ёлғуз мусулмонлар учун истисно тариқида дин дарсларини бермоқга рухсат этилуб, чиқорилган мазкур буйруқ ё халқ орасига тамом тарқалмаган ва ёхуд тарқалган бўлса ҳам, мухтасар бўлганлиги учун мазмуни яхши англашилмаган. Биноаналайх, халқ орасинда ерлик мактабларга муҳаббат ва рағбат ўрнига нафрат пайдо бўлиб, гўё ерлик мактабларда дин дарслари ўқитилмайдир, шубҳасила кўп кишилар болаларини олиб, эски мактабларга берганликлари ва баъзи ўринларда ерлик мактабларни очмоққа халқнинг мамониъат кўрсатганлиги ва болаларин мактабларга бермаганликлари эшитиладур. Ҳолбуки, юқорида ёзилган буйруқ мусулмон мактабларинда дин дарслари ўқутмоққа комил ихтиёр берадур. Мисола, буйруқда «Таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимроқ ҳавойижи динияларин» дейилганки, муҳимроқ ҳавойижи диния орасина намоз, рўза, ҳаж, закот, эътиқодот, ахлоқ ва одоб мамошират ва мукаммал суратда Куръони карим ва шунларга ўхшаш заруриёти диниянинг ҳар бири керакдур. Буйруқда манъ қилинган бир нарса бор бўлса, ул ҳам имомлар томонидан ўқитилмоғидур. Ҳолбуки, Русия мактабларида дин дарсларин ҳар вақт пўплар юриб ўқитганлар. Мусулмон мактабларида эса дин дарсларин шул вақтгача имомлар юриб ўқитмасдан, фақат мактаб муаллимларининг ўзлари ўқитганлар, шул сабабли ул шарт мусулмон мактабларида дин дарсларини мукаммал суратда ўқитмоққа

ҳеч бир халал келтирмайдир. Ибодат масаласига келганда, мусулмонлар учун ҳар ерда муъбад ва масжиддир. Мусулмон болаларин ибодатдин ҳеч ким манъ қилгани йўқ, улар тилаган ўринларида муаллимлари бошлиқ тилаганларича ибодат қила билурлар. Мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмоқ тўғрисидаги буйруқни бу тариқа тафсил бермак ила буни ҳам илова қилинурки, ерлик мактабларида дин дарслари ўқитмоқ учун муаллимларга комил ихтиёр берилган.

Бу ихтиёрдин фойдаланиб, ҳар бир муаллим ўзининг дарс жадвалига лоақал ҳафтада уч-тўрт соат дин дарслари киритуб (бошқа фанларнинг соатига зарар еткурмаслик шarti ила), ул соатларни ибодат, эътиқодиёт, Қуръон ва ахлоқ каби қисмларга бўлиб ўқитмоққа виждонан мажбур ўлса керак. Ҳозиргача баъзи мактабларда дин дарслари берилмас экан, иш ҳукумат нуқсонидан эмас, балки муаллимларнинг нуқсонлари ва буйруқдан хабарсизликларидан. Бу хусусда қўл остиларидаги муаллимларга тегишли буйруқ ва маълумотни бермоқ ва дин дарслари учун муфассал програмлар тузиб эълон этмак маҳаллий маориф шўъбалари ҳузуридаги турк шўъбаларининг вазифаларидир. Эски мактабларга келсак, уларда на илм-билим бор ва на дин бор. Балки ёш болаларнинг руҳоний ва ҳам жисмоний жиҳатдан хароб этилиб ётган танбалхоналардир. Биноаналайх, ундай зарарли мактаблари етарлик ёки мактаблар очилгон ҳар бир ўринда ёпар. Даромадларнинг текисроқларини ижтимоий таъминотга ёзиб, маишатларин ундан таъмин этдирмоқ, ёшроқларин таълим ва тарбия курсларида бир оз ўқитиб, янги мактабларга муаллим ўлароқ ўрнаштирмоқ лозимдур.

Аммо ёлғиз Қуръони каримни ҳифз этдирмоқ мақсади ила давом этуб тургон қорихоналар (бошларида муқтадир қорилар турмоқ шартила) ёйилмасдан, аввалги ҳолларида давом этмаклари мумкиндур.

Ўлка Маориф комиссари: Муҳаммадамин Афандизода
Турк шўъбаси мудири: Мунаввар қори

«Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 апрел

ТУРКИСТОН ВАҚФЛАРИ ҲАҚИДА

Туркистон илгари ўз замонасига кўра маданиятга эга эди. Уша даврда Туркистон ҳукмдорлари, уламолар ва зиёлилар маданий-маърифий ишга жиддий аҳамият берар эдилар, ҳар бир киши халқ маориф ишига бор нарсаси билан

ёрдам беришни савоб деб биларди. Ана шунинг учун Туркистонда улкан мадрасалар, мактаблар, кутубхоналар ва корхоналар тоғдек қад ростлаган эди. Ҳар бир киши ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий таъминлаш учун вақф таъсис этар, бунинг учун ўз ерлари, саройлари, дўконлари ва умуман бериши мумкин бўлган барча нарсаларини ўқув юртларининг тўлиқ мулки қилиб берарди. Шу бонс мударрис ва талабалар вақф томонидан таъминлангани сабабли ўша даврда ҳеч нарсага муҳтожлик сезишмаган, ҳозирги интернат ва стипендиянинг ўрнини босгани учун ўзларини маданият ва маориф ишига бағишлаган эдилар. Ана шу ҳимоя остида буюк олимлар, профессорлар ва файласуфлар вояга етган. Ҳатто катта шаҳарлардаги, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкентдаги ва айрим қишлоқлардаги улкан мадрасалар ҳамда уларнинг қолдиқлари, Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган обсерватория биноси маданият ва маориф ўша пайтда қанчалик юксак бўлганига гувоҳлик беради. Ўша пайтдаги тараққиётга вақфлар сабаб бўлган. Вақфлар фақат руҳоний предметларни ўргатиш учунгина таъсис этилмас, балки умумтаълим фанларини ўқитиш учун таъсис этилган. Диний таълим ҳам, худди рус мактабларидаги каби, умумий фанлар ва предметлар қатори, мустақил предмет сифатида киритилган.

Кейинги вақтларда Туркистонда содир бўлган урушлар оқибатида, хонларнинг ҳукмронликка интилишлари, турли босқинчиларнинг ҳужумлари туфайли маданият-маърифат ривожига тўхтаб қолди, баъзи олим, уламолар табиий равишда вафот этдилар, бошқалари турли мамлакатларга кўчиб кетдилар, қадимги маданиятни эслатувчи мадраса ва вақфлар ҳозиргача сақлаб қолинди. Ҳар қандай маданиятли халқнинг ҳукумати мадрасая вақфларни омиллик билан бошқариш орқали давлат газнасига зарар келтирмай, ушбу мадраса ва маориф даражасини кўтариши ҳамда ўқув ишини тўғри йўлга қўйиши мумкин эди. Аммо Туркистон, туркий халқларининг бахтсизлигига кўра, эски рус ҳукуматлари томонидан забт этилди ва халқнинг маданий-маърифий масалалари ўзга қолинга солинди. Эски рус ҳукумати маҳаллий халқларни руслаштириш мақсадини таъқиб этгани бонс маданият-маърифат излари Туркистон тупроғидан тамом йўқолди.

Победоносцев, Ильминский ва Остроумов сингари миссионерларнинг назорати остида ва уларнинг ташаббуси

билан энг йирик вақфлар газна фойдасига тортиб олинди; мадрасалар ҳамда мактабларда фақат соф диний характердаги фанлар қолди; халқ учун зарур бўлган фанлар, хусусан, жўгрофия, математика, физика ва бошқа амалий фанлар бутунлай манъ этилди ва бу фанларни махфий ўргатувчи ўқитувчилар гўё инқилобчи каби таъқиб остига олинди ёки панисломчи сифатида оғир жазоларга тортилди. Янги мадраса ва мактаблар солиш, эскиларини таъмирлаш қатъий манъ қилинган эди. Шунингдек, маданий-маърифий ишларга хизмат қилувчи янги вақфларни таъсис этиш ҳам манъ этилган бўлиб, умумтаълим фанларини ўрганишни истовчилар рус тилини билиш ва билмаслигидан қатъи назар, бу фанларни рус тилида ўрганишлари шарт эди. Эски рус ҳукуматларининг халқ маорифига нисбатан бундай сиёсати тимсолини кўрган Туркистон турк халқлари ўз маданият-маорифларининг қолганини асраш учун, маданият ва маърифат ўчоғи бўлган мактаб ва мадрасаларини сақлаш учун уларни соф диний таълим-тарбия учун мўлжалланган муассаса деб, вақфларни эса руҳоний институтларни ушлаб туришга хайрия мақсадида таъсис этилган муассаса, деб кўрсатишга мажбур эдилар.

Шундай қилиб, халқ диний таълимни ўрганиш пардаси остида мадраса ва мактабларда динга умуман алоқаси бўлмаган форс ва араб тилини, юнон фалсафасини ўрганади. Ниҳоят, 40—50 йил мобайнида умумтаълим фанларини ўқитувчи олим мударрисларнинг биронтаси қолмай ўлиб кетдилар, уларнинг ўрнини умумтаълим фанлари ва руҳоний таълимотга эга бўлмаган, мадраса, мактаб ва вақфларнинг ташкил этилиш тарихини ва вазифасини билмаган, чор ҳукуматининг кўрсатилган сиёсати таъсирида тарбияланган мутаассиб муллолар эгаллади. Улар халқнинг ушбу ўқув юртларини чор ҳукуматининг тазйиқидан омон сақлаб қолиш мақсадида, айтилган ўқув юртларини ҳийлага ўтиб, диний характердаги муассаса, деганларига шубҳа ҳам қилмасдилар. Оқибатда мутаассиб муллолар мадраса ва мактаблар ҳақиқатда ҳам халқнинг диний эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган экан, деб чиппа-чин ишондилар. Мазкур муллолар ўзларининг янглиш фикрларини кенг халқ оммасига ёйиб, тарқата бошладилар. Шу боис халқ ва муллоларнинг ўзлари мадраса ва мактаб ҳамда вақфларни диний ва хайрия характеридаги муассаса, деб ҳисоблай бошлаганлар.

Ўзгаришдан сўнг сиёсат ҳам бошқа томонга айланди, аммо эски ва янглиш фикр муллолар орасида ҳам, халқ

орасида ҳам йўқолмади, ҳатто ҳокимият тепасида турган баъзи ўртоқлар вақфни фақат халқни диний ва хайрия эҳтиёжларини қондирувчи муассаса ҳисоблаб, ўз лойиҳаларини ўша руҳда тузмоқдалар.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўляпти:

1. Вақфлар хайрия ва диний эҳтиёжлар учун эмас, балки халқнинг маданият ва маърифатини юксалтириш учун таъсис этилган.

2. Туркистон халқларининг миллий мактаб ва мадрасалари — умумтаълим фанлари ва санъат манбаидир.

3. Миллий мактаб ва мадрасаларни диний бўёққа бўяш эски чор ҳукуматининг сиёсатига асосланган бўлиб, халқни руслаштириш ҳамда туркий қавмлар маорифига йўл бермаслик сиёсатини талаб этади.

4. Ана шунга кўра туркий халқлар кенг омма орасида айтилган муассасалар диний характерга эга, деган янглиш фикрдан қутула олмаяптилар.

Баён этилган шароитга кўра, бир томондан, кенг омманинг руҳий кайфияти билан ҳисоблашиш, иккинчи томондан, вақф масаласини керакли йўлга қўйиш чораларини кўриш зарурияти туғилмоқда. Вақфлардан тушаётган даромадлар ва ҳукумат қурилиш ҳамда бошқа ўзгаришлар тарзида бераётган ёрдам ҳамда ўқитилаётган фанларнинг ўқитиш программасини ўзгартириш орқали мавжуд мингларча мактаб ва мадрасаларни ҳозирги оғир аҳволдан қутқариб, уларни диний муассасадан маданий-маърифий манбага айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида Маориф халқ комиссариати қошидаги Турк шўъбаси уламолар ва меҳнаткаш зиёлилар билан ҳамкорликда бир неча марта мажлислар ўтказди ва мазкур лойиҳани тақдим этиш тўғрисидаги хулосага келди.

(Туркистон Республикаси халқ маорифи бўлимлари мудирларининг 1920 йил 30 июнда ўтган съездидаги нутқ.)
(Русчадан таржима.)

ҲУЖУММИ? МУНОЗАРАМИ?

«Қизил байроқ»нинг 131-сонида «Илмий хизмат» унвонли бир мақола кўринди. Ул мақола «Биров» имзосила ёзилиб, онда маним шахсимга ҳийли ўринсиз ҳужумлар, «ота гўри қозихона»лар қилинмишдир.

Бунга сабаб эса маним расмий бир мажлисда бутун маориф аҳллари, муаллимлар, маориф комиссари ва шаҳар

маориф мудирлари ҳузурида ўзбек маориф ишларини ҳозирги таназзулнинг сабабларини кўрсатган вақтида «Биров»ларнинг қошида энг муқаддас саналган ва анга тил тейдирмоқ қонунан гуноҳ бўлган «имло масаласи»га-да густоҳона тил тейдириб кетганлигим бўлмишдир.

«Биров» ҳазратлари кашф этган ва тамом турк дунёсининг онга бўйсунмоғи вожиб бўлгон муқаддас имлосининг баъзи нуқсонларини кўрсатмоқга бошқаларнинг ҳақлари бўлса-да, ман бечоранинг ҳақим йўқ эмиш. Чунки ман бир вақтларда бошлаб усул жадида мактаблари очганман, ул мактабларда ўқитмоқ учун «Адиби аввал», «Адибус-соний», «Ҳавойижи диния»ларга ўхшаш бир неча китоблар чиқоргонман ҳам ул китоблардан сотиб, қорнимни тўйғузганман. Шул сабабли ман гуноҳкор энди. Ман имло масаласидан сўз очар эканман, ёлғуз «Адиби аввал» ва «Адибус-соний»ларимни сотмоқ учунгина сўз очар эмишман, мактабларда дин дарслари ўқитулсин десам, фақат «Ҳавойижи диния»мни пул қилиб, қорин тўйдирмоқ учунгина деяр эмишман.

Мана, «Биров» ҳазратлари «Қизил байроқ»нинг яқин бир бетини тўлдириб манга қилинган ҳужумнинг руҳи ва хулосаси. Китобларим хусусида ман шуни деб биламанки, «Ҳавойижи диния» — диний бир китоб. Онинг ила «Биров»ларни бировлар ила бир иши ва алоқаси йўқ. Ҳам «Ҳавойижи диния»мдан 12 йил муқаддам бутун ҳақ таъбирлари ила бир ширкатга 225 сўм бадалига сотилгон. Биноан-алайҳ, онинг сотилуви ва сотилмовини маним қорним ила-да алоқаси йўқ.

Ман, мактабларда дин дарслари ўқитилсин, деганимда «Ҳавойижи диния»ни хотиримга келтургоним йўқ. Фақат дин дарслари ўқитилмоғони сабабли бутун халқни ўзидан бездириб, харобликка юз тутган мактабларни такрор оёқга босдирмоқ учун лозим бўлгон чораларнинг бири мактабларга мукамал суратда дин дарслари киритмоқдир, дедим.

Бу кун бу сўзни бир ман эмас, маориф комиссари ва маориф мудирларида иқрор этадирлар. Мактабларга дин дарси киритмоқ сизга ёқмас экан, онинг учун бир мангагина ҳужум этманг-да, толеъингиздан, замондан шикоят этинг. Чунки замон бузуқ. Халқ нодон, дин тўғрисида, имло тўғрисида сиздек «доҳий»ларнинг орқасидан эргашилмайду.

«Адиби аввал» ва «Соний»ларга келганда онларнинг нусхаси дунё юзида ҳозир йўқ. Такрор босилиб дунёга чиқар экан, онинг 20 йилдан бери имло тўғрисида ҳар бир таъбида тадрижий суратда ислоҳ этилиб келган асосли бир

йўли бор. Ул сизнинг бир-бирига муҳолиф бўлгон бузуқ имлоларингиз, ўринсиз ҳужумларингиз ила ҳисоблашмасдан, ўз маслакида давом этиб, ҳақиқий янги имлони (Сизнинг ҳозирги бузуқ имлоингизни эмас) халқ орасида сездирмайчагина тарқатадур.

Такрор босилмас экан, онинг руҳина яхши бир фотиҳа (агар сизда инсоф ва виждон бўлса) ўқумоқингиз керак. Чунки бир вақтларда ва сизга ўхшаш қаҳрамон ёзувчилар тарафидан янги имлонгиз ила ёзилиб ва босилиб, бутун мактабларни китобдан таъмин этган ҳозирги мактаб китобларингиз йўқ бир замонларда (ҳолбуки, ҳеч нарсангиз йўқ) филжумла халқнинг эҳтиёжини ўтаган, онинг учун ул китоблар доим сизнинг ҳужумингизга нишона ва ёзувчилари эса сизнинг қошингизда авантюрист бўлмаса керак эди. Мажлисда сўйланган сўзларга келганда «Биров» ўртоқ маним сўзларимга бутун хиёнат этган.

Танқид ва мунозара қонуни шул эдики, ул мани сўзимни бутун кўчириб, ўзининг танқид ва мунозарасини анинг устида қилмоқ керак эди.

Ҳолбуки, «Биров» ўртоқ маним сўзларимдан ўзига керак жойларини териб, онинг устига ўзидан-да бир қадар илова қилиб, сўнгра танқид ва мунозара қонунин ташлаб, тўғридан-тўғри ҳужум бошлагон. Манга бундай ҳужумлар эндигина эмас, балки «Биров»лар ҳануз онадан туғулмаган замондан бери бўладир. Бир вақтларда остроумовчилар, иккинчи вақтларда уламолар ҳужум этдилар. Ман онларнинг ҳужумлариға қарамасдан, ҳамон ўз маслагимда давом этдим. Бу кун «Биров»лар ҳужум этар экан, ул ҳам мани ишдан ва маслагимдан тўхтата олмайди.

Бу ҳужумни мен жавобга ҳам арзитмас эдим, фақат маним мажлисда этган сўзларимни хиёнат тариқида бузиб ёзилганлиги маним жавобга мажбур этди.

Ман аввал мажлисда ўз фикримнигина эмас, расмий бир ҳайъатнинг фикрини ҳамда 20 декабрда маориф шўъбасида Маориф комиссари, маориф мудир ва бошқа маориф аҳллари тарафидан ўзбек маорифининг асбоби таназули тўғрисида сўйланган фикрларнинг таржимонигина бўлдим. Маорифнинг таназули тўғрисида 7 моддадан иборат бир маъруза ҳам 2 моддадан иборат чораларин сўйлдим. Шул жумладан, асбоби таназулдан бири этуб вақтсиз чиқарилгон имло масаласин ва имлочиларнинг кўзлари ҳануз бир фикрга келмай туриб, бутун мактабларга шу имлони мажбурий эълон қилгонликларин Қуръон ҳарфларини мактаб китобларидан чиқоргонликларин бу ишга,

бир тарафдан, мактабларда болалар ёзувини оталар, оталар ёзувини болалар билмасликларига, иккинчи тарафдан, маориф душманларининг мана янги имло чиқариб, Қуръонни бузмоқчи деб халқ орасига ифво тарқатмоқларига ва бу воситалар ила қора халқнинг янги мактаблардан безуб, эски мактабларнинг такрор ривож топмоғига сабаб бўлгонлигини кўрсатдим.

Бундан сўнг имло масаласининг асосина кўчиб: «Ислоҳи имло масаласи фақат ҳақиқатан керакли бир масала ҳам янги бир масала эмас. Бу тўғрида Туркияда қарийб қирқ йилдан бери, Қофқоз ва Татаристонда қарийб 20 йилдан бери қанча олимлар, профессорлар ишлаб туродирлар. Биздан-да бир неча ёшлар чиқиб, жиддий ҳаракатлар кўрсатдилар. Бунларнинг бу ғайрат ва ҳаракатлари шоён тақдир.

Онга бу тўғрида лозим бўлгон табиий, тадрижий йўлдан чиқуб, ҳануз пишмаган бир асосга ва бир йўлга қўйилмагон бир имлони халқнинг оғзига куч ила тикмоқ бўлиб қўйгон қадамлари хато», — дедим. Бундан сўнгра бошқа масалаларга кўчдим.

Чораларига келганда, имло масаласида айнан мана шу йўллارни кўрсатдим: «Имлои ҳозирага ёлғуз авом халқнинггина эмас, хосларнинг-да қаршуликларин, янги имлони атрофимизда бўлгон Бухоро, Хева, Афғонистон, Озорбойжон ва Туркиягина эмас, Туркменистон, Фаргона ва Самарқанд областларида ҳануз қабул этилмогонликларин ҳам авом халқнинг янги мактаблардан безмоқларига имло масаласининг-да, буюк сабаблардан бўлгонлигин эътиборга олуб, бу масала (ҳақида) ҳайъат тубандаги фикр-ни арз этадур:

1. Мактабларда янги имло ёлғуз туркий сўзлардангина татбиқ этилиб, арабий сўзлар ҳозирда ўз ҳуруф ва имлолари ила ёзилсунлар.

2. Форсий ва баъзи ўз тилимиздек бўлуб қолгон арабий сўзларни туркча чўзгилар ила (масалан, макотибни мактаб суратида **مکتب** — **مکتب** ёзмоқ. (Бу ўринда «Биров» ўртоқ «ҳозир»ни **حاضر** — **حازر** суратида ёзмоқ деб ўз тарафидан қўшарга бунга ҳайъат асло рози эмасдир.)

Асосан мувофиқ бўлса ҳам, бунга оидда тадрижий йўллар ила киришулсун. Аммо «мутахассис»га ўхшаш ёт араб сўзларини туркчаси топилар экан, туркча ёзилсун. Туркчаси топилмас экан, «мутахассис» суратида ўн ҳарф ила ёзмасдан, мутлақ имлосила ёзилсун.

3. Турк адабиётидан араб сўзлари тамом чиқарилмагунча мактаб китобларидан арабий сўзларга махсус бўлгон ҳарфларни чиқариб ташламоқ асло мувофиқ эмасдур.

4. Туркча сўзларда ҳамзаларини хуруфи муттасила сура-тида * ёзмок, (i) ни (l) суратида икки ҳарф ила ёзмок мувофиқ эмас. Сўз шул ўрунға етганда ҳайъат раёсати та-рафиндан: «Имло масаласи шунда тўхтатулсун, қолғони съездда музокара қилинур», деган таклиф тушди. Ман ҳам таклифға бўйсуниб, сўзни иккинчи масалага кўчирдим.

Мана, имло масаласи тўғрисида маним сўйлагон сўзла-рим шул. Бу сўзларни ман ҳайъатнинг қарорига ҳам му-фассал ёзиб, бир неча цензурлардан кечирғондан сўнг сўйладим. Ўқувчилар буни ҳам, бу сўзлар учун «Биров»-нинг манга қилғон ҳужумини кўрсунлар-да, манга «Би-ров» ўртоқнинг қандай хиёнат этганлигин ўзлари ҳал эт-сунлар. «Биров» ўртоқ ёлғуз хиёнат илагина қаноатланма-гон, балки бир оз тараққий қилиб, иғвогарлик йўлиға ҳам киришган. Гўё ман ул мажлисда деган эмишманки: «Ни-колай замонасида қандай бўлса-да, бир маориф бор эди. Ҳозир бўлса, маорифнинг тузалиши эмас, ўзи ҳам йўқ». «Биров» ўртоқ бу сўзларни уялмасдан қандай тўқиб чиқар-ди экан? Иғвогарлик учун бундан бошқа йўл топилмади-ми? Ҳолбуки, маним бу хусусда айтган сўзим шул эди: «Николай замонасида Ҳўқандда ўндан зиёда усули жади-да, беш-олти русский-туземний мактаблар бор эди. Самар-қандда ҳам шул қадар эди. Инқилобдан сўнгра бунлар йи-гирмадан ортди. Ҳозирда эса Ҳўқандда мактаб деса бўладу-ргон икки-учгина қолгон, Самарқандда эса йўқ деярлик. Бутун кучни маорифға берган шўролар ҳукумати замонида мактаблар ҳозирғача бир неча ҳисса ортгон бўлса керак эди. Ҳолбуки, кундан-кунга йўқолиб борадир. Бунинг, ал-батта, сабаблари бўлса керак. Бизга шул сабаблар ила ку-рашмоқ лозим», — дедим-да, сўнгра сабабларини сана-маққа киришдим. Маним бу сўзларим ёзувда ва майдонда «Биров» ўртоқнинг шунчали иғвогарлик йўлиға кирмоғи-дан онинг очиқ имзосин қўймағони сабабли ким эконин билмасам-да, олчоқ бир ҳариф эконлигида шубҳам қол-мади. Биноаналайх, бошқа сўзлариға жавоб бермоқнида лузум кўрмайман. Бундан сўнг холис илмий ва адабий му-нозарага мувофиқ ўлмоқ шартила, имло масаласига кўча-ман¹.

¹ Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ушбу мақоласи тугамаган. Газета таҳририяти мақолани кесиб, унга ўз муносабатини билдириб, «Биров»ни ҳимоя қилган ва ўз муддаосини «Хулоса, қори афандини авом халқ орасидан чиқиб, матбуот майдонига қадам босишлари билан табрик этамиз», деб ифодалаган. (С. А.)

ТУРКИСТОНДА ВАҚФ ИШЛАРИ

Туркистонда ҳозиргача маълум бир йўлга қўйилмаган чатоқ ишлардан бири вақф ишларидир. Инқилобдан бери вақф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойиҳалар ясалди. Лекин кутилган бир натижа чиқмади.

Кейинги вақтларда вақфларни халқ кўлига бериш сиёсати майдонга чиқди. Бунинг учун ТуркЦИК томонидан бир лойиҳа тузилиб, қози ва мударрис қурултойидан ҳам ўтказилди. Самарқанд, Фарғона областларида вақф шўролари тузилиб, ишга ҳам киришди. Сирдарё областида ҳам мундан бир ой муқаддам турлук ташкилотлар тарафидан вақф шўроси учун вакиллар сайланиб тегишлик ўртоқларга топширилди. Эски шаҳар ижроқўмида сайлов қарорномалари ойлаб ётгандан сўнгра тасдиқ қилинуб, музофот ижроқўмига топширганлиги эшитиладир. Ҳар ҳолда у ерда ҳам ёта-ёта зерикгач, ундан ҳам тасдиқ қилинуб, Сирдарёмизда ҳам вақф шўроси ишга киришса керак.

Вақф шўролари ишга киришган билангина кутилган натижа чиқарми, йўқми? Унисини келгуси кўрсатур. Ёлғуз ҳозиргача вақф ишларини бу тариқа чатоқ ҳолда қолдириб келган кўп сабабларнинг энг каттаси вақфларни сарф ва бошқариш тўғрисидаги фикрларнинг турликлигидир. Бир-бирига тамом тескари бўлган бу фикрлар бирлашмаган тақдирда вақф ишлари тағин чуволур. Ҳар ким ҳар томонга қараб тортар, уришилур, сўкишилур, натижада такрор вақфларнинг тоғ каби мадрасалар бино қилишдан ва улардаги ўқувчи ва ўқитувчиларнинг таъминоти учун қолдирган миллионларча вақфларидан кутган мақсад-муқаддаслари шу чоқгача бўлиб келганидек поймол бўлур. Бунчалик вақфлар, бунчалик мадрасалардан халқнинг маориф ва маданияти номига фойдаланиш мумкин бўлмас.

Бошқа мутараққий ислом мамлакатларида кўпдан буну тушуниб, бу тўғридаги ихтилофи афкорни орадан кўтарганлар, вақф ишларини маълум бир йўлга қўйиб, маориф бюджетининг буюк бир қисмини вақфдан керагича истифода қилмоқ, вақфларнинг руҳларини шодлантирмоқ бўлсак, аввало бу тўғридаги ихтилофларни бир ёғлиқ қилиб, фикрларни бирлаштиришимиз керакдир. Вақф ишлари тўғрисида инқилобдан бери бошлуча тўрт фикр роль ўйнаб келди:

1-ҳасадчилар, 2-тафритчилар, 3-ифротчилар, 4-мўтадиллар фикри.

Ҳасадчилар кимлар? Маълумки, Туркистон вақфлари мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятлари учун тахсис этилуб, қолдирилган хос ва холис сармояи миллияларидир. Бошқа миллатлар қаторида умумий маориф сармоясидан фойдаланиш устига ўзларининг ушбу миллий сармояларини ҳам яхши бир йўлга қўя олмаслар, эҳти-молки, тез кўтарилиб (тараққий қилиб) ўзларини мустамлакачилар қуллигидан қутқарсалар. Ерлик халқнинг доимо жаҳолатда қолуб, қул бўлиб туришларини истаган мустамлакачилар, албатта, буни кўролмайдурлар. Ҳасад қилурлар. Шунинг учун қайси йўл билан бўлса-бўлсун вақфларни ё бутунлай хазинага олмоқ ва ё ҳеч бир яхши йўлга киришга йўл бермасдан, ҳамиша чатоқ бир ҳолда қолдириш ҳаракатида бўлурлар.

Вақф ишлари дуруст йўлга кира бошладими, дарров бир чатоқ чиқориб, ишни бузадилар. Бу жиноятни тўғридан-тўғри ўзлари қилмасдан, ерликлардан бир неча алданган ёки сотилган кишилар топиб, улар воситаси билан ишлайдилар-да, лабларини ялаб, «ерлик ишчиларнинг ўзлари шундай истайдирлар», деб кўзларини лўқ қилиб қараб тура берадилар, жуда бўлмаган тақдирда отини «Шарқ сиёсати» қўйиб, вақфларни подшоҳ замонасининг бутун муллоларни ўз ихтиёрларига қолдириш фикрини қувватлайдилар. Бундан мақсадлари эса бир оз вақт шундай қолдириб, замони келганда: «Қачонгача муллолар вақфни ўринсиз еб ётадилар, буни хазинага олмоқ керак», деган бир фикрни қувватлаб ўтқаришдир.

Мана бу фирқани биз ҳасадчилар, мустамлакачилар, деб таъбир этамиз. Инқилобдан бери вақф ишлари шул фирқанинг ҳабис фикрларига қурбон бўлиб келди. Кейинги, ТуркЦИК лойиҳаси ила шояд бу фирқанинг фикрига эҳтимом берилган бўлур, деб умидланамиз.

Тафритчилар кимлар? XIX асрнинг бошларидан то Русия инқилобигача бўлган бир муддатда Туркистон мадрасаларининг тарихини ва бундан бўлган таълим-тадрис йўлларини, вақфларда бўлган суиистеъмолларини ва етиштирган шогирдларини бир даража назардан кечирилса, кўнглида андак миллий ва диний ҳис бўлган ҳар кишининг кўзидан беихтиёр ёш оқадир. Бу хусусда ҳозиргача кўп ёзилди, сўзланди, такрор тафсиллаб ўлтирмакни лу-

зуми йўқ, фақат шунигина айтиш мумкинки, сўнг асрларда кўп мадрасаларимиз диний ва дунёвий уламолардан татом тозаланиб, холис илмсизлар етқузатурган бир танбалхона ҳолига келган эди. Ўтганда Буали, Форобий, Тафтазоний каби ҳақимлар ва олимлар етишдирган Туркистон мадрасалари кейинги кунларда тузукроқ бир мударрис ёхуд имом ҳам етиштира олмайтурган бир ҳолга тушган эди. Ҳозирда мавжуд баъзи дурустроқ мударрис ва имомларимиз эрса мадрасаларнинг тартиблилиги соясида эмас, мадрасаларнинг тартиб ва қонуний хорижда ўзларининг қилгон хусусий ташаббус ва ғайратлари орқасидагина фавқуллода заколари соясидагина етишгандирлар.

Вақф тўғрисида шундай бир фикр борки, вақфларни илгаридек ҳар бир мадрасанинг ўзига бериб ва ҳар бир мадрасага икки-уч мударрис белгилаб, уларнинг шогирдлари бўлсун-бўлмасун, мадраса вақфини бохузур еб ётишларига пул берилсун эмиш. Шундай бўлгон тақдирда тадрижан шогирд ҳам йиғилар эмиш ҳамда вақфнинг шартига ва шароитига мувофиқ бўлар эмиш, қисқаси, Николай замонида мадрасалар ва вақфлар қандай идора қилинган бўлса ва нималар ўқитилган бўлса, ҳозирда ҳам шундай бўлсун эмиш¹. Ислоҳ-мислоҳдан ҳеч бир оғиз очилмасун эмиш.

Бу фикрнинг бошида турувчилар ҳар кимга маълум, биз буларни тафритчилар ва инфишочилар, замондан хабарсиз, халқни қоронғуда қолдирғувчилар, деймиз.

Ҳасадчилар ила тафритчилар баъзи моддаларда бирлашиб ҳам кетарлар. Фақат ҳасадчилар билиб ва тафритчилар алданиб бирлашурлар.

Ифротчилар кимлар? Ҳасадчиларнинг сиёсати ҳабисасига тушунган ва тафритчиларнинг жаҳолат ва таассубидан куйганлардан бир фикр келиб чиқодурки, булар «Кўй, бу мадрасаларингдан ва бу муллоларингдан ҳеч бир умид йўқ. Модомики, вақфлар ўз ихтиёримизга берилди, халқ назарига бир неча мадрасаларни лиқиллатиб қўяйлик-да, вақф бадаллари ила бир неча ибтидоий мактабларни тарбия қилойлик. Бизнинг ҳаётимиз ва нажотимиз шул мактабларга боғлиқдир, эскини ҳар қанча ямасанг-да, эски, эскини ямаб овора бўлуб ўтиргандан кўра, бутун ташлаб, янгисининг ҳаракатида бўлган яхши, дейдирлар. Биз буларни ифротчилар, узоқни кўра олмағучилар, янги қилиб бераман

¹ Чор қироат деган эски юнон мантиқини ва унинг ҳошияларини ўқуб кун кечириш бўлмаса керак. *Идора*.

деб уҳдасидан чиқолмай, халқни эскидан ҳам маҳрум этиб, яланғоч қолдирувчилар, деб таъбир этамиз.

Мўътадиллар кимлар? Бу ҳақда келар сонда¹.

«Ҳақиқат» журнали, 1922 йил, 2-сон

ТУРКИСТОН ШҶРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИДАГИ МАОРИФПАРВАР ЁШЛАРГА ХИТОБ

Бир вақтлар чор ҳукумати ва унинг хоин миссионерлари қўл остида жуда оғир ҳоллар кечирган Туркистон маорифпарварлари, шўролар ҳукумати даврида хийла кенг план ва ғоялар билан ишга киришган эдилар: беш йил инқилоб даврининг аввалги йилларида маориф ишларимиз ғоят ёруғ ва зўр умидлик бир ҳолга кира бошлаган ва бу йўлда асосли бир замин ҳозирлана бошлаган чоғда маориф бирдан турғунлик ва тушкунликка йўлиқиб қолди.

Бунинг сабаблари жуда кўп бўлса ҳам, каттароқлари — маориф ишларида кўрпага қараб оёғ узатмаганимиз, маориф аҳллариининг халқдан узоқлашганликлари, маориф ишларида Туркистон халқининг Овруропа вази билан ўлчаганлиги, кило каби хусусий ва фанний равишда ҳал этиладиган масалаларда Туркистон ёшларининг ўзаро ихтилоф қилиб, ҳар турли араз ва ситезлар билан бир қадар вақт маориф ишларидан чеккага чиққанликлари ва, буларнинг устига, Самарқанд ва Фарғонада беш йилдан бери давом этиб келган «босмачилик ҳаракатлари»дир. Бунинг устига, янги иқтисод сиёсати орқасида кўп мактабларимизнинг таъминоти маҳаллалардаги маблағларга ва маҳаллий халқнинг ўз эркига қолдирилди.

Бу ҳақиқатларни кўра ва била туриб шу юқоридаги сабаблар билан курашмасак ва ўзаро жанжалларимизни бир тарафга ташлаб қўйиб, қўл-қўлга беришиб, бутун тиш ва тирноғимиз билан маорифга ёпишмасак, Туркистон маорифи ўлди ва Туркистоннинг порлоқ келажагидан умид узулди, демакдир. Чунки, Туркистоннинг порлоқ келгуси, балки ҳаёти ва кўрқинчли қоронғиликдан қутулиши фақат маорифгагина боғлиқдир. Туркистон халқи маориф ва маънавият нарвонининг биринчи поясига эндигина қадам босди.

¹ «Ҳақиқат» журналининг бошқа сонлари чиқмагани учун ушбу мақоланинг давоми босилмаган. (С. А.)

Бу тўғрида ҳали қилинадиган хизматлар жуда кўп, кўзланган мақсад жуда узоқдир. Моддий ва маънавий томондан ишланмаган ишларнинг ҳали мингдан бири ҳам ишланган эмас. Маориф ва маданият йўлида ҳали бизнинг тилимизга олинмаган, балки, хаёлимизга ҳам келмаган буюк хизматлар ва ечилмаган масалалар бор — фанний ва илмий тадқиқот ва муҳофазалар бир томонда турсин, ибтидоий мактабларни бир йўлга қўйиш учун ҳам керакли чораларни ҳануз топа олганимиз йўқ. Тил ва адабиёт масаласида эса, ҳалигача унинг бошлагичи бўлган ёзув ва имло тўғрисида асосли бир йўл тополмасдан, турлимиз турли томонга тортишиб, кўзланган мақсаддан чеккага чиқиб кетдик. Шу саналган камчиликларни қанча оғир бўлса бўлсин, иқдор қилмоқ билан бирга биз, Туркистон маориф ходимлари, устимизга тушган ғоят муҳим ва масъулиятли вазифаларни — қанча оғир бўлса-бўлсин, комил сабот ва матонат, улуғ қаҳрамонлик ва олижаноблик билан ийфо қилишимиз лозим, буни инкор қилиб бўлмас. Мана шу ҳолларни эътиборга олиб, Тошкентнинг бутун ўзбек маорифпарвар ёшлари ва масъул маориф-маданият ишчиларининг умумий йиғини, Туркистонда маориф ишларининг сусайиши ва маориф ходимлари орасидаги жанжалларнинг сабабларини яхши англаб билмакни лозим топиб, шунга махсус бир ҳайъат сайлади. Бу ҳайъатнинг бир неча кунлик фаолияти натижасида маориф ишчилари орасидаги бутун англашмовчиликларнинг бартараф қилинганлиги тўғрисида ўзаро бирлик ясаиб ва аҳдномалар тузулди. Маориф ишларимизнинг энг оғир ва бухронлик бир вақтида шу ишни пастлаш ва йўқолишдан қутқариб қолмоқ учун бирлашган Тошкент ўзбек маориф-маданият ходимлари, бутун ўлкадаги маорифпарвар ўзбек шоввозлари шу бирлашмани самимий бир тантана билан эълон қилмоқ баробарида, уларга қўйидаги таклифларни қилади:

1) Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл-қўлга берилиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр ғайрат билан ишласинлар.

2) Халқни маорифга ва маорифни халққа яқинлаштирмоқ учун қўлларидан келган ҳар бир чорага киришсинлар.

3) Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишларини ва бунинг орқасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлган босмачилик билан курашиш ишида бор кучлари билан ҳукуматга ёрдам берсинлар.

4) Туркистон ўзбекларнинг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди. Шу жамият расмийлашгандан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шу жамиятнинг ҳар ерда шўбаларини очишга киришсинлар. Ерли халқнинг маориф ишларида бизда муттаҳиди фронт ташкил этилмоқдадир. Шунга яқиндан аралашмоқ ва умумий душманмиз бўлгон жаҳолат билан курашмакка барча ўзбек маориф-маданият ходимларини даъват қиламиз.

Мунаввар қори Абдурашидхонов
Маннон Рамз
Шокиржон Раҳимий
Заҳириддин аълам
Элбек
Шаҳид Эсон
Салимхон Тиллахонов
Ҳамид Сулаймон
Холмуҳаммад Охундий
Мажид Қодирий.

«Туркистон» газетаси, 1923 йил, 1 январь

«НАШРИ МАОРИФ» УЮШМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маданий мамлакатларнинг ҳар бирида маориф-маданият ишларини одатдан халқ ўзи олиб борадур. Ҳукумат эса ёлғиз раҳбарлик ва ёрдамчилик вазифаларинигина адо этиб турадир. Шул сабаблик онгли миллатлар ўзаро илмий, фанний, адабий ва ижтимоий уюшмалар ва «Нашри маориф» жамиятлари тузуб, ҳукуматларининг раҳбарлик ва миллатларининг ёрдами орқасида халқни маориф ва маданият жиҳатлардан юқори кўтарилишига, оқартирилишига хизмат ва ҳаракат қилурлар. Дунёнинг энг маданий мамлакатларига назар солсак, унда маориф ва маданият ишларини ҳукумат усталларидан кўра кўпроқ жамоат усталларида, маориф назоратидан кўпроқ «Нашри маориф» уюшмаларида ишланганлигини кўрамиз. Ҳукумат арбобларининг ҳам кўброғи махсус соатларда ҳукумат кабинетларида расмий вазифаларини адо этганларидан сўнгра қолгон бўш вақтларида жамоат кабинетларида ўлтириб, халқнинг тараққий ва таолийси, маориф ва маданиятининг йўлида виждоний вазифаларини адо этадурлар.

Буларнинг хизматлари, ҳаракатлари ўз халқ ва миллатларининг маданий даражасига, аҳволи руҳиясига мувофиқ бир суратда бўлгонлиги учун, табиий, афкор омма, халқ ва миллат буларга ёрдам берар ва орқаларидан эргашар.

Мана бу йўллар билан бугун Оврупо ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бўлаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга етишдилар.

ХЭнди ўз ҳолимиз ва ўз тарихимизга боқсак, бир вақтлар Оврупо ваҳший экан, биз маданий эдик, Оврупо по-послари «Осиё осмонига жисман учдими, руҳан учдими?» каби диний низолар билан бир-бирларини бўғушар эканлар, усмонли турклари Истанбулни фатҳ этмоқ, Туркистон турклари мадраса ва расадхоналар бино қилмоқ каби маданий ишлар билан машгул эдилар.

Сўнгралари Оврупо халқи маориф ва маданият йўлида ишлади, бу ҳолго етишди; биз тушдик, ухладик, бу ҳолга етушдук. Бугунгача Оврупо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, Оврупо шаҳарлари бутун электрик билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жўғрофия ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари... давом этади.

XX аср бошларидан эътиборан бизда ҳам *маориф* ва *маданият* сўзларини оғизга олувчи, тараққиёт ва таолийнинг кераклигидан матбуотда ёзувчи, мажлисларда сўзлагувчилар чиқди, билфёъл, янги усул мактаблари очилди. Газеталар чиқорилди, «Жамияти хайрия» ва «Нашри маориф» уюшмалари ташкил этилди, фақат чор ҳукуматининг политсиялари, охранныя отделениялари бундай маданий ишларда ерлик халққа очиқ йўл бермади. Бир томондан очилса, иккинчи томондан ёпа берди. Шундай бўлса ҳам, ул замоннинг ёшлари, тараққийпарварлари ўз мақсад ва маслакларидан собит қадам бўлдилар, бир газетани ҳукумат ёпса, иккинчи исмда, буни ёпса, учинчи исмда газета чиқариб турдилар. Жамият ва мактабларнинг ҳам бирини ёпса, иккинчисини очиб, бирини қисса, иккинчисини кенгайтириб туришдан тўхтамадилар. Ҳукуматнинг қувиш ва сиқишлари уларни умидсизлантирмади, мақсад ва маслакларидан давом этдилар. Ҳеч мумкин бўлмагон бир замонда четга ўқувчилар юбордилар. Мактабларни ўрта даражаларга қадар олиб бордилар. Жамиятлар четга кетувчи ўқувчиларга, мактабларга моддий ва маънавий ёрдам берарлик

даражада кучга эга бўлди. Газеталари афкор оммани ҳийли қўлга олиб, 3—4 минг нусха сотилатурғон мартабага етди. Тўртинчи синфларга етарлик мактаб китобларимиз ҳозирланди. Ҳукумат ҳам махсус мақсад билан очқон русско-туземний мактабларини янги миллий мактабларга рақобат қила олмаслигини англаб, оз бўлса ҳам ислоҳ этмакка мажбур бўлди.

Мана бу юқорида саналғон ва бу кунда тарих саҳифаларига топширилғон миллий-маданий хизмат ва ҳаракатларнинг ҳеч бири ҳукумат усталларида эмас, ёлғиз жамоат усталларида ишланган ишлардир. Ҳукумат усталлари эса ул замонда бундай харажатларга том маъноси билан хилоф ва қарши борар эди. Бу қаршилиқ, қувиш ва қисишлар жамоат хизматчиларининг кўнгилларига шул қадар теккан ва зериктирган эдики, инқилоб бўлиб, ерлик халқнинг маориф ва маданиятига таолий ва тараққийсига қарши усталлар йиғилғон кундан бошлаб, ҳар бирлари ҳар ерда отилиб, ҳукумат усталлариға миндилар-да, жамоат усталларини бутун тарк этдилар ҳам ўз мақсад ва маслакларини ёлғиз расмий кабинетларда ўлтириб, давлат пули, давлат қонуни ва ҳукумат кучи билан вужудга чиқармоқ фикрига тушдилар. Халқ фикри, халқ аҳвол руҳияси, халқ даражаи маданияси ва халқ ёрдами кўпинча эътиборга олинмади. Бизнинг энг буюк хато ва янглишимиз ҳам шунда эди. Ҳам бундай улуғ инқилоб вақтида бизга ўхшаш маданиятсиз миллатга мундан бошқа чора, эҳтимолки, йўқ ва топилмас-да эди. Мана бу воситалар билан биз қора халқдан узоқлашдик, ўзимиз билан бирга мақсад ва маслагимиз ҳам узоқлашди.

Бундан, табиий, маориф ва маданият душмани бўлган қоринпарастлар, мутаассиблар истаганларича истифода этдилар. 16-йилларда янги мактабларга рақобат қила олмоғон эски мактаблар букун даҳшатлик суръатда тараққий этдилар. Эски Тошкент маориф шўъбасининг сўнгги олғон ҳисоби бўйинча, бутун янги мактаб шогирдлари 4000 тўлмағон ҳолда эски мактаб ва қозихоналарда 7000 қадар миллат боласининг эзилиб ётқонлиги кўринадир.

Бу ҳоллар Туркистон маориф ва маданият маркази бўлғон Тошкентда, агарда биз Тошкентдан қанча четга чиқа берсак, маориф ва маданият ишларимиз шунча заифлана ва халқнинг маорифига ва маориф ходимларига назари шунча ёмонлана борадир. Бу кун янги мактабларни «куфр уяси» деб эътиқод қилғон ва янги мактаб муаллимларин-

дан шайтондан қочқон каби қочқон ва қўрққан кишиларни, ўринларни, қишлоқларни, ҳатто шаҳарларни топмоқ мумкин.

Бунга сабаб, бир томондан, халқнинг нодонлиги ва мутаассиб уламнинг иғвоси бўлса, иккинчи томондан, бизнинг ёшлар ва маорифпарварларимизни халқ фикри ва халқ ёрдамини бутунлай унутиб, ёлғиз ҳукумат кучи ва ҳукумат пули билан иш кўрмоқ хаёлига тушганлари ва бу хаёл орқасида халқдан ҳийли узоқлашганлиқларидир. Агарда биз аввалда бир неча инқилобларни кўриб тажриба ҳосил қилгон бўлсак, табиий, бу беш йиллик инқилоб даврида маориф ва маданият йўлида ўйлаб ишлаган, қора халқни тамом қўлга олиб, тараққий ва таолий йўлига ўзимиз билан бирга олиб кетган ва бу восита билан инқилоб давридан қора халқни фикр, маориф ва маданият жиҳатида жуда кўб фойдаландиргон бўлар эдик.

Энди бўлар иш бўлди. Инқилоб денгизларининг тўлқинлари пасайди. Ҳар иш ўз йўлига ва ўз тартибига кира бошлади. Бу кунгача давлат сармоясидан таъмин этилиб келган маориф ва маданият муассасаларининг кўпрак қисми маҳаллий сармояга ва халқ ёрдамига қолдирилди. Бу кунгача маориф ва маданият ишларини ҳукумат кучи ва ҳукумат йўли билан олиб бормоқ хаёлида бўлгон маорифпарвар ёшларимиз энди халқ кучи ва халқ ёрдами билан олиб бормоқ фикрига келдилар. Бунинг учун халқ фикри ва халқ руҳи билан ҳисоблашмоқ лозимлигини ҳам шояд англагандирлар. Ишлар бу фикр ва бу йўл билан юритилган тақдирда халқни ҳам маориф ва маданият ишлари атрофига тўпламоқ ва ородаги англашилмовчиликларни халққа тушунтириш ва амалда ишлаб кўрсатиш йўллари билан ордан кўтармак мумкинлиги тажриба билан маълумдир.

Табиий, бундай ишларни энди ёлғиз ҳукумат кабинетларида ўлтириб эмас, балки жамоат усталларида ва қора халқ орасида ишламак лозимдир. Бунинг учун ҳар ерда «Нашри маориф» уюшмалари очмоқ ва бутун маорифпарварларни, ёшларни, чолларни шул уюшма атрофига тўпламоқ керакдир.

Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маданиятнинг тараққийси эса бутун халқнинг «Нашри маориф» уюшмалари атрофига тўпланмоғига боғлиқдир. Шундагина биз маданий миллатлар қаторига кира оламиз, шундагина маданият дунёсида ўз ҳуқуқимизни ола оламиз.

«Туркистон» газетаси, 1923 йил, 4 март

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАҚФ

Фақат Ўзбекистон жумҳуриятида вақф бор, бошқа ёқларда йўқдек.

Ўзбек халқи ўзига айрим катта бир жумҳурият бўлиб тузилгандан кейин вақф ишлари яна ҳам аҳамият касб этадир.

Бош вақф идораси вақфни кенг доирада идрок қилиш учун тузган лойиҳаси 15 декабргача Инқилобқўм ҳайъат раъиясига тақдим қилса керак. Бу лойиҳа Шўролар Марказий Ижроқўми томонидан ҳам тасдиқ этиладир. Шу вақтгача айрим бўлган Бухоро, Хоразм жумҳуриятларидаги вақф мулклари жуда суствлик билан келган, кўп мулклар рўйхат қилиниб, рўйхатга олиш ҳам вақф қарамоғидаги эски-янги мактабларни қандай ҳисоблаш ва бошқалар учун Бош вақф идораси томонидан бир таълимот юборилди.

Хоразм, Бухоро жумҳуриятларидаги вақф мулклари 1925 йил биринчи апрелигача рўйхат қилинуб бўлғусидир.

Миллий жумҳуриятларга бўлиниш муносабати билан Ўзбекистон жумҳурияти доирасидаги вақф мулкларидан фойдаланиш Қозоғистон, Қорақирғизга ўтиб кетадир. Мана бу масала жумҳуриятлар тузилиб битгунча идора қилиш тегишли ҳукумат идораларининг қўлида бўладир.

Вақф мулки бўлиб-да ҳозиргача бошқа ҳукумат идораларининг тасарруфида бўлган жойлар 25-йилнинг биринчи апрелигача Бош вақф идорасига ўтказиш учун тегишли идоралар билан чораси кўрилув.

Бухородаги вақф мулклари мамлакатнинг тўртиндан бирини, Хоразм вақф мулклари мамлакатнинг учдан бирини ташкил этгани ҳолда ўшал жумҳурият комхозларининг қўл остида идора қилиниб келади, десак, хато бўлмас. (Бундан оз бир қисми вақф идораларида тасарруф қилинадур.) Вақф ерларидан деҳқонларга бўлиниб берилмаган боғлар, чорвоқлар бордирки, булар ҳар кимларнинг қўлида ётадир. Шуларни Бош вақф идорасига ўтказиш чораси кўрилмоқда ва лойиҳалари тайёрланмоқдадир.

Бош вақф идораси Ўзбекистон доирасидаги вақф сармояларини хусусий фондда сақлаш ҳаракатида. Бош вақф идорасининг ҳозирги сармояси 700 минг сўмдир, агарда мамлакат мулклари рўйхатга олиниб бўлса, вақф даромадини ўн мартаба орттириш кутиладир.

Ҳозир вақф таъминотида, Хоразм ва Бухородан ташқари, 85 бошланғич мактаб, 6638 ўқувчи, 2—3 босқич мак-

таб, 400 ўқувчи, 10 саводсизлар курси, 6 таълим-тарбия курси бор. Бундан бошқа вақф шефлигида клуб, қироатхона, хотин-қиз билим юрти ҳам 25 стипендия олғувчи бор. Демак, Бош вақфнинг умумий даромадидан 89 ярим просенти илмий ишларга сарф бўлиб, қолгани идора ишчиларига кетадир.

Бош вақф идораси ўзининг кейинги планида кўрсатилган ишларни бажариб, бутун вақф мулкларини инвентарга олса, ундан чиқодирғон даромадга қилинадурган ишлар жуда кўп. Бухоро ва Хоразмда таълим-тарбия курслари очиш, янги мактаб бинолари солиш ҳам четларда ўқувчи талабаларга кўпрак ёрдам бериш биринчи вазифалардандир. Шунинг билан бирга даромад манбаларини кўпайтириб, бузилган дўкон, саройларни тузатиш керак.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1924 йил, 11 декабр

ҚОРАЛАШ ЯХШИ ЭМАС

Тошкент округ маориф ходимлари курултойида
(1927 йил) сўзланган нутқ

Маърузачининг таъбири бўйинча, бизнинг муаллимларимиз ичида мактаб бошқа-ю, сиёсат бошқа, деядурғон кишилар бор эмиш.

Мактаб қайси синф қўлида бўлса, шу мактабларда шу синфнинг мафкураси тарқалади ва илгари сурилади. Бу гапга кўнмаганларни янглишғон, ўжар кишилар, деб айтишга жасорат қиламиз. Жадидчиликка қандай баҳо бериш тўғрисида қуйидаги асосларни келтираман: жадид мактаби қай вақтда ва кимлар қўли билан вужудга чиқди? Мана бунга текшириш учун 20 йил илгарига қараш, албатта, лозим. Ҳозирги пайтда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар Масков ва бошқа жойларга бориб ўқишни ҳавас қилса, авваллари саводи чиққан (ҳар) бир киши Бухоро(га) бориб ўқишни ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар илмни фақат дингина деб билар эдилар. Муҳит ҳам шуни тақозо қилар эди. Ўша вақтнинг ҳукумати ҳам шу фикрни қувватламаса, ундай эмас. Жадид мактабини ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғиз Богчасаройда чиқадурғон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдирар эди. Буларга баҳо янглиш ва ортиқча берилган. Чунки ўша вақт-

даги жадид мактабига уламо, бой — ҳамма ва ҳамма қарши эди. Жадидлар шароит ичинда(н) жасорат билан чиқиб иш бошлагон эканлар, буларга бериладургон баҳо ҳам шундан ортиқ бўлмаслиги лозим эди.

Жадидлар шу мактабга яхши назар билан қарагон кишиларни ўзига дўст кўриб, қучоғига тортар эди. Буларнинг бой, рухоний, савдогар бўлишидан қатъи назар, секин-секин жадидлар дўсти кўпайиб, турли гуруҳлардан иборат бир жадидлар тўдасини ташкил қилди.

Инъомовни жадидларни алоҳида синф қилиб кўрсатиши номаъқул гап. Жадидлар, палисанинг қўрқинчи қаттиқ бўлса ҳам, қийинчиликларни ўз устига олиб, газет чиқорди ва уни халққа тарқатди. Жадидларнинг энг азоб тортгон даври Керенский вақти бўлди. Керенский вақтида идораларга уламолар миниб олди. Мактабга ёрдам бериш у ёқда турсин, (ҳатто) чор ҳукумати вақтида берилиб келган моҳиёналар ҳам берилмади. Тўхтади. Уламоларнинг ўша вақтдаги кучга молик бўлгонларини жадидлар думога 11 та, уламолардан 65 та вакил сайланиши билан исбот қиламан. Жадидлар ўз уламолари, бойларига қарши рус социалистлари билан бирга қўлга-қўл бериб ишлади.

Қўқон мухториятини рус меньшевиклари тузди. Чўқаев унга жуда яқин эди. Убайдулла Хўжаев, Низомиддин¹лар мухториятга қатнашди. Ўша вақтда жадидларнинг отаси бўлиб ҳисобланган мен ўзим лоақал «Миллат мажлиси»га аъзо бўлиб ҳам сайланмадим. Жадидлардан Қўқон мухториятига қисман аралашгон кишилар бўлса ҳам, кўпчилик четда тургон.

Яна бир гап борки, жадидлар Октябрь инқилобини яхши қарши олмаган эмишлар. Октябрь инқилобини рус ишчилари қилганини ҳеч ёшириб бўлмайди. Биз уларнинг тайёрига айёр бўлиб ишлай бошладик. Октябрдан кейин жадидлар Керенский сиқинтисиндан қутулди. Мактабларни ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошладилар. Октябрь ўзгаришига жадидлар раҳбарлик қилди, дейиш ҳам, Октябрни улар яхши қарши олди, дейиш ҳам хато гап.

Жадидлар Октябрь инқилобиға ёмон қараган бўлсалар эди, 20—21-йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар. 21-йилдан бошлаб жадидлар катта хато қилди. Турккомиссия томонидан қилингон ҳаракатларни мустамлака-

¹ Низомиддин Хўжаев назарда тутилмоқда.

чилик, дедик. Ҳақиқатдан улар мустамлакачи экан, уларга қарши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз қилиб, ўзимизни четга олишимиз катта хато бўлган. Шу ишимизга пушаймон қилиб, шу вақтгача ишлаб келсак ҳам, хизматларимиз хатомизни ювиб кетар даражага бормаганга ўхшайди.

Чор ҳукуматини йиқитиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда насия ёзадургон ходимлар етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсин. Жадид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берулмаганига таассуб билдира олмай ўта олмайман. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жадид мактабини битириб чиққан баъзи йигитларимиз ҳозир масъул ўринларда туради. Жадидлар чор ҳукуматини йиқитиб, Туркия ёки Польшага ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил қилади, деган назариялар ҳам йўқ эмас эди.

Ўша вақтда бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз, деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоқлар шу гапимга араз қилиб «Ол, мамлакатингни, ўзинг идора қил!» деса, мен уларнинг оёғига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, сизнинг бойингиз, уламоингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим. Жадидларнинг шўро ҳукуматига дўстлигини қуйидаги ҳужжатлар билан исбот қиламан: январь инқилобида 12 соатлик ҳукумат бўлди. Ростовский ва Абдусафийхонлар одам қидириш режасини тузди. Шунда жадидлар қочиб ётди. Качонки большевиклар ғолиб бўлди, деган хабар эшитилгандан кейин чиқиб, большевикларга қарши бўлгонларни суд қилиб, отиб юборилди.

Биз халқнинг аҳволи руҳияси билан ҳисоблашиб, ер ислоҳоти, паранжи масалаларини 30 йилсиз ҳал қила олмас эдик. Большевиклар фирқаси бу ишни ўн йилда бажариб қўйди, биз ўша вақтда зиёли деб русларнинг ўрта ва олий мактабларида ўқугон кишиларни айтар эдик. Жадидлар билан коммунистларнинг ҳаёти боғлангон эди. Булар ўлса ўлади, тирилса тирилади. Ўлгунча инқилобни ҳимоя қилишга тайёр. Жадидларнинг бир, иккитасидан гуноҳ ўтган экан, ҳаммасини қоралаш яхши эмас.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил, 7 июнь

Восточний отдел уполномочени ўртоқ Агидулинга тар-
жимаси: ўртоқ Карутскийга ҳам Московдан келган
меҳмон ўртоққа

Маҳбус Мунаввар қори Абдурашидхоновдан

АРИЗА

Бугун ман маҳбусларнинг гуноҳкори ва энг ҳақсизи сифатинда ҳар ҳуқуқдан маҳрум ва ҳатто энг оғир гуноҳлилар ҳам фойдаланадургон уборний ва ювинишга ҳам чиқорилмасдан, одиночкада яшайман. Бунга сабаб, эҳтимолким, показаниеларимга ишонилмағонлиғи, нотўғри деб гумон қилинмоғлиғи бўлса керак. Ҳолбуки, ман ҳар нима сўроқлар бўлса ҳам тўғри ва очиқ жавоб бера бошлагонимдан, бошқаларга ўхшаб, ойлаб айбимдан тониб сизни ва ўзимни (масалан, Салимхон) қийнаб турғоним йўқ. Бунинг учун сиздан олгон мукофотим бу кунги одиночний қийноғи бўлди. Ушбу аризам ила баробар сизга Наманган ва Тошканд ташкилотлари тўғрисида энг сўнги маълумотимни топшураман. Эҳтимолки, бу запискамга ҳам инон-массиз, нотўғри гумон қиларсиз, арестантлик ҳуқуқимни бундан ҳам озайтирасиз, лекин, чорам йўқ, асирман сизнинг қошингизда. Бир пашша қадар қувватга эга эмасман. Бир бармоғингиз билан андак боссангиз, эзилиб ҳалок бўлишимга кўзим етадир. Шу ҳолимни била туриб, нима мақсадда сизга нотўғри маълумот бераман? Ўлумдан қўрққанним йўқ. Чунки ҳозирги ҳаётдан ўлимни минг мартаба яхши, деб биламан. Ҳар минутда ўзимга ўлим тилайман. Фақат ҳозир ўлум ҳам мандан ҳазар қиладур. Нотўғри маълумот билан сиёсий идорани алдаб, ўзимни оқлаб, қутулмоқчи бўламанми? Йўқ. Ёлгон билан сиёсий идорани алдолмаслиғимни ва ҳар бир ёлгоннинг мани айб ва гуноҳ ботқоғига ортиқроқ ботира боришлиғини жуда яхши англайман.

Бунда ўтургон наманганлик ўртоқлар: «Бизнинг сиримизни бошлаб очқан шу бўлди», деб манга қарши тиш қайраб ўтурадурлар. Салимхон кўп сизга яхши кўринмоқ учун манга хат ёзиб, хизматчи бола орқали камеранинг тешигидан манга ташлагондир. Ва шу бола орқали икки кун қистаб, мандан жавоб ёздириб оладир. Ва ул жавобни тўғри сизга чиқариб берадир. У мани ҳозирги положениега тушишимга, балки, сабаб бўладир. Маним сизга берган нотўғри маълумотимни қувватлайтургон «дўст»ларим шу-

ларми? Буларнинг ҳар бирлари мумкин бўлса, ўзлари учун мани қурбон қилишга ва ўз айбларин ҳам маним устимга оғдаришга тайёрдурлар. Шунинг учун маним олдимда биргина йўл қолгон, ул ҳам бўлса, бу бутун қолгон ва билгон ишларимни ҳеч бир кўрқмасдан ва яширмасдан, очиб ўртоға ташлаш ва бошимни сиёсий идоранинг остонасига қўйиб, ундан ушбу Тошканд ва Наманган кишиларини маним эски исмим ва шуҳратимга қарамасдан туриб текширишни ўтуниш ва ўзимни бутунлай шул идоранинг ҳимоясига таслим этиш. Манга бундан бошқа нажот йўли йўқ эконлиғига иймон келтирганман. Агарда умумий сиёсат талаб этар экан, сиёсий идоранинг кўрсатуви бўйича гарча ўз зараримга бўлса, баъзи фидокорликлар кўрсатмакка ҳам ҳозирман. Сиёсий идоранинг мақсади ҳам, албатта, манга ўхшаш бир неча ерлик зиёлиларни бор-йўқ айблар билан айблаб йўқотиш бўлмасдан, шул Тошканд ва Наманган ташкилотларининг ҳақиқий юзларин очиш бўлса керак, деб ўйлайман. Мана шу юқоридаги иймон ва ишончлар ила ёзган ушбу сўнгги заявкамдаги ҳар бир жумланинг тўғри ва самимийлигига жавобгарман. Фақат бу заявкамга ул машҳур миллатчи Мунаввар қорининг «эски ашуласи», деб қаралмасдан, оддий бир гуноҳкорнинг очиқ юрак билан қилгон иқрори, берган маълумоти, деб қаралмоғини ва шул асосда текширишга такрор илтимос қиламан. Чунки бу икки саҳнага ман сўнгдан-да, содда ва нодон ва алданувчи ролда чиққанлиғимни ҳозир сезиб ўтураман.

Бу «запискам» билан ман ўзимни ташкилотчиликдан оқламоқчи эмасман. Балки, сўнгги Наманган ва Тошканд ташкилотларидаги ролим ва иштироким сизнинг қошингизда иқрор ва амалан айтмакчиман, ҳақиқатда эса ўзим ҳам бир ташкилотда бўлгон эдим. Бутун идораларни ерли тилда юргизиш ва булардан ишловчи овруполиларни ҳам ерли тилда сўзлашга ва ёзишга мажбур этиш ва бунга тўсқинлик кўрсататургон буюк рус миллатчилари ила қурашмак учун бутун ерли зиёлиларни бир ташкилот байроғи остига тўплаш каби хаёллар ила доим бош қотирардим, фақат 24—25-нчи йиллардан бошлаб маним фикримда ўзгариш пайдо бўлди. Ҳали ерли халқнинг маданий даражаси бутун идора ишларини ерли тилда юргиза олатургон бир даражага етмаганлиғига қаноат ҳосил қилдим. Ҳар қандай бир махфий ташкилот бўлмасин, сиёсий идорадан қути-

лолмаслиғига кўзим етди, ҳам ман ўйлағон ишларни ҳукуматнинг ўзи ишлаб, яхшироқ бажаришлиғига иймон келтирдим. Шунинг учун 24—25-нчи йилдан бошлаб ўзимни эски ташкилотдан тортиб олиш ила баробар, бошқаларни ҳам шундан қайтариш фикрига тушғон эдим. Лазиз ва Салимхонларга шул фикрлар ва шул йўлда муомала қила бошлағон бўлсам ҳам, Наманган масаласига келганда «запискам»да ёзилғон бўш хаёллар мани йўлдан адаштирди. Қартайган ҳолимда бу кунги фалокатга мани дучор этди. Энди ихтиёрим сизнинг қўлингизда, ўлдирсангиз, мана бошим, агарда ўз ҳимоячангизга олиб ишлатаман, десангиз, қолғон умримни фирқанинг ва шўроларнинг сиёсат манфаатигагина сарф этиб, эски гуноҳларимни ўз қўлим билан тозаламоққа тайёрман.

Мани ҳаётимга келганда, энг камбағал бир оиладан бўлиб, бутун умримни халқ манфаати ва халқ фойдасига сарф этган бир жамоат ходимман, умримда пулга, молга, амалга қизиқмадим. Билиб туриб, бир хаёлот ва жиноят қилиб айбланган эмасман. Энг фақирона бир турмушқа қаноат қилдим. Бисотимда биргина ҳовлим бўлса, унинг ҳам оиламдан зиёдасини халқ фойдасига, маорифга ҳада қилдим. Унда ҳозир «Биринчи май» мактаби давом этадир. 20-йил ўрталарига қадар Туркистоннинг биринчи инқилобчиларидан саналардим. 20-нчи йилда «рискуловшина»лар группасига кириб, аксилинқилобчилик ботқоғига ботдим. Бунинг тафсилени кейинги «заявлениям»да ёзаман. Ул чоқларда ман билан бирга ишлағанларнинг баъзилари чиндан ва баъзилари пул ва амал тамаъида мунофиқлик сотиб, исмларини ул ботқоқдан тортиб олдилар. Ман бўлсам, ул вақтларда фирқанинг баъзи сиёсатига кўшила олмадим. Мунофиқлик қилишга виждоним қабул этмади. Шунинг учун аксилинқилобчилик ботқоғидан жисмимни тортиб олғон бўлсам, исмимни тортиб ололғоним йўқ. Агарда ёрдам қилар эканман, шўроларнинг дохийий ва хорижий сиёсатига хизмат қилиб, исмимни ҳам ул ботқоқдан тортиб оларман, умидидаман.

1930 йил, 13 май

ХОТИРАЛАР

Ман Бухорода экан, Тошканддан «Иттиҳоди тараққий» ўрнига «Иттиҳоди миллий» ташкил этилгонлиги тўғрисида хат олгонлиғимни аввалги хотирамда ёзгон эдим. Хат туркий ёзилгон, фақат Ҳайдар афандининг хати эмас эди. Ҳайдарнинг хатини жуда яхши танир эдим. Бу хабарни ман Саъдуллаҳўжа, Қушбегиев, Али Расуловга билдирдим. Улар ҳам Тошкандда «Иттиҳоди миллий» жамияти ташкил этилгонлиғиндан хабар олгонликларини баён қилдилар. Фақат бунинг бошида кимлар бор, манга туркий хат ёзгон ким, унинг программаси қандай, аввалги «Иттиҳоди тараққий» низомномаси билан ишлайдурми, айрим низомнома тузгонми, мана бундай сўроқларга биримиз жавоб бера олмас эдик. Ман ҳарҳолда, бунинг бошида Ҳайдар ва Садрхон бор бўлса керак, деган фикрга келдим. Саъдулла билан Ҳайдар афандига хат ёзуб, «Миллий иттиҳод»нинг низомномасини ва марказда кимлар борлиғини сўрадим. Ҳайдардан манга келган хатда Тошкандда «Миллий иттиҳод» номида бир жамият ишлай бошлагонлиғини билса ҳам, марказда кимлар борлиғиндан хабарсиз эканлиги билдирилгон ва Садрхон билан Мусо Бегиев олдиға эски «Иттиҳоди тараққий» аъзоларининг кириб-чиқиши кўпроқ кўринганлиғиндан марказда шуларнинг бўлими эҳтимоллари баён этилгон эди. Бу орада Бухорода ишлаб тургон туркистонлиларнинг бир-икки ўтурушлари бўлуб ўтди. Музокара ҳамон Бухорода «Иттиҳоди миллий» жамияти шўъбаси марказини ташкил этиш масаласи устида борарди. Ниҳоят, жамиятнинг марказини Бухороға кўчириш ва Тошкандни вилоят шўъбаси сифатида қолдириш мувофиқ топилди. Бунга Саъдуллаҳўжа, ман ва Қушбегиевдан иборат ҳайъати марказия тайин этилди. Ман қарорни Садрхонға ёзиб, жамиятнинг печат ва низомномасини юборишни сўрадим. Садрхондан манға на жамиятнинг печат ва низомномаси ва на хатнинг жавоби келмади. Шул сабабли бизда Тошканддаги марказга ишончсизлик туғилди. Ўз ишимизни марказ қўйиб икки-уч мартаба ўтуришдик. Жамият учун янги низомнома тузиш ва печат ишлатиш ҳаракатига

киришдик. Мана шу вақтларда ҳам туркистонликлар ила бухороликларнинг орасида анчагина совуқлиқ бор эди. Бухороликлар «Истиқлоли Бухоро» байроғи остида, туркистонликлар эса «Иттиҳоди миллий» байроғи остида ишлардилар. Шунинг ила баробар ҳар икки томонда ишловчиларнинг ҳам кўплари коммунист фирқасига мансуб кишилардан эди. Коммунистлар миллий озодлик ҳаракатларига монёъ эмасдилар.

Мана шу чоқларда Ҳошим Шоиқ бир куни мани уйига чақирди. Борсам, унда Закий Валидий ўтурудур. Кўрушиб, ҳол-аҳвол сўрашқондин сўнгра Закий Бухорога келганлигига 20 кун қадар бўлгонлигини ва Бокуда унинг аризасини ўртоқ Зиновьевга топширушни қабул этмагонлигим учун мандан хафалигини ва Бухородаги ҳукумат арбобларининг кўплари ила кўришгонлигини ҳам Доҳилия қўмиссари Ҳамид Орипов томонидан ўзига жой ва озиқ таъмин этилгонлигини бирин-сирин сўзлаб чиқди. Музокарамиз ташкилот ишлариға бориб тақалди. «Истиқлоли Бухоро» тўғрисида Ҳошим Шоиқдан етарлик маълумот олгонлигини ва бугун ман билан кўришиш, «Миллий иттиҳод» тўғрисида маълумот олиш учун чақирилгонлигини билдирди. Ман ҳам унга «Иттиҳоди миллий»нинг Бухорода янги ташкил этилгонлигини, Тошканд ила Бухоро орасида бўлиб тургон Марказ талашини, Тошканддаги Марказ бошидагилар ҳануз очиқ маълум бўлмагонлигини, низомнома ва печатларни юбормоғлигини ва шунинг учун янгидан низомнома тузиш ва печат ишлатиш ҳаракатида бўлгонлигимизни сўзлаб чиқдим, ҳам бухороликлар ила туркистонликлар орасидаги совуқлиқни ҳам Закий ўзининг Бухорода бир неча вақт туриб, агар Бухоро ҳукумати Маскўв қошида воситачилик қилса, тавба қилиб, очиққа чиқиш, бўлмаса хорижга кетиш ниятида бўлгонлигини сўзлади, ҳам Бухорода тургон чоғида бундоғи ташкилотларни бирлаштируб йўлга қўйиш ва булар учун умумий бир програм тузиб бериш фикрида эканлигини, «Истиқлоли Бухоро» маркази ила «Иттиҳоди миллий» марказидан иккитадан киши олуб, «Марказлар маркази» номида бир уюшма битажагини баён қилди. Ҳошим Шоиқ эса бу фикрнинг бухороликлар томонидан ҳам мақбул кўрилгонлигини сўзлади. Ман ҳам Закийнинг шу фикриға розилиқ билдирдим. Закий билан биринчи суҳбатимиз мана шу билан тамом бўлди. Бу суҳбатдан сўнгра «Иттиҳоди миллий» учун айрим програм ва печат тузиш масаласи тўхталди. Орадан бир ҳафта-ўн кун қадар ўтгач, Закий томонидан туркистонлик ва бухоро-

ликларнинг қўшма мажлислари чақирилди. Мажлиснинг жойи ҳозир хотирамда йўқ. Фақат бу мажлисга Файзулла-хўжа, Саъдуллахўжа, Мирзақодир, ман, Ҳошим Шоиқ, Закий, Кушбегиевларнинг иштирок этгонликлари хотирамда бор. Яна кимлар бор эканлигини эслай олмайман. Проғрамнинг тафсили, табиий, хотирамда йўқ. Фақат Масқўв билан алоқада Бухоронинг том истиқлолиятини ва Туркистоннинг мухтор сиёсатини талаб қилишга баробар, халқ билан алоқада тамом коммунистик руҳида эканлиги бир оз хотирамда бор. Бундай кенг проғрамма ила ишлаш вақти ҳануз етишмонлиги сабаб кўрсатилиб, проғрам бир оғиздан рад қилинди.

Бухоро ва Туркистоннинг аҳволи руҳиясини ва қуввати диниясини ҳисобга олиб туриб, проғрамни бошқадан тузиш қайтадан Закийнинг ўзига топширулди. Лозим келса, Бухоро аҳолиси тўғрисида Ҳошим Шоиқдан ва Туркистонга жавоби тўғрисида мандан ёки Саъдуллахўжадан маълумот олмоқчи бўлди. Шунинг ила бу мажлис ҳам тамом бўлуб, тарқалишдик. Бундан икки-уч кун ўтгач, Мирзақодирнинг уйига Ҳошим Шоиқ билан Закий боруб, мани ҳам чақирдилар. Бу мажлис палов мажлисдангина иборат бўлуб, яна икки-уч киши бор эди. Уларни хотирлай олмайман. Паловдан сўнгра бошқалар кетди. Мирзақодир ҳам бир мажлисга кетди. Ман, Ҳошим Шоиқ, Закий учовимиз қолдик. Закий проғрам масаласидан сўз очуб, ўз томонидан тузилгон проғрамнинг рад қилингонлига хафалик изҳор қилди, ҳам Жамол пошо томонидан тузилгон «Халоси Ислом» жамиятининг проғрамини сўраб, Афғонистонга бир хат ёзмақ фикрига келганлигини билдирди. Ул чоқларда Жамол пошо Афғонистонда турарди. Кўпрак Ҳиндистон ва Арабистон каби маданиятда тубан қолгон халқларни назарда тутиб тузилгон ўшал проғрамдан фойдалануб, «Марказлар маркази» учун проғрам тузиш фойдали чиқмоғони, Бухоро ва Туркистон ҳам маданиятда Ҳиндистон ва Арабистондан фарқсиз эканлигини сўзлағонда унинг фикрига қўшилдук. Хатни Афғонистонга, Жамол пошога етказиб бериш тўғрисида Бухородаги афгон қўнсулхонасига мурожаат қилиш Ҳошим Шоиқ устига юкланди. Хатни шифра билан ёзуб тайёрламоқни Закий устига олди. Шундан сўнгра Ҳошим Шоиқ ва ман кетдук. Закий шунда ётуб қолди. Эртасига кечқурун Ҳошим Шоиқ ҳам маним уйимга Закий қўли билан Жамол пошога ёзилгон шифрали бир хатни кўтаруб келуб, «шунга сизнинг ҳам қўл қўйишингиз лозим кўрулди», — деди. Хатнинг мазмуни: «Кечаги маслаҳат бўйинча

Жамол пошодан «Халоси Ислом»нинг програми сўралгон», деб хулоса қилиб берди. Хатнинг остида Закийнинг имзоси бор эди. Бунга ман ҳам қўл қўйдим. Ҳошим Шоиқнинг ўзи ҳам қўл қўйдими-йўқми, уни билмайман. Ман қўл қўйгон вақтда унинг қўли йўқ эди. «Шу кун кета тургон киши бор, шундан бериб юбораман», деб олиб кетди. Шифрасини ман билмасдим. Шунинг учун бошдан-оёғ ўқуб чиқолмадим. Фақат баъзи ўрунлари очиқ хат билан ёзилгон эди. Ундан хатнинг Жамол пошога эканлиги очиқ маълум эди. Мана шу воқеалардан ўн-ўн беш кун ўтар-ўтмас, ман ТуркЦИК президиумининг чақируви бўйинча Тошкандга қайтмоққа мажбур бўлдим. Бу миёнда яна бир-икки маротаба «Иттиҳоди миллий»нинг мажлиси деб от қўйиб, йиғилгон бўлдиқ. Мажлисимизда аҳамиятли бир масала кўрилмасдан, қуруқ сўзлар ва жанжаллар билан ўтди. Бухорода тузилгон «Иттиҳоди миллий» маркази юқорида ёзилгон уч кишидан иборат бўлса ҳам, мажлислари ҳамон Саъдуллаҳўжа, Қушбеғиев, Юсуф Алиев, Отахон, Али Расулов, ман каби бир неча кишиларнинг иштироклари ила палов ва норинхўрлик устида ўтарди. Устав, програм деган нарса ҳануз йўқ, мақсад ва маслак ҳануз тайин этилмагон. Тошканд Бухорога, Бухоро Тошкандга итоат қилмайди. Кансалария дафтари ва печат каби нарсалар ҳозирланмагон, қоғозга ёзилгон бирор қарорлари йўқ. Янгидан ҳеч бир аъзо қабул этилмагон. Эски «Иттиҳоди тараққий»нинг Бухорога боруб қолгон аъзоларини ўзларига аъзо санайдурлар, уларни Тошканддаги Марказга итоат қилишдан қайтародурлар. Тошкандга юборуб, Садрхондан печат ва уставни сўрасалар, ул манда йўқ, деб жавоб қайтарадур. Мана, Бухородаги «Иттиҳоди миллий» маркази шу ҳолда экан, ман Тошкандга қайтдим. Ман қайтқон вақтда Жамол пошодан ҳануз жавоб келгани йўқ, Закийга янгидан ёзмоқ учун топширулгон програмнинг битгани йўқ, шунинг учун «Марказлар маркази» ташкил топгани йўқ эди. Мандан сўнгра програм тузилуб, ишлар бир қадар тартибга кирдими, «Марказлар маркази» ташкил этилдими ва қандай йўллар ила ишлади, бундан ҳисоб бера олмайман.

1929 йил, 20декабр

* * *

— Ман Тошкандга қайтқонда 21 йил март ойининг тахминан 17—20-лари эди. Келган кунимнинг эртасига тўғри

ТуркЦИК президиумиға боруб йўлиқдим. Улар мани Маориф комиссарлиғи қошидағи 1-илмий шўрода ишламакка тайин этдилар. 3—4 кунлари бўлса керак. Мусо Бегиев ва Садрхонларни кўрдум. Жамиятнинг устав ва печатларини Бухороға юбормоғонлиғи учун Садрхондан гина қилдим. Садрхон ҳам: «Печат ва устав манда эмас, бошқа кишиларда, улардан олиб бера олмадим», — деб аввалғи жавобни берди, ҳам Мусо Бегиевға қараб кулиб қўйди. У кулишдан шубҳаландим. «Ҳали ҳам бўлса ўтган йўқ, ҳар ҳолда топуб, Саъдуллаҳўжаға юбориш керак. Тошкандда бир вилоят шўъбаси сифатида ишласа бўлардир», — тавсияда бўлиндим. Садрхон бу йўлда ҳаракат масаласини устға олди. Шундан сўнг ман Садрхон билан кўриша олмадим. Чунки эрта-индиндан бошлаб унинг атрофида ҳар турли шубҳалик одамлар — ЧК активлари кўрина бошлади. Олдиға чиқишға қўрқдум. Орадан 3—4 кун ўтгач, 30 март кечаси бўлса керак, қамоққа олиндум. Қамоқнинг сабабларини бир ярим ойлардан сўнгра Юсуфбек ва Каримовлардан¹ тафсилот сўраб англадим.

21-йил биринчи декабрда ман ҳибсдан қутилуб чиқдим. 22-декабрда бўлса керак, уларнинг судлари ҳам бўлуб ўтди. Шундан сўнг ман Эски шаҳар маориф шўъбасига член кўллегия ва Соцвос мудирини бўлуб ишлай бошладим. Уч-тўрт ойғача жамият тўғрисида манға ҳеч ким сўз очмади. 22-йил апрел ёхуд май ойлари бўлса керак, маним олдиға Ақобир Шоҳмансуров келуб, ташкилот ишларининг хануз қимирлаб турғонлиғини ва бунға маним ҳам кириб ишлашим кераклиғини билдирди. Ман унға бундай ишларға аралашинишға ортиқ манда тоқат қолмағонлиғини, шунинг учун ташкилот ишиға мани аралаштирмаслиқларини илтимос қилдим. Бундан бир неча кун ўтгач, Саидносир ҳам мани ишлашға таклиф этди. Унға ҳам аввалғи жавобни бердим. Саидносирнинг сўзиндан жамиятнинг Ақобир Шоҳмансуров тахти раёсатида бир оз ишлаб турғонлиғини ва ишланган ишлари пулсизлиқ ва кишисизлиқнинг орқасидан баъзи бир муҳтож қолғон оилаларға ёрдам беришдан нариға ўтолмай турғонлиғини англадим. Бундан сўнгра размежеваниеға, ташкилот ишлариға билфёъл аралашмадим. Бу ишдан кўзимни кўр, қулогимни қар қилдим. Шунинг учун ташкилотнинг бу давридан муфассал ҳисоб беришға қодир эмасман. Фақат ўзум аралашқон айрим моментларниғина кўрсатуб ўтишға қодирман.

¹ Ориф Каримий кўзда тутилмоқда.

1. 22-йилда ерлик зиёлилар орасинда имло жанжали чиқди. Янги имлочи, ўрта имлочи, лотинчи исмила учга айрилишдиқ. Бу орада имло қурултойи ҳам бўлуб ўтди. Ниҳоят, ҳар уч томон уставга келишуб, ўзаро дўғувор қилишдиқ. Ортиқ имло жанжали орадан кўтарилди. Ушал вақтларда бир қадар нуқсонлиқ маориф ишларини ҳаммамиз бирлашиб йўлга қўйишга ваъда беришдиқ. (Бу догворнинг лойиҳаси маним уйимдан олинғон қоғозлар орасинда, албатта, бўлса керак) ҳам орадағи баъзи жанжалли масалаларни кўчага чиқармасдан, ўзаро ҳал қилиш «Нашри маориф» номида бир жамият туздуқ. Илгарироқдан ишлаб келғон «Кўмак» уюшмасини ҳам шул «Нашри маориф»га бир шўъба сифатида қабул этдук. Ўзаро пул йиғишиб, йиғилғон пулларни бекор турмасин учун «Туркистон» ширкатиға топшура бордиқ. «Нашри маориф» уюшмасида Шокиржон раис, ман муовин, Саидносир ҳазинадор, Комил Алиев саркотиб эди. Аъзоларнинг кўпи Эшонхўжаев, Маннон Рамзий, Охунуф, Муҳиддин Усмонов каби коммунистлардан иборат эди. Саидносир ила Толибжон бу ишнинг моддий томониға ишламак мақсадда олинғон эди. Бора-бора бу уюшма устида шубҳа кўпайди. Гўё бунинг остида иккинчи бир уюшма давом эттириш, деган хабарлар тарқалди. Шунинг учун бу уюшмани тарқатишга мажбурият туғилди. Ҳақиқатда эса, ўлим тўшагинда ётқон икки ташкилотнинг «Нашри маориф» билан ҳеч бир алоқаси йўқ ва унда ишлағонлардан Саидносирдан бошқа киши «Нашри маориф»га аралашмағон бўлса керак, деб ўйлайман. Қисқаси, холис, ерлик аҳоли орасинда маорифни тараққий қилдириш мақсадидағина очилғон «Нашри маориф» уюшмаси икки ташкилотнинг касофатиға қурбон бўлди.

2. 22—23 йилларда ерлик талабалар орасинда Маскўвга, Туркияға, Берлинға боруб ўқушга орзу қилувчилар сўнг даражада кўпайғон эди. Булардан бир қисмини Турк ЦИКнинг таклифи ила турли учреждениялар ўз счетлариға олуб, юборғон ва бир нечаси ўз оталари масорифлари ила кетғон эдилар. Шулар орасиға киролмай қолғон бир неча талабалар ҳамон кетиш орзусида ёрдам сўраб, турли шахс ва учрежденияларға мурожаат қилмоқда эдилар. Буларға ёрдам қилатурғон «Нашри маориф» ва «Кўмак» уюшмалари ортиқ ўлғон эди. Шундан талабалардан бир нечаси Манға ҳам мурожаат қиларди. Ман Бухорода экан, Усмон афанди деган бир турк муаллимининг тахти раёсатида Бухоро ва Туркистон талабаларини хорижға ва Маскўвга юбориб

ўқитиш мақсади «Ўқувчиларга ёрдам жамияти» тузилгонлиги ва бу жамиятнинг анчагина пули борлигини хотирамнинг юқориларида ёзгон эдим. Мана шу пулдан бир неча талабани таъмин этиб бўлмасми экан, умидида Лазиз Азиззода орқали Усмон афандига бир хат ёздим. Ва ундан бир қадар пул сўрадим. Бу хатни 22-йилда ё 23-йилдами, ёзгонлигим хотирамда йўқ. Фақат Лазиз Азиззода йўлда тутуб қолди. Ул хатим Усмон афандига етмади. Шунинг учун ул пулдан фойдаланиш вужудга чиқмай қолди. Шундай кета олмай қолгон талабалардан бирига сўнгроқ вақтда Эски шаҳар вақф шўъбаси бир қадар пул масорифи бериб жўнатди. Бу тўғрида Эски шаҳар вақф шўъбасидан ман ҳам илтимос қилгон эдим. Ул боланинг исми Иброҳим¹ эди. Бундан бошқа хорижга кетгон талабаларнинг ҳеч бирига маним томонимдан на ёрдам ва на маслаҳат берилгон эмас.

3. 23-йил май ёҳуд июн ойлари бўлса керак, бир кун ўртоқ Оржоникидзе ила ўртоқ Элиаваларнинг Тошкандга келганликларидан ва мани чақиргонлиқларидан хабар олдим. Тайин қилингон адресга бордим. Унда Элиава ва Оржоникидзе ўртоқлар ила Обиджон Маҳмудов ва Саидносирларнинг сўзлашуб, кулишуб ўтургонлиқларини кўрдум. Ман ҳам кириб кўришгондан суҳбатга иштирок этдим. Маҳмудов ўзининг маълум тутол сўзлари ила ўртоқларни кулдируб ўтирадур. «Тошкандда бир миллатчи ташкилот бор, деб эшитиладир, шул тўғрими?» — деб ўртоқ Оржоникидзе сўради. Маҳмудов: «ГПУ бизни қистайвериб, қамайвериб йўқ нарсани бор қилишга мажбур этди, ҳозир организатсия бўлмаса ҳам, миллий группа бор», — деди.

«Унинг аъзолари қанча вор?» — деб берилгон сўроққа қарши Маҳмудов: «Бутун ерли халқ ва ҳукумат аъзолари шунинг аъзоси», — деб жавоб берди. Бу жавобга, табиий, ул ўртоқлар кулушдилар. Бу суҳбатда бутун савол-жавоб Маҳмудов ила бўлгонлигидан мажлис бошда-оёғ мутойиба ва кулгу равишда ўтди. Жиддий бир сўз бўлғони йўқ. Мажлис охирида биз ул ўртоқларни Тошканд боғларидан бирига зиёфатга таклиф этдук. Миллий группа аъзоларини йиғиш ва улар билан кўришиш, сўзлашиш шартила улар ҳам қабул этдилар. Кун ва соатлар тайин этилди. Ман шул вақтларда бош вақфдан бир ойга отпуск олиб, Қибрайдағи

¹ Проф. доктор Иброҳим Ёрқин назарда тутилмоқда.

Курунуф боғиға истироҳатга чиқуб, оилам билан шунда турардим. Бу боғни «Туркистон» ширкати ҳукуматдан ижарага олгон эди. Ўртоқларни мана шу боғқа таклиф этдук. Бу зиёфатга ўртоқ Тўрақулов ва Раҳимбоевлар ҳам таклиф этилдилар. Зиёфат кунин ман боғда кутуб турдим. Аввал Маҳмудов ила Саидносир борди. Хизмат учун ёшроқлардан Асадулла, Нажмиддин, Убайдулла қори ва Салимхонлар ҳам қақирилгон эдилар. Толибжон Мусабоев ҳам бормиди-йўқмиди, аниқ хотирамда йўқ. Қисқаси, «Туркистон» ширкатида ишловчиларнинг аксариси боргон эди. Зиёфат масорифини ҳам шул ширкат устига олгон эди. Бир вақт ўртоқ Оржоникидзе, Тўрақулов ва ёнларида яна бир киши етуб бордилар. Афтомобилдан тушар-тушмас, Маҳмудовдан «Миллий группа аъзоларини йиғдингизми?» — деб сўради. Маҳмудов: «Ҳозир йиғилмоқдалар, раисни ўзингиз келтирдингиз», деб Тўрақуловни тақдим этди. Бундан сўнгра ўртоқ Раҳимбоев келди. Ул ҳам аъзолар тўғрисида сўрағонда: «Саркотибимиз мана сиз билан келди», деб ўртоқ Раҳимбоевни кўрсатди. Демак, бу мажлис ҳам аввалдан бошлаб ҳазил ва мутойиба йўлига кирди. Ўтурушгондан сўнгра у «Бутун аъзоларингиз шуларми?» деб ўртоқ Оржоникидзе томонидан берилган сўроққа жавобан Маҳмудов: «Самый активнийлар — мана шулар», — деб ўзи, Тўрақулов, Раҳимбоев, Саидносир ва мани кўрсатди. Сўроқ ва жавоблар ҳазил ва кулгу равишда бўлгонлиқдан бу жавобга ҳеч ким протест қилмади. Меҳмон ўртоқларга ҳам Маҳмудовнинг мутойиба сўзлари эскидан маълум бўлгонлиқдан улар ҳам кулиша қўйдилар. Мана шундай мутойиба йўли ила бошланиб, беш соат қадар давом эткан бу ўтуриш бошдан-охиргача шул равишда ўтди. Ўртоқ Оржоникидзе ила Маҳмудов орасинда мана шундай савол-жавоблар бўлиб:

Ўртоқ Оржоникидзе: «Фарғонадағи босмачилик қачон битар, деб ўйлайсиз?»

Маҳмудов: — Маним министрлигимни тасдиқ этгон кунингиз битадур. Бўлмаса битмайдур.

— Агар битмас экан, бир дивизия аскар юборамиз, Фарғонани теп-текис қиладур.

— Сиз бир дивизия аскар юборсангиз, ман босмачиларни икки дивизияга етказаман...

Ниҳоят, меҳмонлар кета тургон бўлдилар. Кетиш олдидан ўртоқ Оржоникидзе бу суҳбатдан хурсанд бўлгонлиғини баён эткандан сўнгра «Миллий группа» томонидан кон-

кретний бир талабнома ёзиб бермакни сўради. Бунга жавобан Маҳмудов: «Бизда бир мақол бор: «Ошнангдан туя сўра, туя бермаса, бия берар», — деганлар. Шунинг учун биз ҳам сиздан катта нарса сўрамаймиз. Кичикроғини берсанғиз ҳам рози бўламиз», деди. Бунга қарши Оржоникидзе: «Сўраганингча сўрай бермайсанми?» — деб Маҳмудовнинг орқасига қоқди. Шундан сўнг меҳмонлар хайрлашуб жўнадилар. Боғда Тўрақулов, Раҳимбоев, Маҳмудов, Саидносир ва ман қолишдиқ. Улар кеткандан сўнгра биз беш киши ўлтуриб, маълум талабномани ёздиқ. Талабномани Раҳимбоев ёзди, Тўрақулов тузотди. Эртасига Маҳмудовнинг печат қилдириб, «Миллий группа» номидан ўртоқ Элиавага топширилғонлиғини эшитдим.

4. 23-йил, куз фасли бўлса керак, ман Бош вақфда ишлардим. Обидхўжа уезд вақфидида ишларди. Бир кун манга Обидхўжанинг уезд вақфидан тушкан бугдойлардан бир қисмини дафтарга ёзмасдан, ўз фойдасига қолдириб юрғонлиғи тўғрисида хабар етди. Ман Обидхўжани Бош вақфга чақириб, бу тўғрида маълумот сўрадим. Обидхўжа манга: «Баъзи миллий ишлар учун керак бўлар, деб бир оз бугдойни дафтарга ёзмасдан, сақлаб турғонман», деб жавоб берди. «Миллий ишларинг нима?» — деб берғон сўроғимга қарши: «Ўзинғизга маълум, эски ташкилот ишларини ҳозир бир оз қимирлатиб, баъзи муҳтож оилаларга ёрдам бериб турамиз», — деди. Ман унга вақф сармоясининг холис миллий маориф ва маданият ишлари учун таъсис қилинғонлиғидан, бунинг сармоясига хиёнат қилмалиқни, агар хиёнат англашилар экан, Бош вақф томонидан жавобгарлиққа тортилишини баён қилғондан сўнгра дафтарга ёзилмағон бугдойларни тезлик ила дафтарга ёзиб, Бош вақфга расмий суратда ҳисоб кўрсатишни тавсия қилдим. Бу хусусда Саидносир тахминан шундай деган эди: «Обидхўжа бошлиқ бир неча ёшлар бизни ишсизликда айблаб, ўзлари шул ишни давом эттирмакчи бўлдилар. Биз ҳам рози бўлуб, ишдан чекилдик. Фақат булар жамиятни қурол қилиб туrolар».

1929 йил, 20 декабрь

* * *

Октябр инқилоби олдидан «Иттиҳоди тараққий» яшин бир жамият ташкил этилғонлиғини ва унинг низомномасидан баъзи эсимда қолғон моддаларни аввалги қисм-

да ёзгон эдим. Ул низомнома Усмонбек ва Ҳайдар афанди томонидан ёзилиб, ўзбекчага ман таржима этдим. 17-йил охирлари бўлса керак, тараққийпарварлардан бир нечаси маним уйимга йигилиб, Усмонбек тахти раёсатида жамият-ни расман очдилар. Низомнома ўқилуб, тасдиқ этилди. Жамият ишларини олиб бормоқ учун уч кишидан иборат ҳайъати раёсат сайланди.

Раёсат ҳайъатига Усмонбек раис, Ҳайдар афанди раҳбар тайин этилди. Учинчи кишини ерликлардан сайлаб олмақ шул икки кишининг ихтиёрига топширулди. Шундан сўнг биз ҳаммамиз турлиқ ишлар ила банд бўлгонлигимиздан ўз ишимизга киришиб ва шул жамиятнинг раҳбарлиғи остида Октябр инқилобиғача «Уламо»¹ билан курашдик. Дума доираси² ва сўл эсэр вакиллари билан блок ясадиқ. Шунда ҳам сонимиз уламоникига етмас эди.

Октябр инқилобидан сўнг ҳам, бу жамиятдан турли буйруқлар ва раҳбарликлар олиб туришга тўғри келди. Низомнома бўйинча жамият мақсадиға муҳолиф бўлмагон турлиқ фирқаларға кируб ишлашға имкон бор эди. Шу сабаблик бунинг аъзоларидан бир қисми сўл эсэрга, бир қисми бўлшевик фирқасиға кирган. Ман ҳам шулардан бириға кириб ишламак учун Ҳайдар афанди орқали марказдан рухсат сўрагонимда: «Ҳали ҳукуматнинг давоми ишончсиз, сан кирмай тур. Тамом мустаҳкамлангандан сўнгра кирарсан» мазмунида жавоб олдим. Ўзимнинг касбим бўлгон маориф доиралариға кириб ишлай бошладим. Мана шул равишда 19-йил январ воқеасиға шул жамиятнинг раҳбарлиғи остинда ишладим. Бу жамият бир ярим йил қарор муддат давомида Шўролар ҳукуматиға қарши очиқ бир қадам қўймади. Балки ўз мақсади учун энг мувофиқ бир ҳукумат, деб таниди ва шул йўлда таълимот берди. Қилгон ишлари: аъзо кўпайтириш, «уламо» билан кураш, оқларнинг ҳаракатларини текшириш мумкин бўлгонда ҳукуматга тутиб бериш, мактабларини тартибға солиш, келгон асир туркларни боқиш ва турлиқ мактабларға тарқатиб, жойлаштириш каби ишлардан иборат бўлди. Фақат Боку турклар томонидан олингондан сўнгра жамият исмидан «парварон» сўзи йўқолиб, бирдан «Иттиҳоди тараққий» бўлуб қолди. Аввалдан ҳам «парварон» сўзи оз айтилиб юрганлигиндан, бу ўзгаришға ҳеч ким аҳамият берма-

¹ «Шўрои Уламо» жамияти.

² Дума доираси — Тошкент шаҳар думаси назарда тутилмоқда.

ди. Бир куни ман Ҳайдар афандидан бу ўзгариш сабабини сўраганимда: «Бокунни олгон турк ҳукумати бошида «Иттиҳоди тараққий» жамияти турадир. У билан алоқа боғламоқ энгил бўлиши учун жамият томонидан «парварон» сўзи туширилуб қолдирилди ҳам ҳайъати раёсатдан Усмонбек кетуб, ўрнига иттиҳодчилардан Зиёбек ўлтурди», — деб жавоб берди. «Уламо» ила бўлгон кураш 18-йил май ойларига боруб тамом бўлди. Шул вақтгача «Уламо жамияти» томонидан чиқарилатургон «Ал-изоҳ» журнали давом этарди. Буларни расман ёптирмоқ учун тегишлик ўрунларга мурожаат қилиш манга топширилгон эди. Ман бу йўлда ҳаракат қила-қила 18-йил май ойларида миллий кўмиссарият томонидан буларнинг ёпилгонлиқлари тўғрисида декрет чиқартирмоққа муваффақ бўлдим. Оқлар билан курашув тўғрисида ўз бошимдан кечиргон бир мисолни кўрсатуб ўтаман.

18-йилда бир кун маним уйимга Назаруф деган бир киши (рус) келди. Унинг билан аввал ҳам бир-икки мартаба кўришилгон эди. Мандан бир-икки кун туришга жой сўради. «Хўб» дедим, бир-икки кунлик суҳбат орасинда унинг ҳукуматга қарши оқлардан эканлигини англадим. Оқлардан қўлга тушса, ҳукуматга тутиб бериш тўғрисида жамият томонидан берилгон умумий буйруққа мувофиқ бунни тутиб беришга қарор бердим. Ул чоқларда Низомиддин Ҳўжаев Эски шаҳар отряд бошлиғи эди. Унга боруб, маслаҳат қилдим. Қандай йўл билан тутиш тўғрисида план туздук. Ман уни уйдан бошқа ерга кўчирмак бўлиб бир одам қўшиб, шаҳар ичиға жўнатмоқчи ва Низомиддин Ҳўжаев Ҳадрага отряд қўйиб кутмакчи ва маним қўшқон кишим Ҳадрага борғоч, отрядга ишорат билан кўрсатиб танитмоқчи ва шу йўл билан тутмоқчи бўлди. Ҳам шул равишча тутиб бердум. Қисқаси, 19-йил январ воқеасигача бу жамият яшаб келди. Январ воқеасидан сўнгра ҳукуматнинг яшай олишиға ҳаммамизда ишонч ҳосил бўлди. Айрим жамиятни давом эттиришга ортиқ эҳтиёж қолмади. Ман фирқага кирмак учун ҳаракатга киришдим. Ҳайдар афанди орқали Марказга мурожаат қилдим. Ул вақтда Эски шаҳар инқилобий шўросида аъзо бўлиб ишлаб турардим. Январ ойларида жамиятдан тубандағи мазмунда бир баённома олдум: «Бўлшевик ҳукуматининг яшай олишлиғига ортиқ ишонч ҳосил бўлгонлиғи ва жамиятнинг туб мақсади бўлгон ерлик халқни жаҳолат ва асоратдан қутқариш шиорини ҳукумат ила бирлашиб олуб бормоқнинг даҳо энгил ва фойда-

бўлгонлигини назарда тутуб, жамият ўз ишини муваққатан тўхтатади. Сизга ва бошқа аъзоларга бўлшевик партия-сига ишламакка умумий рухсат беради». Мана шундан сўнг жамият побандалигидан қутулиб, фирқага кириб ишлай бошладим. Жамиятнинг бундай тез тарқалишига бошқа сабаблар ҳам бор эди. Аъзолар орасинда итоатсизлик, Туркия ҳукумати энгилиб, иш бошидан «Иттиҳоди тараққий» фирқасининг кетиши, пулсизлик, «марказ»га ишонмаслик каби воқеалар ҳам йўқ эмас эди.

Аъзоларга келганда: биринчи мажлисда иштирок эткан кишилардан букун мандан бошқа ҳеч ким қолмади. Кейин киргонлардан ҳозирда борлари ва манга маълум бўлгонларидан Саъдуллаҳўжа, Отахон, Убайдулла Хўжаев, Муҳиддинқори ва Файзулла Хўжаевни кўрсата биламан. Бутун аъзолари Тошкандда 50 (га) етмаган бўлса керак. Чунки шуҳрати анчагина катта бўлуб кўрингон. Тарқатилгонлиги ёлғиз баъзи аъзоларгагина билдирилгон бўлгонлигидан бўлса керак, тарқатилгондан сўнгра ҳам уни кўб кишилар бор, деб ўйлагонлар. Тошканд тараққийпарварларининг айрим бир байроқ остига йиғилгонлари мана шунинг ила тамом бўлади.

Январ воқеаси ва «Бирлик» жамияти

Январ воқеаси муносабати ила уламо фирқаси такрор кўтарилуб, бир неча соат ҳукумат сурди. Мана шул вақтда уларнинг бутун диққати фирқага киргон-кирмагонлигини суриштирмасдан, тараққийпарварларни қидирмоқ ва қўлга тушгонларини қийнамоқдан иборат бўлди. Бу воқеа тараққийпарварлик ҳаёти бўлшевик ҳаёти ила боғлонгонлигини очик исбот этди. Шу сабаблиқ фирқага кириб улғургон ёшлар ила ҳануз кирагонлари бирга қўшилуб, «Бирлик» жамияти номида бир жамият ташкил этмак лозим кўрилди. Эски шаҳардаги матбаа биносига (ул чоқда штаб эди) уч юз қадар бўлшевиклар, ишчилар ва тараққийпарварлар йиғилуб, мажлис қилдилар. Ҳаммалари бир-бирларини лозим вақтда ҳимоя қилмоққа ваъда беришуб, ўзаро «Бирлик» жамияти номида бир жамият ташкил этдилар.

Бу жамиятнинг бош мақсади ёшларни фирқага жалб этмак ва ҳар эҳтимолга қарши қуроллантируб қўймоқдан иборат эди. Бу жамият ҳам икки-уч йил ишлади. Ёшлардан аксари фирқага киргондан сўнгра жамиятнинг давомига ортиқ эҳтиёж қолмасдан, ўз-ўзидан йўқ бўлуб кетди. Чунки, бу миёнада Маскўвда Мустафо Субҳий ва Мавлавий

Абдираб (русчасида Кабиров — С.А.) деган кишилар «Шарқ озодлиги» номида бир жамиятнинг уставини қўтаруб келиб, Шайх Хованди Тохурда катта бир митинг чоқириб, ҳалиги жамиятнинг очилгонлигини эълон этдилар. Бутун фирқали ва фирқасиз ёшлар, ишчилар бу жамиятга аъзо бўла бошладилар. Бунсиз ҳам оқсаб тургон «Бирлик» жамияти «Шарқ озодлиги»ндан сўнгра ўз ишини йиғмоққа мажбур бўлгон бўлса керак. «Шарқ озодлиги»нинг бутун иши агитатсия ва шўролар обрўсини оширишга жасорат этди. Програмини ўқуб кўрмагонлигимдан унда нималар ёзилгонлигиндан хабарим йўқ. Ул хорижий Шарқ мамлакатлариға таъсир қилиш мақсадида очилгон бир идора бўлуб, унинг бошида Мустафо Субҳий ўтурарди. Идоранинг исми хотирамда йўқ. «Шарқ озодлиги»нинг бутун таъминоти ва раҳбарлиги шўролар идораси қўлида эди.

8-қурултой ва «Миллий группа»нинг «Иттиҳоди тараққий» тарқатилгондан сўнгра Тошканд тараққийпарварлари ва ёшлари кўпайиб фирқаға кируб, Мусбюро раҳбарлиги остинда самимий суратда ишлай бошладилар. Ул чоқларда синфий онг бу кунги каби тараққий этмагон, овруполиклар орасинда ҳам мустамлакачилик руҳи анчагина қувватли. Марказдан келгон Кўбўзев ерлик кўммунистларға раҳбарлик қиладир. Мана шу аҳволда 8-қурултой чақирилди. Қурултойда ерликлар ила овруполиклар орасинда анчагина ихтилоф чиқуб, «Миллий группа», «Актив группа» номи ила қурултой икки группаға бўлинди. Бир томонда — Кўбўзевчи, иккинчи томонда — Казакўвчи бўлиб, яхшигина курашилди. Умумий мажлисларда ерлик кўммунистлар Кўбўзев раҳбарлиги остинда «Активний группа» (овруполиклар Казакўв ва Успенскийлар раҳбарлиги) остинда айрим мажлислар қилишди. Бу вақтларда Оренбург йўли ҳам очилуб, марказдан вакил келди, қисқаси, бу курашда Кўбўзев томони ғалаба қилуб, Казакўвлар енгилди. Раиси жумҳурликка Рисқулов, крайкўм бошиға Саъдуллаҳўжа ўтурди. Марказдан Турккўмиссия бўлуб Элиавалар келди. Ерли кўммунистларнинг руҳи даҳо даража кўтарилуб, ҳамма самимий суратда ишлай бошлади. Фақат ҳалиги қурултойда чиққан «Миллий группа» номи бу составни миллатчи группа қилиб, Маскўвға тонитишға йўл очди. Шул сабаблиқ кўп ўтмасдан, бу составға овруполилар томонидан ҳужум бошланди. Ниҳоят, бу состав бутунлай иш ташлашға мажбур бўлди. Бу составда ишлаб тургон ерли кўммунистларға «рисқуловшина» номи берилуб, қувғин ва «командировка»лар бошланди. Ман шул

чоқларда Наркомпросда член кўллегия ва шунинг қошидаги Турксексиясида раис эдим. «Рискуловшина»лар қаторида ман ҳам ишдан олиндим. «Ташкилот иш бошда» деган сўз мана шундан иборат бўлса керак. Ҳақиқатда ул чоқлар ерлик ишчилар ва қўμμунистлар орасинда ҳеч бир ташкилот йўқ, ҳамма самимий суратда ишга киришгон эди. Табиий, бу қувғин ерлик қўμμунистлардан кўпининг кўнглини овруполиклардан совутқон бўлса ҳам, бутун умидларин марказга боғлаб, марказдан янги Турккўмиссия келишини кутиб ўтира бердилар.

Шарқ қурултойи ва Анвар пошо

Биз шу аҳволда экан, Бокуда Шарқ қурултойи¹ чақирилди. Бу қурултойга Тошканддан фирқали ва фирқасиз вакиллар турли ўрганлардан сайланиб, Геллер деган бир кишининг тахти раёсатинда Бокуга жўнодиқ. Йўлда Геллернинг тўрачилик ва баъзи ҳаракатлари вакиллар ила Геллер орасига анчагина совуқлик солди. Масалан: поездда ўзи ва ёнига олгон Рабинович номли секретаршаси ила учтўрт бўлудалик² таомлар қилдириб берганлиғи, йўлларда поездни тўхтатиб қўйиб, Рабинович ила очиқ далада вакилларнинг кўз олдиларида ўйнашгонлиғи каби ҳаракатлари вакилларнинг раисдан кўнгиллари қолишига сабаб бўлди. Икки ора анчагина бузулгон эди. Бокуга борғоч, митинглар қилиниб, тантанали мажлислар ўтқарилди.

Марказдан юборилгон Стасова исмли хотин киши раҳбарлиғида қурултойнинг очиш планларини туздик. Фрақсия ҳам умумий қурултой учун президиум аъзолари турлик мамлакатга тақсим этилди. Эртасига ўртоқ Зинўвев сўзи ила баробар Анвар пошони олиб келди. Қурултойга Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби турлик чет мамлакатлардан ҳам вакиллар йиғилгон, вакилларнинг руҳлари сўнг даражада кўтаринки, Эрон, Афғонистон ва Туркия мамлакатлари ҳам шўролар ҳукумати эълон этилишига ҳаммамиз ишонгон бир ҳолда эдик. Бутун дохийий ва хорижий мамлакатлар вакиллари ўртоқ Зинўвевни кутиб, Боку вокзалига чиққон эди. Поезд келди. Муסיқалар остида ўртоқ Зинўвев поезддан тушди. Ҳар бир мамлакат вакиллари ила бориб ўртоқларча кўришар ва аҳвол сўрашар

¹Шарқ халқлари қурултойи.

² Блюда.

умидинда эдик. Фақат бундай қилмади. Узоқдан бир таъзим қилгондан сўнгра афтомобилга ўлтуриб, шаҳарга жўнади. Зинўевнинг бу қилиғи вакиллар орасида анчагина гапларга сабаб бўлди. Эртасига фраксия мажлиси қилиниб, президиум сайланди. Фраксия президиумига Тошкандан Рискулов ила ман ўтдим. Умумий қурултой ҳам очилиб, унинг президиумига ман ҳам киргон эдим. Шул сабабли қурултой тамом бўлгунча ўртоқ Зинўев ила бирга ишлашга тўғри келди. Қурултойнинг биринчи мажлиси ғоятда руҳли ўтди. Бутун Шарқ вакиллари томонидан Англтара¹ тантанали суратда жиҳоди муқаддас эълон қилинди. Эртасидан бошлаб мажлиснинг руҳига Анвар пошонинг вужуди таъсир эта бошлади. Масалан, мажлиснинг авж қизиқ вақтларида лоджада тургон Анвар пошонинг олдиға бориб, зиёрат қилиш ва қўлини ўпишлар бошланди. Анвар пошо сўз сўраб президиумға заявление ила сўзлайтургон сўзини ёзиб берди. Бунга сўз бериш ва бермаслик масаласи умумий қурултой ҳам фраксия мажлисини икки кун банд қилди. Охирда унинг сўзини Афандизода мажлисға ўқиб берди. Бу тўғринда президиум мажлисларида ҳам Зинўев ила анча тортишувлар бўлуб ўтди. Анвар пошони бирга олиб келиши, қурултойға йўл бериши, йўл бергондан сўнгра унга сўз бермаслиғи, вокзалда вакилларга ўртоқларча муомала қилмоғонлиғи Зинўевнинг катта хатоларидан бўлуб чиқди.

Четдан келган вакилларнинг аксариятида шўроларға аввалги муҳаббат, аввалги самимият анчагина озайди. Шунинг ила баробар Туркистон вакилларининг ҳам кўнглида Зинўевдан анча олингон эди. Қисқаси, қурултой битди. «Сўвет нарўдов Вўстўка» учун қурултойдан вакиллар сайланди. Ман ҳам шул вакиллар жумласидан эдим. Туркистондан боргон қўммунист вакиллар ўртоқ Рискуловдан иш ташлашгонлиғи тўғрисида дўклад сўради. Ўртоқ Рискулов Зинўев ҳузурида ўткан воқеаларни дўклад қилди. Ўртоқ Зинўев таклифи ила мажлис Рискулов маърузасини ҳақли топиб, мажлис номидан Маскўвға вакиллар сайлади. Бунга Рискуловнинг ўзи ила Жўрабоев сайланиб, улар Маскўвға кетдилар. Биз ҳам Тошкандға қайтдик.

Бокуда эканман, Анвар пошо ила икки мартаба кўришдим. Биринчиси, қурултойнинг учинчи мажлисига бориб

¹ Англтара — Англия.

президиум устолида ўтирғон эдим. Мажлисга ҳануз халқ тамом йиғилиб етмаган ва президиум аъзоларидан ҳам икки-уч кишидан ортиғи йўқ эди. Шул вақтда Анвар пошо қўлида бир заявление ила сўйлайтурғон сўзи ёзилғон қоғозни келтириб берди. Орада бошқа бир сўз бўлмади. Ман ул заявление ила нутқни ўртоқ Зинўвев келғондан сўнгра унга топширдим. Иккинчиси, денгиз бўйидағи бир бинода Доғистон ва Қофқаз вакиллари турарди. Туркистон вакилларида бир нечамиз шунда турғон эдик. Бир кун шул бинога Анвар пошо келуб, Доғистон вакиллари ила арабча сўзлашиб турғонлиғи тўғрисида хабар олдиқ. Устки қаботда биз ҳам йиғилишиб турдик. Бизнинг олдимизга ҳам чиқиб, 15 минут қадар суҳбатлашди. Бунда бутун сўзлағон сўзи «Шарқ халқлари учун энг фойдалиқ бир ҳукумат Шўролар ҳукумати, бунинг қадрини билиш ва қувватлаш керак. Бунинг даврида болаларинғизни кўбрак ўқутинг» каби тарғиботдан иборат бўлди.

Закий Валидий ила бир мартаба кўришдим. Ул қурултойга гапирмак тўғрисида бир заявление ёзғон экан. Шуни Зинўвевга топширишимни илтимос қилди. Ман бу ишни устимга олмадим. Сўнгра заяв�ениесини Жонузоқов орқали Зинўвевга берғонлиғини, Зинўвев жавобсиз қолдирғонлиғини эшитдим. Шунинг ила Тошкандга келдиқ. Шул вақтда Тошкандда фирқа ила шўро қурултойлари давом этарди. «Сўвет нарўдов Вўстўка» мани қурултойлариға вакил сайлаб, телеғром юборғон эди. Раисимиз бўлғон Геллер қурултойға кириб, Шарқ қурултойи тўғрисида маъруза қилди. Шул маърузасида вакиллар ила йўлда бўлғон воқеалар ва совуқлиқларнинг бутун айбини вакилларға юқлаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатғонлиғи, вакилларни умуман миллий уклон ила айблағанлиғи эшитилди. Шунинг учун бўлса керак, Бокудан келғон телеғромни қурултой вақтида манға бермасдан, ман Бухороға кетғонимдан сўнгра Бухороға юбордилар.

Бухоро воқеалари

Биз Бокуда экан, Бухорода инқилоб бўлуб, амир ҳукумати йиқилғон ва ёш бухороликлар ҳукумат бошиға минган эди. Бул чоқларда Туркистон ишчилари орасинда гуруҳбозлик жуда тараққий қилғон ва қайси группа иш бошиға минса, аввалғисини Хоразм ва Туркменистон каби узоқ жойларға кўмандирўвка қилиш одат ҳукмиға кирғон эди. Биз буни ўзимизча «пўчўтний висилка», деб атар эдик.

9-қурултойда Рисқулов группаси тамоман йиқилиб, Тўрақулов группаси устга чиқди. Биз «рисқуловшина»лик ила айбланиб, кўмандирўвка қилинишга маҳқум эдик. Шунинг учун Боқудан келгонимдан сўнгра мани Маориф кўмиссари Шоҳидахмадиев чақириб, Бухоро маориф кўмиссарлиги ихтиёрига кўмандирўвка қилди. Октябр 20 лари бўлса керак, ман Бухорога кетдим. Бухоро маориф кўмиссари Қори Йўлдош мани ўзига член кўллегия қилиб, бутун Бухоро авқоф ишларини ташкил ва идора қилиш хизматини устимга юклади. Ман бу вазифани устимга олгонимдан сўнгра Октябр охирида Тошкандга келиб, оиламни олиб кетдим. Ҳам энг шимариб ишга киришдим. Шу ишда тўрт ярим ой ишлагонимдан сўнгра 21-йил майнинг¹ 20 лари бўлса керак ТуркЦИК президиуми мани Тошкандга чақиртириб, Маориф кўмиссарлиги қошидаги Илмий шўрога аъзо тайин қилди. Тошкандга қайтгонимдан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмасдан, 31 мартда бир қанча кишилар ила баробар ҳибсга олиндим.

Бухорода эканман, кечиргон воқеаларим тубондагилардан иборатдир:

1. 20-йил Октябр байрами муносабати ила Арк олдиға майдонда катта митинг бўлди. Шу митингда ўртоқ Куйбишев бўлса керак чиқиб, нутқ сўзлагондан сўнгра Бухорони мустақил Халқ Жумҳурияти бўлиб марказ томонидан расман тан олингонлигини тантанали суратда эълон этди. Ундан сўнгра Мирзақодир Муҳиддинов чиқиб, Бухоро истиқлолининг ёдгори учун ҳалиги майдонга «Истиқлол майдони» деб от қўйилгонлигини эълон қилди. Қисқаси, ундан сўнгра Файзулла Хўжаев ва бошқалар бирин-бирин чиқишиб, Октябр байрами ила Бухоро истиқлолини табрик этишдилар. Мана бу мажлисдан сўнгра ёш бухороликлар орасинда «истиқлол» сўзи кўпрак сўзлана ва истиқлол руҳи кучая бошлади.

Туркқўмиссиясининг Бухоро ишлариға кўбрак аралашгонлигиға баъзи Бухоро ишчилари орасинда норозиликлар ва «Бу инқилобми? Истиломи?» — деб бир-бирлариға сўроқ беришлар кучая берди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Бухорога Туркқўмиссия аъзоси Сафарўв борди. Ревкомга мани чақириб, Бухоро ишчилари аҳволидан сўради. Бу мажлисда Сафарўв, бош кўмондон Зинўвев, ман ҳам таржимон сифат ила Еникеев бўлди. Сафарўв мандан Бухоро

¹ Тўғрироғи, мартнинг.

халқи ва ишчиларининг инқилобга қандай қарашлари, Шарқий Бухорода халқнинг амир тарафига нима учун тўпланиши тўғрисида саволлар берди. Ман ҳеч бир яширмасдан, Бухоро ишчилари орасида истиқлол руҳининг сўна боргонлигини ва бир-бирларига: «Инқилобми? Истиломи?» деб сўроқ бера бошлагонларини ва Шарқий Бухородаги баъзи отрядларнинг масжидларга от бойлаш, халқнинг мол-мулкига тегиш каби ҳаракатлари қора халқнинг амир томонига тўпланишига сабаб бўлуб тургонлигини очиқ айтдим. Шундан сўнг ревком аъзолари йиғилиб, мажлис очилди. Сафарўв Бухоро ишчилари ва ҳукумат аъзоларини яхшигина сўкиб олди. Сафарўв кетгонидан сўнгра Бухоро ишчилари ўзаро йиғилиб, Маскўвга: «Агар ўртоқ Сафарўвнинг бундай ҳаракати тўхтатилмас экан, биз ҳаммамиз ҳукуматдан истеъфо қиламиз» мазмунида ультиматум берганлари ва орадан бир неча кун ўтгач, Маскўвдан: «Бундан сўнг Сафарўв Бухоро ишига аралашмайди. Ўз ишларингизда давом этинг» мазмунида телеграм келганлиги эшитилди.

Мана бу воқеадан сўнгра Бухорода ишлаб тургон турклар раҳбарлиги остинда «Истиқлоли Бухоро» номида бир жамият ташкил этилгонлиги англашилди. Бунинг туб мақсади тўғрисида шул жамиятнинг бошлиқларидан саналгон Ҳошим Шоикдан сўрагонимда: «Бухоронинг инқилоб ва истиқлолини ҳимоя қилиш ва кўммунизм номидан ҳозирда иш кўриб бўлмайтургон Шарқий Бухоро ва қишлоқларда шул жамият номидан иш кўруб, халқни инқилобга яқинлаштириш» деб қисқагина жавоб берган эди. Аъзолари тўғрисидаги саволимга: «Бухоронинг инқилоб ва истиқлолини севган ҳар бир бухоролик шунинг аъзоси саналадур» деб мажмал жавоб берди.

2. Усмон афанди дегон бир турк муаллимининг тахти раёсатида Туркистон ва Бухоро ўқувчиларига ёрдам жамияти тузилди. Бунинг мақсади Туркистон ва Бухородан Маскўв, Туркия ва Ўрта Оврупога шогирдлар юборуб, ўқитмоқдан иборат эди. Ман Тошкандга қайтар олдимда бу жамиятда анчагина пул йиғилгон эди.

3. Бухоро инқилобидан уч-тўрт ой ўтгач, Бухоро ишлари ила Туркистондан уларга ёрдам учун боргон ишчилар орасига бир қадар совуқлиқ туша бошлади. Хусусан, Саъдуллаҳўжа Бухоро Марказий фирқа кўмитасига ўртургондан сўнгра бу совуқлик кучая борди. Бухоро ишчилари орасида «Туркистонликлар Бухорони кўлўния қилиб олди,

ўзимизда киши бўлатуриб, нима учун фирқа бошида туркистонлик ўтурадур?» дегувчилар ҳам йўқ эмас эди. Мана бу чоқлар Бухоро ишчиларининг ўзлари, Туркистон ишчиларининг ўзлари айрим-айрим йиғилишиб ўлтурар, Сафарўвнинг тактикасидан «рискуловшина»га бўлгон гўне-ниядан, қўмандирўвқалардан шикоят қилишар, Туркистонга янги ТуркЦИК тайин этилишини ва Рискуловнинг Туркистонга қайтадан келишини орзу қилишар эдилар.

20-йилни шу аҳволда кечириб, 21-йилга ўтдик. Ҳалиғи шикоятлар, ҳалиғи йиғилишлар давом этди.

Табий, ул вақтларда ерлик ишчиларда синфий онг ҳануз уйғонмагон, фирқанинг миллий масала тўғрисидағи фикрига яхши тушунилмаган, шунинг учун миллий масалада ерлик қўммунистлар ила фирқасизлар орасидағи фарқ жуда оз эди. Ўзларини «натсўналная группа» деб аташлариға фирқалиларнинг ҳеч бирлари прўтест қилмайдургон даражада онгсиз эдилар. Ҳалиғи йиғилишиб ўлтурушлари бухороликлар орасида ва бошқаларға туркистонликлар кўмитети миллий группасининг йиғини бўлуб ишласа ҳам бунға кўп аҳамият бермас эдилар. Шу 21-йил январ охирларидан эътиборан, туркистонликлар ва бухороликлар орасида «Иттиҳоди миллий» жамиятининг исми эшитила бошлади. Бу хабар бошда Тошканддан Бухороға янги боргон ишчилар оғзидан торқолгонлиғини англашиллар эди.

Феврал ўрталарида бўлса керак, Тошканддан ман бир хат олдим. Хат туркча ёзилгон, остида имзо ўрниға «Миллий иттиҳод Марказий умумияси» дегон сўз ёзилгон. Хатнинг мазмуни тахминан шундан иборат эди: «Мувақатан тўхтатилгон «Иттиҳоди тараққий» жамияти ташкил этилгон. «Иттиҳоди тараққий»ға берган ваъданғизға мувофиқ унинг мақоми бўлгон бу жамиятнинг ҳам аъзоси саналасиз...»

Мани ҳали бу кунгача фалокатдан-фалокатға судраб юргон нарса ушбу мактубдан иборатдур.

24-йилғи мажлис тўғрисида хотирамға келгонлари мана шулардур:

24-йилда Убайдулла Хўжаевнинг Маскўвдан келиши муносабати ила бир зиёфат ясалмоқ лозим бўлди. Бу мажлисға Хўжаевнинг ўз таклифи бўйинча ишончлироқ кишилардан чақирмоқ ва хилватроқ ўрунда қилмоқ мувофиқ кўрилди. Шунинг учун Саидвалининг уйи интиҳоб этилаётган бўлса керак. Мажлисда Хўжаевдан бошқа Саидносир, Эргаш, ман, Саидвали ва Шаҳобиддин эшонларнинг

бўлгонлиги бир оз эсимда бор. Бошқаларнинг кимлар эканлигини аниқ хотирлай олмайман. Мажлисга Хўжаев ўзининг Русияда кечиргон беш-олти йиллик умридан, турмаларда ётиб, касал бўлғони ва ҳеч ким хабар олмоғонлиги, охирда ўртоқ Сталиннинг ёрдами ила Илёс Алкин дегон киши билан турмадан қутулгонлигини ва ҳукумат томонидан квартир ва овқат билан тайин этилгонлари, сўнгра ўзи квартир ва иш топиб, ишлаб кетгонлиги тўғриларида муфассал сўзлаб, маълумот берди.

Бу вақтларда эски жамиятлар ва унинг қолдиқлари тамом тарқалиб битган ва бу тўғрида ўйлайтургон киши қолмоғон эди. Хўжаев масалани бу нуқтага кўчириб, одатда бир жамият торқолгондан сўнгра унинг тўғрисида қомолгон, висилка бўлгон ва қочқон кишиларнинг ўзлариға ва муҳтож қолгон оилаларға ёрдам бериш лозим келадур. Шул сабабли биз ўз орамиздан бир ёрдам кўмиссияси ташкил этмагимиз керак, деган таклифни ўртаға ташлади. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлуб, мажлис анчадан ёрдам кўмиссияси сайлангонлигини бир оз хотирласам ҳам, кўмиссияға сайлангон кишиларнинг шахслари хотирамда йўқ. Бу кўмиссия сайланғач, қолиб кетди. Ишлай олмадим. Чунки таклифни маъқуллағон кишиларнинг ҳеч бири ёнидан бир юз, ярим юз сўм пул чиқариб бера олатургон кишилар эмас эди. Фақат Саидносир «Туркистон ширкати» номидан Садрхон оиласиға икки-уч ёрдам қилгонлигини Садрхоннинг хотини орқали эшитдим. Шу мажлисда Чинға қочгон Садрхонға қандай ёрдам етказиш масаласи ҳам ўртаға тушган эди. Бу тўғрида ўшал чоқдағи афгон қўнсули маним устимға юкланди. Фақат пул бўлмағонлигиндан афгон қўнсули ила кўришиб, тонишишни ман ҳам лозим топмадим. Ул чоқлардағи афгон қўнсулининг ким эканлигини хотирлай олмайман. Қисқаси, йўл пул устидан берилган қарор ва сайлангон кўмиссия ҳеч нарса ишлай олмасдан, тарқалиб кетгонлигини қатъий айта биламан.

1929 йил, 10 декабр

* * *

24-йилда бўлса керак, Убайдуллахўжа, ман, Қочқинбоев, Дўстмуҳаммедов Халил бир рестўранда ўтириб, обед қилгонлигимизни эслайман; қайси рестўранда эканлиги хотирамда йўқ; орамизда ичкулик ҳам бор эди. Мусохаба

орасинда қозоқ ва ўзбек (Чўқаев, Садрхон) эмигрантлар тўғрисида сўз очилди. Бу кунгача уларга ёрдам берилмаганлиги тўғрисида қозоқ ва ўзбек зиёлиларини ва шул қаторда ўзимизни айблаган бўлдук. Қозоқ зиёлилари Чўқаевга, ўзбек зиёлилари Садрхонга ёрдам бериш керак, деган бир фикрга келгонлигимизни бир оз хотирлайман. Бошқа сўз хотирамда йўқ. Ўтирганларнинг 4-Дўстмухаммедов ёхуд Тинишбоев эканлигида ҳам бир оз шубҳам бор. Аммо Дўстмухаммедов бўлиши яқинроқ эҳтимол.

24-йилда Эргашнинг уйдами, бошқа жойдами, аниқ хотирамда йўқ, бир йиғин бўлгон. Бу йиғиннинг мақсади жамият ишлари тўғрисида қамолгон ва қочқон кишиларнинг оилаларига ва ўзларига ёрдам бермак учун қандай қилиб пул топиш масаласи бўлса керак. Чунки шундан сўнгра ҳар даҳадаги савдогарлардан иона тўпламоқ учун бир неча кишидан иборат кўмиссия тuzилганлиги бир оз хотирамга келуб ўтадур. Фақат йиғинга кимлар иштирок этганлиги бир томонда турсин, ўзимнинг иштирок этганлигимни ҳар қанча ўйласам ҳам эслай олмадим. Кўмиссия пул тўплай олди ва қанча тўлади? Бу манга маълум бўлмай кетди. Бундай ишлар кўпинча Саидносир қўли ила ишланарди. Садрхон оиласига Туркистон ширкати томондан берилган ёрдамнинг шу пулдан бўлишлиги яқин эҳтимол. Аммо ўзига бу пулдан ҳеч нарса юборилмагон. Ўшал вақтларда Саидносир оғзидан: «Жамият аъзоларини тозалаб, қайтадан тузсак бўларди!» деган сўзни бир маротаба эшитгонман. Фақат бу сўз орзу тариқасидагина айтилгон сўз бўлуб, амалга ошмагон. Тангрикулхожи уйида мажлис бўлгонлигидан қатъиян хабарим йўқ ва унинг уйини бу кунгача кўргон эмасман. Аммо боғига икки-уч мартаба ўйнаб боргонман. Унда ашула ва мусалласхўрликдан бошқа нарса бўлгон эмас.

Муҳиддин қорининг¹ Сарихумдон маҳалласидаги ҳовлисини умримда кўргон эмасман. Аммо Миёнбузрук сафардан қайтқон чоқларда Муҳиддин қорининг Қошиқчилик маҳалласидаги боғига зиёфатга бордим. Йили хотирамда йўқ. Унда Аҳмадхўжа ҳаким, Маҳмадхўжа муфти ва бошқа бир неча кишилар бўлгон. Мажлис эса Миёнбузрукнинг саёҳат хотираларини тинглаш ва тахта ўйнашдан² иборат бўлгон. Жамиятга ва сиёсатга оид бошқа турли бир гап сўзлагон эмас.

¹ Сўз Муҳиддин қори Шарафиддинов устида бормоқда.

² Яъни, шахмат.

Эшонкул додхоқ мадрасасинда бир мажлис бўлгонлигидан маним асло хабарим йўқ. Ундоғи курсда Муродхўжа мудир эди. Маним ҳам ҳафтасига уч-тўрт дарсим бор эди. Шунини бериб кетар эдим. Бир мартаба унда имтиҳон мажлисда ҳозир бўлуб, умумий шоғирдлар ила баробар расм олдиргонмиз.

1929 йил, 11 декабр

«Иттиҳоди тараққий» аъзолари

«Иттиҳоди тараққий»га аъзо олмоқ усулини ман аввалги хотираларимда ёзгон эдим. Шунинг учун унга аъзо бўлгонларнинг кўпчилиги манга маълум эмас. Манга турли йилларда (бирга ишлаш, бошқалардан эшитиш) билан маълум бўлгонлардан тубандағи шахсларни кўрсатаман: Усмонбек, Ҳайдар, Садрхон, Усмонбекдан сўнгра Юсуф Зиёбеклар «Маркази умумий»га аъзолар эди. Ман, Саъдуллахўжа, Отахон, Саидакрам, Миёнбузрук ва Убайдулла Хўжаевлар жамиятнинг фаол аъзолари саналар эдик. Булар орасинда Убайдулла Хўжаев ул вақтларда Тошкандда жуда оз вақт бўлгонлигидан жамият ишлариға жуда оз ара лошқон. Миёнбузрук ҳам кейинги вақтларда сафарға кетиш ҳаракатиға тушуб, жамият ишларидан узоқлашқон. Булардан бошқа жамиятға радовой аъзо бўлуб кирганлардан: Муҳиддин қори, Файзулла Хўжаев, Тангрикулхожи, Қушбегиёв, Норбўтабеков, Зокиржон, Юсуф Алиев, Мусахон Миразимов, Лазиз, Зухурхожи Шамсихўжаев, Саидкамолхон домудла, Фарид Тоҳирий, Саидносир, Шаҳобиддинхон, Эргаш, Саидвали, Қудратулла қори, Қажум Рамазон, Салимхон, Авлоний, Саид Аҳрорий, Эшонхўжа Хоний, Башуруллахон, Абдулҳай Тожи, Нажмиддин, Мирҳабиб, Салоҳиддин Хўжаевларнинг жамиятға олингон ёхуд олинмоқчи бўлгонлиқларини турли вақтларда Зиёбек ёхуд Ҳайдар афандидан эшитгонлигим бир қадар хотирамда бор. Булардан бошқа яна кимлар олингон — эшитмаганман ёхуд эшитгон бўлсам-да, букун хотирамда қолмогон.

«Бирлик» жамияти аъзолари

«Бирлик» жамиятиға, табиий, юқорида ёзилгон «Иттиҳоди тараққий» аъзоларининг аксарияти деярлик киргон. Булардан бошқа ўшал чоқларда ҳукумат ишлариға оро-

лашиб юргон кўммунист ва ишчиларнинг аксари ёзилгон. «Бирлик» жамиятини тузмак учун йигилган мажлисда уч юздан зиёда киши бўлгонлигини ва уларнинг барчаси ҳам «Бирлик» жамиятига аъзо бўлуб киргонлигини бир қадар биламан. Фақат уларнинг шахсларини эслай олмайман.

«Иттиҳоди миллий»нинг аъзолари

«Иттиҳоди миллий» жамиятининг бошинда тургонлар «Иттиҳоди тараққий»га мансуб кишиларнинг ҳам 8-қурултойдаги «Миллий группа»да иштирок этгон қурултой вакилларининг барчасига, истасин-истамасин, ўз аъзоси саналгонлигини юқорида ёзгон ва бутун кишилари шундай ва провокатсиядан иборат бўлгонлигини баён этган эдим. Шунинг учун бунга «Иттиҳоди тараққий» аъзоларидан бошқа яна кимларни олгонлиқларини очиқ кўрсатиш жуда қийин. Фақат бу жамиятнинг марказини Бухорога кўчириш ҳаракатиға тўшуб, Бухорода йигилиб, мажлис қилиб юргонларниғина кўрсата бераманки, улар: Саъдуллаҳўжа, ман, Али Расулов, Юсуф Алиев, Отахон ва Қушбеғиевлардан иборат эди. Буларнинг унда нима ишлар қилгонлиқларини юқорида тафсилан кўрсатгонман.

1930 йил, 6 январ

* * *

«Манфаати шахсиялари йўлида ишлайтургон кўринадурлар, атрофида яна кимлар бор?» — дегонимда, ўз акаси «Мансурхўжа ва Салимхонлар борға ўхшайди», — деб жавоб берғони ва «шул фалокатни энди тарқатиб қўя қолса бўлар эди», — дегонимда «Ман ҳам шул фикрга келгонман ва уларға шуни айтмакчи, сўзимни қабул этарларми, йўқми?» — мазмунида жавоб берғанлиғи бир оз хотирамға келди. Ташкилотнинг Обидхўжа қўлида ўйинчоқ бўлгонлигиндан шундан бошқа маълумотим йўқ.

23-йил охирларида бўлса керак, ман Бош вақфдан чиқиб, шаҳарға тушиб кетмакчи эдим. Афгон қўнсулхонаси томонидан маълум Мансурхон билан бир паст бўйлик, кичкина, ёшроқ йигит келаверди. Мансурхон билан саломлашдим. Мансурхон мани ул йигитға қўнсул муовини ёнида саркотиб бўлуб, қўнсул йўқ бўлгонлиғи унинг учун вазифасини бажариб турар экан, маънони англадим. Уч киши пиёда Ўрда охириғача сўзлашиб кетдик. Кўбрак сўзимиз

вақф ва маориф ишлари ва уларнинг қандай йўлга қўйила боргонлиги устида борди. Ул йигит Афғонистон аҳволидан ва Миёнбузрук ва Жамол пошолар ила яқиндан таниш бўлгонлигин гапиргандан сўнг ерлик зиёлилар орасиндаги миллий жамиятлардан сўради. Ман унга илғари шундай ишлар бор бўлса ҳам, ҳозир ўлган ҳисоб, деб жавоб бердим. Сабабини ман: «Миллий жамиятлар учун, биринчидан, миллий сармоя керак, иккинчидан, фаол ишловчилар керак, бизда буниси ҳам йўқ ва бундай ишларда моддий ёрдам бератургон қўшни давлат ҳам йўқ», — деб жавоб бердим. Бу сўзим унга огир туюлди ва бир оз қизаруб: «Агарда ерлик зиёлилар томонидан миллий жамиятларга моддий ёрдам сўраб кўнсулхонага ариза берилган бўлса, кўнсул уни Кобулга юборарди. Балки Кобул бир қадар ёрдам қилгон бўларди. Бу кунгача бундай ишлар тўғрисида кўнсулхонага мурожаат қилгон киши кўринмайди. Бунинг учун қўшни давлатлардан шикоят қилишга уриниш — айб ўзингизда», — деган мазмунда жавоб берган эди. Бундан сўнгра ман ул йигитни кўрмадим. Кўнсулми, муовинми эканлигини билмадим. 25-йилда на Фулом Набихонни ва на Муҳаммад Валихонни ва на Маскўвга кетатургон бошқа бир афгон маъмурини кўрмадим. Бундай кишиларнинг Тошкандга келгонликларини эшитганим ҳам йўқ. 24-йилда Убайдуллаҳўжа келгондан сўнгра бўлгон мажлисларнинг бирида ман ҳалиги афгон йигити ёхуд кўнсули билан бўлгон мусоҳабани ҳикоя қилгон бўлсам керак. Саидвалининг уйидами, Эргашнинг уйидами, қаерда сўзлаганилигимни хотирлай олмайман. Фақат Афғонистон ҳукуматидан аввалдан охиригача бир тийин ёрдам олинмагонлигини аниқ айта оламан.

24-йилда Убайдуллаҳўжа келганидан сўнгра бўлгон икки мажлис тўғрисида ёзиб бергон маълумотим бор. Ул маълумотни сўнг даражада кучланиб ёзилгонлигиндан тўғрилигига ўзим ҳам ишонмайман. Шунча ўйласам, хотирамга яхши келмайдир. Фақат у мажлисларнинг бирида Хўжаевнинг Русияда кечирган ҳаёти тўғрисидаги дўкладини эшитгонлигим ва зарардийдаларга ёрдам фонди ташкил этмак (оборот) учун комиссия сайланмоғлиги, ҳар даҳадаги савдогарлардан йиғилган ёрдам юз минглиги, шул жумладан, Муҳиддиновдан ҳам бир миқдор ёрдам олингонлиги ва пулларни «Туркистон» ширкатиға топшируб, унинг фойдасидан зарардийдаларга ёрдам беруб туриш муносиб кўрилганлиги бир қадар хотирамга келиб ўтадир. Қанча ёрдам

йиғилган ва қандай ўринларга сарф қилинган? Буниси манға маълум эмас. Бу пулдан на Садрхонға ва на бошқа қочоқларға бир тийин ҳам юборилгани эшитилгон эмас. Фақат Садрхоннинг, Лазиз Азиззоданинг ва Абдуллажоннинг оилалариға бир қадар ёрдам берилиб турулгонлиғи эшитилган. 24-йилда йиғилган ҳар икки мажлис ҳам эски тараққийпарварларнинг энг ишончлилари чақирилиб, Садрхон томонидан «Миллий иттиҳод»ға олинган аъзолардан ҳеч бири чақирилмагон эди. Чунки уларнинг аксарига ишонч қолмагон эди. У мажлисларнинг ҳеч бирида ташкилотни янгидан тузиб, давом эттириш масаласи кўзгалмагон бўлса керак. Чунки йиғилгонлардан манинг хотирамда қолгонларининг барчаси деярлик ундай ишлардан зериккан, тўйгон ва ташкилотдан бир фойда чиқмаслиғиға ортиқ ишонган кишилар эди.

24-йилда размежевание масаласи кўзгалди. Бу масала газеталарда ёзила бошлагондан сўнг қаерда сиёсатдан бир оз хабари бор икки-уч киши ўтурса, размежевание масаласи устида ўзича фикр ва мутолаа юритарди. Бу масалаға фирқали бўлсин, фирқасиз бўлсин, бари бир ерлик зиёлларнинг кўпроғи яхши қарамас эди. Маскўвнинг бу сиёсати Бухоро билан Хоразмни ҳам эзиш учун деғувчилар бўлғони каби, Туркистонни майда парчаларға бўлишни ва Англтаранинг Ҳиндистонни майда рожалиқларға бўлиб идора қилишға ўхшатувчилар ҳам йўқ эмас эди. Бухоро зиёллари орасида Бухоро ва Хоразм истиқлолининг йўқолишиға ачинувчилар, қозоқ зиёллари ичида Қозоғистон ва Қирғизистондағи ортиқча ерлар келажакда муҳожирлар ила тўлдирилишидан кўрқувчилар анчағина эдилар. Ва Туркистон зиёллари эса келажакда завод ва фабрикалар ила кураша олмасдан, бутун қустарларнинг ҳам деҳқончилик ила кун кечиришға мажбур бўлиши ва хусусий савдо этиб, савдо-сотиқ ила машғул бўлгонлари учун ҳам ер кўпроқ бўлиши, ҳолбуки, Ўзбекистонда мавжуд ер келажакда умуман, деярлик деҳқончилик ила кун кечиришға маҳкум ўзбек халқи учун кифоя қилмаслиғи ва бунинг орқасида ерлик халқ орасида ишсизларнинг кўпайишидан кўрқар эдилар.

Ирригация орқали ернинг кўпайтирилиши, завод ва фабрикалар очилиб, ишсизларнинг таъмин этилиши мумкин бўлса ҳам, бундай катта ишлар тездан вужудға чиқишиға ишонмас эдилар. Шунинг ила баробар размежеваниенинг аксарияти ўтроқ ва пахтакор деҳқонлардан иборат

бўлгон ўзбек халқи учун маданий ва иқтисодий жиҳатдан Қозоғистон ва Туркистонга қараганда ортиқроқ фойда келтириши ва тезроқ ўсишини ҳам иқрор этар ва бунинг ила бир-бирларини овунтирар эдилар.

«Модомики, Туркистонда размежевание қилиш Марказқўм томонидан лозим топилди, бу ишни, албатта, вужудга чиқарадир. Бунинг учун ҳар бир фидокорликка тайёр. Шул сабабли бунга қарши сўзлаш ва ишлашнинг фойдаси йўқ. Энг яхшиси, бу ишнинг фойдалиқ томонларини ўйлаб ва сўзлаб, олқишлай беришдан бошқа чора йўқ». Мана бу сўнғги фикр ҳам ўшал чоқларда зиёлиларнинг кўпчилиги оғзидан эшитилиб, мақбул кўрилиб юрилган фикрлардан эди. Шу вақтларда ўртоқ Бельский мани чақириб, бир неча савол берди. Ман ўзбек зиёлиларининг размежеваниени ёқтирмаслиқлари ва унинг сабабларини ҳеч бир яширмасдан, очиқ айтдим. «Размежеваниега қарши ўзбек зиёлилари томонидан бирор воқеа чиқиши эҳтимоли борми?» мазмундаги саволга: «Бирор воқеа чиқиш эҳтимоли йўқ», — деб қатъий қилиб жавоб бердим. Ман бу жавобни ҳалиги кўпчилик оғзидан эшитиб, мақбул кўрилиб юрилгон сўнғги фикрға суялиб айтган эдим. Узимнинг қаноатим ҳам шул эди. Ҳақиқатан ҳам, зиёлилар томонидан размежеваниега қарши бир ҳаракат кўрилмади ва эшитилмади. Размежевание каби катта бир ишни ҳукумат тамом тинчлиқ ва шодлиқ ила амалга оширмоқға муваффақ бўлди.

Ўшал суҳбатда ўртоқ Бельский томонидан ерсизликка қарши ирригация, ишсизликка қарши завод ва фабрика очишлар билан чора кўрилиши ва бу ишнинг Ўзбекистон учун кўп фойда келтириши тўғрисида сўзланилган сўзларининг тўғри чиқонлигини амалда ҳам кўриб турибман.

Ушбу 24-йилдан эътиборан ўзимда сиёсий ва идоравий ишларга истейдод ва қобилият йўқлигини англаб, ёлғиз муаллимлик ва китоб ёзиш ишлари ила умр кечирмоқға қарор қилдим.

Ташкилотларнинг тузилиши, мақсад ва маслаги

1. «Иттиҳоди тараққийпарварон» жамияти. Бу жамиятнинг феврал инқилоби даврида «Уламо» ғалабасидан сўнғра тараққийпарварларни бирлаштириш мақсади ила тузилгонлиги ва уларға бош мақсад қилиб, ерлик халқни «жаҳолат ва асоратдан қутқармоқ» жумласини олгонлигини, турклар томонидан Боку олинғоч, «парварон» сўзи ташланиб

жамиятнинг исми «Иттиҳоди тараққий» бўлиб кетганини, 19-йил январ воқеасидан сўнгра кераксиз топилиб, мутавваккил торқолишғонлиғи ва бу миёнада ишлагон ишларни қисқача ёзмоқ ила баробар уставдан баъзи хотирада қолгон моддаларни ҳам ёзиб бергон эдим. Шу маълумотим қисқалиқ қилгон бўлса, унга илова қилатургон кўшимчаларим тубандағилардан иборатдур:

1. Жамиятни бошлаб очқонлар 7 кишидан иборат бўлуб, иккиси турклардан, иккиси Тошканддан, бири Самарқанддан, бири туркманлардан ва бири қозоқлардан — ўшал чоқда Тошкандда чиқиб тургон қозоқча газетанинг муҳаррири эди. Газетанинг оти «Олаш» бўлса керак. Муҳаррирининг исми хотирамда йўқ. Туркманлардан Хон Явмудский номли бир туркман зиёлиси эди. Бу кишининг ҳозир қаерда эканлиғини билмасман. Самарқанддан Беҳбудий, Фарғонадан Мирзоҳид, Тошканддан ман билан Садрхон, турклардан Усмонбек билан Ҳайдар (Шавқий) афанди эди. Шунинг учун биринчи мажлисда бўлгон мандан бошқа бу ерда ҳеч ким қолмади, деб аввалғи маълумотимдан бу шахсларни кўрсатишни лозим топмогон эдим.

2. Устав бўйинча жамиятнинг тузулиши: «Маркази умумия», «Ҳайъати марказия» шўъбаси ва шўъбачалардан иборат бўларди. «Маркази умумия» Тошкандда, «Ҳайъати марказия» вилоят марказларида, шўъба, кичикроқ шўъбаларда, шўъбача эса қишлоқларда бўлиши лозим бўлуб, буларнинг барчаси ҳам бир равишда бир раис, бир хазинадор, бир раҳбар исмила уч кишидан мураккаб бўларди. «Маркази умумия» қошида «Ҳайъати марказия» раислари, «Ҳайъати марказия» қошида шўъба раислари, шўъба қошида шўъбача раислари масъул тутиб, раҳбар ва хазинадорни шул кишиларнинг ўзлари интихоб қилуб олардилар. Умумий аъзоларга ёлғиз раҳбарғина маълум бўлуб, раис ва хазинадор ким эканлиғи улардан яширин тутулиши лозим эди. Мана шу тартибга мувофиқ раисликка Усмонбек, раҳбарликка Ҳайдар, хазинадорликга мани таклиф қилгонларида, ишим кўплиғини баҳона қилиб, қабул этмадим. Сўнгра Садрхон билан мандан бир-биримизни мажбуран раисга топширулди. Раис ортиқ мани мажбур этмағонлиғидан Садрхонни олғонлиғини англадим. Самарқанд ташкилоти Беҳбудийга, Фарғонада ташкил этиш Мирзоҳидга, Туркменистон Хон Явмудскийга, Еттисув ҳалиги қозоқ газетаси муҳарририга топширилди. Бу вақтларда Хўжаев Ленинградга кетгон эди.

Мажлисдан сўнгра кўп ўтмасдан, октябр инқилоби, ундан сўнгра Мухторият воқеалари бўлуб, ташкилот тўғрисида ишловчи киши қолмади. Шунинг учун Усмонбек томонидан такрор бир йиғин чақирилди. Бу йиғинда Саъдуллаҳўжа, Отахон, ман, Садрхон, Ҳайдар ва Усмонбеклардан бошқа яна икки-уч киши бор эди. Улар ёдимда йўқ. Бу йиғинларга келганларнинг ҳаммалари ҳам жамиятга аъзо бўлуб ёзилдилар. Бу йиғин 17-йилнинг охирлари ёхуд 18-йилнинг бошларинда бўлса керак. Бундан сўнгра жамият ишлари бир қадар йўлга кириб, аъзолари кўпая бошлади.

3. Жамиятга аъзо бўлмоқ учун тараққийпарварлар мафкурасинда бўлиш, марказнинг ҳар турли буйруқлариға итоат қилишға ва жамият учун мол ва жонини аямаслиққа қатъий ваъда бериб, Қуръон ва револьвер ила қасамёд қилиш шарти қўйилгон эди.

1929 йил, 24 декабр

4. Орадан икки-уч ой ўтғоч, Усмонбекнинг қамалгонлиғи ва раислиқға Юсуф Зиёбек деған кишининг ўтиргонлиғи эшитилди. Мана шу вақтларда «Уламо» жамияти томонидан Туркияға Нуриддинбек Худоёрхонов билан Ғози Олимнинг вакил бўлуб кетиш хабари тарқалди. Бу хабарни эшитғоч, Юсуф Зиёбек, ман, Саъдуллаҳўжа ва бошқа бир неча кишиларни чақиришлиқни мажлис қилди. Ва бу мажлисда Зиёбек Англтаранинг Туркистонға кўз тикганини ва «Уламо» жамияти ила Англтара орасида ҳарҳолда бир муносабат борлиғини, муносабат бўлмагон тақдирда ҳам ушбу юборатурғон вакиллар орқали бир муносабат пайдо қилиш фикри йўқ эмаслиғини, шунинг учун вакилликға икки номзодлардан Нуриддинбекни интиҳоб қилгонини, агар Туркистон англиз тузоғига илинар экан, ортиқ қутулишнинг мумкин эмаслиғини муфассал сўзлагондан сўнгра «Уламо» вакиллариға қарши ишламак учун тараққийпарварлар томонидан ҳам икки вакил юборишнинг лузумини ва бу ишни тезлик ила қилинмаса, вақт ўтарағини англади. Ва шу мажлисда Садрхон билан Саидносир ёхуд Миродилни Туркияға тараққийпарварлар номидан вакил қилиб юборишға қарор берилди. Ва буларнинг Туркияға бориб, кимларға йўлиқишлари ва «Уламо» вакилиға қарши қандай ишлашлари тўғрисидағи таълимотни Зиёбек ўзи бермакчи бўлди. Туркистон мухторияти тўғрисида маслаҳат ва ёрдам сўраш масалалари ҳам бунга илова қилинди. Шундан сўнгра «Уламо» вакили ва тараққийпарварлар вакили

кетма-кет Туркияга жўнади. Ҳақиқатан ҳам, ул чоқларда Туркистон учун англиз хавфи ғоятда кучли эди.

Тараққийпарварларнинг вакиллари Истанбулда «Иттиҳоди тараққий» ҳукумати йиқилиб, бошлиқлари ҳар томонга қоча бошлағон ва Истанбул шаҳри Оврупо жаҳонгирлари томонидан ишғол этила бошлағон вақтларга тўғри келғон бўлса керак. Шунинг учун булар Зиёбек томонидан таъйин қилинғон кишиларни топа олмасдан ва ўзларича нима иш қилишларини билмасдан, юра-юра умидсизланиб қайтқонлари англашилди. «Уламо» вакиллари нима иш қила билди, ундан хабарим бўлмади.

5. Ўзиға Туркистон халқини жаҳолат ва асоратдан озод қилишни бош мақсад қилиб олғон «Иттиҳоди тараққий» жамияти ва унинг бошлиқлари, Шўролар ҳукумати яшар экан, бутун мақсадлариға шунинг соясида етишиш мумкин, деб ишонарди. Шунинг учун Шўролар ҳукуматининг давомини чин кўнгилдан истарди. Уламолар ва оқлар билан курашда шўроларға ёрдам бериш ҳар бир аъзонинг устидаги муҳим вазифалардан саналарди.

Фақат ўшал чоқларда бутун атрофи душманлар билан ўралғон Шўролар ҳукуматининг яшай олишиға ҳеч бир турли ишонч йўқ эди. Охир бир куни Шўролар ҳукумати йиқилиб, Русияда эски оқлар ёхуд меньшевиклар ҳукумати ташкил этилиб, Туркистоннинг яна аввалгидек асоратда қолишидан ёхуд англиз тирноғиға илинишидан қўрқардилар. Шунинг учун ташкилотни кучлантириш ва миллий мухториятларнинг тарафдори бўлғон шўролар даврида Туркистонни кенгроқ мухториятли бир идораға эга қилиб олиш ва бу мухториятни кўшни давлатлардан тасдиқ эттириб қолиш, агарда Шўролар ҳукумати йиқилар экан, «Туркистон Мухторияти»ни сақлаб қолмоқ учун Русияда курилиши эҳтимол тутилған оқлар ёхуд меньшевиклар ила муташаккил равишда курашишға ҳозир бўлиб туриш, агарда Шўролар ҳукумати давом этар экан, ерлик халқни маориф, маданияти ва ҳуқуқда овруполиклар ила тенглаштиришға ҳаракат қилиш ва эски чор ҳукуматидан қолғон мустамлакачилар ва уларнинг тарафдорлари бўлғон эски бой ва уламолар ила курашни давом эттириш, ерлик халқнинг савияси, маданияти, қувваи илмиясининг ўсишиға қараб (тадрижий равишда) Туркистонға шўролар томонидан берилғон мухториятни кенгайтириш ва идораларни ерлаштира бориш... Мана шундан иборат эди. Буни «Иттиҳоди тараққий»нинг фирқали ва фирқасиз аъзоларининг ҳар бирлари ҳам иқрор этарлар, деб умид қиламан.

6. Садрхонлар Истанбулдан ҳеч нарса ишлай олмасдан, куруқ қўл билан қайтқонлариндан сўнгра Зиёбек Туркияга аввалги вазифалар ила кучлирак бир ҳайъат юбориш масаласини кўзготди. Бу ҳайъатга Тошканддан Убайдуллаҳўжа, Саидносир, Самарқанддан Бехбудий, Мардонқул ва яна бир киши кирғон эди. Сўнггисининг исми хотирамда йўқ. Булардан самарақандлиқ уч киши Бухоро амири номидан ўлдирилди. Убайдулла Масқўвда, Саидносир Тифлисида юриб-юриб қайтиб келдилар. Булардан ҳеч бирлари Туркияга бора олмадилар.

19-йил январ воқеасидан сўнгра бўлшевик фирқаси кучайиб, ерлик тараққийпарварларнинг аксаридида фирқага кириш орзуси пайдо бўлгандан сўнгра жамиятнинг марказига итоат ва ишонч озая борди. Ҳар бир ишни қўммунист фирқаси ўз қўлига ола борғонлигиндан жамият учун ортиқ ишлайтурғон иш қолмайдир. Ерлик зиёлилларнинг барчаси деярлик ишга тортилғон бўлғонлигиндан жамиятда ишловчи киши қолмайдир.

Бунинг устига, Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққий» жамияти тарқалди.

Мана бу ҳолларни кўрғондан сўнгра Зиёбек жамият ишларин тўхтатишга мажбур бўладир. Бунинг ўрнига қўммунистлар ва фирқасизлар бирлашиб, «Бирлик» жамияти номида очиқ бир уюшма ташкил этдилар. Бу уюшманинг мақсади ёшларни қўммунизмга жалб этмак ва уламо ҳужумига қарши ёшларни қуроллантирмоқ ва Шўролар ҳукуматини ҳимоя қилмоқ учун қўммунистлар ила бир сафда туриб ишламак каби моддалардан иборат эди. Уч-тўрт ой давом этгандан сўнгра бу ҳам ўз-ўзидан тўхталишга мажбур бўлди.

1929 йил, 24 декабр

«Иттиҳоди миллий» ва унинг ташаккули

19-йилда январ воқеасиндан сўнг ерлик зиёлилларнинг бир қисми Шўролар ҳукуматининг яшай олишига ишона бошлагон ва Туркистон халқини жаҳолат ва асоратдан қутқариш ёлғиз қўммунист ташкилоти орқалигина мумкин, бошқа бир ташкилотга ортиқ эҳтиёж йўқ, деган фикрга келган эди. «Иттиҳоди тараққий» ва ундан сўнг тузилғон «Бирлик» жамиятининг ишловчи тополмасдан тарқолишлариға ҳам мана шу фикр сабаб бўлди.

Ерлик зиёлилар орасинда ҳануз бир фикрга кела олмасдан, айрим бир ташкилот тузиш орзусида юрғонлар ҳам бор эди. Бу тўданинг бошида Садрхон ва бир неча турк зобитлари турарди. Бу тўда бошлиқлари мани бир неча мартаба қўммунистликга кирганлигим учун сўкканлар ва янги бир ташкилот тузишга иштирок этишга ундаганлар. Ман ул чоқларда қўммунизмга яхшигина берилиб ишлай бошлагон эдим. Уларга жавобан: «Агар мани миллатчи ёки халқчи десангиз, халқ ва миллат манфаатини шул қўммунизмда, деб ўйлайман. Ҳолбуки, ман ҳозир халқ ва меҳнаткашлар манфаати йўлида ишламакни ортиқроқ кўраман. Шунинг учун қўммунист бўлдим. Бошқа бир ташкилотни кераксиз топаман» мазмунида сўзлаганлигим хотирамда бор.

Бу вақтларда тузилгон «Шарқ озодлиги» жамиятида ҳам фаолият ила ишлагон эмасман. Фақат бир-икки умумий мажлисларгагина иштирок этгонлигим эсимда бор.

Ул чоқларда маним доимий ишим Маориф қўмиссарлигида бўлуб, Мусбюро мажлислариға ва ундан сўнгра Крайқўм мажлислариға фаол сувратда қатнашардим. Ул вақтларда ерлик қўммунистларға ўртоқ Кўбўзев раҳбарлик қиларди. Ул бизға ҳар вақт Туркистоннинг Шарқ дарвозаси эканлигини ва бу дарвоза орқали бутун Шарқ мамлакатлариға инқилоб таъсирини киритмак мумкин эканлигини, шунинг учун марказнинг Туркистонда «Восточная политика» номи остида айрим бир сиёсат тутиш фикрида эканлигини, ҳатто лозим келса, учредительный собрание қадар боришнинг зарарсизлигини сўзларди. Бу сўзни 8-қурултойда ҳам айтганлиги ва қурултой ерлик вакилларни тўплаб, «Миллий группа» номи остида бир группа тузиб, шунинг раис сифатида ишлаганлиги ҳаммага маълум. Мана шу ўртоқнинг раҳбарлиги ва таълимоти орқасида ерлик зиёлилар Туркистонда кенг мухториятли бир идора ташкил этиш ва бунни қўшни Шарқ давлати халқлариға маълум қилиб кўрсатиб, улар орасиға инқилоб уруғини чочиш ва бунға қаршу тургон овруполилар (масалан, Казакўв ва Успенский каби)ни мустамлакачи назари ила боқиш фикри кучланган эди. Қурултой ўтди. Ўртоқ Рисқулов ва Саъдуллаҳўжалар иш бошиға ўтурди. Масқўвдан ўртоқ Элиава Туркқўмиссия бўлиб келди. Бундан сўнғги ҳаракатлар ҳамон Туркистон мухториятини кенгайтириш, исмини Турк жумҳурияти қўйиш, идораларни мумкин қадар ерликлаштириш, қисқаси, Кўбўзев таълимотини юзаға чиқариш асо-

сида борди. Фақат бу сиёсат кўп турмасдан, Рисқуловларга ҳужум бошланди. Улар бу ҳужумни Казақўв ва Успенскийлар каби мустамлакачилик фикрида бўлгонлардан, деб англаб, ҳукуматни ташлаб чиқиб, Марказга мурожаат қилиш фикрига келдилар. Рисқулов ва Низомиддин Хўжаевлар Масқўвга жўнадилар. Масқўвдан ҳам мағлуб бўлиб қайтдилар. Боку қурултойи вақтида Рисқулов бутун воқеаларни ўртоқ Зинўвевга дўклад қилди. Зинўвев ҳам ишни Масқўвга ҳавола қилди. (Бу тўғрисида аввал ҳам ёзгон эдим.) Рисқуловлар иш ташлағоч, табиий ман ҳам ишдан кетиб, Боку қурултойига, ундан келгач, Бухорога кўмандирўвка қилиндим. Бу ҳаракатларга ерлик зиёлилар очиқдан-очиқ «мустамлакачи овруполилар ғалабаси деб қарадилар. Ва мустамлакачилик ила курашув учун аввалги «Иттиҳоди тараққий» каби бир уюшманинг лузуми кундан-кунга англашила борди. Мана шу қувгин ва кўмандирўвка вақтларида қулоққа «Иттиҳоди тараққий» жамияти тўғрисидаги баъзи хабарлар эшитилар ҳам, ман уни аввалги «Иттиҳоди тараққий» жамиятидан қолгон хабарлар бўлса керак, деб англадим. Биз Бокуда экан, ўртоқ Сафарўв Туркқўмиссия бўлиб келди. Ул ҳам Рисқулов ва унинг тарафдорлариға яхши қарамади. Мана шу воқеалар ерлик зиёлилар ва кўммунистларнинг кўнгилларини кўммунистликдан анчагина совутқон эди. Шу воқеаларда Бухорога Тошканддан «Иттиҳоди миллий» жамияти ташкил этила бошлағони тўғрисида хабар тарқалди. Ва манга «маркази умумия»нинг хати борди. Ва биз ҳам унинг марказини Бухорода тузиш ҳаракатига тушамиз ва Тошканд билан марказлик талошамиз. Бу тўғрида аввалги хотираларимда тафсилот бор.

«Иттиҳоди миллий»нинг қачон ва қандай тузулишига келганда, қамокда ва қамокдан чиққач, турли кишилардан йиққон маълумотим тубандагилардан иборатдир:

«Иттиҳоди тараққий» ва «Бирлик» жамиятлари тарқалғоч, биздан айрим қолгон (юқорида айтилгон) тўда бошлиқлари биз 8-қурултойда «Миллий группа» тузиб, Казақўвлар ила курашиб тургон чоқларимизда бизга билдирмасдан, «Миллий иттиҳод» жамиятини тузгонлар. Бунинг маркази умумияси бошида Маҳамадбек, Сулаймон Сомий ва Садрхонлардан иборат бўлгон, низомномалари бошда аввалги «Иттиҳоди тараққий»нинг низомномаси бўлиб, фақат исминигина ўзғартирганлар. (Зотан, «Иттиҳоди тараққий»нинг бутун низомнома, қарор ва аъзо рўйхатлари шул Садрхон қўлида қолгон эди.) Янги олингон аъзоларга «Иттиҳоди тараққий» аъзоларининг барчасини 8-қурултой-

дағи миллий группада иштирок этгон қурултой вакиллари-
рини ҳатто Рисқулов ва Кўбўзевларга қадар шул жамият-
нинг аъзоси қилиб кўрсатганлар. Аъзоларнинг нумрасини
1001-деб бошлағонлар. Рисқуловлар ҳукумат бошдан кет-
гунча, бу жамият шу усулда давом этгон. Қолгон иши аъзо
кўпайтиришдангина иборат бўлгон. Рисқулов ҳукумати
тарқолғоч, низомномани бир қадар ўзгартириб, «Маркази
умумия»ни 7-га, вилоят марказларини 5-га чиқаргонлар.
Аъзоликқа ҳам ёлғиз тараққийпарвар мафқурасида бўлгон
кишиларнигина эмас, ким тўғри келса, шуни олаберган-
лар. Биз Бухороға кўмандировка қилинғоч, буни бизга ҳам
билдириш ва бизни ҳам ишга жалб этиш маслаҳат кўрил-
гон. Буни бизга билдиришдан мақсад жамиятнинг Бухоро
шўъбасини очиш бўлгон. Фақат биз бунга кўнмасдан, Мар-
казни Бухороға кўчириш ҳаракатиға киришганмиз. Печат
ва низомнома талашгонмиз. Марказни Бухороға кўчириш-
га турқлар рози бўлса ҳам, Садрхон рози бўлмагон, шу-
нинг учун ораларида ихтилоф чиқиб, Маҳамадбек ва Су-
лаймонбеклар жамиятни ташлаб кетганлар. Бундан сўнгра
жамият бошида Садрхоннинг ёлғиз ўзи қолиб, кўнглиға
нима келса, шуни ишлай берган: босмачилар ила алоқа
бошлағон. Каримовларға маълум хатни ёзиб берган. Қисқа-
си, тамом аксилинқилобий бир йўлга кирган. Атрофидағи
кишилар ёлғиз Садрхоннинг буйруғинигина бажариб, мас-
лаҳатға аралашмагонлар ва уларға жамиятнинг асосий мар-
кази Маскўвда, иккинчи маркази Бухорода деб эшиттир-
ган. Берган буйруқларини Маскўв ёки Бухородан келган
буйруқ деб англатқон. Ҳолбуки, на Маскўвда ва на Бухо-
рода бунинг қилиб тургон ишларидан хабардор бир мар-
каз бўлмагон. Ўзининг бошлағон ишларининг йўлда қоли-
ши ёхуд очилишидан кўрқиб, марказни Бухороға кўчи-
ришдан бош тортқон ва печат билан низомномани юбор-
магон. Қисқаси, «Иттиҳоди миллий»нинг бошдан-оёғ иш-
лари шу ҳолда бўлгон ва прўвакатсиялардан иборат бўлгон,
21-йилги қамоққа олиш вақтида қочиб бориб, ўзи алоқа
қилиб юрган босмачиларға кўшилгон. Суддан сўнгра қамоқ-
да экан, шул ёлғонларни бир кун бориб очилишидан
кўрқанлиғиндан бўлса керак, турмадан қочиб, яна бос-
мачилар орасиға ва ундан Эронға ўзини олгон. Ҳозир унинг
ўлуви ва тириклиғиндан хабардор киши йўқ.

«Иттиҳоди тараққий»нинг ёлғиз бир низомномаси
бўлиб, ёзилгон бир програми йўқ эди. «Иттиҳоди мил-
лий»нинг маълум бир програми бўлмагон. Фақат «Иттиҳо-

ди тараққий»никидан ўзгартган, ёлғиз бир низомномасигина бўлгон. Марказида турклар бор экан, берган қарорлари махсус бир дафтарга, исм ва нўмиралари иккинчи бир дафтарга ёзила борган. Турклар кетиб, иш ёлғиз ўзига қолгондан сўнгра ул дафтарларни давом эттирганми-йўқми, буни ҳеч ким билмайдир. Ўзи қочқон чоқда (жамиятга оид дафтар ва низомномаларни) нима қилиб кетганлиги ҳозиргача маълум эмас. Жамиятнинг исмига келганда, бунга нима учун «Иттиҳоди миллий» қўйилгонлиги тўғрисида бу кунгача ўйламаган эканман. Ҳозирда эса ўйлаб-ўйлаб тубондаги эҳтимоллардан бири бўлса керак, деган фикрга келдим:

1. Бу жамият ташкил этилган чоқда, қурултойда «Миллий группа» ташкил этилгон эди. Мана шу «Миллий группа» остига яширинмоқ ва унга иштирок этган қурултой вакиллари ни ўз аъзоси қилиб кўрсатмақ мақсадида «Иттиҳоди миллий» қўйгон бўлса, эҳтимол.

2. Садрхон динчи ва исломий бир киши эди. Шунинг таъсири Туркистондаги ислом динига мансуб бўлгон ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик миллатларини бирлаштириш мақсадида «Иттиҳоди миллий» қўйилгонлиги ҳам яқин эҳтимол.

3. Маҳаммадбек Туркиядаги Усмонличилик оқимининг тарафдори бўлиб, Туркияни ҳамон Туркияда яшовчи яҳудий, армани, араб ва юнонлар каби ғайритурк миллатларни ҳам ичиға олгон Усмонли мамлакати номида қолдиришнинг Туркия учун фойдали эканлигини сўзлаб, туркчи ва турончилардан шикоят қилгонлигини эшитган эдим. Мана шу кишининг таъсири ила Туркистонда яшовчи қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, тожик, рус ва яҳудий миллатларини бирлаштириш мақсадида «Иттиҳоди миллий» қўйилгонлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳарҳолда, миллий жамиятни эски «Иттиҳоди тараққий» каби бутун эскилик ва мустамлакачилик билан курашмақ мақсадида тузилган ерлик тараққийпарварлар уюшмаси, деб бўлмайдир. Балки бу жамият кенгроқ бир мақсадда ташкил этилган ва аъзолари орасига тараққийпарварлар ила ҳам бир алоқаси бўлмагон уламо ва савдогарлардан ҳам кирган ва буларнинг таъсири ила эски тараққийпарварлар учун матлуб бўлмаган аксилинқилобий бир уюшма деб атамоқ учун факт ва ҳужжатлар бор. Фақат 21-йилги қамоқ вақтида Садрхон билан бирға фаол ишлағанлардан жуда оз киши қўлга тушиб, қамалгонларнинг кўпи «Иттиҳоди миллий»нинг тузи-

лишидан бутунлай хабарсиз ёхуд хабари бўлса ҳам, аксилинқилобий йўлга кирганлигини англамагон ва бунга иштирок этмаган «Иттиҳоди тараққий» аъзолари ёки ҳар иккисидан ҳам бутунлай хабарсиз чет кишилар эди.

1931 йил, 29 декабр

Туркистонда ҳукумат тузиш масаласи

Туркистон жадидлари орасида феврал инқилобига қадар бўлгон маданий уюшмалар: «Муаллимлар жамияти», «Жамияти Имдодия», «Турон», «Ҳарбий ишчилар», «Турон санойиъ нафиса жамияти» «гал» мажлисларидан иборат эканлигини «Хотирам»нинг биринчи қисмида ёзгон эдим. Бу уюшмаларнинг ҳеч бирида сиёсий тус йўқ ва баъзиларида устав ҳам бўлмаганлигиндан булар феврал инқилобидан сўнг тузилган Сўвет сўлдатский рабўчий депутатларга вакил ўтқариб бўлмагонлиги ҳам ёзилгон эди. Маданият ва сиёсат инқилобигача Туркистонда мухториятли бир идора тузиш масаласи ҳануз тўғри келмаган ва бу тўғрида ўйланмаган эди. Бутун орзу ва тилаклари Русияда инқилоб бўлиб, жумҳурият эълон қилиш ва бунинг соясида ерлик халқ устидан миллий ва диний қисинқилиқлар ва текисизлиқларнинг кўтарилиши мактаб, матбуот ва ҳар турли жамиятлар тузиб, ишламакка кенг йўл очиш ва овруполиклар ила баробар ҳуқуқга эга бўлиш каби ишлардан иборат бўлиб, энг севған шиорлари: «Хуррият, мусовот ва адолат» эди. Феврал инқилобидан сўнгра овруполиклар ила бирга бир қанча сиёсий мажлис ва қурултойлар ўтқардилар. Қофқоз ва Тотористондан туркистонликларга маданий ёрдам мақсадида келгон зиёлилар ила бир қанча мусохабалар кечирдилар. Мана булардан олгон таъсир ва тарбия орасида ерлик зиёлилар оғзида «миллий мухторият», «ерлик мухторият», «федеративная республика», «федеративная демократическая республика» каби бир нима, Туркистонда, «мухторият» ва «жумҳурият» сўзлари такрорлана бошлади. Ниҳоят бу масала Туркистон мусулмонлари биринчи қурултойларида музокарага қўйилиб, кўб музокара ва кураш, жанжаллардан сўнгра федеративная демократическая республика тарафдорлари кўпайиб, сўнг қарор берилгонлиги хотирамда бор. Фақат бу тўғрида музокарага чиққан ва торттишқонлар орасида (шу жумладан, ўзим ҳам) бундай мухторият ва жумҳуриятлар орасидаги фарқ ва айирмага яхши тушунувчилар жуда оз эди.

Феврал инқилоби йиқулгунча ерлик зиёлилар мана шул қурултой қарорини асос тутиб, шундай талаб қилиб юр-

дилар. Учредительное собрание томонидан бу талаб қабул этилгон тақдирда жумхуриятни қандай идора қилиш масаласи ўртага тушгон вақтда зиёлиларнинг кўписи овруполик сўсиалистларга инонарни. Ерлик халқ орасинда жумхуриятни идора қила олатургон маданий куч оз бўлгонлигиндан овруполик сўсиалистлар этагин тутиш ва улар ила бирга турклар ва тоторлардан ёрдам кутилган, инқилоб бошларида ерликлар ва сўсиалистлар ораси анча узоқлашган бўлса ҳам, «уламо» ғалабасидан сўнгра улар билан ерлик зиёлилар ораси бир қадар тuzалгон ва думада улар ила «уламо»га қарши блўк ёсолгон эди. Октябр инқилобидан сўнгра, табиий бу хаёллар ўзгарди. Инқилоб бошларида шаҳар шўросига ерликлардан вакиллар киритишга қарши тургон сўсиалистлар (меньшевиклар) энди Туркистон мухторияти тарафдори бўлиб, ерлик зиёлиларга бу тўғрида ташвиқот юрита бошладилар.

Ниҳоят, Марказий шўро томонидан Кўқонда қурултой қақирилди. Шул вақтларда Ленин Шарқ халқларига хитобан «Мамлакат идорасини ўз кўлингизга олиш вақти етишди» мазмунидаги бир хитобномасини Чўқаев, Хўжаев, Тиничбоевларга кўрсатиб, «Мана, қурултой томонидан мухторият эълон қилиш учун бутун чораларни кўриш керак» мазмунида сўзлаб тургон бир неча меншевикларни ўз кўзим билан кўргонман. Ниҳоят, қурултой томонидан маълум мухторият эълон қилинди. Ман шахсан бу мухториятга қарши эдим. Қаршилигимни ўшал куни бир неча кишиларга, шу жумладан, Заҳириддин аъламга ҳам сўзлаганман. Шунинг учун на ҳукуматга ва на миллат мажлисига аралашолмадим.

Чунки, маним назаримда, ерлик халқ учун мухторият эълон қилиш вақти ҳануз етишмагон, бу эълон эса, меншевикларнинг бўлшевикларга қарши ерлик халқни қурол қилиб, ҳукумат бошида яна ўзлари қолмоқ учун қургон бир планлари ва бунинг кетидан ёмон натижалар чиқиш эҳтимоли кўриниб турарди. Ҳақиқатан ҳам, бу мухторият жуда кўп қонли воқеаларга сабаб бўлди. Бу мухторият муносабати ила Тошкандда бўлгон декабр намойиши ҳам бир неча қурбонлар ила тамомланди. Бунда ҳам ман халқни Янги шаҳарга чиқармаслик учун кўп ҳаракат қилдим — Шайхонтоҳурдан Ўрдағача бўлгон бутун халқни тўхтатиб, Ўрдага келгонимда намойишчиларни Янги шаҳарга бошлаб кетмакда бўлгон Низомиддин Хўжаевга сўзимни ўтқара олмадим. Ул бошлаб чиқиб кетди. Ниҳоят, кучим ўзимга етиб,

Ўрдан қайтиб, уйимга кетдим. Буни бутун шаҳар халқи биладир.

Бу мухториятнинг програми ва ишланган ишлари очик маълум бўлгонлигиндан бу хусусда ёзиб ўтирмасдан, жамиятларнинг мақсадларига ўтаман. Фақат мухториятнинг муваққат ҳукуматига бўлшевиклар томонидан: «Буржуазия ва меншевиклар ҳукумати» деб берилгон қийматнинг тўғрилигини иқдор этмасдан ўта олмайман. Чунки буни исбот этатургон фактлар жуда кўб.

«Иттиҳоди тараққийпарвар»дан жамият ўзига бош мақсад қилиб «Туркистон халқини жаҳолат ва асоратдан қутқариш» жумласини олгон бўлса ҳам, Туркистонда қандай ҳукумат тузиш ва уни қандай идора қилиш масалаларига ҳануз киришмагон ва бу хусусда бирор програм ёхуд проект ёзишни ўйламагон ва бутун кучни «Уламо» ва эскиликлар ила курашга ва мактабларни тартибга солишга ва кўпайтиришга таъсис этгон эди. Жамиятнинг раиси Юсуф Зиёбек-да, баъзи муҳим масалаларга тўғри келгонда, жамиятнинг катта раъзоларидан бир неча кишини чақариб, масалани ўртага ташлаш одати бор эди. Турклар томонидан Боку олинғоч, ман, Саъдуллаҳўжа каби бир неча кишини чақариб: турк аскарларининг Туркистон дарвозасига келиб етганлигини, Озарбайжон Туркияга илҳақ ва турк аскарлари томонидан Туркистоннинг ҳам забт этилиш эҳтимоли бор эканлигини, агарда бу эҳтимол вужудга чиқар экан, Туркистоннинг чор-ночор Туркияга кўшилишига мажбур эканлигини билдиргондан сўнгра бу хусусда жамият томонидан бир қарор чиқариб қўйиш, ҳар эҳтимолга қарши зарурлигини баён қилди. Бу чоқларда ерликлардан Туркияга муҳаббат ва туркчилик руҳи сўнг даражада қувватли эди. Русия асоратидан қутулиш, Туркияга кўшилиш фикрига ерликлар орасида қарши тургон киши қайси синфдан бўлса бўлсун, эҳтимолки, топилмасди. Шунинг учун бу мажлисда Зиёбек томонидан таклиф қилингон: «Туркистон иттиҳоди тараққий» жамияти Туркистонни Туркияга илҳақ қилиш тарафдоридур мазмунидаги резолютсия «Туркистон турк аскарлари томонидан олингон тақдирда» каби бир қўшимча ила қабул этилгон эди. Бу қарордан учтўрт кун ўтар-ўтмас, турк аскарлари Бокуни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Озарбайжонда Совет ҳукумати тузилди. Туркистон учун Турк умиди унутилди. Ўрнига англиз қўркунчи туғилди. Бунга қарши «Иттиҳоди тараққий» жамияти бўлшевиклар ила бирлашиб, ташвиқотга кириш-

ди: «Қон тўкамиз, юртимизни бермаймиз, англизнинг тузоғига кирмаймиз» каби шарқийлар тўқиб, бутун мактаб ва тўда шоғирдлари оғзидан ўқутди. Англиз тарафига майл қила бошлағон «уламо» ила курашни кучайтирди. Уларнинг вакилларига қарши Туркияга вакил юборди. Қисқаси, Туркистонни Туркияга қўшмоқ тўғрисида берилган шартли қарорнинг умри сўнг даражада қисқа бўлиб, турклар Боқудан кетгач, уни оғизгағина олғон киши бўлғон йўқ.

«Иттиҳоди тараққий»нинг бундан сўнғги мақсадлари: Шўролар ҳукуматининг ерлик халқ маорифига берган йўл ва ёрдамидан кенг равишда эътиқод қилиш, мактабларни кўпайтириш ва ҳар бир мактаб қошида ўқув ёшидан ўтғон саводсиз ва чаласавод йигитлар учун курс ва тўдалар ташкил этиш, Шўролар ҳукумати томонидан берилган мухториятни мустаҳкамлаш. Агарда Шўролар ҳукумати йиқилиб, ўрнига Русияда бошқа бир шакли идора қурилар экан, Туркистон мухториятини қўлдан бермасдан сақлаб қолиш ва унга мактаб ва тўдалар орқали янғи ва тараққийпарвар кучлар ҳозирлаш каби ишлардан иборат бўлиши ва Шўролар ҳукуматининг яшай олишига ишонч ҳосил бўлиб, «Иттиҳоди тараққий» тарқалғондан сўнғра (19-йилда) унинг аъзоларидан бир қисми қўммунистликга кириб, Туркистон мухториятини кенгайтириш ва идораларни тадрижан ерликлаштира бориш сиёсатини давом эттирдилар. Хусусан, марказдан Кўбўзев келиб, ерликларга раҳбарлик қила бошлағондан сўнғра бу фикр қувватлана бошланди. Ва марказнинг бу фикрға қарши турувчи овруполикларға ишонч кучайди. Бу фикрға қарши турувчи овруполикларға мустамлакачи назари ила боқилди. Курултой ва қўнференсиялар орқали буларни енгиш, Маскўв йўли очилғондан сўнғра булар устидан марказга «дод» дейиш ва марказнинг ёрдами ила Туркистонда кенг ҳуқуқли бир жумҳурият идораси ташкил қила олишға ортиқ ишонилғон эди. 8-қурултой натижаси бу ишончни яна қувватларди. Марказий Ижроқўм ва Қрайқўм ва бошқа бир неча қўмиссарлиқлар бошиға ерликлардан қўйилди. Демак, бу воқеаларда ерликларнинг максимум мақсадлари ҳосил бўлғон ҳисобланарди. Максимум мақсадлари ҳануз маълум бир тусга кирмаган бўлса ҳам, марказға ёлғиз ҳарбия ва хорижия қўмиссарлиқлари бутунлай ва молия қўмиссарлиғи қисман боғланғон бўлиб, бошқа қўмиссарлиқларнинг мустақил қилиш орзуси ҳар ерда сўзланар ва эшитиларди.

Фирқавий масалага келганда, «рискуловшина»лар қуви-либ, Масқўвга кетгандан сўнгра Рискулов, Низомиддин Хўжаев ва бир неча Шарқ қўммунистларининг имзолари ила Шарқ қўммунистлари орасига Марказқўмнинг сиёса-тидан норози ва нима учун ВКП (б) бўлмасдан, РКП бўлгонлиги тўғрисида бир шикоятнома тарқалгонлигини эшитгон эдим. Фақат бу шикоятнома маним қўлимга туш-маган бўлгонлиги учун тўғри ёхуд нотўғрилигини айта ол-майман.

Қисқаси, ул чоқларда (20 ва 21-йилларда) ерлик қўмму-нист ва тараққийпарварлар марказнинг миллий, синфий ва фирқавий сиёсатларидан беҳабар экан, Туркистонда мил-лий жумхурият тузиш тўғрисида турли мақомларга йўрға-лагон бўлсалар ҳам, мақсадларининг максимум юқоридоғи шакллардан нарига ўтмаган. Бундан сўнгра қарорлар ҳуку-мат томонидан эълон қилинадир. Миллий жумхуриятлар-нинг истакларини синфий асосда бера борадир. СССРнинг бутун сиёсий, иқтисодий ва миллий ишларини фирқа ўз масъулиятига олиб ишлай бошлади. Фирқа бирлиги шио-ри кучли суратда майдонга келади. Мана бу кучли тўлқин-лар орасида юқоридағича заиф фикр ва хаёллар ўзидан йўқола борадир.

«Иттиҳоди миллий»га келгонда, Туркистонда қандай бир ҳукумат тузиш ва уни қандай идора қилиш тўғрилари-да очуқ сўзлашгон сўз ёхуд ёзилгон бир нарса борлиги, бу кунгача маълум бўлмади. Биз Бухорода ва Бокуда экан ҳамон 19-йилдаги фикр ва хаёлларимизда давом этгонмиз. Бутун умидни марказга ҳам қурултой ва қўнференсия курашла-рига боғлагонмиз. Садрхон ва унинг атрофидағилар бу ху-сусда қандай фикр ва умидда бўлгон, буниси очиқ маълум бўлмасдан кетди. Садрхон атрофига бир қадар диндор ки-шилар йиғилгон бўлгонлигидан «Шариати Исломия»ни асос тутадиргон ҳукумат тузиш орзусида бўлгонлиқлари эҳтимол тугилади. Чунки ўшал чоқлар Садрхон билан доим бирга бўлгон Мусо Бегиев шу фикрда эди.

1930 йил, 30 январ

Наманган ташкилотига тавсия

Илҳом Исломовни Наманганга юбориб, ман ташкилот-нинг аҳволини, таркибини, уларнинг кимлардан иборат эконлиги — эскиларданми ёки ёшларданми, аъзоларини сони қанча, уларнинг программалари борми, йўқми, ана

шуларни билмоқчи эдим. Ташкилотига ёшларни жалб этиш тўғрисида тавсия бергон эмасман.

Исломов йўл харажатларини ниманинг ҳисобидан сарф қилди, билмайман. Ман Салимхонга ё ўзи ёки бирон ишонган кишини Наманганга юборишни таклиф қилгонман. Шахсни танлаш менинг ишим эмас. Ман уни Салимхонга таклиф қилдим. Ташкилотда иштирок этишим ҳақимда ёзиб бергонман.

Сизга маълум қилишим керакки, манга яқин бўлгон кишилардан айримлари, масалан, Ёқубхўжа Баҳриддинхўжаев, Муҳиддинхўжа Шамсиддинхўжаевга ман ўз ўтмишимни ёмонлагонман ва бу ўтмиш учун самимий афсусланаман.

Сизнинг гўё ман Эсон афандига (унинг саволига жавобан) Шўро ҳукумати билан йўлимиз бир эмас, биз, аксинча, унга нисбатан кескин душманлик қилишимиз, деган маълумотингиз мутлақо нотўғри. Эсон афандига бундай руҳда гапиргон эмасман. Ман унга ҳам, бошқаларга ҳам, жумладан, Шорасул Зуннунга, ўша Муҳиддинхўжа, Ёқубхўжага биз учун иш берадиган, маданий тараққиёт ва ҳуқуқни таъминлайдиган ҳукумат — Шўро ҳукумати эканини бир неча марта таъкидлаганман. Ман Заҳириддин аъламга ҳам айтганман. Ман мактабларда миллатчилик тарбиясининг тарафдорлари, масалан, Эсон афанди, Шорасул Зуннунга Шўро ҳукуматига қарши кураш фойдасиз эконлигини, Шўро ҳукумати бундай тарбияга доимо чек қўя олишини, миллатчилик тарбиясига ҳожат қолмағонини, чунки, агар талабалар ўзларида миллий ўзликни англашни уйғонишини хоҳласалар, улар буни ҳар доим амалга оширишлари мумкин, негаки, рус шовинистларининг фаолияти, хусусан, мактаблардаги рус ўқитувчилари ўртасидаги фаолият талабаларда миллатчилик туйғуларини уйғотиш учун етарли, деб айтганман. Бу масалаларга ўртанимизда бўлиб ўтгон тасодифий суҳбатларда тегиб ўтилгон. Эсимда, улар мени кўпинча ортиқча ишонишда айблашган. Улар мактабга миллатчилик тарбиясини олиб кириш тарафдори эдилар, чунки улар миллий кадрларни тарбиялаш ва етиштиришга интилган эдилар. Аммо бундан бу ишлар Шўро ҳукуматига қарши қаратилган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак.

Мансуров билан кўришганим ҳақидаги кўрсатмаларимга янгилик қўша олмайман.

Тошпўлатбек Норбўтабеков «Иттиҳоди тараққий» аъзоси, БХСРнинг Боқудаги қўнсули эди. Бизнинг доирамиз-

дан Самарқандга танишларникига борганимда уни кўриб турардим. У Шўро ҳукуматига тарафдор деб айта олмайман. Орамизда қандай суҳбатлар бўлганини эслай олмайман, аммо унинг тўғрисида маним фикрим шу.

Али Расулов билан кўришмаганимга беш йилдан ошди. Мен ўз «запискалар»имда у тўғрисида ёзганман. У 1923 — 1924 йилларда «Миллий иттиҳод» «тройка»сига аъзо эди (Саидносир, Шомансур ва у). Эшитишимча, у Наманганда банкда ишлар экан.

Манимча, Тошкандда ташкилот йўқ, ҳар ҳолда ман унинг борлигини билмайман.

Нуриддин Алиев — фарғоналик шоҳмотчи. Шоҳмот алифбосини тузишимда у менга кўмаклашган. Самимий, ғоявий коммунист сифатида таассурот қолдиради.

Зокир оқсоқол Қушбегиёв иши бўйича қамалгон. Маркида савдогарларнинг оқсоқоли эди. Унинг отасини Азимшайх деб аташарди, шоҳмотчи, Рискуловнинг дўсти. Унинг босмачиликка иштироки хусусида, Жонузоқов билан алоқаси бордир, эҳтимол. Жонузоқов, бинобарин, Рискулов билан ҳамдўст.

Аҳмад (тўра) — тамбурчи — созанда, бизнинг эски танишлардан, биз уни «гап»га таклиф қилардик. Унинг Раҳмонқул кўрбоши хузурига борганини билмайман.

Афғон кўнсули билан алоқаларим ҳақида Салимхонга айтгон эмасман. Чамаси, наманганлик Ҳожи бободан эшитгандир. Мен Ҳожи бобо ва Зайниддинқори илтимос қилгон киши учун афғон кўнсулхонасидан виза олиб бермоқчи эдим. Салимхоннинг кўнсулхона билан алоқаси борлигини билмайман.

1930 йил, 28 феврал

(Русчадан таржима)

* * *

Шўро ҳукумати томонидан ўртага ташлангон размежевание — Ўрта Осиё жумҳуриятларини ташкил қилиш тўғрисида кўтарилган шиор бизнинг талабимизга тўлиқ жавоб берғони учун биз Шўро ҳукуматининг бу қарорини ўз мақсадимиз йўлида ишлатмакчи бўлдик.

Миллатни зулматдан ва чет эл асоратидан қутқармак эски шиоримиз эди. Турли пайтларда ҳар хил сиёсий ҳолатларни вужудга келиши муносабати ила биз автономияни талаб қилдик. Масалан, 1917 йилда Шўро ҳукумати ўрнатилган дастлабки кунларда (бизнинг томонда бу масала

бўйича ўша вақтда келишмовчиликлар бор эди: бизнинг бир қисмимиз автўнўмиянинг ҳам вақти эмас, халқ автўнўмияга тайёр эмас, масалан, мен ўзим ҳам, деб ҳисоблар эдим) автўнўмияга эришиб, асосий мақсадимиз — истиқлолга эришиш учун ишни кейин давом эттирмоқчи эдик. Масалан, 1911 йилда ман, Саме қори Ризабоев ва Ҳаким Саримсоқов билан бирга автўнўмия асослари, турли ташкилотларни вужудга чиқоришни ўрганмак учун Финландга бордик. Халқимиз ўз маданиятсизлиғига кўра Финландда фойдаланаётган шароитга мутлақо тайёр эмаслиғига икром бўлдик.

Кўқон мухторияти тугатилгач, биз ҳатто автўнўмияга ҳам тайёр эмаслиғимизга тамом ишонч қозондик. Шуни таъкидлаш керакки, Кўқон мухторияти декларатсиясида шундай дейилгон: «Туркистон Совет Россиясини тан олмайди». Аммо ўша вақтда фақат автўнўмия ҳақида гапирилгани ҳамда биз меншевиклар таъсири остида бўлганимиз учун меншевиклар Русиясидан дарҳол ажралиб чиқиш талабини қўймагон эдик. Ажралиш масаласини, яъни асосий шиоримиз — истиқлол масаласини амалга оширишни келажакда ҳал этиш учун қолдиргон эдик.

Мана шу ўринда автўнўмия ҳақида гапирар эканман, биз фақат у билан чекланмай, асосий мақсадимизни унутмагонлиғимизни ҳам таъкидламоқчиман. Кейинги пайт, бу — 18-йиллар, шўро ҳукуматининг ҳоли танг, унинг тезда йиқилишига ишончимиз қатъий эди. Биз айнан ана шу мўментга — унинг йиқилишини тўлиқ тайёрланган ҳолда кутиб олиш учун ҳозирлик кўрардик. У пайтда бўлшевиклар ҳукуматни сўл эсэрлар билан баҳам кўришган, бизлар сиёсий ҳаётда туб аҳоли радикал қатламларининг III партияси сифатида иштирок этмоқчи бўлдик. Шу мақсадда биз, «Иттиҳоди тараққийпарвар» ташкилотини фирқага айлантиришни назарда тутгон эдик. «Иттиҳоди тараққий» — уставда «Иттиҳоди тараққий» фирқаси деб аталар, програм ҳали ишлаб чиқилмагон ва муҳр ҳам йўқ эди.

Шундай қилиб, «Иттиҳоди тараққий» фирқасини програми ишланмади, аммо истиқлол асосий мақсад сифатида ўз-ўзидан эътиборда турарди. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқилган програмнинг йўқлиги сабабли уни барчага эълон қилиб бўлмасди. Бунда «Иттиҳоди тараққий»ни тараққийпарварларнинг ҳақиқий оммавий партиясига айлантира олмагонимиз ҳам рол ўйнади. Шу билан бирга 19-йил январ воқеаларидан сўнг тезда сўл эсэрлар фирқаси

тарқатилиб юборилди. Ҳукумат бошида ёлғиз бўлшевиклар фирқаси қолди. Шундай қилиб, учинчи партия номидан чиқишга ўрин қолмади. «Иттиҳоди тараққий» барча ёшларни бирлаштирар, қўммунистлар фирқасига ёки тугатулгунга қадар сўл эсэрлар фирқасига аъзо бўлиш керак эди. Ана шунинг учун «Иттиҳоди тараққий» аъзоларининг ҳукумат ишларинда ва умуман сиёсий ҳаётга аралашмоғи масаласи миёнага чиққанда, «Иттиҳоди тараққий марказ умумияси» ўз аъзоларига қўмпартия ёки сўл эсэрлар партиясига кириш учун рухсат берган эди. Масалан, Саъдулла Турсунхўжаев (Марказ катта президиумининг аъзоси, собиқ савдогарлигини инobatга олиш лозим) Марказ ижозати билан сўл эсэрлар фирқасига, Муҳаммадаминбек қўмпартияга аъзо бўлдилар. Бироқ у ёки бу кишиларининг айнан қўмпартия ёки сўл эсэрлар фирқасига шахсан кириши Марказнинг маълум планига мувофиқ рухсат этиларди. «Иттиҳоди тараққий»нинг ҳар бир аъзоси у ёки бу аъзоларнинг давлат ишларида иштирок этишлари учун улар хоҳлаган фирқага аъзо бўлишларига рухсат берарди. «Иттиҳоди тараққий» икки сабабга кўра тарқатиб юборилди: «Анвар пошо иттиҳодчилар Туркиясининг енгилиши (зеро, бизнинг «Иттиҳоди тараққий» ўз фаолиятини ана шу Туркия билан боғлаган эди), табиийки, бизнинг «Иттиҳоди тараққий»нинг тарқалишига олиб келди, бошқа томондан эса, сўл эсэрлар фирқаси тугатилган, «Иттиҳоди тараққий»ни учинчи фирқа сифатида бўлшевиклардан ҳокимиятни бошқаришни талаб қилиши учун ўрин қолмагон эди. Яширин ҳаракат олиб бориш ҳам таъсир кўрсатаётган эди.

Сўл эсэрлар фирқасига аъзо бўлгон «Иттиҳоди тараққий»чилар, ўз хоҳишларига кўра, қўмпартияга ўтиб кетдилар.

«Миллий иттиҳод» ташкилотнинг (партия эмас) ташкил этилиши (тахминан) 1919 йилга тўғри келади. Асосий мақсадимиз — миллий истиқлолга эришмоқ учун ишни муташаккил тарзда олиб бориш мақсадимизда бор эди. Бўлшевиклар эзилганларни озод қилиш учун империализмга қарши курашни шиор қилиб олгон эдилар. Биз шундан келиб чиққан ҳолда, Шўро ҳукумати билан бирга бўлгандагина ўз мақсадимизга эришамиз, деб ўйлардик. Шу сабабли ёшларимизни фақат Шўро ҳукумати давлат идораларида қатнаштириш йўли орқали уларни давлатни бошқаришга ўргатмакчи бўлдик. Шунинг учун ёшларимизни

иложи борича кўпроқ давлат идораларига жалб қилмоқчи бўлди. Биз ана шу йўл билан аста-секин асл мақсадимиз — миллий истиқлолни қўлга киритиш мумкин, деб ҳисоблардик. Бу Шўро ҳукумати билан муроса қилиш тактикаси эди. Маориф соҳасинда ҳам ана шундай тўлиқ ҳамкорлик қилинди.

Мактабларда миллатчилик руҳи ҳукмрон бўлиб (ўқувчиларни кўпроқ жалб этиш учун), дин дарслари ҳам киритилди. Адабиёт соҳасида, ҳатто матбуотда қўмунистик ходимлар йўқлиги учун ёшлар билан иш олиб борилди, бу ерда ҳам ўша миллатчилик руҳи ҳукмрон эди.

«Миллий иттиҳод»дан бўлгон қўмпартия аъзолари ташкилот кўрсатмаси билан ишлашарди, хусусан, одамларни ишга тайинлаш масаласида, ташкилот шу йўл билан тегишли мансабларга ўз одамларини тайинларди. Бу иш Марказ Бухорога кўчгач, айниқса, очиқ олиб борилди, ҳатто фирқа ташкилотига ҳал қилинмоғи керак бўлгон масалалар дастлаб ташкилот раҳбарларининг тор доирасинда муҳокама қилинар эди. У ёки бу мансабга ўз кишиларини тайинлашга жуда ҳам муҳтожлик йўқ эди. Чунки уларнинг орасидан бирор кишини танлаб бўлмасди, негаки, у ёки бу даражада саводи борлар ташкилот аъзолари эди. Шундай қилиб, хоҳланг-хоҳламанг, ташкилот аъзоларини ишга тайинлашдан қочиб қутулиб бўлмасди.

Ўша вақтларда у ёки бу идорани ташкилот таъсирига олиш осон эди. Айниқса, маориф, адабиёт, матбуот-мафкурани шакллантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида у (ҳатто бўлажак ходимларни, миллатчи арбобларни тарбиялаб етиштириш учун) мактабларда махсус бойскаут ўтрядлари — тўдалар ташкил қилинди. Ташкилот ўз манфаати учун Шўро ҳукуматининг мазлумларни озод қилиш, империализмга қарши кураш каби хитобномаларини ҳаётга тадбиқ этишдаги амалий фаолиятдан кенг фойдаланар эди. Ташкилот манфаати бор жойда ҳамкорлик қилинарди (кадрлар тайёрлаш ва бошқалар). Шул билан бирга ташкилот Шўро ҳукуматига махфий кураш олиб бориб, айниқса, Фарғона, Самарқанд, Бухорода «босмачилик»нинг ривожланиши ва кучайишига таъсир кўрсатарди.

«Босмачилик ҳаракати»нинг тугатилиши, ташкилотни расман тарқатилиши билан асосий мақсадга эришмоқ нияти кун тартибидан олинмади. Мўлжалланган иш «Нашри маориф» ва «Кўмак» байроғи остинда давом эттирилди. Ерликлаштириш, туб аҳоли вакилларини аппаратга ундаш,

кадрларни тайёрламак, миллий руҳни сақламоқ масалаларига эътибор қаратилди. Гарчи ташкилот юзаки тарқатилгон бўлса-да, миллатчилик фаолиятини бошқариш ишлари 1923 йилгача Али Расулов, Саидносир ва Шомансуровдан иборат «тройка» қўлида эди. Энг сўнғги кунларгача миллий истиқлол ғояси ишимизнинг асоси эди. Аввалги сўроқларга жавобимда ёзганимдек, ерликлаштириш масаласи ҳозир ҳам ҳал қилувчи мўментлардан биридир. Салимхон ва Азизоданинг «Миллий истиқлол» «тройкаси», иши ҳақида берган йўриқларимда асосий эътиборни ерликлаштириш масаласига қаратишни уқтиргон эдим. Эҳсон афанди, Шорасул Зуннун каби айрим кишиларнинг ҳаракатларига қараганда, миллатчилик ишлари миллатчилик адабиётидан айрим парчаларни тушунтириш баҳонасида давом этгон бўлиши мумкин. Шорасул Зунуннинг Ленин номидаги мактабда ўтган дарсларида айрим масалалар тўғрисида миллатчилик руҳида айтқон гаплари тегишли ташкилотларга маълум бўлиб қолишидан чўчиб гапиргани эсимда.

1930 йил, 11 июн

(Русчадан таржима)

Тошканд ва Намангон ташкилотлари тўғрисида сўнғги маълумотим

Ман 24-йилдан бошлаб, бутун сиёсий идорадаги ишлардан чекила, ёлғиз муаллимлик ва китоб ёзиш ишлари ила машғул бўлмоқга қарор бердим. Шунинг учун Дохилия кўмиссарлиғига ариза бериб, Бош вақфдан чиқдим. Бир-икки мактабдан дарс олдим, ҳам ўзбек грамматикасини ёзишга киришдим. Бу чоқлар эса ташкилотлардан ҳеч бир асар қолмаган ва ташкилот аъзоларининг кўпчилиғи ташкилотлардан бир фойда чиқмаслиғига ишонгон ва бундай ишлардан тамом безгон эди. Шул жумладан, ман ҳам ташкилот ишларидан тамом безор бўлиб, бу сўзни эшитишга ҳам тоқатим қолмогон эди.

25-йил кирди. Размежевание эълон этилди. Мафкура майдонида кураш бошланди. Идораларни ерликлаштириш масалалари кўзголди. Маним китобимнинг 3-қисми мафкуравий жиҳатдан тақиққа учради. Шу муносабат билан ўзимга ҳам матбуотда қаттиқ ҳужумлар бўлди. Буни кўтара олмасдан, муаллимликни ҳам тарк қилиб, Маскўвга кетишга ва қолгон умримни ўшал ерда ўтқазишга, мани миллатчилик ила муттаҳам қилгон шу миллат билан бутун

алоқани кесишга қарор бердим. Мана шу вақтларда Лазиз келиб: «Бу ёшлар сизни қартайганлиқ ва кўрқоқлик ила айблайдурлар. Ҳозир бизга ҳукумат миллий истиқлол берган. Идоралар бирлашмакчи, бунга тўсқинлик кўрсата тургон миллатчи овруполиклар бор, улар билан курашишни ва бўш юргон зиёлиларни ишлата олдириш мақсади ила бир ташкилот керак эди. Шунга сизнинг тиламасингиздан ҳеч бир ҳаракат кўрулмади. Шунинг учун ёшлар сиздан хафа», деди. «Ул ёшлар ким?» деб сўрагонимда, «Масалан, ман, Салимхон ва бошқалар», деб жавоб берди. Ёшлар орасинда мандан шикоят борлиғига, билмадим, яна бир киши ҳам манга сўзлагон эди.

Ман Лазизга айтдим: «Мани қартайган десангиз ҳам тўғри, кўрқоқ десангиз ҳам тўғри. Ўзим бўлсам, шу таҳсилни тамом қилгондан сўнг, сизнинг ичингиздан тамом кетиб, қолгон умримни Маскўвда ўтказмакчиман. Маним фикримча, сиз айтгон ишларга ташкилотсиз ҳам ишлаб бўладир. «Ташкилот» деган сўзни иккинчи ~~мартоба~~ манга сўзламанг. Устимга ҳужумларни кўриб турибсиз. Ўзим зўрга юрибман,» деб Лазизни хафа қилиб чиқардим. Унинг сўзига ортиқ аҳамият бермадим. Чунки ул қаерда тўрт (киши) билан ўтирса, ташкилотдан сўз очарди. Шунинг учун ман уни «ташкилот жинниси» дердим. Мана, размежеваниедан сўнг ташкилот тўғрисида эшитгон биринчи сўзим.

26-йил кирди. Маскўв кетишга ҳозирландим. Акамдан қолгон бир ҳовлини минг сўмга сотдим. Пулини тирик вақтида сўраб олмоқ шартила Ёқубхўжаларга бериб қўйдим. Қозиға ариза бериб, хотунларимни талоқ қилдим. Уй ва рўзгорларни ўзлариға бердим. Ўзбекистон билан тамом хайрлашиб, Маскўвга жўнадим. Шу вақтгача Вўлғани кўрмагон эдим. Шунинг учун Маскўвга Қозон, Нижний орқали кетдим ва йўлда қаерларда тушганлиғим ва кимлар билан сўзлашганлиғим дўпруьса айтилгон. Маскўвдан топқон ўрнимга Ўзбекистон Маориф кўмиссарлигининг кўмандирўвқаси лозим бўлгонлиғидан қайтиб, Самарқандга келиб, Маориф кўмиссарлиғидан кўмандирўвка ва истипендия сўрадим. Бир ой қадар кутдиргондан сўнгра аризамга рад жавоби берди. Унингча, таҳсил вақти кириб қолди. Шунинг учун яна мактабга кириб, муаллимликда давом этмакка мажбур бўлдим.

Бу вақтларда Лазиз билан кўришиб, уни ўзим кира олмагон ўрунға бориб, кириб ўқумоқға тарғиб қилдим. Ул ҳам қабул қилиб, кетмакчи бўлди. Сўз орасида яна ташки-

лотдан гап очилиб, ўзи ҳам бир ташкилот тузиш ҳаракатида бўлганлиғи, ораларида қўммунистлардан ҳам борлиғини, Салимхон бу ишни вужудга чиқариш ҳаракатида юрғонлиғидан ҳикоя қилди. Ман ҳикоядан ғоятда қўрқдим. Чунки бу хабар сиёсий идорага, албатта, еткандур ёхуд етадур ва бундан манга ҳам зарар етмай қолмас, деб ўйладим. Лазизни бундан тезроқ жўнатишга ва Салимхонни бир илож қилиб ишдан тўхтатишга қарор бердим. Тошканд ташкилоти тўғрисида эшитгон 2-сўзим шул. Лазиздан бир неча кун сўнгра Салимхонни кўриб, воқеани сўрағонимда ул манга жуда аҳамиятлар қилиб кўрсатди: «Фулом Икромий, Мирхалил Каримийлар ила бир-икки ўтуриб, ерлаштириш тўғрисида сўзлашилди. Бу фикрга улар ҳам розилиқ билдирдилар», деди. Бунга ман қаршу турмадим, розилиқ билдирмадим, чунки Икромий ва Каримўв каби тажрибали қўммунистларнинг Лазиз ва Салимхоннинг сўзлариға кириб ташкилот ботқоғиға ботишларини ўзим истамадим. Ва ҳозирда ҳам шу фикрдаман. Шунинг ила баробар Салимхонга: «Мундай сиёсий ишларға сиз ва бизнинг аралашимиз фойда бермайди. Яхшиси, бундай ишларни қўммунистларнинг ўзлариға ҳавола қилиш керак», дедим. Салимхон бўлса, ман ҳам шул фикрдаман, деб мани тинчлантирди.

Мана бу Тошканд ташкилоти тўғрисида эшитгон учинчи сўзим. Лазиз кетгандан сўнгра тамом хотиржам бўлдим. Чунки ортиқ Тошкандда эскилардан «ташкилот жинниси» чиқмас, деб ўйлардим. Орадан бир ярим йил қадар вақт ўтуб, бу тўғрида на Салимхоннинг, на бошқанинг оғзидан бирор сўз эшитмадим. 28-йилда, бир куним маним уйимда Салимхон, Шорасул ва ман уч киши ўтириб, бир оз ичишдик, Шорасулнинг кайфи баланд бўлди. Салимхонга қараб: «Қори акам қартайган, умид йўқ. Сиз бир ташкилот тузиб, бизни ишлатсангиз-чи!» деди. Салимхон бунга: «Тузиб нима қиламиз, балки тузилғони бордур», деб жавоб берди. Шорасул: «Мани нимаға олмайсиз?» деганда, Салимхон, «Сиз ҳозир кандидатсиз», деди. Бу мусоҳабадан маним кўнглимда бир шубҳа туғилди. Чунки Салимхоннинг «Сиз кандидатсиз» деган жавобидан сўнгра Шорасул манга қараб: «Ажойиб, ман ҳали ҳам «Кандидот» эмушман, деган таажжуб жумласини икки-уч мартаба такрорлади. Ман бу мусоҳабаға сўз кўшмадим. Фақат кўнглимдан шундай шубҳалар ўтди: Салимхон Икромўв ва Каримўвлар ила бир иш чиқара олмасдан, шу Шорасулға ўхшаш кишилар ила баро-

бар уюшма тузганми? Мандан бир сўз олмоқ учун қасддан бу мусоҳабани очдимми? Ҳар ҳолда бир кун бошимизга бир фалокат келтирмаса, ярар эди? каби кўрқинчларга тушдим. Бу мусоҳабадан сўнгра улар тез кетдилар. Ман бўлсам, ҳали шубҳа ва кўрқинчларга тушганимча қолдим. Мана бу Тошканд ташкилоти тўғрисида эшитган 4-сўзим. Шундан бир-икки ой ўтгач, Салимхонни кўриб, икки нарса тўғрисида қаттиқ илтимос қилдим:

1 — Хотунини бирга қилиш;

2 — Тошкандда ташкилот тузиш хаёлидан воз кечиш, агар тузгон бўлса, тез тарқатиш.

Бу илтимосга Салимхон шу мазмунда жавоб берди: «Ўрис хотунимни тездан жўнатиб қутулмоқчиман. Ташкилот (ҳақида) бўлса, Фулом акалар билан икки-уч ўтурушдан бошқа кенгаш қилгонимиз йўқ. Бошқа киши билан ҳам бу тўғрида сўзлашгон эмасман» деди. Ман такрор унга: «Барибир букун ташкилот орқасиндан халққа бир тийинлик фойда келтира олмайсиз, балки кўб кишиларнинг хонавайрон бўлишига сабаб бўлишингиз мумкин», дедим.

Мана Тошканд ташкилоти тўғрисида маним бутун мусоҳабам ва музокараларим шундан иборат.

Бундан сўнг Салимхон мандан ҳар вақт узоқ қочиб турадургон, кўринмайтургон бўлди, ўзим ҳам Самарқандга кетиб, тўрт-беш ойни унда (музейда) ишлаб қолдим. Бу тўғрида Салимхондан бошқа киши оғзидан бир сўз эшитмадим. Икромўв ва Каримўвларни 7-8 йил миёнасида кўргон ва сўзлашгон эмасман. Ман бу баёнотимда Тошканд ташкилоти ила алоқам тўғрисида қандай натижа чиқаришни сизнинг виждонингизга ва бетарафона тадқиқотингизга ҳавола қилдим.

Намангон ташкилоти тўғрисида. Ҳақиқатан, ман ниҳоятда айбдорман. Ўзимни оқлай олмайман.

√ 27-йилларда ҳам манга матбуот ҳужуми давом этиб, ойлавий ҳаётларимга қадар бориб тўқунарди, жавоб ёзсам, газеталар босмасди. Шунинг учун қандай бўлса, шу маломат орасидан чиқиб кетиш фикри манда қувватлана борарди. Шул сабаб афгон кўнсулига мурожаат қилиб, ундан ўзим учун Афғонистондан жой сўрашга мажбур бўлган эдим. Кўнсул ҳам Афғонистонда муаллимларга эҳтиёж зўрлигини бир эмас, бир неча муаллим топиш фикрида бўлгонлигини, бу тўғрида ўзига Кобулдан хабар борлигини баён қилиб, мани севинтирган эди. Мана шу вақтларда Намангондан бир киши келиб, манга Зайниддин қорининг

хатини берадур. Ва ўзини манға «Иттиҳоди миллий» жамиятининг 21-йиллардаги парўли бўлгон «Наби» сўзи билан тақдим этадир. (Парўл масаласини дўпрус вақтида эсимдан чиқоргонман.) Бу хатға жавобға маним вазирам: «Қори аканғизға салом айтинг, Наби ўлган, унинг руҳиға Курьон ўқуб, тинч ётсинлар, бундай ишларнинг вақти ўтган», деб қайтаришим лозим эди. Агар шундай қилгон бўлсам, балки бу кунги фалокатлардан ҳам ўзимни, ҳам намангонлиқларни халос қилгон бўлар эдим.

Мана маним Намангон масаласида биринчи гуноҳим. Бошқа маним хотирамға шу жавобни қайтариш келган бўлса ҳам, фикрим тез ўзгарди. Эски «Иттиҳоди миллий»нинг Намангонда ҳануз давом қилгонлиғиндан шубҳаландим. Агарда эски «Миллий иттиҳод»нинг давоми ва ҳақиқатан аксилинқилобий бир ташкилот бўлса, бир кун бундан бизнинг бошимизға ҳам қалтак тегишидан кўрқдим. Шунинг учун булар билан алоқа қилиб текшириш, эскидан қолгон ёзуви материаллари бўлса, очиб, ГПУ қошида кузатиш, сиёсий аҳволни бир оз тузатиш, агарда Лазизға ўхшаш тўртбеш «ташкилот жиннилари»нинг қуруқ ҳаракати бўлса, кейинроқ бориб тушунтириш йўли ила тарқатиб юбориш хаёллари манға маъқул кўринди. Ва шу умид билан хат келтирувчиға: «Ман ташкилот ишларидан воз кечганман. Бошқалар орасида борми, йўқми? Билмайман. Яна бир суриштириб кўрай, иккинчи келишинғизда қатъий жавоб берай», деб умидни узмасдан қайтардим.

Юқоридаги хаёлларимни вужудға чиқармоқ учун манға ёрдамчи керак бўлди. Бунға Салимхондан мувофиқроқ кишини топа олмадим. Чунки унға намангонлиқларни ишонтириш мумкин, ташкилот ишлари ила таниш, ҳам сиёсий идоралар билан алоқадор. Шунинг учун бу ишни Салимхонға очдим. Ул ҳам маним фикримға қўшилди. Иккинчи келгонда ман уни Салимхонға юбормоқчи ва Салимхонни бир ташкилот вакили қилиб кўрсатмакчи бўлдим. Агарда ташкилотнинг манзилени сўраса, Марказда, исмини сўраса, «Миллий истиқлол» демакчи бўлдик.

Мана маним 2-гуноҳим шу ишни Салимхонўвға топширдим. 3-гуноҳим намангонлиқ бечораларни алдашға қасд қилиш бўлди. Уларни алдайман, деб ўзим алданганлиғимни ҳозир сезиб ўлтирибман.

Ул киши 2-келгонда (28-йилда), ваъдаға мувофиқ, ман уни Салимхонға юбордим.

Бундан бир неча кун ўтгач, шул киши бир домла билан келиб, афгон қўнсулидан виза олиб беришимни сўради...

Виза тўғрисида тезда ўзимнинг Самарқанд кетишимни баҳона қилиб, виза олиб беришдан бош тортдим. У «Салимхон олиб бермайдими?» деб сўради. «Салимхоннинг кўнсул билан алоқаси йўқ, олиб беролмайди, яхшиси, бу киши ўз жойига кетсин, ман Самарқанддан келгач, бир гап бўлади» (дедим). Мақсадим уни юборишга монёв бўлмоқ эди. Фақат ул домланинг маним мақсадимга хилоф ўлароқ Салимхон ёрдами ила кетганлигини 29-чи йилларда эшитдим. Бундан сўнгра Илҳомжон келиб, ўзининг Салимхон томонидан Намангонга юборилишлигини, бу тўғрида ман ҳам маълумот олишга буюрилгонлигимни айтди. Ман унга дўпрус вақтида айтгон ва ёзиб берилган маълумотларни бердим. Кўнглимда Илҳомжон ҳам сиёсий идора билан алоқада экан, шунинг учун Салимхон буни интихоб қилгон, (манда) уюшманинг очилиши яқин бўлса керак, дегон умид туғилди. Бу воқеадан сўнгра 8—9 ойча на Салимхонни, на Илҳомжонни ва на Намангонлиқни кўра олмадим. Мандан маълумот олиб кетган Илҳомжон бу кунга ҳам манга Намангон аҳволидан маълумот бергани йўқ. Орадан узун муддат ўтгач, фақат 29-йил бошларида бўлса керак, Салимхонни бир мартада кўришга муваффақ бўлдим. Намангон уюшмасидан сўрадим. Салимхон: «Намангонда очишга арзийтур(гон) аксилинқилобий бир уюшма йўқ. Сиз ўйлагон проғром ва устафларни алардан топиш унда турсин, биздан келиб устаф ва проғром сўраб юрибдурлар. Ман яқинда бир кичкина дастуриламал ёзиб бердим», деди. Шул миёнада бир ёт киши устимизга келиб қолиб, гапимиз тўхталди. Ортиқ сўз сўрай олмадим. Иккинчи бир кўришда дурустроқ сўзлашиш, Намангон уюшмасини очиш ёки тарқатиш тўғрисида бир фикрга келиш ниятида ўз ишимга кетишга мажбур бўлдим. Фақат бундан сўнгра қамоққа қадар Салимхон билан кўришиш манга муяссар бўлмади.

29-йилнинг кўклам фасларида бўлса керак, маълум йигит маним олдимга келди. Ўзининг Еттисувга кетиб тургонлигини, Салимхонни қидириб тополмагонини, шунинг учун ман билан бир кўришиб кетиш ниятида кирганлигини билдирди ҳам уюшмага яхши раҳбарлик қилмагонлиги учун Салимхондан шикоят қилди. Бу вақтларда ман Салимхоннинг Намангон ишини очиш ёки тарқатиш фикридан воз кечиб, чиндан-да шунга раҳбарлик қилиб яшатиш фикрига тиришганлигидан шубҳалана бошлагон эдим. Бу шубҳа мани Салимхон билан уришгонимдаги айтган

сўзлари, хусусан, дастуриламал ёзиб берганлиги, ман қайтаргон Хожининг Афғонистон кетишга ёрдам берганлиги ва мандан узоқ қочиши, кўринмаслиги анчагина қувватлагон эди. Шунинг учун ҳам ул намангонлиқ йигитга айтдим: «Салимхондан ман ҳам хафаман. Сиз ҳам ўшанинг олдига борманг, ул ҳозир йўлдан адашқан. Уюшмаларингизга келганда унинг хабари сиёсий идорага етганга ўхшайдур. Уни тезроқ тарқатинг. Қори акангизга салом айтинг. Бундан сўнг бундай ишлар билан бошларини қотурмасинлар. Маним олдимга ҳам энди киши юбормасунлар».

Бир ярим йил аввал айтишим лозим бўлгон сўзни ман энди айтиб, гўё намангонлиқлар билан алоқамни кесган бўлдим. Ҳолбуки, ишнинг вақти ўтгон экан. Маним вазифам қандай бўлса ҳам сиёсий идораларга келиб, воқеани баён қилишим керак экан. Мана бу мани 4-гуноҳим.

Бундан бир неча вақт кейин намангонлиқлардан Фаттоҳ маҳзум билан кўришдим. Ул манга Зайниддин қори қамалгонлигини ва унинг сабабларини ҳикоя қилди. Билсам, шул Фаттоҳ маҳзумми ёхуд аввалги келган йигитми, ҳар ҳолда иккисидан бири Қирғизистондан «босмачилиқ ҳаракати» кўзғолгонлигини, бизнинг Фарғонадаги ўзбекларга ҳам таъсир қилиш эҳтимоли борлигини, тавба қилиб кирган эски босмачиларнинг баъзилари қамалишдан кўрқиб ва баъзилари қирғизларга алданиб, қўшилиб кетишлари эҳтимолдан узоқ эмаслигини ҳикоя қилди. Ман унга шу равишда жавоб бердим: «Тинч тургон кишини ҳукумат қамамаса керак. Қамагонда ҳам тез чиқарадурлар, ўлдурмайдилар. Аммо босмачиларга қўшилгон киши, албатта ўлдириладур, агар Ўрта Осиёнинг бутун халқи босмачиларга қўшулса ҳам ҳукумат бир тола мўйини ҳам қила олмайдур. Мана бу ҳақиқатни чиқиб кетиш эҳтимоли бўлмагон кишиларга тушунтириш керак. Қабул қилмай тургонларни ҳукуматга айтиб қамаш керак. Эндигина хўжалиги тузалиб келаётқан Фарғона шундай бир неча кишининг касофатига қолиб, яна қонга бўялмасин, хароб бўлмасин».

Бундан сўнгра қамалишдан бир ой қадар илгари, Фаттоҳ маҳзум бир мартаба маълум йигит (билан) келган бўлса, уларга ортиқ сўзлашмасдан қайтардим. Сўзлашгон сўзларимни дўпруса айтгонман. Булардан ташқари, Усмон Акрабий деган кишининг ҳам манга келгонлиги дўпрус вақтларида эшитиладир. Уни бир мартаба кўрганга ўхшайман. Қаёқда кўргоним хотирамда йўқ, агарда маникига келгон бўлса ҳам, кўп аҳамият бермасдан, Салимхонга ҳаво-

ла қилгон бўлсам керак. Булардан ташқари, ҳалиги келатургон йигитнинг турли келишларида манга бергон саволлари ва манинг унга жавобларим бор. Булар дўпрус вақтида айтилган бўлмаса керак. Булардан эсимда қолгонлари мана шулардир:

Ул — Ташкилотнинг хотинлар озодлиғига назари нечик?

Ман — Ҳеч бир ташкилотга мансуб бўлмагонлигимдан ташкилот фикрини айта олмайман. Фақат ҳар саволингизга шахсий фикримни айта биламан.

Ул — Хотунлар озодлиғига ўз назарингиз қандай?

Ман — Бунда қўммунистлар тутгон йўлни олқишлайман. Чунки бизга қолса, бу ишни 20—30 йилга чўзордиқ.

Ул — Ер ислоҳотига қандай қарайсиз?

Ман — Ер ислоҳотида ҳозирги тутилгон йўл энг тўғри йўл, деб қарайман.

Ул — Динга қарши курашга қўшила оласизми?

Ман — Ҳозир динларнинг асосига эмас, хурофотларга қарши курашишни лозим топаман.

Ул — Ташкилот ишига ёшлар яхшими, эскиларми?

Ман — Умуман ҳар бир ишга ёшлар яхши. Эскилардан умид узиш керак. Чунки улар охират кишиси.

Ул — Ташкилотга аъзо кўпайтиришга қандай қарайсиз?

Ман — Икки-уч кишидан зиёдасига қатъиян қаршиман.

Мана шунга ўхшаш муҳим сўроқларни манга турли вақтларда бергон ва манинг жавобларимни бир кичкина дафтарчага отетка қилиб олгон чоқлари бўлгон. Балки орамизда булардан бошқа сўзлар ҳам ўтгондир. Ул ўртоқлар хотиримга солалар эканлар, ман қабул этаман, балки уларнинг бу кунги фалокатларга юқорида ёзилгон хаёл ва умидлар ила буларга алдаб Салимхонга топшургоним сабаб бўлгондур.

Агарда... Шундай бўлса, ҳукумат қошида ҳам, улар қошида ҳам масъул ва маҳжуб, деб биламан. Қандай жазо бералар экан, ман ўзимга лойиқ ва муносиб кўраман. Бу ёзгон сўзларимнинг тўғрулиғига гувоҳларим ва шул тўғриларда ман билан сўзлашгон (Салимхон, Илҳомжон, Наманган йигити, Фаттоҳ махзум) ларнинг ўзлари ва уларнинг виждонларидан бошқа бир гувоҳ ва ҳужжатим йўқ. Намангон уюшмасида бўлсин, Салимхон уюшмасида бўлсин, аъзолари қанча ва кимлардан иборат эканлиғини билган эмас-

ман ва ҳеч бирларидан сўрагон ҳам эмасман. Сиздан илтимос қиламанки, маним сўзларимнинг тўғри ва нотўғрилигини билмак учун шул тўрт киши билан мани бир мартаба юзлаштирсангиз эди.

Тошканд ва Намангон ишлари тўғрисидаги сўнги маълумотимни шунинг ила битириб, умумий гуноҳларимни ҳозирда ёза бошлагон сўнги заявлинияда кўрсатаман.

1930 йил, 15 май

* * *

Абдуваҳҳоб Муродий Германиядан қайтиб келгондан кейин ман биринчи марта унинг уйига бориб учрата олмадим. Кунлардан бир куни Шайх Хованд Таҳурда кўришиб қолдик. Ман унинг уйига бориб, топа олмоганимни айтиб, ўз уйимга таклиф қилдим. У менинг таклифимни қабул қилди. Биз ярим соат суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбатимиз мазмунини (ўқувчиларнинг умумий аҳволи ҳақида) айтиб берганман. Унинг Германияда қолган талабаларга уларнинг қайтиши ёки қайтмаслиги ҳақида хабар қилиш тўғрисидаги ваъдаси ҳақида менга, айтганимдай, Эшонхўжа Хоний хабар берди. Муродий талабалар билан юқоридаги мавзу хусусида келишиб олган бўлса, улар билан қандай хабарлашиш ҳақида ҳам бир фикрга келган, чамаси. Муродий ўз жавобини хат орқали шартли равишда билдирган, деб ўйлайман.

Лазиз Азиззодани хорижга юбориш ҳақидаги режадан хабарим йўқ. Агар шундай режа бўлса, бу қозоқлардан Халил Дўстмуҳамедов ва Қочқинбоев (русчасида Кашкинбаев — С. А.) билан кенгашиш натижасидир. (Ман ушбу кенгаш ҳақида аввал гапирган эдим.) Лекин Азиззодани Истанбулга кетиш учун (пул олиш учун) Самарқандга — Шоқобил Камоловга маң юборган эмасман. Камолов Самарқанд ташкилотининг хазиначиси эканлигини билмайман. Тошкент ташкилотининг пул масалалари билан Толибжон Мусабоев ва Саидносир Миржалилов шуғулланишган.

Пахта ҳақида

1929 йилнинг бошларида Шўро ҳукумати билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви туфайли мен Муҳиддинхўжа Шамсихўжаев билан пахта ҳақида суҳбатлашдим.

Ман «Уруш бўлиб қолса, очарчилик хавфининг олдини олиш учун пахта далаларининг бир қисмига, агар зарурат туғилса, ғўзаларни суғуриб ташлаб, ўрнига дон сепиш керак», дедим. Орадан бир оз вақт ўтгач, ман Миродил Мирзааҳмедов ва Айюбни учратиб қолдим. (Оқмасжиднинг Айюбойвачча маҳалласидан, Бувахон тўра ва Қосимов, Акбар Самигҗонов гуруҳидан.) Миродил мандан: «Шамсихўжаев сизни пахтага қарши, ҳатто пахтани йўқотиб, ўрнига дон сепиш ҳақида қарор қилинди, деб айтганингиз ростми?» — деб сўради. Ман гарчи Миродилни эскидан танисам ҳам унга рад жавоб бердим. Муҳиддинхўжа бизнинг пахта ҳақидаги суҳбатимизни бошқача шаклда етказибди.

Муҳиддинхўжа билан суҳбатда дон экинларини сепиш фойдалироқ, деган истакни деҳқонларга айтиш керак, деган гап бўлган эди. Салимхон биланми ёки Наманган ташкилотининг аъзоси Ҳожибобо биланми пахта ҳақида гаплашганмиз (қишда, Шўро ҳукумати билан Хитой ўртасидаги муносабатлар кескинлашган пайтда). Ана шунда ман мабодо уруш бўлиб қолса, пахтанинг бир қисмини йўқ қилиб, унинг ўрнига бошқа донли экинларни экиш зарурлигини деҳқонларга хабар қилиш лозимлигини ва шу йўл билан иқтисодий соҳада зарар етказиш мумкинлигини айтган эдим. Ман буни суҳбатдошим (юқорида айтилган икки кишидан бири)га агар пахтани кўпайтириш учун бошқа ўсимликларни камайитириш оқибатида очарчиликнинг такрорланишидан қўрққаним учун гапирган эдим. Эҳтимол, менинг пахта ҳақидаги гапим улар орқали наманганликлар қулоғига етиб борган бўлса керак.

«Иттиҳоди тараққий» амалиётида қўпоровчилик бор эди. Масалан, «Иттиҳоди тараққий»нинг биринчи ташкилотчиси турк Усмонбек ташкилот қарори билан унинг ташкилот ишини фош қилишининг олди олиниб ўлдирилган.

НКВДнинг собиқ қўмиссари Исмоил Габитовга эса, ўша пайтда қулоғимга чалинган шов-шувларга кўра, Ҳовузбоғ маҳаллалик аламзада бойлар Йўлдош ҳожи (вафот этган) ва Шоалим томонидан суиқасд уюштирилганини эшитганман. Улар милиция бошлиғи Саидкамолхон домла («Иттиҳоди тараққий» аъзоси)ни, милиционерларни сотиб олишган, улар Габитовни отишган (1918 й.).

«Иттиҳоди тараққий»нинг қўпоровчилик гуруҳи Саидкамолхон домла, Илҳом Ёқубий (қўммунист) ва Зокиржон Ҳошимовдан иборат. Ўқитувчи Боқи Фарғонада босмачилар томонидан ўлдирилган.

Абдурахмон Сайёҳ қўрбоши Ҳамдам хожи (Қаландаров — С. А.) томонидан ўлдирилган. Унинг ўлимига ташкилотнинг дахли йўқ.

«Миллий иттиҳод»нинг ҳарбий гуруҳи бор бўлиб, босмачилар, хусусан, Раҳмонкул қўрбоши билан алоқа қилган. Бу гуруҳга Исроилжон Иброҳимов аъзо эди. У Раҳмонкул ҳузурига борарди.

Ўқитувчи Боқининг ўлими «Миллий иттиҳод»нинг даврига тўғри келади. Исроилжон Иброҳимовнинг Сафарўвни йўқотиш учун Чимкентга боргани маълум эмас. «Миллий истиқлол»нинг қўпоровчиликка дахли йўқ.

Ман Салимхон билан Обид Саидни ўлдириш зарурлиги ҳақида гаплашган эмасман.

1930 йил, 2 август

* * *

1928 йилда ман муаллимликдан бўшаганимдан сўнг Маориф Халқ қўмиссарлигига ўқув юртидан бошқа жойларда ишлаш учун хизмат берилишини сўраб, ариза ёздим. Ман Абдулҳай Тожиевга ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб мурожаат этдим. Тожиев манга запискани бердими ёки манинг ишим ҳақида Маннон Рамзий билан шахсан гаплашдими, яхши эслай олмайман. Манга бевосита унинг ёрдами билан музейдан иш беришди. Тожиев манинг шогирдим бўлгани учун ман унга аҳволимни батафсил тушунтирдим.

Маориф қўмиссарлигига мурожаат қилишимдан икки ойча аввал Абдулҳай Тожиев ва Маннон Рамзий билан Тошкентда куйидаги шароитда учрашган эдим. Газеталарда манга қарши мақолалар босилди. Ушбу мақолани олиб, Абдулҳай Тожиев яшайдиган номерга¹ кириб арз қилдим: «Нима учун газеталар мани сўкишмоқда? Ман ўз вазифамни адо этяпман, дарс беряпман». Тожиев манга: «Газета бундай усул билан ёшларни тарбияламоқда ва ана шу мақсаднигина назарда тутишмоқда», — деди. Шу пайт Рамзий кириб келди. Ман уларга муаллимликдан кетиб, ёшлар билан тўқнашмайдиган лавозимда, масалан, музейда ишламоқчи эканимни айтдим. Улар манинг фикримга қўшилдилар, хуллас манга ана шундай иш беришни ваъда қилдилар.

¹ Меҳмонхона кўзда тутилмоқда.

ГПУ ташкилотлари билан Убайдулла Хўжаев ҳамкорлик қилиши масаласида ман Хўжаев билан суҳбатлашдим. Хўжаев кулиб мани троцкизмга муносабатимни ГПУга сотганини гапирди. Ушбу кулгуни Убайдулла билан икковимиз ўртамиздаги дўстликка заррача раҳна солмайдиган, арзимас бир фактни хабар қилиш — фактнинг аҳамиятини пасайтириш, деб қаралмоғи лозим.

1930 йил, 6 октябрь

Оппозисияликдан аксилнқилобчиликқа

Овруполилардаги буюк Русия шовинизмаси 20-йилларда жуда кучли эди. Фақат бизнинг миллатдаги шовинизма исмда бўлса ҳам, мақсад ва гоё жиҳатдан бир-биридан айриларди: овруполилар шовинизмаси ҳаммадан ҳоким миллатга мустамлакачилик гоёларини таъқиб эта борғон ҳолда, ерликлар шовинизмаси мусулмон озодлиғи маҳкум миллат, қулликдан қутулиш мақсадларини илгари сурарди. Шунинг учун ерликлар ўз миллатчилигини қўммунизм нуқтаи назаридан машруъ бир миллатчилик, овруполикларникини ғайри машруъ, деб қаради.

Ул чоқларда, синфий онг бутунлай йўқ, деярлик даражада кучсиз, бу кунги синфий ўринга миллий кураш давом этади. Бу курашларда ерликлар доимо суратда енгилиб келса ҳам, 20-йилдаги 8-қурултойда ерликлар ўртоқ Кўбўзев раҳбарлиги остида бир қадар ғалаба қозонди. Мана бул ғалаба ерлик ишчиларга жуда қимматга тушди.

8-қурултойдан сўнгра икки-уч ой ўтар-ўтмас, ҳукумат бошига сайлонғон ерлик ишчиларга (рисқуловчиларга) қаттиқ ҳужум бошланди. Овруполилар ерликларни миллатчиликда айблай бошладилар. Ниҳоят, бу ҳужумларга чидолмасдан, ўртоқ Рисқулов бошлиқ марказ ишчилар ҳукуматидан чекилишга (истеъфоға) мажбур бўлдилар. Туркқўмиссия аъзоларини буюк рус миллатчиларининг таъсирига берилганлик билан айбладилар. Шунинг учун уни муҳолиф вазиятга туширдилар ва Туркқўмиссия устидан дод демак учун Рисқулов бошлиқ бир неча ишчилар Масқўвга жўнадилар. Масқўвдан хафа бўлиб мағлубият билан қайтдилар. Бунинг устига тубандаги воқеалар қўшилди:

1. Рисқуловларни миллатчилик билан айблаб чиқарғон Туркқўмиссия булар ўрнига ерлик ишчилар орасида энг тор миллатчилардан саналғон Тўрақулов ва Хўжановларни келтириб ўтқазди.

2. Рисқуловлар замонида марказий ва маҳаллий ишларга қўйилгон ерлик ишчилар умуман деярлик «рисқуловшиналик» билан айбланиб, ишдан қувилдилар.

3. Масқўвдан ўртоқ Сафарўв қўл остида Туркистонга юборилгон «Қизил Шарқ» поезди Сафарўвнинг баъзи янгилик ҳаракатлари ва қаттиғқўллиғи орқасида «Қизил жазо» поезди номини олди. Чунки поезд билан ўртоқ Сафарўв қаерга борса, мутлақо бир неча ишчиларни тутиб қамади. Бир неча ишчини қаттиғ ҳақорат қилди. Баъзи жойларда бир неча кишини тутиб отдирди. Қисқаси, Туркистоннинг ўшал чоқларидағи сиёсий ҳавосиға тўғри келмайтургон ҳаракатларда бўлинди.

4. Ишдан чиқарилгон ишчиларнинг оилавий аҳволлариға ва соғлиқлариға қаралмасдан, турли ёқларға қўмандировка (ўша замон таъбирича, почетная висилка) қилиниб тарқатилди.

5. Бутун ғояси ерлик халқни маҳкумликдан озод қилиш ва чор ҳукумати томонидан айб этилган ҳуқуқларни қайтаришға ҳаракат қилишданғина иборат бўлгон ерлик ишчилар миллатчилик билан муттаҳам қилиниб, шул қадар қувғинларға дучор бўлгон ҳолларда ҳоким халқ мустамлакачилик даъволаридан ҳануз (воз) кеча олмагон буюк рус миллатчиликларига кўз олайтириб қарагон киши бўлмади. Улар тамом озодлик ила ўз ишларида давом этдилар.

Мана кетма-кет бўлгон бу воқеалар ерли ишчиларнинг кўнгилларин Цека партиядан ҳам совутди. Ўшал вақтғача кўммунист фракциясини Шарқ мазлумларини чин маъносила маҳкумликдан қутқармоқчи бир фирқа деб мақтаб юрган кишилар бу воқеалардан сўнгра «Ҳозирги сиёсат буюк рус мустамлакачилигининг бўлшевизм пардаси остидаги янги бир тажаллисига ўхшайдир» каби жумлаларни очикдан-очик айта бошладилар. Бир қанча кишилар 20-йил бошларида ташкил этилиб, ишлай бошлагон «Миллий иттиҳод» уюшмасининг қучоғига кира бошлади. Сафарўвнинг қамоғидан, ҳужумидан кўрқгон баъзи кишилар (масалан, Рисқуловнинг ўнг қўли саналгон Жонузоқов) босмачилар ичига қоча бошлади. Босмачиликдан тавба қилиб, ярашиб кирган баъзи кўрбошилар ва уларнинг йигитлари такрор қочиб, босмачиларға қўшила бошлади. Бу вақтларда Саъдулла Турсунхўжаев, ман, Али Расулов, Юсуф Алиев, Отажон каби йирикроқ ишчилар Бухороға қўмандировка қилинадилар.

20-йилнинг охирлари бўлса керак, Тошканддан, «Миллий иттиҳод» уюшмасининг марказидан бир хат олгонман.

Ман олгон хатда тахминан шул сўзлар бор эди: «Иттиҳод ва тараққий» уюшмасига берган ваъдангизга мувофиқ, унинг ўрнига ташкил этилган «Миллий иттиҳод» уюшмасининг ҳам аъзоси саналасиз. Шуни хотирангизга тушурув ила баробар Бухорода шул уюшманинг шўъбасига ташкил ишига маъмурсиз». Мана бу хат олингондан сўнгра, биз бу қарорда «Миллий иттиҳод» шўъбасини эмас, тўғридан-тўғри марказини бўлдиқ ва шу йўлда ҳаракатларга киришдик. (Бу тўғрида муфассал суратда ёзиб берган маълумотим бор.)

Бошда Туркқўмиссиянинг, сўнгра Цека партиянинг ерлик зиёлилариға қарши тутган тактикасига қарши оппозиция шаклини олгон «рисқуловшина»лар ҳаракати мана шундай йўллар ила секин-секин аксилинқилобий бир тусга кира борди. Хусусан, Бухороға Закий Валидий келиб, уюшма ишлариға раҳбарлик қила бошлагондан сўнгра «Истиқлоли Бухоро», «Миллий иттиҳод» уюшмалари шўро мустамлакачилигига қарши кураш шиорларини очикдан-очик илгари сура бошладилар. Мана маним биринчи ҳам энг катта гуноҳим Бухорода экан(ман), шул «Миллий иттиҳод» уюшмасида бошлиқлар қаторида ишлаганлигим бўлди.

Ул чоқлардағи хаёлларим, фикрларим эсимга тушса, ҳануз ўзимдан ўзим уяламан, қизораман. Уюшма ҳаракатлари бошлангондан сўнгра ман икки ой қадар Бухорода турдим. 21-йил март 20 лари бўлса керак, ТуркЦИК президиуми томонидан Тошкандга чақирилиб, бундоғи Илмий шўроға аъзо тайин қилиндим. Бу вақтларғача Тошканддаги эски марказ Бухорода ташкил этилган янги марказга расман иш топширмагон ва уюшманинг устав ва печатларини юбормагон эди. Бухорода экан(ман), Самарқанд ва Фарғона уюшмалари босмачилар билан алоқа бошлангонлигини эшитган эдим. Тошкандга келгач, Тошканд марказининг босмачиларидан Раҳмонқул кўрбоши билан алоқа бошлагонларини Садрхондан англадим.

Орадан ўн кун ўтди. 31 мартда бирдан қамоққа олиндиқ. Бир неча кундан сўнгра қамоқнинг сабаби очик англашилди. Садрхоннинг англиз қўнсулиға хат ёзгонлиғи ва ул хатнинг тутилгонлиғи билинди.

Бу хат билан Бухоро, Самарқанд ва Фарғонанинг ҳақиқатан алоқаси йўқ эди. Ёлғиз Садрхон ва Каримовларнинг миясидан келиб чиқгон бир иш эди. Аммо ул хат «Миллий иттиҳод»нинг маркази номидан ёзилиб, унинг печати ила муҳрланган бўлгонлиғи учун ул гуноҳға «Мил-

лий иттиҳод» аъзоларининг барчаси шерик бўлишлиги лозим эди. Шунинг учун ман кўзимни лўқ қилиб, «Миллий иттиҳод» уюшмасидан тонишга мажбур бўлдим. Мана бу маним иккинчи гуноҳим. Агар ўшал вақтда тонмасдан, уюшманинг бутун сирларини очқон бўлсам, балки бугунги фалокатларга йўлиқмагон бўлур эдим. Лекин бунга журъат эта олмадим. Чунки, бир томондан, Чека, иккинчи томондан, ул чоқларда яхшигина қувватланган бўлгон уюшма, ҳар ҳолда мани тирик қўймас, деб қўрқдим.

Биз қамолгондан сўнгра уюшма маркази расман Бухорога кўчадир. «Рискуловшина»лар чиндан-да, аксилинқилоб ботқоғига бота бошладилар. Тошкандан бўлса Тангриқул, Обидхўжа ва Усмонхўжалар Раҳмонқулга сиёсий раҳбар бўлиб кетадир, Бухорога жўнатиладилар. Тошкандга «тройка» қўйилладир... Мана бу ишлар кимларнинг буйруғи ва кимларнинг маслаҳати билан ишланди. Бу иш манга ҳам қоронғи. Ман ўз запискамда мана шу фактларни очмоқ, Самарқанд ва Фарғона ишлариндан тафсилий маълумот бермак фикрида эдим. Шунинг учун бу хусусда Файзулла Хўжаев, Муҳиддинов, Турсунхўжаев ва самарқандлик Муродхўжалар ила сўзлашдим. Ҳолбуки, бутун запискам тўғрисида ўшалар билан сўзлашганлигим учун ҳам айбли саналаман.

Ман турмада 8 ой қадар қолиб, 21-йил охирларида чиқдим. Турмадан чиққоч, бир-икки ой болнисада ётишга, ундан сўнг тоғ саёҳатиға чиқиб, бир-икки ой қимиз ичишга тўғри келди. 22-йил ўрталарида тоғдан қайтиб, Эски шаҳар маъориф шўъбасиға соцвос¹ мудир тайин этилдим. 22-йил ўрталаригача, табиий, на ҳукумат ишиға ва на ташкилот ишлариға қарамасдан, ўз соғлиғим билан машғул бўлдим. Маорифға кириб ишлай бошлагонлиғимдан бир неча кун сўнгра уйимга Ақобир Шомансуров келиб, мандан аҳвол сўрағоч, ташкилотдан сўз очди; ҳозир Тошканд округинда ўзи Саидносир ва Расуловлардан иборат бир «тройка» борлиғини ва ўзининг шунда раислиғини билдирди. Қамоқдан сўнгра ташкилот тўғрисида эшитган биринчи сўзим мана шу. Бу вақтларда Тошканд округининг алоқа қилинган босмачиси қўлга тушган ва унинг шайқалари тарқатилгон эди. Шунинг учун Тошканднинг босмачиларидан ҳеч бири билан алоқаси йўқ ва «тройка»нинг қилатургон иши эса унда-мундан пул топиб, муҳтож оилаларни таъмин этишдан иборат эди. Шомансуров, бу «тройка»дан ташқари, Салимхон, Обидхўжа, Тангриқул

¹ Соцвос (социальное воспитание) — ижтимоий тарбия бўлими.

хожи ва Ғофир~~жон~~ каби бир неча кишидан иборат шаҳар уюшмаси ҳам борлиги(ни) сўзлади. «Тройка»нинг баъзи мажлисига бориб туришни мандан илтимос қилди. Ман унга яқиндагина турмадан чиққонлигим, янадан шундай ишларга аралашшиш(ға) ортиқ манда юрак қолмағонлигини билдирдим. Ҳақиқатан ҳам 8—9 ойлик қамоқ жадидлар ва тараққийпарварларнинг вўжди саналган ғайратли, собитли, фаол ва шужоъ Мунаввар қорини ўлдуриб кўмган, унинг ўрнига яроқсиз, саботсиз, қўрқоқ, умидсиз, фаолиятсиз янги бир Мунаввар қори(ни) ясаб чиқарғон эди.

Билмадим, турмада эзилиб ишдан чиққанлигимданми ёхуд қартайғонлигимданми манда бир пассивлик пайдо бўлди. Ҳеч бир ишга эски ғайрат ва эски фаолият билан кириша олмадим.

Ташкилот ишларига қарашув эса, манда бир қўрқинч ва нафрат ҳосил қилғон эди. Шунинг учун на ташкилот ишларига ва на Тошканд уюшмасига билфеъл аралашмадим. Фақат 23-йилда ўртоқ Рисқуловнинг таклифи ила «тройка»ни тарқатмоқ учун унинг бир-икки мажлисига иштирок этдим. Бу вақтда ман «тройка»нинг пулсиз, ишсиз ўлжуга маҳкум бир ҳолда эканлигини англадим.

Тошканд уюшмасидан, билмадим, Тангрикул ҳожими ёхуд Салимхонми, бир-икки мартаба келиб, мандан бир нарса тўғрисида маслаҳат сўрағонлиги эсимда бор. Аммо ул маслаҳат нима тўғрисида эканлигини эслай олмайман. Қисқаси, қамоқдан чиққандан сўнгра манинг эски ташкилот билан бўлғон алоқам ва маълумотим мана шундан иборатдир. «Тройка» бошда Тошканд округи учун тузилган бўлса ҳам, Бухородаги марказ тарқалғондан сўнгра марказнинг вазифаси ҳам шунга топширилғон. Тошканд уюшмаси эса округники деб ҳисоб қилинғон. Лекин бу марказга на Самарқанд ва на Фарғона итоат қилмағон, хусусан, 22—23-йилларда ҳар округ ўзига мустақил иш юритган. Округ орасида маълум бир сивяз бўлмағон.

Бу маълумотни, «тройка» торқалғондан сўнгра бўлса керак, Ақобир Шомансуров оғзидан эшитган эдим.

1930 йил, 23 октябр

Сиёсий идорага ваъдам

28-йилнинг бошлари бўлса керак, мани ўртоқ Бельский чақириб, жадидизмнинг заволидан, ўтган воқеаларни муфассал ёзиб беришни таклиф қилди. Хусусан, Октябр

инқилобидан сўнги воқеаларни кенгроқ ва дакументальний бўлишлигини таъкидлади. Қўлимга муфассал бир савол варақаси ҳам берилдики, ундаги саволларнинг бир қисмига ўзим жавоб бера олсам ҳам, бир қисмига бошқалар ёрдамисиз жавоб бера олмас эдим. Бу таклифни ман шодлиқ билан қабул этдим. Чунки шул баҳона ила ўтган воқеани текшириб, ёзиб тарихий бир материал қолдириш мумкин бўлди. Ҳам бу ишни ёза билсам, ҳукумат қошида сиёсий аҳволимни бир қадар тузалишидан умидландим. Афғонистонга кетишдан воз кечишимнинг биринчи сабаби Баҷаи Сақо хуружи бўлса, иккинчи сабаби мана шул таклиф бўлди. Записка учун план тузиб, ўртоқ Бельскийга арз қилдим. Планимни Бельский ва ўртоқ Агидуллинлар маъқул кўрдилар. Ул план бўйича ман запискани уч дафтарга бўлдим. Биринчи: жадиализм заволларидан бошлаб, Февраль инқилобигача, иккинчиси: Февраль инқилобидан Октябрь инқилобигача. Учинчиси эса, Октябрь инқилобидан записка тамом бўлатурғон кунгача.

Мана бу план бўйича ман ўз хотираларимни эсимда борини ўзим, эсдан чиққонларини бошқа бирга ишлаган кишилардан суриштириб ёза бошладим. 29-йил бошларигача биринчи даврни — 17 йиллик хотиротимни ёзиб топширдим. 29-йили иккинчи даврни ёза бошладим. Фақат буни ёзишга вақтим жуда оздир. Чунки бу вақтларда ишдан бўшаб, ишсиз қолдим. Оиламда ўзимдан бўлак ишлаб пул топувчи киши йўқ. Хотинимни бўлса, ўқишга берганман. Уйда ўтириб, ҳар куни 9—10 соат пайпоқ ва перчатка тикиб, 2—3 сўм топиб, шунинг ила оиламни кечинтиришга мажбур бўлдим. Бундан ортқон умр билан запискамни тез битира олмаслигим маълум эди. Шунинг учун 29-йил август ойлари бўлса керак, сиёсий идорага, бор гап, Восточний отделнинг начальниги ила ўртоқ Агидуллинга арз қилдим. Бутун оилавий аҳволимни очиб айтдим. Агарда запискамнинг тезроқ битиши матлуб бўлса, манга бир қадар ёрдам кераклигини билдирдим. «Сизга қандай ёрдам керак?» — деб начальник томонидан берилган саволга қарши: «Манга маънавий ёрдам керак. Ман пенсия сўраб ариза берганман. Шунга сизнинг томонингиздан бир оз ёрдам бўлса, шул пенсияга илинаман. Шунинг ила маишатим бир қадар таъмин этиладир. Ундан сўнгра бутун умримни запискага ва сизнинг хизматингизга сарф қилишлигим мумкин бўладир», деб жавоб бердим. Ўртоқ начальник ёрдам беришга ваъда қилди, ҳам ёзғонларимни оз-оз бўлса ҳам

топшира боришимни сўради. Бу вақтларда ман иккинчи даврни ҳам битиришга яқинлашган эдим. Начальник амрига мувофиқ алар битмаган бўлса ҳам борини кўчириб, ёзуб топшурдим. Ўртоқ начальникдан ёрдам кутиш ила баробар иккинчи даврнинг қолган қисмини битиришга ва учинчи давр учун материал манбалари излашга киришдим. Локин бу мақсадларнинг ҳеч бирига етиша олмасдан туриб қамоққа олиндим. Майда-чуйда йиққон материаллар билмадим, қаерларда қолиб йўқолди.

Ман Тошкандда экан: «Ўртоқ Бельскийга ваъда қилган запискангни ёзуб бермадинг, олдадинг, ҳам ҳар ким билан маслаҳат қилдинг!» — деб мани айбладилар. Ҳолбуки, юқоридаги баёнот исбот этадирки, ман ваъдамга қўлимдан келганча вафо қила олдим. Фақат ўзимдан бўлмаган сабабларга биноан тез битира олмадим, кечиктирдим. Шундай бўлса ҳам ҳамон шунинг ниятида ва ҳаракатида бўлдим. Маслаҳат қилган кишиларим бўлса, Файзулла Хўжаев каби ҳукуматнинг ишончли кишилари эди. Запискамнинг тўла чиқмоғи учун шулар билан маслаҳат қилишган ва шулардан маълумот олишга мажбур эдим. Чунки, Файзулла Хўжаев, Муҳиддинов, Турсунхўжаевлар ташкилот ишларида ман билан бирга ҳам ман қамалгандан сўнгра ишлаган кишилар эди. Балки ташкилотнинг очиқдан-очиқ аксилинқилоб йўлига киргани ман қамалгандан сўнгра, иш бошида шу юқоридаги ўртоқлар қолган вақтга тўғри келадир.

Ман шуни ўйлаб, уларга йўлиқдим, маслаҳат қилдим. Яна йўлиқмоқчи, маслаҳатлашмоқчи, билмаган воқеаларимни шулардан сўрамоқчи эдим. Булардан бошқа, Самарқанд, Бухоро, Фарғона округларига бориб, маҳаллий кишилардан маълумот олиш керак бўлажagini бошдан-оёқ ўртоқ Бельскийга айтган эдим.

Қисқаси запискамнинг Октябрь қисмини жуда мукамал ва документальний ёзиш фикрида эдим. Ўртоқ Бельскийнинг мандан талаби ҳам шу эди. Фақат ул мақсадга эриша олмасдан туриб ҳозирги фалокатга дучор бўлдим.

1930 йил, 27 октябрь

Буюк кампания тўғрисида қоронғи уй суҳбатлари

20-йил ўрталаридан бошлаб, биз қамолғоч «Шўро мустамлакачилиги ила курашиш керак!» — деган жумла жуда кўп кишининг оғзидан эшитилди. Ман қамолдан чиққач,

(22-йил бошлариндан эътиборан) ҳеч кимнинг оғзидан бу жумла эшитилмади. Зиёлилар кўпчиликнинг сўзиндан ва ҳаракатиндан енгилганлик, чарчағонлиқ маънолари, ортиқ Шўролар ҳукуматига таслим ва ҳар бир нарсага ризо фикрларни англашарди. Ман бўлсам, турмада (экан)ман, бу фикрга келган ва ортиқ сиёсий ишларга оралашмаслиқ тўғрисида ўз-ўзимга сўз берғон эдим. Шундай бўла туриб, икки-уч киши бир ерга тўплансак, яна сиёсатдан сўзлашар ва ҳукуматнинг баъзи ишларини танқид қилишар эдик. Фақат бу танқидларимиз душманона эмас, «Мана бу иш бундай бўлса, яхшироқ бўларди» мазмунида дўстона бир танқиддан иборат эди.

23-йил апрелларида размежевание кампанияси бошланди. Марказда миллат масалалари қай равишда ҳал қилинғонлиғидан беҳабар зиёлиларга истиқболи «порлоқ» деб юрилган Турк республикасининг миллий парчаларга бўлиниши, табиий, ёқмади. «Размежевание» нима учун керак бўлди? — деган саволга зиёлилардан бири: «Бухоро ва Хоразми ҳазм қилиш учун керак», иккинчиси, «Ишни шундай тўғраб ейдилар», — деб жавоб берса, учинчиси: «разделяй, властвуй» — деб русча мақол ўқиб, пичинг отадир. «Размежевание»нинг фойдали ёқларини ўйловчи киши бўлмағони каби, бунга тўсқунлик кўрсатиш фикри ҳам ҳеч кимда йўқ эди. Мана шу вақтларда ўртоқ Бельский мани чақириб, миллий зиёлиларнинг бу ишга қандай қарағонлиғини сўради. Ман унга миллий зиёлиларининг бу масалаларга яхши қарағонлиқларини, унинг сабабларини, шунинг баробари, бунга қарши бир ҳаракат йўқлиғини очиқ сўзладим.

Ўртоқ Бельский билан орамизда бўлғон сўзлар аввалги показнияларимда муфассал ёзилғон (ҳам бу мажлисга ўртоқ Агидуллин бошдан-оёқ иштирок этган бўлғонлиғи учун бу ўринда такрорлаб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак). Бундан сўнгра ер ислоҳоти, районлаштириш қўмиссиялари ўтказиладир.

Қоронғи уй суҳбатлари ер ислоҳотининг асосини ва бу тўғрида чиқарилғон декретни амалга оширмақ учун районларга юборилғон ислоҳот қўмиссиялари устида, улардан бир қисмининг порахўрлик, қариндош-уруғ, ошно-оғайнига ёрдам қилиш каби касалларга мубталолиғи тўғрисида шикоятлар бўладир. Ҳам «катта ерларни батрақларга бўлиб бериш ўрнига, шул батрақлар ўртасида бир ширкат

тузилса, яна яхшироқ бўларди» каби орзулар баён қилинадир. Районлаштириш қўмиссияси бутунлай сезилмасдан ўтадир. Ерликлаштириш кампаниясига келганда, бошда овруполитарнинг ерликларга бермасдан, арзимаган баҳоналар топиб, ерликларни учреждениялардан чиқариб ҳайдаш ҳаракатида бўлгонлигиндан шикоят кетадир. Аммо кейинроқ бориб (27-йилларда), ерликлар иш билмаганидан ерликлашган учрежденияларга кириб бир иш битиришининг мумкин эмаслигидан, унча-мунча иш билатурғон ерлик ишчиларни «сан савдогар боласисан, сан руҳоний боласи, санинг мафкуранг бузуқ, сан динчи, сан миллатчи!» деб ҳайдалиб турғонлигиндан додлайдир. Ғалла йиғув кампаниялари Ўзбекистонда жуда яхши, тинчлик билан ўтказилган ҳолда, Қозоғистон ва Қирғизистон тарафларда жуда оғир қўйилиб (масалан, деҳқончиликдан юз пуд ғалла кўтарган бир деҳқонга беш юз пудлаб ғалла (солиғи) солинғоч) баъзи тўполонларга сабаб бўлингонлиғи тўғриларида сўзлар бўладир. Сайлов кампаниялари овруполитар орасида жуда яхши, декрет ва қонунларга тўғри ўтган ҳолда, сайлов қўмиссияси ерликлардан бўлгон ўрунларда декрет ва қонунларга сира қаралмасдан, қўмиссиялар кайфи ила иш кўрилганлиги, қонунан сайлов ҳуқуқиға эга бўлгон жуда кўп ерликларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилингонлигини ва ерликлар қўлиға иш берилмаганидир. Чиқатурғон натижанинг шундан яхши бўлмаслиғи тўғриларида анчагина шикоят ва пичинглар эшитиладир. Пахта майдонини кенгайтириш қўмиссиясига келганда, сувсиз жойларга сув чиқариш йўли ила кенгайтириш умуман олқишланди. Аммо мева-сабзавот ва шоликор(лик) ҳисобидан кенгайтириш масаласи анча шов-шувларга сабаб бўлди. Мева-сабзавот ва шоликорликнинг ҳукумат ҳам халқ учун келтиратурғон фойдаси пахтаниқидан оз эмаслиги, ерлик халқ турмушининг бу нарсаларни талаб қилиши, шунинг учун пахта майдонини бундай зарур нарсалар ҳисобидан кенгайтиришнинг ярамағонлиғи хусусларида анча фалсафа сотқонлик бўлиб, қоронғи уй суҳбатларин қизитди.

«Агар уруш бошланиб қолса, Ўрта Осиёда яна очлиқ бошланиш эҳтимоли йўқми?» деган сўроққа қарши: «Ул чоқда 18-йилги очлиқни бошдан кечириб, тажриба кўрган деҳқонлар пахтанинг бир четдан бир оз ерни бузиб, дон экиш учун ажратса керак. Лозим келса, ўшал вақтда деҳқонларга тушунтириш ҳам мумкин, ҳам бу йўл билан ҳукуматнинг пахта майдонини дон ҳисобидан кенгайтириш

планига деҳқонлар норозилиқ билдирган бўладилар мазмунида жавоблар ҳам берилди. Пахта майдонини кенгайтириш тўғрисида ташвиқот юргизилса, яна таъсирлироқ бўларди» мазмунидаги сўзлар эшитиларди.

29-йил, сентябрь ойлари бўлса керак, бир ўртоқ деҳқоннинг оғзидан эшитилган сўз мана шу мазмунда эди: «12—13-йилларда бир пуд пахтага чойдан 5 қадок, шакардан 30 қадок, газламадан 45 газ, буғдойдан 5—6 пуд, гуручдан 3 пуд, эт — 50 қадок, мой — 30 қадок олардук. Ҳозурда эса чой 1 қадок, шакар 15 қадок, газлама 15 газ, буғдой 2 пуд, гуруч 1/2 пуд, эт 10 қадок, мой 7 қадок келади. Ўрта ҳисоб билан бизнинг пахтамизга 13-йилги баҳонинг 1/4 ҳиссасин биригина бериладир. Шўро ҳукумати Николай берган баҳонинг лоақал ярмини — учдан икки ҳиссасин бермайдир; уйимизнинг томига қадар пахта экиб, ҳукуматни хурсанд қилардиқ». 24-йиллардан бошлаб маним атрофимни ГПУ агентлари ўрай бошлагон эди. Қачон бир кампания бошланар экан, шул агентлардан бир неча(си) келиб, ман билан суҳбатлашар, мандан сўз олмоқ учун кампаниядан шикоят қилар ва маним фикримни сўрарди. Ман ҳам ўз фикримни ҳеч яширмасдан айтар эдим. Мана юқорида ёзгон қоронғу уй суҳбатларининг барчаси деярлик шундай агентлар аралашқон суҳбатдан иборат бўладир. ГПУга бу агентлардан баъзиси ёмон томонларини айтар, яхши томонини айтган агентлар ишончли саналиб, сўзлари эътиборга олинарди. Чунки ўртоқ ГПУ маним яхшилигимни эмас, ёмонлигимни қидирарди».

1930 йил, 27 октябрь

Афғон кўнсули ила муносабат

19—20-йилларда Афғон кўнсулхонасида Афғонистон истиқлолига икки-уч йил тўлиши муносабатлари ила катта зиёфат мажлиси бўладир. Бу мажлисга ҳукумат билан алоқадор бўлгон овруполи ва ерликлардан бир қанча киши чақириладир. Шул қаторда ман ҳам чақириламан. Мана шу йўл билан Муҳаммад Валихон, Фулом Набихон, Маҳаммад Асламхон деган кишилар билан тонишаман. (22-йилда Муҳаммад Валихон бош вазир, Фулом Набихон Маскўв кўнсули эди.)

20-йилда Афғон кўнсулхонаси бутун состави ила (12—13 киши эди) Эски шаҳарга ийд намозини ўқумоқ учун тушадирлар. Намоздан сўнгра, билмадим, кимдан маним

бир акамнинг ўлганлигини ва уйим ҳам шул маҳаллада эканлигини эшитиб, бутун состави ила маним уйимга фотиҳага кирадирлар. Биздаги одат бўйинча фотиҳа ўқиб, бир истакандан чой ичишгандан сўнгра қайтиб кетадирлар. Ман Афғон қўнсулхонаси ва ундоғи кишилар билан бўлғон эски алоқам шундан иборатдир. Маҳамад Асламхон ўшал вақтда Тошканд қўнсули эди. Бундан сўнгра 27-йил апрелигача бўлғон қўнсулларнинг ҳеч бири ила тонишиб, алоқа қилиша олмадим. Орада бир-икки мартаба кўришишга ният қилғон бўлсам ҳам, мумкин бўлмади. Буни аввалги показанияларимда айтган ва ёзғон бўлсам керак. Фақат Омонуллахон ҳукуматининг энг сўнғи қўнсули бўлғон Фулом Жейлонийхон билан 27-йил охирларида бир мартаба, 28-йил ичида икки мартаба кўришдим. Биринчи кўришишимда Афғонистон тинчлик, 2-кўришганда Бачаи Сақо Кобул дарвоза(сиға) яқинлашғон, 2—3-чи кўришганимда эса, Омонуллахоннинг Оврупоға қочқон чоқлари эди. Фулом Жейлонийхон билан кўришишга мани мажбур этган воқеалар мана шулар бўлди: 25-йилдан бошлаб ман ўнгдан ҳам сўлдан ҳужумга йўлиқдим. Ўнг томондағи ёшлар (Салимхон, Лазизлар) «Миллий ишларга аралашмайди, бизга раҳбарлик қилмайди», деб сўка бошладилар. Сўл томондагилар эса маним китобимдан бир неча мафкурага хилоф жумлалар топиб, эскилик ва миллатчилик ила айбладилар. Мана бу ҳужумларга чидолмасдан, ман Ўзбекистондан татом чиқиб, шўролар пойтахтига сигинишга ва қолғон умримни Маскўвнинг бирор илмий учреждениесида ишлаб ва ўқиб ўтқаришга қарор бердим.

Бу қароримни 26-йил май ойларидан бошлаб амалга ошириш чорасига киришдим.

Маскўвга келдим. Ўртоқ Рисқулов ва Тўрақуловларнинг ёрдами ила СССР Шарқ халқларини ўрганиш қўмитасида ўзимга ўрин топдим. Унинг раислари ва аъзолари ила кўришиб, шул қўмитада ишламакчи ва унинг университетда дарс тингламакчи бўлдим.

Қўмита президиуми мани қабул этди. Фақат фармальный жиҳатдан Ўзбекистон Маориф қўмиссарлигининг қўмандировкаси лозим эди. Бу тўғрида Қўмита президиуми ўз томонидан қўмандировка ва истипендия сўраб, Ўзбекистон Цека партиясига ҳам Маориф қўмиссарлигига айрим илтимоснома ёзди. Ман ҳам ўз томонимдан Маориф қўмиссарлигига расман заявление ёздим. Ўзбекистонга қайтиб бориб, қўмандировка орқасидан икки-уч ой саргар-

дон бўлдим. Натижада Маориф қўмиссарлиги манга на истипендия ва на қўмандировка бермасдан, аризамни эътиборсиз қолдирди ва ўзимни муаллимликдан бўшатмади. Рухсатсиз ва қўмандировкасиз Маскўвга келиб, ётиб олишга, тўғриси, Ўзбекистон ҳукуматидан кўрқдим. Ночор, 26—27-йил таҳсилини ҳам Тошкандда ўтказишга ва ундан сўнгра бирор ерга кетишга қарор бердим. Мактаблар кўб, дарсимга машғул бўлдим. Аммо фикрим, хаёлим доимо ўзим учун тинч жой ва тинч иш излаш ила машғул эди. Бутун қиш ўйлаб, ўзимни ҳеч бир ерга сиғдира олмадим. Қаерга борсам, ё унда манга эҳтиёж бўлмаганлигидан ишсиз қолиб, хароб бўлиш ёки Ўзбекистондаги «дўстларим»нинг ҳужумидан кутула олмаслиқ эҳтимоллари ҳамон мани кўрқитди. Ниҳоят, ҳозир сўнг даражада нодон мактаб ва маорифга ташна ва манга ўхшаш эскирак, тил билатурғон маориф ходимларига муҳтож бўлгон Афғонистон халқи учун ҳам шундай бир йўлдан ҳаракат қилиб кўрмак орзулари мани қизиқтирди. Шунинг учун Афғонистонга кетишга қарор бердим. Фақат қандай кетиш керак! Нелегалний кетишми? Бу тақдирда ҳудудда тутилиш ёхуд қайта СССРга кела олмайтурғон қочоқ қаторига кириб қолиш кўрқинчлари бор. Шул сабабли расмий кетишга бир чора излаб кўриш керак. Балки мумкин бўлур.

Мана бу орзу, кўрқинч ва умидлар мани афғон қўнсули Фулом Жейлонийхон билан кўришиб, сўзлашишга мажбур этди.

Қўнсул билан биринчи кўришишимиз сўнг даражада қисқа ҳам ишончсизлик бир вазиятда ўтди. Ман у кишини(нг) Фулом Жейлонийхон эканлигига бошда ишониб етмасам ҳам, ўзимнинг Афғонистон маорифига хизмат қилмоқ фикрида эканлигимни арз этдим. Ул бунга хурсандлик изҳор қилди ҳам афғон халқининг бир эмас, бир неча муаллимга эҳтиёжи борлигини, бунга форс тили билатурғон талабгор муаллимлар бўлса, виза бериб, ғайри расмий суратда жўнатишга тайёр эканлигини, бу тўғрида ўзига Кобулдан хабар борлигини билдирди. Ман ундан «Расмий суратда олиш мумкин эмасми?» — деб сўрадим. Ул бул тўғрида ҳукуматдан сўраб, Кобул билан хабарлашиш лозим келажagini сўзлади ҳам Кобулга хат ёзиб, жавоб олмақчи бўлди.

Шунинг ила баробар Афғонистонда маориф ишларини жуда тубан бир ҳолда эканлигини сўзлади. Ва ман унга Ўзбекистон маорифи кутилгандан ортиқ тараққий қила

бошлағонлиғини баён қилдим. Қисқаси, биринчи кўришувда орамизда бўлгон суҳбатнинг муҳим нуқталари шул юқоридағи мазмунлардангина иборат бўлди.

Иккинчи кўришувда эса, суҳбат бир қадар узунрак, кенграк ва самимийрак бўлди. Учинчи кўришув эса бир минут қадар тик туриб сўзлашувдангина иборат эди. Бу кўришувлар қачон, қаерда бўлди, ҳам орамизда қандай сўзлар ўтди? — ҳаммасини ёзиб берганман. Эсимдан чиққанларини сўроқ вақтида энг майдаларигача қолдирмасдан айтганман. Умуман олғонда, бу уч кўришувнинг ҳаммаси ҳам сиёсий ғаразлардан тамом ҳоли, ёлғиз хусусий ва шахсий мақсадлар билан вужудга келган бир мусохабалар эди. Ғулом Жейлонийхоннинг шахсига келганда, унинг бизнинг матбуотни тамом таъқиб этиб, ўқуб борғон бир киши эканлиғи онглашилди. Чунки манга берган сўроқларнинг барчаси ҳам ўшал чоқларда матбуотда ёзилиб, музокара қилиниб турғон масалалар устида бўлди. Маним томонимдан унга берилган: «Бачаи Сақонинг шахси, унинг қуввати, Кобулни ола олиш эҳтимолининг бор-йўклиғи (Буни қўнсул қатъий ололмайди, деган эди, ҳолбуки, ўн-ўн беш кундан сўнг Кобулни олди), афғон халқининг янги усул мактабларга назари, диний таассуф» каби сўроқлар ва буларға қўнсулнинг берган жавоблари кераксиз топиб ёзилмасдан кетган эди.

Маним Афғонистонға кетиш тўғрисидағи фикр ва қарорим қўнсул билан биринчи кўришгандан сўнгра тамом қувватланмағон бўлса ҳам, Бачаи Сақо пайдо бўлғондан сўнгра бир қадар заифланди. Кобулни Бачаи Сақо олғондан сўнгра бутунлай умид кесилди. Ортиқ Афғонистон фикрини кўнгилдан чиқардим. Маскўв кетаман, десам, Ўзбекистон ҳукумати монё бўлса, Афғонистонға Бачаи Сақо воқеаси йўл бермаса, энди нима қилиш керак? Мана бу саволға ўйлаб-ўйлаб топғон жавобим шундан иборат бўлди: «Ортиқ сўксалар ҳам, урсалар ҳам Ўзбекистондан ихтиёрий суратда кетмаслик. Муаллимликдан тамом воз кечиш, пенсия учун ҳаракат қилиш, пенсия қўлға киргунча, муза, кўмистарсис каби ўлимтик ашёлар ичига кириб ишлаб туриш, маишатни филжумла таъмин этарлик пенсияга илинғандан сўнгра бутунлай ишга аралашмасдан, уйга кириб ётиб, бошлағон запискаларимни ёзиб битириш ва бу йўл билан ўзимнинг сиёсий ҳолимни бир оз тузатиш ва қолғон умримни ўқуш ва ёзиш, ишлашга сарф этиб ўтказиш...»

Бундан сўнги ишларим мана шул план бўйича кетди. Фақат мақсадга ета олмасдан туриб, қамоққа олиндим. Билмадим, толеъсизлиқми ёхуд ҳақиқатан ҳам шундай бир жазога лаёқатим борми? Бир йилдан бери одиночка азобин чекаман. 7 ой энди ёлғиз бир уйда передача ва прогулка ҳуқуқлариндан ҳам маҳрум ҳолда умр кечираман.

1930 йил, 29 октябрь.

Мусо Бегиев тўғрисида хотираларим

Мусо Бегиевни ман аввалдан матбуотда ёзгон мақолалари ва китоблари орқали тонирдим. Унинг ила биринчи кўришувим 1911-йилда Ленинградда бўлди.

Ман Ленинградга саёҳат учун боргон вақтимда, машҳур кишилардан бўлгонлиғи учун унинг уйига бориб, зиёрат қилдим. Бир соат қадар мусоҳаба қилишдиқ, турлик масалалар тўғрисида унинг фикрини сўрадим. Берган жавобларини жуда диққат билан эшитдим. Ул кунгача ман Мусо Бегиевнинг ислом руҳонийлариға ва диний хурофотларға тамом қарши бир зиёли, деб қарардим. Мана шу суҳбат натижасида унинг тўғрисидағи фикрим бир қадар ўзгарди. Чунки маним сўроқларимға берган жавоблари ва сўзларидан тараққийпарвар бир ислом руҳонийси, шунинг ила баробар гоятда мутаассуб бир диндор ва исломчи ва бутун маъносила панисламист мафкурасидағи бир киши эканлиғи англашилди.

Бундан сўнг 20-йилгача Мусо Бегиев билан маним орамда ҳеч бир турли алоқа бўлғони йўқ. Унинг асарларини ҳам ўқумадим.

20-йилда Боқудан қайтиб, Бухороға кетар вақтларимда ул Тошкандға борур. Маним уйимға боруб, бир-икки соат қадар меҳмон бўлди. Мана бу иккинчи кўришувимиз эди. Бу вақтларда Мусо Бегиев миясидан аввалғи панисломизм хаёллари чиққан, унинг ўрниға Русия мусулмонлари учун келажакда руҳонийлар тайёрлаш фикрлари туғулгон, бунинг учун Туркистон ёхуд Бухорода бир диний мадраса (духовний семинарий) вужудға келтириш, замонға мувофиқ диний китоблар бостириш, Куръонни замонға, фанға мувофиқлаб, янгидан тафсир қилиш (перевод этиш) каби ҳаракатларға киришгон эди. Бундан сўнгра ман Бухороға кетдим. Бухорода экан, унинг Шайх Хованди Тоҳур мадрасасида Садрхон ёнидан бир бўлма олиб, шунда турғонлиғини ва бир неча шогирд тўплаб, дин дарслари

бера бошлағонлиғини эшитдим. Орадан бир-икки ой ўтгач, Бухороға борди. Бу вақтларда Бош вақф томонидан бир муаллимлар курси ва бир муддарислар курси очилғон эди. Бош вақф идорасиға кириб муддаррислар курсида бир неча лексия бериш тўғрисида мандан рухсат сўради. Мана бу 3-чи кўришувимиз эди.

Ман унга курснинг моддий томони вақф ихтиёрида бўлса ҳам, илмий томони маориф назоратиға тобеъ эканлиғини, шунинг учун бу тўғрида Маориф нозири Қорийўлдошға ёхуд унинг муовини Ҳошим Шоикқа мурожаат қилиш керак бўлажағини сўзладим. Аввалан, бориб кўрмак ва танишмак учун муддаррислар курсининг адресини бердим. Ул бир мартаба курсға бориб тонишдими-йўқми, эртасиға уни Бухородан ҳайдадилар.

Ман Бухородан қайтқоч, 6—7 кундан сўнгра қамоққа олиндим. Унга қадар Мусо Бегиевни кўра олмағон бўлсам керак. Шунинг учун 4-кўришувимиз 21-йилда турмада воқеъ бўлди.

Турмада уч юзлаб киши тиқилғон, катта бир подвалда бир ойға яқин бирға турдиқ. Ул бутун умрини аччиғ чой ичиш, намоз ўқиш ва Куръон ўқиш билан ўтқарарди. Орасира ҳаловат топиб сўзлашғон вақтида, унинг бутун мақсади бир оз заҳар топиб, ичиб ўлишдан иборат эди. Фақат унинг бу мақсадиға ёрдамлашиб, заҳар топиб бературғон киши бўлмади. Шунинг учун ул ўлмади. Турмада биз билан бирға қамолғон бир неча уламо ва савдогарлардан ҳам бор эди. Уларнинг аксари ул кунғача Бегиевни динсизлик ила айблардилар. Турмада унинг ила бўлғон бир ойлик суҳбат, Бегиевға бўлғон уларнинг ёмон назарлари яхши томонға қараб ўзгаришиға сабаб бўлди. Бегиев ўзининг қаноатлик истиъноси, тоат ва ибодати, тўғри ҳам юмшоқ муомаласи ва кибрсизлиғи орқасида кўб кишининг муҳаббатин жалб этди. Турмадан чиққоч, улар орқали бошқалар орасинда шуҳрат топқон бўлса керакки, ман турмадан чиққон вақтда Тошканднинг барча уламо ва савдогарлари ва бир қисм зиёлилари Бегиевни: «Чин мусулмон ва чин уламо шул экан!» —деб айтар эдилар. Демак, Бегиевнинг Тошкандда 40—50 кун қамалиши унинг Туркистон мусулмонлари орасида обрўсининг кўтарилмағиға сабаб бўлди.

Ман унинг ила бир ой қадар ўшал подвалда қолдим. Унинг сўнгра бир неча кишилар ила баробар мани ардўмға олдилар. Бегиев ул ерда қолди. Неча вақтдан сўнгра турмадан чиққонлиғи ва қачон Россияға қайтиб келғон-

лиги тўғрисида маълумотим йўқ. Фақат 21-йил охирида ман турмадан чиққон вақтда Тошканддан унинг қачонлар кетиб қолгонлигини онглагонман.

Бундан сўнг 23—27-йилларда Маориф қўмиссарлигида ва Бош вақф идорасида ишлагон вақтларимда Бегиевдан 3 ёхуд 4 мартаба хат олдим. Бу хатларнинг барчаси деярлик ул ҳамон Туркистондаги мадрасалардан бирини диний дарсларга тафсир этиш тўғрисида манга насиҳат қилишдан иборат эди.

Агар Диния назорати (ул чоқларда диний ишларни назорат қилмоқ учун Тошкандда Диния назорати ва бошқа шаҳарларда унинг шўьбалари бор эди) қарамоғида шундай бир мадраса очилса, ўзининг шунга хизмат қилишга ҳозир эканлигини ёзгон. Бир хатида шундай диний мадрасага рухсат сўраб ҳукуматга мурожаат қилгонлигини ва бунга ижозат олишга умиди борлигини ҳам илова қилгон эди. Қисқаси, манга бўлсун ва Тошканддаги Диния назоратига бўлсун ёзгон хатлари унинг мияси 24-йилларда ҳам диний мадраса очиш, диний китоблар бостириш ва Қуръон таржимаси каби хаёллар билан машғул эканлигини исбот этарди. Мусо Бегиевнинг ул хатларини тамом жавобсиз қолдирдим. Ҳеч бирига бир мартаба бўлсун жавоб беришни муносиб кўрмадим. Мана шундан сўнгга ул ҳам манга хат ёзиб насиҳат қилишдан воз кечди. Бундан сўнг Бегиевдан хат олиш ёхуд ўзи билан кўришиш манга насиб бўлмади. Шунинг учун унинг сўнги йиллардаги мафкура ва хаёлларидан тамом беҳабарман.

Бегиевнинг ташкилот билан алоқаси масаласига келганда, ман унинг ўз оғзидан бу хусусда биргина ҳам сўз эшитган эмасман. Фақат «Миллий иттиҳод» уюшмасининг энг фаолият билан ишлагон чоқларида Тошкандда Садрхон билан бир мадрасада 4—5 ой тургон машҳур бир сиймонинг ташкилот ишларидан хабари йўқ, деб айта олмайман. Ташкилотга расман аъзо бўлуб кирмагон бўлса ҳам, Садрхоннинг ул чоқдаги ҳаракат ва фаолиятларидан бир қадар хабардор бўлса керак, деб ўйлайман.

Мана, Мусо Бегиев билан маним орамда бўлгон бутун алоқа ва унинг тўғрисида маним билгонларим шундан иборатдур. Булардан ташқари, 20-йилларда Тошкандда бўлгон афгон кўнсуллари, Жамол пошо, Халил пошо ва Мавлавий Абдураб каби машҳурроқ чет эл мамлакат кишилари билан кўришуб, сўзлашуб юргонлигини эшитганман. Умуман олганда, Бегиевнинг шахсини ман илмий ва фаз-

лий жиҳатдан эҳтиром этсам ҳам, унинг руҳонийлик ва мутаассиб исломчилик, динчилик маслақлари мани ундан жуда узоқлаштирадур. Чунки, маним эътиқодимда Ислом дини (бошқа динларга ҳам шундай қарайман) бошда бир дохийнинг халқ орасидаги бузуқликларни йўқотиш ва халқнинг ахлоқини тузатиш каби яхши ниятлар билан чиқаргон маслағи ва тузгон йўли бўлуб, сўнгра руҳонийлар унинг таълимотларини ўзгартириб, ўз манфаатлариға қурол бўла тургон бир шаклға суқгонлар.

Мана шу эътиқодим (ишончим) манға Туркистон уламоси ва руҳонийлари ила чорак аср қадар тўхтовсиз курашишға сабаб бўлди. Бегиев ҳам шу руҳонийлардан бўлиб, улардан ўзининг илмий фазли ва соф қалблиғи илағина айриладур.

Мана шул сабабли 20-йилларда Бегиевнинг шўро мактаблариға ва қурслариға кируб дарс ва лексия беришлиғиға ёрдам бердим. 23—24-йилларда унинг ёзгон мактубларини тамом жавобсиз қолдирдим.

1930 йил, 26 ноябрь

Абдуваҳоб Муродий тўғрисида хотираларим

Муродий Тошкандда сўнғ даражада камбағал бир мардикорнинг ўғли бўлиб, 4 йиллик «Хоний» мактабини битирғандан сўнгра келиб, маним мактабимда 2-классға кирған. Икки-уч йилда маним қўлимда ўқиб, 2-классни битирғандан сўнгра муаллим бўлиб, ота-онасиға ёрдам қила бошлагон бўлса ҳам, унда ўқиш ва илм орттириш ҳаваслари ҳамон кучая борди. Фақат ул чоқларда юқорироқ даражада мактаблар ҳали очилмагон, ҳукумат мактаблариға ёхуд хусусий рус мактаблариға кириш эса, Муродийға бу ерлик камбағал болалар учун мумкин эмас даражада қийин эди. Шунинг учун ул инқилобға қадар муаллимликда давом этишға мажбур бўлди.

Инқилобдан сўнғ бир-икки шўро мактабларида ишлаган бўлса ҳам, кўбрак аҳамиятни турк муаллимларға яқинлашиш ва улардан хусусий дарс ўқиш ишлариға берғанлигини эшитардим.

Нихоят, шул турк муаллимларидан баъзиларининг далолат ва ёрдами ила Берлинға кетишға муваффақ бўлди. Бунға Жамол бошо томонидан ҳам бир қадар ёрдам бўлгонлигини эшитғанман. Бу тўғрида Муродийға маним томонидан ҳеч бир турли маслаҳат ва ёрдам бўлгон эмас. 23-

йилда ман Маскўвга келдим, бунда Нажмиддин Шераҳмадбоев билан кўришдим. Ул Берлиндаги ҳамширасига хат ва пул юбормоқчи бўлди. Мана шул вақтда маним эсимга Муродий тушиб, унга бир хат ёздим. Ёзгон хатимнинг тўла мазмуни эсимда бўлмаса ҳам, унда Туркистон жумҳурияти ерлиқ испес (специалист)ларга муҳтож эканлигини баён қилиб, Берлиндаги шогирдлардан қайси бири мактабни битираркан, тезрак Туркистонга қайтиб, ишлаши кераклигини тавсия қилгонлигим эсимда бор. Бу хатдан сўнгра Муродийдан ҳам бир хат олдим. Унинг хатини сақлаб қўйгон эдим, обиска вақтида бошқа хатлар ила баробар Ўрта Осиё ГПУси олди.

Муродий Берлинга кетганидан сўнгра қайтиб келгунча (4—5 йил ичида) унинг ила маним орамда бўлгон муҳобара ва алоқа мана шул — бир маним, бир Муродийнинг хатидангина иборатдур. Бир-икки мартаба бошқаларга ёзгон хатда манга ҳам салом айта олганини эшитганлигим хотирамда бор.

Муродий Берлиндан Тошкандга қайтқондан ўн-ўн беш кун сўнгра маҳаллий одат бўйича (бизда узоқ сафардан келган кишиларни унинг қариндоши ва танишлари уйига бориб зиёрат қилиш одати ҳукмга кирган) кўрмак учун унинг уйига бордим. Фақат ман боргон вақтда ул уйдан чиқиб, бир жойга кетган, шунинг учун кўриша олмасдан қайтдим. Орадан бир неча кун ўтгач, Шайх Хованди Тахурда иттифоқо бир равишда учрашиб, кўришишга тўғри келди. Муддати бир-икки минутдан ортиққа чўзилмагон бу кўча кўришувида — «Саломат келдингизми, ўзингиз соғмисиз?» каби соғ ва саломатлиқдан сўрашгондан сўнгра ман кўрмак учун уйига бориб тополмагонлигимни ҳам бир фурсат топиб, маним уйимга боришлигини ўтиндим. Ул ўзининг ҳам шул ниятда эканлигини баён қилиб, бир фурсат топгонда манга меҳмон бўлишни ваъда қилди. Орадан бир қанча кунлар ўтди. Бир кун Муродий маним уйимга келди. Бир-икки соат қадар иккимиз бирга ўлтуриб сўзлашдик. Орамизда бўлиб ўтгон сўзларни айнан хотирлай олмасам ҳам асосларини бир қадар эслай оламан: бошлаб Германия шогирдлари тўғрисида маним берган саволимга жавобан Германия шогирдларининг қайси бири қаерларда ва қандай мактабларда ўқумоқда бўлгонлигини ва қачон тамом қилишлигини бирин-бирин сўзлаб чиқди. Навбат Аҳмад Шакурийга келганда, унинг Туркистондан боргон шўро вакилига қилгон ҳужумини ва унинг шакли, сабаб-

ларини баён қилди. Бундан сўнгра ман саволни Германия аҳволига кўчирдим. Ул Германия ҳукуматининг ҳар турли фирқаларга ва улар фаолияти, матбуотлариға берган кенгчиликларни ва немис техника(си), йирик саноати ва қишлоқ хўжалик ишлари қандай тараққий қилгонлиқларини турли мисоллар билан гапириб берди. Муродий билан ман орамда бўлгон суҳбат мана шунинг ила тамом бўладир. Муродийнинг Берлиндан қайтқонидан бошлаб қамоққа қадар орамизда бўлгон кўришиш ва сўзлашиш ҳам шундан иборатдир. Бундан бошқа Муродий билан кўришиб сўзлашиш бир томонда турсин, узоқдан унинг юзини кўриш ҳам манга насиб бўлмади. Ул ҳар вақт ўзини мандан узоқ тутди. Ман ҳам унга яқинлашишга ҳаракат қилмадим. Чунки кўришиш ва зарурий муносабат чиқмади. Бундан ташқари, Муродийга яқинроқ юрган кишилардан бири бир кун манга Муродийнинг сиёсий идора таъқибидан сўнғ даражада сиқилгонлигини, шунинг учун Ўзбекистонга келганлиғига, хусусан, хотинини келтирганлиғига пушаймон қилиб юрганлигини ва бу ҳолнинг Германияда қолгон шогирдларга таъсир қилиш эҳтимоли борлигини гоётда ачиниб сўзлашганлиғи хотиримда бор. Фақат сўзлаған кишининг ким эканлигини бугун аниқлай олмайман. Унинг айтишича, гўё Муродий Берлиндан қайтар экан, ундоғи баъзи шогирдлар билан ораларида бир маслаҳатга биноан Муродий Ўзбекистонда ўзиға бўлгон назар ва муомалани уларға билдирмакчи ва улар эса мактабни битиргандан сўнгра Ўзбекистонга келиш-келмаслиғи масаласини шунга қараб ҳал қилмоқчи бўлгонлар. Бу хабар тўғрими-нотўғрими ва ул ўз аҳволини ундоғи шогирдларға билдира олдими-йўқми, масаланинг бу томонлари манга қоронғи.

Мана Абдуваҳоб Муродий тўғрисида маним умуман билгон ва эшитгонларим шундан иборатдир.

1930 йил, 28 ноябрь

Тожиев ва Маннон Рамзий тўғрисида

Рамзий инқилобдан сўнгра ҳам бир масжиднинг имоми бўлиб, руҳонийлардан саналар эди.

18—19-йилларда Туркистонда муаллим қаҳатчилиғи ҳукм сурган чоқларда уч ойлиқ, олти ойлиқ курслар очиб муаллим тайёрлаш ҳаракатиға киришдиқ. Бу курсларға қабул этилажак курсантларнинг илмиға ва қобилиятиға қаралиб, қайси синфдан бўлгонлиғига назар солмоқ шунинг учун

бу қурсларға ва бундан чиқиб мактабларға тарқатилгон муаллимлар орасига руҳоний, савдогар ва уларнинг болаларидан ҳам анчагина кириб ўрнаша бошлади. Рамзий мана шу чоқларда, 19-йилларда бўлса керак, руҳонийликдан муаллимликка кўчган кишилардандур. Бирор курсга кириб ўқигонми-йўқми, унисини билмайман. Фақат бир мактабга муаллим бўлганлиги ва бир оз сўнгра шу мактаб мудири тайин этилганлиги эсимда бор. Уни шахсан таниш-лигим ҳам шу вақтлардан бошланадир.

Ўзининг ниҳоятда юмшоқ ва мунофиқона сўзлари, муомала ва хушомадчилиги ила юқорироқ доираларнинг диққатини ўзиға тез жалб этиш хунариға ва табиатиға эга бўлгон Рамзий мана шул хунари ва табиати соясида жуда тез кўтарила бошлади.

20-йил «рискуловшина»ларға қувгин бошлангон чоқларда ул Тўрақулувлар кучоғиға отилиб, уларнинг диққатини жалб этди. Ман Бухороға кетгандан сўнгра Тўрақуловнинг ёрдами ила Эски шаҳар маориф шўъбасиға мудар, биз қамалгон чоқда Эски шаҳар испулқўмиға раис муовини бўлиб улгургани эшитилди. Ман қамоқдан чиққан вақтларда, 22-йил бошларида, Рамзий Эски шаҳар испулқўмининг амалда раиси ва Эски шаҳар маориф ходимларнинг вўжди саналарди. Бундан илгарирак вўждлик ўйнай бошлагон Фитрат ҳам бунинг қошида бўйин эгишға мажбур бўлгон ва ман бўлсам, ортиқ эски вўждлик даражаларини тамом йўқотиб, оддий бир маориф ходими қаториға кирган ва бунға рози бўлиб, шул Рамзийнинг қўл остида, унинг амр ва фармониға мувофиқ Эски шаҳар маориф шўъбасида сўтсвус мудири бўлиб ишлай бошлагон эдим.

Маним Рамзийни яқиндан таниб унинг ила сўзлаша бошлашим ана шу 22-йил бошларидан эътиборан бошланадур. Бунға қадар уни узоқдан танисам ҳам орамизда ҳеч бир турли алоқа, музокара ва мусоҳаба бўлгон эмас.

Ул испулқўм бошида, ман маориф шўъбасида бўлгондан сўнғ маорифға оид ҳар бир масалада унға мурожаат қилишға ва унинг фикри, маслаҳат ва буйруғи ила ҳисоблашишға тўғри келарди. Бу муносабат билан тез-тез кўришиш ва фикр алмашишимға мажбур эдим. Рамзий маним ила қилишгон алоқа ва мусоҳаба вақтларида расмият доирасидан сира чиқмас ва, маним назаримча, унинг миясидан ҳамон чиқиб кетмаган диний ва миллий мафкураларин сира сездирмас ва ўзин чин қўммунист қилиб кўрсатишға тиришар эди. У вақтларда «Чиғатой гурунги» (Фит-

рат қўл остинда тузилган бир уюшма) томонидан чиқарилгон тил ва имло жанжали муносабатида маориф ишлари хийла оқсагон, шўро мактабларидаги болалардан буюк бир қисми эски мактабларга қоча бошлагон эди. Мана бу жанжални битириш, маориф ходимларини бирлаштириш ва халқнинг диққатини шўро мактаблариға жалб этиш каби мақсадлар билан «Нашри маориф» номида бир уюшма тузиш маслаҳатлашилди. Бу уюшманинг тузилишиға Эски шаҳар ҳукуматининг ҳамда маориф ходимларининг бошлиғи сифатида Рамзийнинг анчағина таъсири ва ташаббуси рўл ўйнади. «Нашри маориф» расмий бир уюшма бўлгонликдан унға барча маориф ходимлари ва баъзи шўро ишчилариға қадар жалб этилди. Унинг фаол аъзолари Рамзий, Эшонхўжаев, Охунов, Шокиржон Раҳимов, Носирий, ман ва бошқа бир неча шўро ишчиларидан иборат бўлиб, ҳар ҳафта деярлик бу фаолларнинг мажлислари бўларди. Бу мажлисларда бошқа ёлғиз маориф ишлариғина музокара қилингон бўлса ҳам, кейинрак бориб, авторитетлирак бўлгон шўро учреждениеларининг қайси бириға ерликлардан кимларни қўйиш масалалари ҳам музокара қилина тургон бўлди. Мана шу музокаралар ва турли учреждениеларға қандидатлар кўрсатиш асноларида Рамзийнинг сўзлаган сўзлари ва ҳаракатларидан ундоғи миллий ва группавий ҳиснинг анчағина кучли эканлиғи англашилларди. «Нашри маориф» уюшмаси 23-йилларда тортилиб битди. Ман Бош вақфнинг, Рамзийнинг билмадим, қайси бир ишға бўлиниб кетгонимиздан орамизда кўришиш ва сўзлашишға сабаб бўла тургон расмий бир иш ва муносабат қолмади. Бундан сўнг ул Маориф қўмиссарлиғиға ўтирганча (қайси йилда ўтиргонлиғи хотиримда йўқ) ман Рамзий била бир ерда ўтирмадим ва сўзлашмадим десам, ёлгончи бўлмайман.

Рамзий Маориф қўмиссари бўлгон чоқда ман педтехникум, женинпрос каби тўғридан-тўғри Маориф қўмиссарлиғи қарамоғинда бўлгон мактабларда муаллимлик этардим. Шунинг учун орамизда яна муносабат пайдо бўлгон эди. Бошлаб 27 йилда Самарқандға бориб, бир марта Маориф қўмиссарлиғида, бир марта уйида унинг ила кўришдим. Унға ўзимнинг муаллимлик ва маориф ишлариға киришганлиғимға 27 йил бўлгонлиғини, шундан бери тўхтовсиз ишлаганлиғимни, Ўзбекистонда халқ маорифида мандан узоқ ҳам кўп ишлаган бир маориф ходими йўқлиғини, шунинг ила баробар биринчи мартаба ўзбек тилида

китоблар ёзгон, эски урф-одат, эски мактаб ва мадрасаларга ва уларнинг ҳомийси бўлгон эски уламо ва руҳониларга қарши энг аввал исён ва очик ҳужум бошлагон ман бўлгонлигимни муфассал баён этдим. Пенсияга ҳаракат қилиш тўғрисида ундан маслаҳат ва ёрдам сўрадим. Маним бу саволимга унинг томонидан ғоятда муҳофазакорлик ва пармалистлик ила берилгон жавоб мани қаноатлантирмади. Билъакс, ундан кўнглим олиниб қайтдим. Чунки унғача ман уни, эски хизматкоримни тақдир этар, ёрдам қўлини чўзар, ҳеч бўлмаса, ўртоқларча маслаҳат бериб, манга йўл кўрсатар, деб ўйладим. Ул эса эски уламо ва эски ўхраниклардан бўлгон Сайидрасул махзум деган кишининг олдиға келиб, пенсия тўғрисида ёрдам сўрагонлигини ва рад жавоби берганлигини ва маним тўғримда келганда бир қадар ўйлаб кўриш кераклигини баён этиб, гўё мани ҳам шул Сайидрасул махзумга ўхшатгондай бўлди. Маним билан Сайидрасул махзум орасинда қандай айирма борлигини жуда яхши биларди.

Маним Афғонистонга кетиб, ундоғи ўзбеклар маорифига ишлаш фикрига тушгонлигимга сабаб бўлгон воқеалардан бири Рамзийдан эшитгон ушбу совуқ муомала бўлди.

28-йилда Афғонистон кетишдан тамом воз кечиш ила баробар муаллимлигимни ҳам ташлаб, муза ёхуд кўмстарсисга, халқ билан алоқаси жуда оз бўлгон учреждениелардан бирига кириб, ундағи (ўзимга ўхшагон) эскилар орасидан йўқолиш хаёлига тушдим. Бу вақтларда ман узун муддат чўзилгон таъқибот ва ҳужумлар таъсирила ичкулук ва афюн истеъмолига берилиб, яхшигина алкоголик ва афюнист бўлгон, халқдан ва сиёсатдан қочатургон бир даражада ишдан чиққан ва юқорироқ доираларда манга ёрдам бератургон ҳеч ким қолмагон эди.

Муза¹ ва Кўмстарсис² идораларига керак учун яна Рамзийга мурожаат қилиш ва унинг илон каби юмшоқ ва захарли муомалаларини эшитишга мажбур эдим. Бу хусусда тўғридан-тўғри Рамзийга мурожаат қилишга юрагим бўлмади. Бунга бир восита изладим. Узоқ ўйлагондан сўнгра Тожиев хотиримга келди. Эски шогирдларимдан эмасми, ҳар ҳолда мани бир қадар ҳурмат этар, дурустрак бир йўл кўрсатар умидида Тожиевга мурожаат қилишга ва уни Рамзийга восита қилишга қарор бердим. Шул чоқларда Тошкандда

¹ Музей.

² Осори атиқа ва қадимги ёдгорликларни ўрганиш қўмитаси.

бўлгон қўнференсияга Тожиев ва Рамзийларнинг ҳам келгонлиқларини эшитдим.

Бир кун кеч «Русия» гастинсасига бориб, Тожиевни топдим ва унга сўнг кунларда газетада бўлгон ҳужум сабабли муаллимлиқдан бутунлай чекилиш ва мумкин бўлса, муза ёхуд қўмстарсис доираларига кириб ишлаш фикрига келганимни баён қилиб, бу тўғрида ундан маслаҳат ва ёрдам сўрадим. Шу вақтларда устимизга Рамзий ҳам кириб қолди. Тожиев ёшлар мафкурасини соғломлаштириш учун шундай мақолалар ва ҳужумларнинг ёзилиб турилишлиғи кераклигини сўзлагондан сўнгра маним қароримни қувватлади. Рамзий ҳам унинг фикрига қўшилиб, муза ёхуд қўмстарсисдан ўрун бериш мумкинлигини билдирди. Орага ушбу шахсий масала ва илтимосдан бошқа сўз киргани йўқ. Бу суҳбатимиздан сўнгра, ўзимнинг 28 йил тўхтовсиз муаллимлиқ қилиб, ортиқ чорчагон ва қартайгонлиғимни, шунинг учун мани муаллимлиқдан тамоман бўшатиб, пенсия билан таъмин этиш кераклигини, унга қадар манга муза ёхуд қўмстарсис доирасида муносиб бир хизмат бериб туришни сўраб Маориф қўмиссарлиғига заявление юбордим. Заявлениедан ўн беш кун сўнгра ўзум ҳам Самарқандга бордим. Маориф қўмиссарлиғига кириб, Рамзийни топа олмадим, унда уйига бордим. Уйда ҳам йўқ. Шу вақтларда Тожиевнинг квартири ҳам шул жойда, Рамзийнинг ёнида эканлигини ва ўзи ҳозир квартирда эканлигини билмадим, кимдандир эшитиб, Тожиевнинг олдига кирдим. Тошканддаги маслаҳат юзасидан заявление берганлиғимни билдиргандан сўнгра Рамзийнинг ишни узоққа чўзиш эҳтимоли борлигини, шунинг учун унга бир хат ёзиб беришлигини Тожиевдан илтимос қилдим. Тожиев бир служебний записқа ёзиб берди. Эртасига Рамзийни кўриб, записқани топширдим. Бергон заявлениемни сўрадим. Ул заявлениемни тездан кўриб, ишни баргараф қилишга ваъда берди. Бундан сўнг яна ўн-ўн беш кун шул ишнинг орқасидан юрдим. Бир неча мартаба Рамзийдан марҳамат кутиб, саргайиб ўтиришга тўғри келди. Ниҳоят, Илмий шўро (исми хотирамда йўқ) чақириб, «Қори акамни муваққатан Самарқанд музасига қўйинг, муза ишлари ила бир қадар тонишгондан сўнг постоянний бир ўрунга кўчирамиз», деб маним ишимни Илмий шўрога топширди. Илмий шўро раиси бир служебний записқа ёзиб, мани қўмстарсисга, Вяткин хизматиға, Вяткин эса музага юборди.

Мана шу йўл билан ман Самарқанд музасига кириб, икки-уч ой ишладим ва муза ишлари ила танишдим.

Қўмстарсис томонидан берилган 125 сўм маош билан Самарқандда ўзимни ва Тошкандда оиламни таъмин этишга мажбур бўлдим.

Бу орада яна бир-икки мартаба Рамзийни кўриб, достоянний бир иш сўрагон бўлсам ҳам, Рамзийдан: «Сизга муносиб иш чиқса кўярман»дан бошқа сўз эшитмадим.

Орадан уч ой қадар вақт ўтгач, Рамзий Маориф кўмиссарлигида йўқ бир замонда илмий шўро раиси ила Рамзий муовини ўртоқ Кўзирев мани Тошканд ва Фарғона округ кўмстарсис уполномочений этиб тайин қилди. Бу хизмат манга муносиб бир хизмат бўлмаса ҳам, моддий жиҳатдан сиқилгонлигимдан қабул этишга мажбур бўлдим. Тошкандга келиб, Ўрта Осиё музаси идорасидан бир стол олиб, ишга киришдим. 28-йил феврал охирлағон қадар шул хизматда давом этдим. Феврал охирларида уполномочений ўрни ила боробар ман ҳам бекор бўлдим. Рамзий билан юқоридаги расмий кўришувлардан кейин кўриша олмадим.

Тожиев маним кўлимда тарбияланган ва маним мактабимнинг II классини битириб чиққан шогирдлардан бўлса ҳам, инқилобдан сўнг, нима учундир, мандан узоқлашгон. Октябр инқилобидан бошлаб 28-йилда унинг ила бўлгон икки маротаба кўришувдаги сўзларни эса юқорида ёздим. Бу икки маротабадан ташқари, қамокқа қадар унинг ила кўриша олмадим. Умуман олғонда, Тожиев билан маним орамда сиёсий тусда ҳеч бир мусоҳаба бўлгон эмас. Рамзий билан эса 22-йилдаги «Нашри маориф» мажлисларидан сўнг юқорида ёзилгон расмий мурожаатлардан ташқари, кўришган, сиёсий тусда сўзлашган эмасман.

Тожиев ва Рамзийларнинг эски ташкилотлар ила алоқалари масаласига келғонда, 18-йилларда бўлса керак, Ҳайдар афанди мандан: «Тожиев қандай бола, жамиятга олсақ бўладими?» — деб сўрагонлиги ва маним унга: «Яхши бола, олинса бўладир» — деб жавоб берганлигим хотирамда бор. Аммо бу испаравқа билан Тожиев «Иттиҳоди тараққий»га аъзо бўлгонми-йўқми, бунисини аниқ айта олмаيمان. «Миллий иттиҳод»да эса унинг исми қулоғимга сира чалинган эмас.

Рамзий эса эски ташкилотларнинг ҳеч бирига олинмагон, деб қатъий суратда айта олмаيمان. Шунинг ила баробар бунинг ҳам миллий ҳисдан тамом поклангон чин кўммунист эканлиғига ҳануз ишона олмаيمان. Хусусан, Рамзийдаги миллий ва группавий ҳислар ҳамон ўлмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

1930 йил, 2 декабрь.

Маскўвга кетишим ва унинг сабаблари

Ёзгон китобларим тўғрисида.

25-йилда манга бўлгон ҳужум, ўз назаримда, сўнг даражада ҳақсиз бир ҳужум эди. Чунки ул кунгача китобларимнинг ҳам барчаси учинчи мартабадан босилгон ва ҳеч бир турли танқидга йўлиқмагон эди. Ундоғи ҳужумга сабаб қилиб олингон 5—6 жумла эса, ўшал чоқларда босилгон матбуот ва китоблардан олингон ва қаердан олингонлиғи ҳам искубка орасида кўрсатилган ва сиёсат билан кўпда алоқаси бўлмагон ва ўшал чоқларда янғигина майдонга отилгон «Мафкура майдонида кураш» ишига бир қадар тўғри келмас экан, дўстона бир танқид ва танбеҳ орқасида тузатилиб кетатургон жумлалар эди. Ҳолбуки, танқид қилгон киши (Назрулла Иноятий) ўшал жумлаларни баҳона қилиб, китобга эмас, тўғридан-тўғри маним шахсимга ҳужум қилди. Бунинг устига, Салимхон ва Лазиз каби миллатчирак ёшларнинг ҳам миллий ҳаракатлардан четга чекилганлиғим учун мани сўка бошлагонларини эшитдим.

Мана бу воқеалар Ўзбекистондан ва умуман ўзбек миллатидан маним кўнглимни совутди. Булар орасида яшаш шахсим учун хавфли, кўрқинчли бўлиб кўринди. Шунинг учун Ўзбекистондан тамоман кетиш ва тинчрак ерни топиб мафкура ва маълумотимни тузатиш ва кенгайтириш фикрига тушдим. Бунинг учун 26-йил май ойида ҳозирлик кўрдим. Ҳовлимнинг бир қисмини сотиб, минг сўм пул қилдим. Бунинг устига, бирдан-бир қизим ва неварам вафот қилди. Хотинимга эса, расман жавоб бердим. Оилавий алоқам қисман ўз томонидан ва қисман табиат тарафидан кесилди. Май охирларида Ўзбекистон билан тамом хайрлашиб, йўлга чиқдим. Қаерда туришимни маслаҳат қилмоқ учун бошлаб Қизил Ўрдага Рискулов олдига келдим. Унинг ила кўришиб, ундан маслаҳат сўрадим. Бу вақтларда Рискулов Қозоғистон матбуот мудири бўлиб, қозоқ зиёлиларга ҳужум бошланган эди. «Ўзбекистондаги зиёлиларга бўлган ҳужумдан қочиб, бунда келсам, бунда ҳам зиёлиларга ҳужум бор экан, энди қаерга бориш керак?» деб ҳазил оралаш берган саволимга қарши, ул: «Мафкура майдонида кураш» шиори фирқа томонидан бутун СССРга бир текис отилгон асосий бир шиордир, шунинг учун ҳануз шўролашмагон зиёлиларга ҳужум букун ҳар бир жумҳуриятда вор, ҳам бўлишлиғи керак» мазмунида жавоб берди. Маним шахсимга келганда, бошқа миллий жумҳурият-

лардан кўра Маскўвда туришнинг фойдалирак эканлигини билдирди. Икки-уч кун Қозоғистон пойтахти бўлгон Қизил Ўрдани кўриб, томоша қилгондан сўнгра Русияга жўнамоқчи бўлиб, иккинчи (марта) ўртоқ Рискулов олдиға кирдим. Ундан Маскўвдаги ҳукумат доирасидан бириға бир хат ёзиб бериб, маним Маскўвда қолмоғимға ёрдам беришлигини ўтиндим. Ул ўзининг РСФСР Сўвнаркўм муовини тайин қилинғонлиги тўғрисида Маскўвдан телефром олғонлигини, шунинг учун тездан Маскўвға кетағини, Маскўвға борғач, кўришиб, ёрдамлашининг мумкин эканлигини гапирди ҳам ҳазил тариқасида: «Кўрдингми, зиёлиларға қилгон хужумларим бўш кетмади», деб кулиб, ман билан хайрлашди. Қизил Ўрдада ман, ҳукумат учреждениеларидан ҳеч бирға кирмадим. Қозоқ зиёлиларидан ҳеч бирини кўришға ҳаракат қилмадим. Ул чоқларда қозтўрғ раиси бўлиб турғон Пошобек Фўладхонов деган озарбайжонлик бир эски дўстим билан кўришиб, унинг квартирида турдим. Уч ёхуд тўрт кун ичида Қизил Ўрда томошасин битириб, Русияга жўнадим.

Ман ул кунғача Самара, Қозон, Нижний Нўвгўрўд каби шаҳарларни кўрмаган ва Волға саёҳатида бўлмағон эдим. Шунинг учун Самарадан парахўдға ўтуриб, Волғони саёҳат қилиш, Қозон ва Нижний орқали Маскўвға боришға қарор берган эдим. Қароримға мувофиқ Самараға, ундан парахўд билан Қозонға бордим. Қизил Ўрдадан Қозонғача ман билан доим бирға бўлиб, манға рафиқлик ва раҳбарлик қилгон бир рус кўммунисти бўлди. Унинг исми ва фамилиясини ҳозир унутғонман. Қозонға борғач, икки-уч кун касал бўлдим. Бу вақтларда ҳалиги рус рафиқим хотини билан бирға келиб, манға ёрдам берди: дўхтурға кўрсатди, аптекадан дорў келтирди, қумфрес қилди. Бир қадар тузалғонимдан сўнгра кўчаға чиқиб, Қозон ярманкасини ва Суюнбека минораларини кўрсатди.

Қисқаси, Қозонға борғанимдан сўнг беш кунғача тоторлардан ҳеч ким билан кўриша олмадим. Олтинчи кунлари Курбон ҳайити бўлди. Тоторларнинг ҳайитларин кўрмак учун пичан бозорини излаб топдим. Унда бир неча тоторлар билан масжиддан чиқиб келмақда бўлгон Шаҳри Шарафни кўрдим. Унинг ила Тошкандда бир-икки мартаба кўришиб танишқон эдим. Кўришғач, саломлашдиқ, сўрашдиқ, бир-биримизни ҳайит (праздник) билан табриқ этишдик. Ул мани тўғри уйиға бошлаб олиб кирди. Тоторлар одати бўйинча уйда дастурхон ёзилғон ва устол усти турли таом ва ширинликлар ила тўлатилғон ва мандан бошқа

тўрт-бешта тоторлар (савдогарлар бўлса керак) чой ичиб ўтургон эдилар.

Мани уларга танитди. Улар била ҳам кўришиб, ҳайит билан табрик этишдан сўнгра ман ҳам ўлтуриб, икки стакан чой ичдим. Ўтургон тоторлардан бири Тошканддаги хусусий савдо аҳволидан сўради. Ман: «Хусусий савдо дўконлар кундан-кунга бита борадир», — деб жавоб бердим. Шаҳри Шараф саёҳатдан мақсадимни сўради. Ман унга ўзимнинг Маскўвга бормоқ ниятида бўлгонлигимни, фақат Волга ва Қозонни кўрмаганлигим учун сафарни Қозон ва Нижний орқали қилиш мақсадида Қозонга келганлигимни билдирдим. Орамизда бошқа турли бир сўз бўлғони йўқ десам, ёлгон бўлмаса керак.

Ярим соатга етар-етмас ман рухсат сўрадим. Бошқа меҳмонлар ўрунларидан турдилар. Шаҳри Шараф маним адресимни сўради, айтдим. Шунинг билан хайрлашиб, чиқиб кетдим. Ўшал куни соат 2 ларда Шаҳри Шараф томонидан бир киши маним номеримга келиб, мани олиб кетди. Яхшигина давлатли бир тотор савдогарнинг уйига бордиқ. Унда Шаҳри Шараф ила баробар Қозоннинг бутун эски руҳоний ва савдогарлари — 30 қадар киши зиёфат мажлисига (Қурбонлиқ зиёфати бўлса керак) йиғилган эканлар. Ман ҳам кириб қаторда ўлтуриб, беш-олти хил таомдан иборат бўлгон зиёфатни емакдан бошқа иш қилғоним йўқ. Ўтургонлар билан ҳам ҳали таништирамади. Фақат уй эгаси билан Шаҳри Шараф манга ўрун кўрсатдилар. Уй эгаси Шаҳри Шараф уйида таниш кишилардан бўлиб, Шаҳри Шараф орқали мани зиёфатга таклиф қилғон экан. Ундоғи сўзлангон сўзлар тотор қортлари¹ ҳар кимдан гина ва шикоятлардан четга чиққани йўқ. Манга бўлса, сўз навбати ҳам келмади. Ҳеч ким мандан бир сўз сўрамағони каби ман ҳам ҳеч кимдан бир сўз сўрамоқни лозим топмадим. Таомдан сўнғ Куръон ўқилди. Ҳазратларга пул улашилди. Шунинг ила мажлис тамом бўлиб, тарқалишдиқ.

Эртасига маним номеримга Бурҳон Шараф келиб, ман билан кўришди ҳам ўз уйига таклиф қилиб, олиб кетди. Унинг уйига ман борган чоқда бир неча тоторлар хотинлари ила баробар ҳайит муносабати билан келиб чой ичишиб ўтургон эканлар. Бурҳон Шараф мани улар билан таништирди. Кўришгандан сўнгра манга ҳам чой бердилар. Чой ўстида ҳар бирлари манга Тошканд маорифи, матбуо-

¹ Қорт — қария.

ти, тижорати, зироати ва зиёлилари тўғрисида турли сўроқлар бера бошладилар. Маним кўзимга уларнинг аксариси ГПУнинг агентига ўшаб кўринди. Шундай бўлса ҳам, уларнинг сўроқларини жавобсиз қолдирмадим: Ўзбекистонда маорифнинг кутилгандан кўра тараққий қилгонлигини, жуда кўп янги матбуот ходимлари етиша бошлагонини, хусусий тижоратнинг ортиқ ўлим тўшакига чўзила бошлагонлиги, зироат ишларининг урушдан аввалги ҳолига бориб етишиши арафасида эканлигини асос тутиб туриб, ҳар бирига жавоб бердим. Масала зиёлилар устига келганда, эски зиёлилар устида сўнги кунларда яхшигина ҳужум давом этганлигини айтмасдан ўта олмадим. Бунга улардан бири (Бурҳон Шарафми, бошқасими, аниқ хотирамда йўқ): «Демак, хўроз ҳар ерда баробар қичқиргон экан», жумласини илова қилди. Бир соатдан ортиққа чўзилгон бу суҳбат ош келгандан сўнг тўхталди. Ошдан сўнг ман рухсат олиб, чиқиб ўз нўмеримга келдим. Бошқа меҳмонлар ўлтиришиб қолдилар.

Ўшал куни ёхуд эртасига маним нўмеримга Аҳмад Ҳоди Мақсудий келди. Унинг ила кўришиб, ярим соат қадар суҳбатлашдиқ. Орамизда бўлгон гаплар: бизнинг ўз вақтида замонга ярашур ишлаб, вазифамизни адо қилгонлигимиз, эндиги даврда ишни ўз аҳлига — ёшларга ҳавола қилиб, шуларни дуо қилиб ётишнинг кераклиги каби ҳақиқатан қартайиб, ишдан чиққан жамоат ходимлари орасида сўзлаштургон гаплардан иборат бўлди.

Улардан бошқа Ўзбекистонда 25-йил охирларига қадар адабиёт муаллими бўлиб ишлаған Абдурахмон Саъдий деганни уйига бориб, зиёрат қилдим. Ул Қозонда ҳам мактабда муаллим бўлиб шул мактаб биносида турар экан. Тотористоннинг маориф ишларидан ул манга анчагина маълумот берди.

Маним Қозонга бориб кўришгон кишиларим ва улар ила сўзлашгон сўзларимнинг мазмунлари шулардан иборатдир. Булардан бошқа тотор зиёлилари ва кўммунистлариндан ҳеч ким билан кўриша олмадим. Олимжон Иброҳимов билан кўришмакга ҳаракат қилиб кўрсам ҳам, ул дачада бўлгон сабабли кўришиш мумкин бўлмади. Шаҳри Шараф орқали кўргон кишиларим Қозоннинг эски уламо ва савдогарлариндан иборат эди. Бурҳон Шараф уйида кўргон кишиларим эса, зиёлирак савдогарлар бўлса керак. Улар ичида ҳам машҳуррак нўро ишчиларидан ҳеч ким йўқ эди. Қозонда манга турли ўрунларни: боғларни, қулуб-

ларни ва баъзи мактабларни кўришга ёрдам қилиб, раҳбарлик қилгон киши, Қозонга илгарирак бориб, унда савдо ишлари ила машғул бўлиб юрган бир қашқарлиқ ва бир андижонлиқ йигитлар бўлди. Уларнинг исмларини ҳозир тамом унутгонман. Ҳукумат учреждениеларидан Маориф қўмиссарлиғига Олимжон Иброҳимовни излаб бир мартаба бордим. Бошқа учреждениеларнинг ҳеч бирига кирган ва кўрганам йўқ.

Қозонда эканимда пулим битди. Ҳовлимни сотиб, сафар ва саёҳатга таҳсиб этган минг сўм пулни ўзим билан бирга олиб кетишга кўрқиб, қачон ва қаердан сўрасам, юбориб туриш шартила Тошкандда «Бирлик» деган бир савдо ширкатиға омонат топшургон эдим. Пул сўраб, шул ширкатга телеғром бердим. Пул тўрт-беш кундан сўнг борди. Шунинг учун Қозонда мўлжалдан ортиқроқ—ўн кундан зиёдроқ туриб қолишга мажбур бўлдим. Переводни олғоч, парахўдга ўтуриб, Нижнийға жўнадим. Тўрт кун Нижнийни томоша қилғоч, Маскўвға жўнадим. Бу сафар манга Қозондан Маскўвғача ёшроқ грузинка рафиқалиқ этди. Нижнийда, табиий, ҳеч ким билан танишиб сўзлашмадим. Маскўвға келиб, бир нўмерға ўринлашқон бўлсам ҳам, йўли оғирлиқ қилиб, икки-уч кундан сўнг Муҳиддиновлар квартирасиға кўчдим. Тошкандга қайтғунимча шул квартирда турдим. Маскўвда бошлаб Тўрақуловни кўриб, нима мақсадда келгонлиғимни унга билдирдим. Ул кўлидан келгон ёрдамани аямаслиққа ваъда берди. Ундан сўнг ўртоқ Рисқуловни изладим. Телефўн орқали уни ўз нўмерасидан топиб, киришга рухсат сўрадим. Ул: «Сан келиб мани балки тополмассан, ман ўзим сенинг олдингға бораман», — деб жавоб берди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, ўртоқ Рисқулов маним квартиримға борди. Кўришиб, омонлашгондан сўнг ўртоқ Аспендияров номиға бир хат ёзиб берди. Ўзининг Қофқаз кетиш ҳаракатида эканлиғини билдириб, хайрлашиб чиқиб кетди. Бу хатни кўтариб, ман яна Тўрақуловға бордим. Ул мени Кремлға бошлаб олиб борди. Кўмендантдан пропуска олиб, Кремлға кирдим. Ундан Аспендияров отпускаға кетганлиғини англадим. Аспендияровдан умид узулгон, Тўрақулов мани бирга уйға бошлаб кирди. Унда бир туркман йигити ўтургон экан. Мани унга таништириб, Рисқуловнинг Аспендияровға ёзгон хатини ҳам шул йигитға кўрсатдим. Маним мақсадимни яхшилаб англатди. Ҳар иккалалари маслаҳатлашиб, маним учун мувофиқ бир ўрун излашдилар. Ниҳоят, СССР Шарқ халқларини ўрганиш

қўмитетиға мани ўрунлаштиришни мувофиқ кўришдилар. Ҳалиғи туркман йигит қўмитет раисини телефўнға чақириб, мани унға тайинлади. Манға унинг адресини берди. Маним ишим ортуқ шул қўмитет раисига (фамилияси хотирамда йўқ) топширилгон эди. Эртасига «Дом сўветов»ға бориб, ул қўмитет раисини ўз квартирасидан топа олмагон бўлсам ҳам, икки-уч кун сўнгра топишға муваффақ бўлдим. Кўришиб тонишгондан сўнгра ул мани қўмитет биносига бошлаб олиб кетди. Унда тўрт-беш киши (қўмитет президиуми бўлса керак) ўтириб мажлис қилдилар. Бир неча масалалар қаторида маним ишим ҳам музокара қилинди. Ўзбекистонға берилгон уч ўриндан бириға мани қабул этдилар. Буни расмийлаштирмак учун Ўзбекистон ҳукуматидан маним учун камандирўвка ва истипендия сўраб, Ўзбекистон Маориф қўмиссарлиғиға ҳам ўшал кунларда Маскўвда бўлгон ўртоқ Акмал Икромўвға бир илтимоснома ёзилди. Ўртоқ Икромўвға бу тўғрида иккинчи мартаба йўлиқиб, илтимосномани ўз қўли билан топширмоқни раис билан президиум аъзоларидан бири ўз устиға олди. Маориф қўмиссарлиғиға ёзилгон илтимоснома маним ўз қўлимға берилди. Ман буни қўмитетнинг устав ва қарорлари, ҳам ўз заявлением ила баробар Маориф қўмиссарлиғиға юбормоқчи бўлдим. Эртасига ман ўртоқ Икромўв ҳузурига бориб, воқеани баён этмак ила баробар бу тўғрида унинг ёрдамини сўрадим. Икромўв кўргон замон: «Ҳа, Маскўвда нима қилиб юрибсиз?» — деган саволни ҳазил равишда манға берди.

Ман унға: «Ўзбекистондан ман ўз-ўзимни висилка қилдим», — деб жавоб бердим.

Икромўв: «Сизға висилка лозим бўлгон вақтда биз ўзимиз қилар эдик. Бунинг учун шошмасангиз ҳам бўлар эди», — деди.

Ман: «Сиз висилка қилсангиз, ман истамаган бир ерга қилиш эҳтимолингиз вор. Шунинг учун илгаригидак ҳаракат қилиб, ман ўзимни шўролар пойтахтиға — ўзим истаган бир ерга олдим. Ортиқ камандирўвка тўғрисида сизнинг ёрдмингиз қолди», — дедим. Орамизда шундай бир неча савол ва жавоблар мутойиба равишда ўтгондан сўнгра ул: «Сиз Тошкандға боринг, камандирўвка тўғрисида ўшал ерда ман ёрдам қиларман», — деган ваъдани берди. Бу вақтда ўртоқ Икромўв қўмитет президиуми томонидан ёзилгон илтимосномани ҳам олган эди. Ўртоқ Икромўвнинг «Тошкандға боринг, ёрдам қиларман» мазмунда берган

ваъдаси мани яхши қаноатлантирмади. Такрор Ўзбекистонга бориб, камандирўвка орқасидан ўзим юриб ҳаракат қилмасам бўлмай тургонга ўхшаб кўринди. Шунинг учун Маориф қўмиссарлиғига ёзилгон қоғозларни кўтариб Тошкандга, ундан Самарқандга бордим. Қоғоз ва заявлениеларни Маориф қўмиссарлиғига ўз қўлим билан топширдим. Ул чоқда Маориф қўмиссари ким эканлиғи хотирамда йўқ. Аммо главкаларда ман билан яхши алоқаси бўлмагон Нарзилла Иноятий, Саидов каби рамзийчилардан бир нечаси ўтурадди. Маним ишимни кўллеғия мажлисида кўрмакчи бўлдилар. Бир неча кун ишнинг орқасидан юрдим. Кўллеғия мажлислари бўлмади ёхуд бўлса ҳам, билқасд маним ишимни кўрмадилар. Бу воқеаларда маним мактаблардан олгон ўтпускам ҳам пулим тамом бўлгон эди. Кўллеғия аъзоларидан бири (ким эканлиғини ҳозир эслай олмайман): «Сиз Тошкандга бориб, мактаб ишлари ила машғул бўлиб туринг, заявлениеларинғизни тез кўриб натижасини билдирамиз», деган буйруқ аралаш бир жавобни берди. Ман ўз заявлениемда икки нарсани сўрагон эдим: бири муаллимлик хизматидан озод этиш, иккинчиси камандирўвка ва истепендия. Ул чоқларда ўрта мактабларга тил ва адабиёт муаллими етишмаслиғи сабабли мани муаллимликдан озод қилиш муносиб кўрулмади. Маскўвга камандирўвка қилинишимнинг ўртоқ Икромўвга ёқмагонлиғи тўғрисида, билмадим, кимдан ғайри расмий хабар қулогимга чалинди, бу хабарни кўллеғия аъзосидан (юқоридағи) эшитилган буйруқнамо жавоб бир қадар қувватлади. Шунинг учун камандирўвкadan 70—80 фоиз умидим кесилган ҳолда Тошкандга қайтдим. Тошкандга келгач, камандирўвка тўғрисида бўлиб тургон муаммоларни, эҳтимол, манга камандирўвка берилмаслиғини шунинг учун камандирўвкасиз бўлса ҳам қўмитетдан манга ўрун берилишлиғини сўрагон бир заявление билан қўмитетга кирмак учун лозим бўлгон тегишли ҳужжатларни бирга қўшиб, Маскўвга, қўмитет идорасига юбордим. Жавобсиз ва камандирўвкасиз ўзим кетмакни ўйласам ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг қайтариб келтиришидан кўрқдим. Эҳтиёт юзасидан мактабларга кириб ишлай бошламоқ ила баробар Маскўвдан ҳам Самарқанддан расмий жавоб кутдим.

Орадан бир ой қадар вақт ўтди. Сентябрь кириб, мактабларда ўқушлар бошланди. Ниҳоят, Маориф қўмиссарли-

гидан: «Сизнинг заявлениенгиз бекорга қолдирилди, Маскўвга сизнинг ўрнингизга бошқа ўртоқлар юборилажак» мазмунида ёзилгон расмий бир жавоб келди. Маскўвга ёзгон заявлением эса тамом жавобсиз кетди.

Мана шул йўл билан мани миллатчилик билан муттаҳам қилгон ўзбек миллати орасидан тамом чиқиб, шўролар пойтахтига сифиниб ва қолгон умримни шунда маълумот ва мафкурамни тузатиш ила баробар эски гуноҳларимни ўз қўлим билан тозалаш тўғрисида қилгон ният ва мақсадларимга сад чекиладир. Ўзбекистондан кетишни келажак ёзга қолдириб, яна аввалгидек муаллимлик вазифамни давом эттиришга ва баъзи ҳукумат қошида ўзини ҳақиқий қўммунист қилиб кўрсатмак ва шул йўл билан юқорилашмоқ орзусида бўлгон манфаатдор ўртоқлар ҳужумига аввалгидек нишона бўлиб туришимга мажбур бўлдим.

Маскўвда экан (имда) кўбрак сўзлашган кишим ва манга кўбрак ёрдам қилгон киши ўртоқ Тўрақулов бўлди. Бирикки мартаба унинг дачасига чиқиб, шоҳмот ва бошқа турли ўйинлар билан умр кечирдим. Орамизда хусусий ишлардан бошқа сиёсий ва умумий масалалар тўғрисида бир суҳбат бўлгони йўқ. Фақат бир мартаба Шарқ халқлари учун лотинизатсиянинг кераклигини исбот этиб сўзлаган сўзини бир оз хотирлай оламан. Ул чоқларда Тўрақулов маним кўзимга эски миллий ҳислардан тамом қутулиб, ҳақиқатан қўммунистлашган бўлиб кўринган эди.

1930 йил, 9 декабрь.

Афгон кўнсули билан кўришув

Ўзбекистон ҳукумати маним Маскўвга кетишимни номувофиқ топиб, заявлениемга расман рад жавоби бергач, табиий, Маскўвга кетишдан умид узишга мажбур бўлдим. Аммо Ўзбекистонни тамоман тарк этиш фикри миямда ҳамон кучая борди. Қиш бўйинча муаллимлигимда давом этсам ҳам, ҳамон кетиш учун ўзимга тинчрак бир жой ва муносиброқ бир иш излардим. Баъзан Қозоғистон ёхуд Туркманистон каби кўшни жумҳуриятларга ўтуб туришни ўйлардим. Фақат Ўзбекистондаги «дўст»ларимнинг унда ҳам тинчитмаслик эҳтимоллари мани кўрқитарди. Баъзан Қафқоз ва Тотористон каби узоқроқ жумҳуриятларга кетишни ўйласам ҳам, ул жойларда манга эҳтиёж бўлмағонлигиндан иш тополмасдан, хароб бўлиш эҳтимолидан кўрқордим. Ниҳоят, 27-йил ўрталарида, миямга маориф ходимлариға сўнг

даража ташна бўлгон афгон халқи орасиға бориб ишлаш фикри ўрунлашди. Энг қоронғу бир замонларда ишлаб, Ўзбекистон халқиға мактаб ва маориф эшигин бошлаб очиш манға насиб бўлгон эди. Маориф ва маданият жиҳатдан сўнг даражада орқада қолгон Афғонистон халқи учун ҳам шу бир хизмат кўрсатиш орзуси мани қизиқтирди.

Ул чоқларда Афғонистонда, Афғонистон истиқлолини шўролар ҳукумати соясидағина сақлаб тургон ва Шўролар ҳукумати билан жуда яқин алоқада бўлгон Омонуллахон ҳукумати турарди, ул ҳукуматнинг шўролар мамлакатидан ибрат олиб, маориф ва маданият ишлариға яхшиғина аҳамият бера бошлағони матбуотда кўрулар ва ўқуларди. Шунинг учун манға ўхшаш Ўзбекистон учун ортиқ кераги қолмағон, ортиқча ва эски маориф ходимларининг Афғонистонға бориб, яна беш-тўрт йил ишлашлариға майдон ва имкон бор эди. Шарқ мазлумларининг уйғонишиға, маданийлаштирилишға яхши кўз билан қарайдургон шўролар ҳукумати гўё ўзининг ҳимоя ва тарбиясида бўлгон Афғонистон халқиға маориф ва маданият соҳасида ёрдамлашар ва ўзиндан ортқон манға ўхшаш эски-туски маориф ходимларининг ул ерға бориб ишлашлариға қарши бўлмас, йўл берар, деған бир эътиқодда эдим. Шунинг учун афгон қўнсули ила кўришиб, унинг ёрдам ва илтимоси ила ҳукуматдан расмий рухсат олиб кетиш фикриға тушдим. Нелеғални кетишға ҳам қарши бўлгонлиғимдан, унга журъат эта олмадим. Афғон қўнсули билан кўришиш ва танишиш учун восита изладим.

Бир ўзбек қизға уйланиб, 8—9 йилдан бери Тошкандда, Эски шаҳарда туратургон Мансурхон номли бир афгон йиғити бор. Ул ҳозир ҳам Тошкандда бўлса керак, 27-йил август ёхуд сентябр ойлари бўлса керак, ул йиғит билан кўчада иттифоқо бир сувратда учрашиб қолдим. Ундан ҳозирғи Афғонистон қўнсулининг ким ва қандай киши эканлиғини сўрағондан сўнгра унинг ила мани учраштириш ва таништириш тўғрисида воситачилик этмагини ўтиндим. Ул бу хусусда қўнсул билан сўзлашиб, сўнгра жавоб беришини ваъда қилди. Орадан бир ой қадар вақт ўтғач, ҳалиги Мансурхон билан яна кўришдим. Ул манға қўнсул билан сўзлашғанлиғини ва ман билан кўришиб танишувни қўнсулнинг қабул этғанлиғини билдирди, қандай ва қаерда кўришув масаласиға келғач, ул ўз уйиға қўнсулнинг келиб-кетиб юришлиғини, яна бир келған вақтда манға ҳам хабар бериб, ўз уйида кўришилиғи мумкин экан-

лигини англатди. Орадан яна бир қанча кунлар ўтди. Бир кун кеч соат 7—8 ораларида Мансурхон маним уйимга бориб, кўнсулнинг келганлигини билдирди ва мани ўз уйига бошлаб олиб кетди.

Эҳтиёж мани таваккалга мажбур этиб Мансурхон билан бирга унинг уйига тўғри кетган бўлсам ҳам, бориб етгунча минг турли хаёл ва кўрқинчларни кўнгилдан кечирдим.

Мансурхон уйига ман кирган вақтда унда узун бўйли, ғоятда ориқ ва ўрта ёшли бир афғон ўтурғон эди. Мансурхон иккимизни бир-биримизга таништирди. Кўришиб, саломатлик этдим. Мансурхон маним кўзимга ГПУнинг агенти бўлиб кўрингани каби бу ўлтурғон кишининг афғон тусли Фулом Жейлонийхон эканлигига шубҳа билан қарадим. Шундай бўлса ҳам, унга сўнг даражада эҳтиёт ва кўрқинч билан ўз мақсадимни тубандаги мазмунда арз қилдим: «Ҳозир Ўзбекистонда етарлиқ даражада маориф ходимлари етишган сабабли ман каби эскирак муаллимларга эҳтиёж қолмади. Мафкуравий жиҳатдан ҳам ёшлар билан эскилар ораси узоқлаша борадир. Шу сабабли Афғонистонга кетиб, қолгон умримни афғон халқининг маориф ва маданият ишлариغا сарф этмак орзусидаман. Сиз билан кўришишдан мақсадим, ўзимнинг шул орзум сизнинг ва афғон ҳукуматининг қандай қарашини билиш ва шунга қараб ҳаракат қилишдур».

Маним бу сўзимга қарши унинг томонидан берилган жавоб шул мазмунда эди: «Маним яқиндагина Кобулдан олгон хабаримга қарағонда, амир соҳиб тездан Оврupo саёҳатиға жўнамоқчи, ундан Афғонистонда катта ислоҳотлар ясамоқчи. Табиий, бу ислоҳотнинг каттаси мактаб ва маориф соҳасида ўтказиладир. Бунинг учун бир қанча муаллим ва маориф ходимлариға эҳтиёж бор. Бу муаммоларни бошлаб сиз, афғон халқиға турмуш ва тил жиҳатдан яқин бўлгон Туркистон ва Бухородан излашға мажбурмиз. Шу сабабли бир сиз эмас, яна бир неча форс тили билатурғон муаллим ва маориф ходимлари бизға керак. Бу тўғрида Кобулдан олингон буйруққа биноан ўзим ҳам сиз каби эскирғон маориф ходимлари билан кўришиш орзусида эдим. Сизнинг мурожаатингиз том маъносила вақтида бўлди. Истасангиз, ҳозирдан эътиборан виза беришға ва ҳудуддан ўтишингизға ёрдам қилишға тайёрман. Сиздан бошқа тагин кимлар боражагини манга билдиринг!

М а н: — Мандан бошқа ҳам бир неча кишилар топиладир. Ҳозир улар билан сўзлашмаганим сабабли исмлари-

ни айта олмайман. Модомики, Афғонистонға ман керак экан (ман), бир неча форс тили билатурғон эскирак муаллимларни сўраб, кўнсул томонидан шўролар ҳукуматиға расман мурожаат қилиш мумкин эмасми? Агарда шул равишда расмият билан бошланса, анчағина киши топилар эди. Нелеғалний кетишдан кўп киши кўрқадир. Ман ҳам расмий равишда кетиш орзусидаман. Туб мақсадим бу тўғрида сиздан ёрдам сўрамоқ эди.

Ул (*бир қадар ўйлаб қолгондан сўнгра*): — Бу хусусда Кобулға мурожаат қилмасдан туриб, ўзимча бир жавоб бера олмайман.

М а н : — Афғон халқи янги усул мактаблариға қандай қарайдур?

У л : — Ҳозирда яхши қарамаса ҳам, натижасини кўргоч, қизиқар ва яхши қарар умидидаман, фақат, боратурғон муаллимларнинг халқни чўчитмайтурғон, алдаб-сулдаб ишға солатурғон, тажрибалирак кишилардан бўлишлиғи керак.

М а н : — Бизда ҳам янги мактабларға халқ аввалда ёмон кўз билан қаради. Ҳозирда эса халқ тамом тушунди, ўрган-ди, эски мактаб ва мадрасаларға кириб ўқувчи қолмоғонлиғидан тамоман ёпилиб битди».

Ярим соатдан зиёдароқ чўзулгон бу мажлисда орамизда сўзлашилган сўзлар мана шундан иборат эди. Охирида иккинчи кўришувғача ман кетатурғон кишиларнинг испискаларини тузиб чиқмоқчи бўлдим. Ул эса бизни расмий равишда сўраб олмоқ тўғрисида Кобулнинг фикрини олиб, шунға қараб иш кўрмакчи бўлди ва ўзининг хотира дафтарыға ёзиб олди. Суҳбатимизға бошдан-оёқ ҳалиги уй эгаси Мансурхон иштирок этди ва бизға чой куйиб бериб ўтирди. Орамизда сўзлашилган сўзларға жуда диққат билан қулоқ солди. Мансурхоннинг бу ҳаракати маним аввалғи шубҳаларимни яна қувватларди. Шунинг учун ораға бошқа турли сўз аралаштирмасдан мумкин қадар тез чиқиб кетиш ҳаракатиға тушдим. Уйимда меҳмонлар борлигини сабаб кўрсатиб рухсат сўрадим. Ул ҳам рухсат берди. Хайрлашиб, чиқиб кетдим. Кўнсул билан бўлгон биринчи суҳбатимиз мана шунинг ила тамом бўладир. Кобулнинг фикрини олғоч, Мансурхон орқали манға хабар бермакчи бўлгон эди.

Мусоҳабадан сўнг 7—8 ой кутдим, кўнсулдан ҳеч бир хабар бўлмади. Бу миёнада Омонуллахон Оврупо саёҳатидан қайтди. Афғонистонда Бачаи Сақо воқеалари бошланди. Ислоҳот бошламоқчи бўлгон Омонуллахонға Афғонис-

тон уламози томонидан куфр печатлари босила бошлади. Ҳана бу воқеалар маним Афғонистонга бориб, унинг маориф ва маданияти учун ишлаш тўғрисидаги орзуларимни сусайтира бошлади. Бачаи Сақо тўполони босилмасдан туриб, Афғонистонга боришни ўзим учун хатарли санардим, шунинг учун кўнсулни такрор кўруб, аввалги суҳбатнинг натижасини сўрашга ортиқ ошиқмадим. Лекин орадан бир йил қадар вақт ўтгондан сўнгра ўзимдан бўлмагон сабаблар билан иккинчи мартаба кўришувга тўғри келди. Бунинг тариқаси тубандагича бўлди.

Маним ёнимда Мирҳабиб Солиҳбоев деган бир кўшним бор эди (29-йилда девона бўлиб, ўз-ўзини ўлдирди). Ул ёшроқ савдогарлардан бўлиб, Ҳиндистон ва Афғонистондан ёширинча келгон майда атторлиқ моллари ила оз-моз савдо қилиб, кун кечирарди. Бунга ундай молларни топиб бериб туратургон киши юқорида мазкур афгон йигити Мансурхон эди. Шунинг учун Мирҳабиб билан Мансурхон орасида жуда яқин алоқа бор эди. Мана шу Мирҳабиб (28-йил охирлари бўлса керак) бир кун маним олдимга кириб, Нажмиддин Шераҳмадбоевнинг Берлинда ўқувчи ҳамширасига пул юбормоқ учун восита тополмай, кўбдан бери саргардон бўлиб юрганлигини, ҳукумат орқали пул юборишнинг сўнғ кунларда манъ қилингонлигини, шул сабабли бир восита топиб бериш тўғрисида ўзидан Нажмиддиннинг ёрдам сўрагонлигини, бу хусусда Мансурхон орқали афгон кўнсулидан ёрдам сўраб, унинг ризолиқ вадасини олганлигини, бу муносабат билан кўнсул билан танишиб қўймоқ учун Мансурхон орқали кўнсулни меҳмонга таклиф қилгонлигини, шунинг учун эртага кеч соат 9 ларда маним ҳам ҳеч ерға кетмасдан туришлигим кераклигини жуда аҳамият билан баён қилди. Бунга қарши ман: «Жуда яхши, баҳона билан ман ҳам кўнсул билан танишар эканман», — деб хурсандлиқ изҳор қилдим. Кўнсул билан аввал ҳам бир кўришгонлигимни унга сездирмадим.

Эртасига кеч соат 9—10 ларда Мирҳабиб мани ўз уйига чақирди. Зотан, бу чақириқ кутилган бир чақириқ эди. Шул сабабли тезлик билан ман Мирҳабибнинг уйига чиқдим. Ман чиққан чоқда уйда Мансурхон билан бирга Мансурхон уйида ман билан кўришган афгон ўтургон эди. Кўришиб, ҳол ва соғлиқ сўрашгандан сўнгра Мирҳабиб олдимизга келиб, Ўзбекистон одати бўйича дастурхон ёзиб, чойнон кўйди. Бу кўришувда ул афгоннинг чиндан-да афгон кўнсули Фулом Жейлонийхон эканлиғига ишона бошла-

гон эдим. Мансурхон бу дафъа ҳам, аввалги каби, ҳеч бир сўзламасдан, сўзлашган сўзларни тамом диққат билан тинглаб ўтирарди.

Ман бўлсам, баъзан қўнсул билан ўзим сўзлашув ва баъзан Мирҳабиб билан қўнсул орасида таржимонлиқ этардим. Бу воқеаларда Афғонистонда Бачаи Сақо воқеаси ҳали куч экан ва унинг аскарлари Кобулға яқинлаша бошлогон эди. Шунинг учун орамизда бошлаб сўзлашган сўз Афғонистон аҳволи ва Бачаи Сақо воқеаси бўлди. Мусоҳаба тубандаги равишда бошланиб, давом этди:

Ман: — Афғонистон воқеалари тўғрисида бизнинг газеталарда ёзилиб тургон хабарлар тўғрими?

Қўнсул: — Асосан тўғри бўлса ҳам, тафсилотда бир қадар мублага ва янглишлиглар вор.

Ман: — Бачаи Сақо қандай киши ва қаердан чиқди?

Қўнсул: — Кўҳистонликлар орасиндан чиққан бир босмачи.

Ман: — Афғонистон ҳукумати нима учун унга бу кунгача қатъий бир зарба бериб йўқотмайдир?

Қўнсул: — Биринчидан, амир соҳиб қон тўкишни истамаганлигиндан, бу воқеани қонсиз ва сулҳ йўлига битариш умидида, иккинчидан, унинг атрофиға ҳам анчагина қувват тўплангон.

Ман: — Бир босмачи шунча қувватни қандай тўплай олди?

Қўнсул: — Англизларнинг пул ва иғвосидан ва халқнинг нодонлиғи ва мутаассублигиндан истифода этди.

Ман: — Кобулни олиш эҳтимоли борми?

Қўнсул: — Қатъиян йўқ. Масала Кобул устиға келажак бўлгонда Афғонистон ҳукумати унга қатъий бир жавоб бера оладур.

Ман: — Афғонистонда бошланажақ ислоҳот ишлари бу воқеаға қандай таъсир этар экан?

Қўнсул: — Маним фикримча, воқеа агар сулҳ йўли билан босилса, ислоҳот планининг бир қадар торайиши ва кечикишиға сабабдир. Агарда қатъий кураш ва қон тўкиш йўли билан босилса, ислоҳот планини бузади, юз фойиз ўтқариш балки мумкин бўлар. Фақат, амир соҳибнинг қон тўкишни истамаганлигиндан сулҳ йўли била босилиш эҳтимоли яқинроқдир. Шунинг учун ислоҳот ишлари бир қадар кечикса керак.

Ман: — Ўзбекистон ҳукуматидан муаллим сўраш масаласини Кобулда қўзғата олдингизми?

Қўнсул: — Бу тўғрида сиз билан кўришгондан сўнг Кобулга ёзгон эдим. Кобул томондан амир соҳибнинг Овруро соёҳатидан қайтишига мувофиқ кўйилгон эди. Амир соҳиб қайтқондан сўнгра, маълум воқеалар бошлангон сабабли бу иш тўғрисида такрор сўз кўзғатиш мумкин бўлмади. Сиз кетажак кишиларнинг испискасини туздинғизми? Неча киши вор?

Ман: — Испискаларин тузмагон бўлсам ҳам, Афғонистон халқининг аҳволи руҳияси билан ҳисоблашиб ишлай олатургон ва форсча билатургон 15—16 кишини атметка қилиб қўйдим. Улар орасинда ўзинғизга маълум Миёнбузрук ҳам вор. Фақат ул бир мартаба Афғонистонда бўлиб, Афғонистон ҳукуматидан жавобсиз кетиб қолгонлиғи учун ўзини афғон ҳукумати қошинда маҳжуб (уятли) санайдир. Шул сабабли ўзиға афғон ҳукумати доираларининг қандай қарашлиғини билғандан сўнг кетиш фикриндадир. Бошқалари ила сўзлашмагон бўлсам ҳам, ҳукумат рухсат берар экан, маалмамнуният кетишлиғидан аминман.

Мирҳабиб: — Бироқ савдогарлардан ҳам Афғонистонга кетмак орзусида бўлгонлар вор. Уларға афғон ҳукумати қандай қарайдир?

Қўнсул: — Афғон ҳукумати савдогарларға умуман яхши қарайди. Шунинг учун ғайри расмий суратда кетмакчи бўлгон ишончли савдогарлар бўлса, уларға қўнсулхона томонидан виза бериш мумкин.

Мирҳабиб: — Зарур чоқларда сиз билан кўришиш, хабарлашиш жуда қийин. Шунини осонлаштирмак учун қўнсулхонаға ерликлардан бир хизматчи олиш ва шу орқали хабарлашиш мумкин бўлмасми?

Қўнсул (*бир оз ўйлангонидан сўнгра*): — Бу ҳам мумкин. Аммо, яхшиси, маним ёнимда Мизробхон деган ишончли бир кишим бор. Шунга Эски шаҳардан бир квартир топиб бериб, ўзим ҳам баъзан шунинг квартириға келиб кетиб турмак фикридаман. Мана шу Мизробхон орқали истаған вақтда хабарлашиш ва кўришиш осонлашадир.

Ман: — Ғайри расмий суратда Афғонистон орқали ҳажға кетмакчи бўлгон бир-иккита ҳожи вор. Шуларға ҳам қўнсулхона томонидан виза бериш мумкинми? (Ман бу саволимни берған чоғда мундан 8—9 ой илғари наманғанликлар томонидан маним олдимға келиб, афғон қўнсулхонасидан виза олиш тўғрисида маним воситачилиғимни сўраб, мандан рад жавоби олгон ҳожини назарда тутқон

эдим. Ҳолбуки, бу суҳбатнинг биринчи кунидан сўнгра ул ҳожини қачонлардир кетиб қолгонлигини Салимхондан эшитдим. Бу тўғрида келажакда яна ёзиладир).

Қўнсул: Ишончли кишилар бўлса, виза бериш мумкин.

Суҳбат бу нуқтага етганда, Мирҳабибнинг уйидан ош чиқиб, суҳбатдан тўхтаб, ҳаммамиз ош ейишга машғул бўлдик. Ошдан сўнг қўнсул яна сўз бошлаб, бизга тубандаги мазмунда сўроқлар берди.

Қўнсул: — Газеталар ерликларга муносабатларда баъзиларни миллатчилик билан айблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, ерлик қўммунистлар орасида миллатчилик борми?

Ман: — Ёлғиз миллатчиларгина эмас, шахсий манфаатлар ҳам бор.

Қўнсул: — Файзулла Хўжаев қандай?

Ман: — Файзулла Хўжаевга ерликлар орасидан етишгон энг кучли бир шўро ишчиси, деб қараймиз. Илгарироқ вақтлардаги дамда миллатчи бўлса ҳам, сўнги йилларда қўммунизмга яхшигина берилгонлиги англашиладир.

Қўнсул: — Мирзақодир Муҳиддиновнинг «Раҳбари дониш» журналида ёзгон мақоласини ўқудингизми? Унинг ёзгонлари тўғрими?

Ман: — Ўқудим. Бухоро қишлоқларини туркми, тожикми, яхши билмайман. Аммо Бухоро шаҳарлари умуман деярлик тожик бўлиб, уларни ўзбекча ўқушга мажбур этиш нотўғри, шул сабабли Бухоро шаҳари тўғрисида Мирзақодир фикрига ман ҳам қўшиламан.

Қўнсул: — Газеталар баъзан сизга ҳам ҳужум этиб турадилар. Бунинг сабаби нима?

Ман: — Сабаблари маълум. 20—21-чи йиллардаги миллий ташкилотга активний иштирок этгонман. Мана шул гуноҳдан ҳали қутула олгоним йўқ. Афғонистон кетиш фикрига тушгонлигимнинг бош сабаби ушбу ҳужумлардан сиқилгонимдир.

Қўнсул: — Ерликлар орасинда ҳануз ҳам миллий ташкилот борми?

Ман: — Аввалги каби катта ташкилотлар йўқ. Фақат ёшлардан Салимхон деған кишининг кичикрак бир уюшма тузиш ҳаракатида юрганлигини биламан.

Қўнсул: — Салимхон ёнида яна кимлар бор?

Ман: — Салимхондан бошқасини аниқ билмайман.

Қўнсул: — Ҳукуматнинг юқорироқ доираларинда ерлик қўммунистлардан яна кимлар бор?

Ман: — Бизда энг юқори доира Ўрта Осиё бюроси саналадир, унда ерлик қўмунистлардан бир неча киши борлиғини билсам ҳам, сўнг вақтларда кимлардан иборатлиғини яхши билмайман. Совнарқўм, Марказий Ижроқўм ва фирқа марказқўмларидағилар ўзингизга ҳам маълум бўлса керак.

Қўнсул (*Мирҳабибга қараб*): — Берлинга кимга пул юбормоқчи эдингиз?

Мирҳабиб бу саволга жавоб бермасдан, ўрнидан туриб ичкари уйга кириб кетди. Бир оздан сўнг беш юз сўм пул ва икки дона хат кўтариб чиқди-да, қўнсулнинг қўлига берди.

Қўнсул (*қўнверт устида ёзилгон адресни ўқуб*): — Иккиси ҳам бир кишигами? Саида қизми? Эркакми?

Мирҳабиб: — Саида маним бир ўртоғимнинг ҳамшираси бўлиб, Берлинда ўқийди. Бунга акаси кўпдан бери пул юбора олгон йўқ. Биринчи хат аввалги ёзилгон хат, иккинчи хат эса Мансурхон орқали сизнинг ваъдангиз олингондан сўнгра акаси томонидан: «Пулни ким орқали олгонлигингни манга ёзма!» деб тайинлаб ёзилгон хат. Шунинг учун хат иккита, иккиси ҳам ўшал қизга.

Бундан сўнг қўнсул пулни яхшилаб санади. Хатлар билан бирга қўйин киссасига солди. Хат билан пулни Масқўвга Фулом Набихонга юборишлиғини ва унда пулни бозор баҳоси билан долларга алиштиргондан сўнгра биринчи навбатда юборилажағини баён қилди. Икки-уч соат чўзилгон бу мажлис мана шунинг ила тамом бўлиб, Мансурхон билан қўнсул биз билан хайрлашиб, чиқиб кетдилар.

Бундан икки-уч ой ўтгондан сўнгра Мирҳабиб касал бўлди. Бир кун мани чақириб, Нажмиддин билан кўришгонлиғини, ундан эшитгон хабарга қараганда Саидага ёзилгон хатлар қачонларда теккан бўлса ҳам, пулдан ҳануз дарак бўлмагонлиғини, буни қўнсулхонага билдириш кераклиғини ва ўзининг касаллиғи сабабли бу хизматдан ожизлиғини сўзлагандан бу хабарни бир йўл топиб, қўнсулга етказишни мандан илтимос қилди. Бу вақтларда Омонулла ҳукумати тамом йиқилиб, Кобулда Бачаи Сақо ҳукумати тузилгон, бошқа қўнсуллар билан баробар Фулом Жейлонийхоннинг ҳам Афғонистон била алоқаси кесилиб, оддий бир киши қаториға кирган, пул сабабли унинг ила очикдан-очик кўришиб, сўзлашиш ҳам мумкин бир ҳолға келган эди. Бир кун хусусий бир киши билан ўтиб кетар экан, қўнсулхона эшигида иттифоқо бир суратда Фулом

Жейлонийхон билан кўришдим. Ул онда Мирҳабибнинг илтимоси хотиримга тушди. Саломлашгандан сўнгра ул мани ичкарига таклиф қилди. Парадникдан ичкарига кирган бўлсам ҳам, зарур бир ишим борлиги сабабли узоқ ўтиришга вақтим йўқлигини билдиргандан сўнгра Берлинга хатлар етган бўлса ҳам, пул етмаганлигини, шуни билдирмак, унинг ўзи билан бир кўришиш орзусида бўлгонлигимизни ва иттифоқо бир суратда бу орзунинг вужудга чиққанлигини билдирдим.

Афгон кўнсули билан кўришув

Берлинга хатлар етиб, пулнинг етмаганлигини мандан эшитгандан сўнгра Фулом Жейлонийхон бир қадар таажжубланган ҳолда: «Ман пул билан хатларни ўшал вақтларда ишончли курьер орқали Маскўвга Фулом Набихонга юборганман. Ундан сўнг нима бўлгонлигидан хабарим йўқ. Бул тўғрида Фулом Набихонга ёзаман. Ул киши яқиндагина Мозори Шарифдан қайтиб, Маскўвга кетди», деб жавоб берди.

Бундан сўнг ман Афғонистон воқеаларига таассуф баён қилиб, хайрлашиб чиқиб кетдим. Умуман, Фулом Жейлонийхон билан кўришгонлигим шул уч мартаба бўлди. Бу кўришувларда сўзлашилгон сўзларнинг мазмуни юқоридагилардан иборатдир. Ўзимнинг Афғонистонга бориш тўғрисида(ги) фикрим бўлса, иккинчи кўришув чоғида эса тамом хотирдан чиқорилгон эди. Шунинг учун иккинчи, учинчи кўришувларда бу тўғридан кўп сўз бўлмади.

Фулом Жейлонийхон тўғрисидаги жавобимни ман Мирҳабибга айтдим. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг Мирҳабиб такрор мани чақириб, Нажмиддиннинг уйига, Маскўвга борган бир-икки тотор меҳмонлар келганлигини, буларнинг Маскўвда Набихон билан кўришишлари мумкин бўлгонлигини, шулар орқали Фулом Набихонга бир хат ёзиб, пулнинг етмаганлигини Фулом Жейлонийхондан ташқари, ўзимизнинг ҳам билишимиз кераклигини баён қилиб (Фулом Набихон ҳам Афғонистон билан алоқани тамом кесиб, шўролар ҳимоясига сизингон оддий бир киши) унга бир хат ёзиб пулнинг етмаганлигини билдирдим. Манимча ҳам (хат) зарарсиз кўринди. Мирҳабиб олдинда тургон қаламни кўлимга олиб, Фулом Набихон номига кичкина бир хат ёзиб, Мирҳабибнинг кўлига бердим. Ул хатда тахминан шул сўзлар ёзилгон эди:

«Масковдаги қўнсулхонангиз орқали Берлинда ўқувчи бир шогирдга етказиб бермак учун бундан уч-тўрт ой муқаддам Фулом Жейлонийхон қўлига икки дона хат билан беш юз сўм пул топширилгон эди. Берлиндан олингон хабарга қараганда, ул шогирдга хатлар теккан бўлса ҳам пул тегмаган. Мана бу воқеани сизга билдириш ила баробар шул пулни ўшал шогирдга ёхуд Тошканддаги акасига қайтартириш тўғрисида сизнинг ёрдамингизни сўраб...»

Икки-уч кундан сўнг бу хатни Мирҳабиб қўлидан Нажмиддин олдириб кетгонлигини эшитдим. Фулом Набихонга бу хат юборилдими, ортиқ бундан хабарим бўлмади. Нажмиддиннинг ўзи билан бу тўғрида орамизда ҳеч бир турли сўз ва мусохаба бўлгон йўқ. Фулом Набихонга хат ёзиш, Нажмиддиннинг ўзи ёхуд Мирҳабиб томонидан бўлмасдан, маним томонимдан, маним имзом билан бўлди. Бунинг сабаби Нажмиддин ва Мирҳабибнинг Фулом Набихон билан ҳеч бир тонишлиқлари йўқлигини ва маним эса 19—20-йилларда унинг ила икки-уч мартаба кўришиб, тонишқанлигимни афгон қўнсули билан бўлгон бу кўришувларнинг ҳеч бир турли сиёсий фараз ва мақсадлар билан алоқаси бўлмасдан, шахсий ишлар (бири душманлари ҳужумидан сиқилгон бир маориф ходимининг, иккинчиси Берлинда муҳтожликда қолгон бир қиз шогирднинг ишлари) учун вужудга келганлигини том маъносида соф қалблик билан ёзилгон юқоридаги маълумот исбот этса керак. Ўз истиқлолини шўролар ҳукуматининг соясида ва унинг ёрдами илагина сақлаб тургон ва ҳануз монархия ҳолининг энг эски шаклида бўлгон кичкина бир хонлиқнинг қўнсули билан ўзининг манфаати учун бир муддат таъқиб этгон маслаги ва биографияси эътибор ила том ҳурриятчи ва жумҳуриятчи бўлгон бир шахс орасида ва ишончсиз кишилар ҳузурида бўлгон бу кўришувларда юқоридаги каби шахсий ишлардан бошқа қандай сиёсий мақсад ва фараз бўла оладир?

Бу саволнинг жавобини сизнинг адолатли фикр ва виждонингизга ҳавола қиламан.

1930 йил, 9—10 декабрь

Намангонликлар уюшмаси

28-чи йилнинг охирлари бўлса керак, маним уйимга бир киши келиб, «Миллий иттиҳод» уюшмасининг 20-йиллардаги парўли бўлмиш «Наби салом айтди» жумласи билан ўз исмини манга тақдим этгондан сўнгра қўлимга бир хат

берди. Хатни очиб ўқиғач, бу кишининг наманганлик Зайниддин қори томонидан юборилгонлигини англадим. Зайниддин қорининг ўз қўли билан ёзилгон (унинг хати манга эскидан тониш эди) бу шубҳали хат, икки-уч жумладангина иборат бўлиб, мазмуни тахминан тубандагича эди:

«Ушбу хатни сизга топширувчи бизнинг энг ишончли биродарларимиздан бўлгонлиги учун «Қомус ул-аълom»нинг эски нусхасини топиб, бу киши орқали бериб юбормоғингизни ва сўрагон саволларга ишониб жавоб бермакингизни».

Келган кишининг ким эканлигини билмасдим. (Бу кишининг исми Ҳожибобо эканлигини қамоқдан сўнг сўроқ вақтларида ўргандим. Унга қадар сўрамагон ва билмаган эдим.) Эски парўл билан келиши ва фақат «Қомус ул-аълom»нинг эски нусхасидан сўралиши мани анчагина фикр ва андишага туширди. Парўл эски «Миллий иттиҳод»ники, «Қомус ул-аълom»дан мурод — ташкилот учун, эски нусхасидан мурод — «Миллий иттиҳод» уюшмаси бўлса керак, деб ўйладим. Зайниддин қори гўё бу хат ва парўл орқали манга Намангонда «Миллий иттиҳод» уюшмасининг ҳамон давом этганлигини онглатмоқ ила баробар Тошкандда ҳам ул уюшма давом этадирми-йўқми, шундан маълумот олмақчи бўлгон(га) ўхшаб кўринди. Бу масалани яхшироқ онглатмоқ учун келган кишига: Ҳожибобо, бу хат заминидан қаранг, ўз фикри билан ёзилгонми ёхуд атрофида бошқа кишилар ҳам борми мазмунида бир сўроқ бердим. Бу сўроққа жавобан Ҳожибобо Зайниддин атрофида эски дўстлардан бир группанинг ҳамон биргалашиб ишлаб юргонлигини ва хатнинг шул тўданинг фикри ва маслаҳати ила ёзилгонлигини онглатди. Ҳожибобонинг жавобидан онглашилгон бу маънолар маним юқоридаги фикримни бир қадар кучлантирди. Салимхонлар уюшмасининг кўрқинчилигини эндигина унута бошлагон вақтларимда бу хабар келиши ва бутун тараққийпарварлик номини булғатқони ва маним 20 йиллик инқилобий таърифимни (бузғани), эски «Миллий иттиҳод» тўрт-беш йил переривдан сўнг Намангонда такрор бош кўрсатиши мани сўнг даражада кўрқитқон ва бу кунги фалокатларни кўз олдимдан бирин-бирин ўтқаргон эди. Чунки маним назаримда, Ўзбекистоннинг қайси бир шаҳарларида бўлсун, «Миллий иттиҳод»нинг борлиги ва ҳаракати сезилар экан, бу уюшма билан эски вақтда озгина бўлсин алоқада бўлгон бутун зиёлиларнинг фалокатга йўлиқиш эҳтимоллари бор

эди. Мана бу қўрқинч мани жуда шоширди. Ҳожибобоға нима жавоб бериш масаласида бир неча турли фикр ва хаёллар миямни қоплади. Бошда: «Қори акангизга салом айтинг. Наби ўлғон, унинг руҳиға Қуръон ўқиб, тинч ётсинлар» мазмунида қисқа бир жавоб билан Ҳожибобони қайтармоқчи бўлдим. Ва хатни унинг кўз олдида йиртиб ташладим. Фақат бир оз ўйлагоч яна бу фикримдан қайтдим. Ва хатни йиртгонлигимға пушаймон қилдим. Чунки, ҳеч бир ерда асари қолмагон эски «Миллий иттиҳод»ни бу кунгача ёшотиб келгон наманганлиқларнинг маним бир оғиз «Тинч ётсинлар», деган сўзим билан бу ишдан воз кечишларига ишона олмадим. Балки бу сўз билан улар Тошкандан ва мандан умид узиб, ташкилот ишларини ўзларича яна давом эттиришлари бир кун бир бемаза ишни (20-йилдағи Садрхоннинг ишлагон иши каби) ишлаб кўйиб, кўп кишининг фалокатига сабаб бўлишлари яқин ижтиҳодлардан бўлиб кўринди. Шул сабабли Ҳожибобоға ҳозирча қатъий бир жавоб бермасдан, бир оз ўйлаб ва дурустрак бир киши билан маслаҳат қилишқа қарор бердим. Сухбат асносида Ҳожибобо манға: «Хорижға қочқон кишилар Садрхон ва Каримовлар билан алоқа қилувчи ва уларға ёрдам қилувчи киши борми?» мазмунида бир савол берди. Ман унға орадағи алоқа ва ёрдамни таъмин этатургон бир даста бўлмагонлигиндан улар билан алоқа қилиш ва уларға ёрдам бериш мумкин эмаслигини, шунинг ила баробар бизға бундай ишнинг орқасидан юратургон киши ва сарф этатургон пулнинг йўқлигини билдирдим.

Ҳожибобо мандан бу сўзни эшитгондан сўнгра Наманганда ҳорижға кетмак орзусида юргон бир ҳожи борлигини ва унинг йўл масорифи учун пули ҳам борлигини, агарда бу киши учун афгон қўнсулидан виза олиб бератургон востита топилса, бу кишини Афғонистонға жўнатар, бунинг орқали хориждағи кишилардан хабар олиш ва уларға ёрдам етказиш мумкин бўлишлигини баён қилди. Бу вақтда маним хотирамға афгон халқининг муаллимға эҳтиёжи ва бу тўғрида қўнсул билан бўлгон мусоҳаба тушиб: «Агарда муаллимликка яраша амалий киши бўлса, виза олиш мумкин», — дедим. Ҳожибобо ул кетатургон кишининг ҳар хил илмлардан хабардор олим бир киши эканлигин билдирди.

Бундан сўнг ман Ҳожибобоға: ўзимнинг кўпдан энди ташкилот ишларига аралашмаслиққа қарор берганлигимни шунинг ила баробар Тошканд ёшлариндан баъзилари-

нинг уюшма ишлари билан машғул бўлиб юрганлиқларидан хабарим борлигини, буни суриштириб кўриб, агарда ҳақиқатан ёшлар орасида бир уюшма борлигини аниқ била олсам, иккинчи мартаба келган вақтда ишлар билан таништириб қўйишнинг мумкин эканлигин аниқладим. Ҳожибобо билан бўлгон биринчи суҳбат мана шунинг билан тамом бўлди.

Ҳожибобо кетганидан сўнгра манга масала устида жуда кўп ўйлаб ва хаёл суришга тўғри келди. Ниҳоят, улар билан алоқани узмасдан, ораларидаги уюшманинг қандай уюшма эканин яхши ўрганиш, унга қадар уларнинг аксилинқилобий ишларга аралашishiга монеъ бўлиш, агарда уюшманинг эски «Миллий иттиҳод»нинг давоми ёхуд аксилинқилоб ҳаракатлар билан машғул бир уюшма эканлиги очиқ билинса, бундан келатурғон зарардан зиёлиларни сақламоқ учун сиёсий идорага билдириш, агарда Салимхонларники каби уч-тўрт киши орасидаги янги бошланғон бир ҳаракатдангина иборат бўлиб чиқса, буни аввал ёшлар ва кўммунистлар қўлига ўтқариб, тезрак бориб тушунтириш йўли билан тарқатиб юбориш ва улар қўлида эски ташкилотлардан қолғон устав, програм ва дастуриламал каби документлар бўлса олиб, ўзимнинг ёзмоқчи бўлиб юрғон запискам учун ул документлардан фойдаланиш каби фикр ва хаёллар билан ўзимни овутдим. Яна бу ишни ўзимдан мияси бутунроқ бир киши топиб маслаҳатлашиб кўрмакчи ва бу тўғрида ундан ёрдам сўрамоқчи бўлдим. Буни ўйлаб-ўйлаб Салимхондан муносиброқ бир киши топа олмадим. Чунки Салимхон наманганликлар қошида ишончли, уюшма ишлари билан ошно, Тошканддаги исми бор, жисми йўқ «тройка» номиндан улар билан алоқа қилишга ҳақли бўлиши билан баробар сиёсий идора билан ҳам алоқадор эди. Агарда наманганликлар ишини сиёсий идорага билдириш лозим бўлса, Салимхон орқали билдириб, бу йўл билан сиёсий идоранинг унга ва Салимхонга бўлгон назарларин бир қадар ўзгартиш хаёллари ҳам кўнгилдан кечирилди.

Ниҳоят, Салимхонни топиб, бу ҳикояни унга сўзладим. Бу тўғрида ўйлағон фикр ва хаёлларимни ҳам унга баён қилдим. Маним бу тўғрида фикр ва планларимни Салимхон ҳам маъқул кўрди. Улар билан алоқани кесиб жўнатишни Салимхон ҳам нотўғри ва хатарли санади. Орамизда бўлгон музокара ва қарорга биноан биринчи келганда ман уни Салимхонга юбормоқчи ва бундан сўнг уюшмага оид

ишларга манга мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри Салимхонга мурожаат қилиш ва унинг маслаҳати билан иш кўриш кераклигини билдирмакчи бўлдим. Салимхон бўлса, бу уюшманинг вакили сифатида улар билан алоқа боғлаб, Наманганга киши юбориб текширмакчи ва натижасини манга айтмакчи бўлди.

Агарда «Миллий иттиҳод»нинг давоми ёхуд аксилин-қилобий бир уюшма эканлиги очиқ билинса, нима қиламиз?» — деб маним томонидан берилган саволга қарши: «Ул чоқда сиёсий идорага билдириш маним расмий вазифам», — деб ўрта бармоғи билан ўз кўкрағига туртиб урғонлиги ҳануз кўзимга кўриниб турадир.

Орадан бир-икки ой ўтгач, Ҳожибобо маним уйимга иккинчи маротаба келди. Бу келишда Афғонистонга кетмакчи бўлгон ҳожи домласини ҳам келтирган экан.

Ман Ҳожибобога ўзимнинг ташкилот ишлари билан ҳеч бир турли алоқам йўқлигини такрор унга тушинтирганимдан сўнгра, бундай ишлар тўғрисида бундан сўнг тўғридан-тўғри Салимхонга мурожаат қилиб, унинг маслаҳати билан иш кўришни тавсия қилдим. Ва унга Салимхон адресин билдирдим. Келтирган ҳожи домласини сўзламасдан ва қандай киши эканлигини ўрганмак учун уйимга меҳмонга чақирдим. Ҳожибобо Салимхоннинг адресини олиб кетди ва ҳожи домласини маним олдимга юбормоқчи бўлди.

Бир неча соатдан сўнг маним олдимга узун соқолли, ўрта ёшли бир домла келиб, ўзининг Намангандан келган ҳожи домла эканлигини билдирди, исмини ҳам айтмаган эди. Ҳозир унутгонман. Унинг ила бир-икки соат мусоҳаба қилдим. Орамизда бир неча савол ва жавоблар ўтди. Суҳбат натижасида ул киши тамом эски фикрли мутаассиб, диндор уламолардан эканлиги ва муаллимлик ишлари билан ҳам бир алоқаси йўқлиги онглашилди. Шул сабабли уни қўнсулга маълум қилиб кўрсатиш ва унга виза олиб бериш фикридан воз кечдим. Унинг манга сўзлаган тунд фикри Афғонистон ва Афғонистон орқали Арабистон бориб, қолгон умрини Макка ёхуд Мадинада ўтқаришдан иборат эди. Ҳолбуки, ёнида бўлгон бутун пули билан Кобулга чипта олиш ҳам шубҳали эди.

Ман унга ўзимнинг Самарқандга кетмоқчи бўлиб қолгонлигимни шул сабабли визага ҳаракат қилишга вақтим йўқлигини ва ҳозирча Наманганга қайтиб кетишлиги, виза олиниб тайёрлангандан сўнгра такрор келишлиги маслаҳат эканлигини билдирдим. Эртасига Ҳожибобо келиб, виза

масаласидан сўради. Унга ҳам айнан ҳожи домланинг ўзиға сўзлаган сўзларимни такрорладим. Ҳожибобо: «Агарда сиз кетсангиз, Салимхон орқали виза олиб бўлмайдирми?» — деб сўради. Ман унга: «Салимхоннинг қўнсул билан танишлиғи бўлмоғонлиғиндан ул орқали виза олиш мумкин эмас», — деб жавоб бердим. Ҳожибобо билан бўлгон иккинчи суҳбатимиз мана шунинг билан тамом бўлди. Ортиқ наманғанлиқлар билан сўзлашиш ва улар орасидағи ташкилотни текшириш Салимхонға ҳавола қилингон ва ман бўлсам бу ишдан қутулгон эдим. Чунки Салимхонни қўзғотиб, ёрдамчи Лазиз Азиззода Тошканддан кетгандан сўнгра Салимхоннинг уюшма орқасидан юрганлиғи сезилмай бошлади. Шу сабабли «Миллий истиқлол» исми ортиқ эшитилмаган каби, жисми ҳам Каримов, Икромов ва Салимхонлардан иборат бўлгон «тройка» у чоқда тинч уйқуға кетди. Бу ҳолдан Салимхоннинг ҳам эски ташкилотнинг бошқа аъзолари каби уюшма ишларидан безганлиғи ва уюшмадан халқ учун бир фойда чиқмаслиғига қаноат ҳосил қилгонлиғи онглашилди. Ўзи бошлагон бир уюшмани бундай ишсиз ва зарарсиз бир ҳолға кетирган Салимхон наманғанлиқлар уюшмасини ҳам тездан тарқатар ёхуд қўммунистлар қўлиға ўтқариб, ўзиники каби ишсиз ва зарарсизлантирар, деб умид этган ва бу тўғрида Салимхонға тамом ишонгон эдим. Фақат бу фикримда янгилишқон ва алдангонлиғимни 29-нчи йил бошларида наманғанлиқларга дастуриламал ёзиб бергонлиғини ва маним номимдан қайтарилгон наманғанлик ҳожини(нг) Афғонистонға жўнашиға ёрдам берганлиғини Салимхоннинг ўз оғзидан эшитгандан сўнғина англадим.

1930 йил, 17 декабрь

Муродхўжа билан мусоҳаба

27-йил ўрталарида бўлса керак, Самарқандга боргон чоғимда, самарқандлик Муродхўжа мани ўз уйиға меҳмонға таклиф қилди. Орамизда бўлгон ваъдаға мувофиқ ўшал кун кечқурун Регистондағи бир чойхонадан бир бола келиб, мани Муродхўжа уйиға бошлаб олиб кетди. Ман бориб кирган чоқда Муродхўжа ўз уйида бир узун бўйли, қора соқолли, зиёлироқ бир киши билан сўзлашиб ўтургон эди.

Одат бўйича кўришиб ўтурушқондан сўнгра дастурхон ёзилди. Ҳалиғи мани бошлаб боргон бола чой-нон кетирди. Бир оздан сўнгра Муродхўжа ишқофдан бир бутилка коньяк

олиб қуя бошлади. Коньякни очиб, миялар бир оз қизигондан сўнгра суҳбатимиз эски «Миллий иттиҳод» уюшмасининг висилка қилингон ва қочқон аъзолариға ва уларнинг иқтисодий аҳволлариға кўчди.

Бу вақтда ҳалиғи ўтургон киши қазои ҳожат (аправерка) учун ташқариға чиқди. Бу фурсатдан истифода қилиб Муродхўжа билан маним орамда тубандағи мазмунда бир мусохаба бўлиб ўтди:

М а н : — Бу киши ким? Бунинг олдида турли сўзларни сўзлаша бошладиқ. Зарари йўқми?

Муродхўжа : — Зарари йўқ. Бу киши ҳам ўзимиздан.

Муродхўжа Самарқанддағи «Миллий иттиҳод» уюшмасининг активний аъзоларидан эди. Ул вақтларда бизнинг орамизда «ўзимиздан» деган сўз, уюшманинг аъзоси маъносида ишлатиларди. Бу дафъа ҳам Муродхўжанинг «ўзимиздан» деган сўзидан манға «ўз аъзомиз» деган бир маъно англашилди. Булар орасида маълум бир уюшма давом этар экан, деб ўйлардим.

Муродхўжа : — Ишончли киши.

М а н : — Бу сўзингиздан маълум, орангизда уюшма каби бир нарса борға ўхшайди.

Муродхўжа : — Уюшма-ку йўқ (*бир оз кулимсираб туриб*), аммо эски қолгон икки-уч киши бормиз. Гоҳ тўпланиб, эски-туски масалалар тўғрисида сўзлашиб турамиз.

Муродхўжанинг кулимсираб туриб берган бу жавоби маним аввалғи шубҳамни яна қувватлантирди. Бу вақтда ҳалиғи киши ҳам ташқаридан қайтиб кирди. Бу тўғрида Муродхўжани ортиқ айлантирмадим. Фақат «Замон нозик, ўзингизникиларни шул икки-уч кишидан орттириб юборманг» мазмунида бир тавсияда бўлгонлиғимни бир оз хотирлайман.

Бундан сўнг таом келди. Яна коньяк қўйилди. Кайф яхшиғина баландлашди. Суҳбат қизиди. Ман улардан Қози Ҳайдарбекнинг аҳволини сўрадим. Улар манға унинг висилкада эканлиғини, оиласи томондан бир қадар ёрдам юборилиб тургонлиғини билдирдилар. Муродхўжа мандан Садрхоннинг қаерда эканлиғини ва унинг иқтисодий аҳволини сўради. Ман ундан сўнг вақтларда ҳеч бир хабар эшитилмагонлиғини, 24—25-йилларда оиласидан, Машҳаддан икки-уч хат ёзиб, моддий ёрдам сўрагонлиғи, ул вақтларда эронлик бир савдогар орқали бир-икки мартаба ёрдам юборилгонлиғини, сўнг вақтларда ундан хабар олиш ва

ёрдам беришга бир турли восита йўқлигини баён қилдим. Муродхўжанинг: «Восита топмоқ учун ҳеч бир чора изландими?» мазмунидаги саволига қарши ман: «Ишончли восита топиш мумкин эмас. Шул сабабли ундан хабар олиш ва унга ёрдам юбориш лозим кўрилар экан, Эронистонга ё Афғонистонга махсус киши юборишдан бошқа чора йўқ. Тошкандда бундай киши ҳам, пул бўлмағони каби, бу тўғрида ўйловчи киши йўқ. Агарда Самарқанддан пул ва лаёқатли киши топилар экан, юбориб, шул киши орқали мухобара ва ёрдам йўлини таъмин этмак мумкин», деган мазмунда жавоб бердим.

Мана Муродхўжа билан кайф устида бўлгон биринчи суҳбатда сўзлашгон сўзлардан маним хотирамда қолгон аҳамиятли нуқта шундан иборатдир. Шунинг ила баробар ул кунги Муродхўжа сўз ва ҳаракатлари манга улар орасида уюшмага (ўхшаш) нарса ҳамон давом этганлигин англатгон эди. Шул сабабли 28-йилда Салимхон мандан: «Самарқандда ҳеч бир уюшма борми?» — деб сўрагонда: «Муродхўжа атрофида бир нарса борга ўхшайдир» мазмунида жавоб бердим.

Бу суҳбатдан сўнг 29-йил ўрталариғача (икки йил қадар) Муродхўжа яқинлашмади. 28-йилда Самарқандда тургон вақтларимда икки-уч мартаба кўчада тўғри келишган бўлсак ҳам, ман ундан ўзимни четга тортдим. Саломлашиб кўришувдан ҳам қочдим. Тўғриси, ўшал уюшма масаласи мани ундан қўрқитди. Узоқлашиб юришимга сабаб бўлди. 29-йил бошларида Қўмстарсис хизматидан бўшагондан сўнг иқтисодий аҳволим сўнг даражада оғирлашди. Уйда хотинлар ичига кириб ўтириб, перчатка тикиб, кун кечиришга мажбур бўлдим. Аҳволимни баён қилиб, ўртоқ Зеленскийга ариза бердим. Ўрта Осие бюроси маним аризамни ЦИК, ЦИК эса пенсия учун Нарқўмсўбесга юборди. Нарқўмсўбес мандан дўкументлар сўраб, бир неча мартаба хат ёзди. Дўкументларнинг барчаси тайёр бўлиб, бунга илова этмак учун ёлғиз Нарқўмпруснинг «ходатайство»сигина қолгон эди. Нарқўмпруснинг маним тўғримда «ходатайство» беришгача ГПУдан андиша қилиш эҳтимоли бор эди. Шул сабабли 29-йил август ойларида бўлса керак, ГПУга бориб, ўртоқ Агидуллин билан Вўстўчний ўтдел начальниги ўртоқ Белскийга ваъда қилгон запискамни битиришга иқтисодий аҳволимнинг йўл бермай тургонлигини, агарда бир оз пенсия билан таъмин этилсам, уйга кириб ётиб, шул запискамни ёзиб битириш фикрида бўлгонлигимни арз қилиб, Нарқўмпруснинг «ходатайство»си тўғрисида булардан маънавий ёрдам сўрадим. Булардан ёрдам ваъдасини олгондан

сўнгра записқамнинг феврал қисмини битириб топширдим. Октябр қисмини бошлаш ва бунинг учун лозим маълумотни йиғиш ҳаракатиға киришдим. Буни бошламасдан аввал пенсия ишларини бартараф қилиб олмак учун Самарқандға жўнадим. «Ходатайство» учун Нарқўмпрусға мурожаат қилдим. Нарқўмпрус «ходатайство» бериш ўрниға маним ишимни ЦИКка юбордими, ЦИК томонидан Нарқўмсўбесға: «бу ишни Нарқўмпруснинг «ходатайство»сидан ташқари кўрилмасин!» мазмунида буйруқ берилди. Буйруқдан сўнг ман барча дўкументларни Нарқўмсўбесға топишириб, ишнинг оқибатини кутмасдан, Тошкандға қайтдим.

Самарқандға мана шу боришимда Муродхўжа билан иккинчи мартаба кўришиб, суҳбатлашишға тўғри келди. Бунинг тариқаси мана бу кун Регистонда самарқандлик ёш муаллимлардан бири келиб, ман билан сўрашиб, сўнгра «Муродхўжа акам салом айтдилар. Вақтингиз бўлса, бу кун кеч у кишиға меҳмон бўлар эмишсиз», — деди. Ман бу вақтларда Самарқандға «Миллий иттиҳод»нинг фаолиятлари тўғрисида маълумотни шул Муродхўжадан олишға, шул сабабли учтўрт кун унинг ила бир ерда ётиб, суҳбатлашишға қарор бергон эдим. Чунки Самарқанд ишларини ундан кўра яхшироқ билатургон киши йўқ эди. Бу курашни шул келажакдаги узоқ суҳбатға муқаддима қилмоқ умидида бу таклифни дарров қабул этдим. «Кечкурун келиб, мана шул чойхонадан мани олиб кетсангиз бўладир» деб бир чойхонани кўрсатдим. Кечкурун яна ўшал ёш муаллим келиб, чойхонадан мани олиб кетди. Бу кунги суҳбатимизда ўшал ёш муаллимлардан бошқа киши йўқ эди. Коньяк ҳам бутун эмас, яримта, суҳбат асносида ман ўз мақсадимға кўчиб, эски «Миллий иттиҳод» тарихини ёзмоқ фикрида бўлгонимни, Самарқанд қисмини ёзмоқ учун унинг ёрдамиға муҳтожлигимни билдирдим. Бу сўзни сўзлар эканман, ҳалиғи муаллим йигитға бир-икки қараб қўйдим. Бул вақтда ул йигит бизнинг олдимизға икки чойнак чой, таом олиб келиб, кириб-чиқиб, бизнинг сўзимизға кулоқ солиб юрарди. Муродхўжа манға: «Бу киши ҳам ўзимиздан, манға қарашлиқ киши, чўчимасдан сўзлай беринг», — деб кулиб қўйди. Шундан сўнгра Муродхўжа билан маним орамда тубандағи мазмунда мусоҳаба бўлиб ўтди:

Муродхўжа: — Ёзажақ нарсаларингиз ҳукумат қўлиға тushмайдими?

Ман: — Ҳукуматға ҳам бир нусха топшириш фикридаман.

Мурод: — Кўп кишиларнинг сири очилишиға сабаб бўлмайдими?

М а н : — Бу кунгача сири очилмагон киши оз қолгондир, ўзингиз қалайсиз? Сирингиз очилгон йўқми?

Мурод : — Мани ГПУ чақириб сўрагон эди, ўзининг чор ҳукумати даврида эски фикрли талабалардан бўлиб, тараққийпарварларга қарши бўлгонлигимни, шул сабабли улар орасидаги миллий ҳаракатларга аралашмогонлигимни, инқилобдан сўнг кўзим очилиб, муаллимлик хизматига кириб кетганимни баён қилиб, зўрға қутулдим.

М а н : — Жуда осон қутулгонсиз. Сизга ўхшаш ҳануз сири очилмагон аёвли кишиларнинг исмларин ҳукуматга топширилатургон нусхадан чиқариб қолдирмак ҳам мумкин. Биз ёзгон вақтда бошлаб «Иттиҳоди тараққий» аъзоларини ёзамиз. Уни бошлагон ва ундаги активний иштирок этган кишиларнинг кўпи (Беҳбудий, Мардонқул, Маҳаммадқул, Ақобир маҳзум ва бошқалар) ё ўлиб кетган, ёхуд сири очилгон, шул сабабли жуда муфассал ёзиб топширишнинг зарари йўқ. Аммо «Миллий иттиҳод»га келганда, бунинг ҳам аввало умумий суратда бир ёзиб чиқиш керак, кейин унинг ичидан баъзи аёвли кишиларга зиён келтиратургон модда ва воқеаларни чиқариш енгил. Бунга ман ҳам тарафдорман. Фақат аслий нусха мумкин қадар тўғри ва муфассал ёзилиши лозим. Муродхўжага бу сўзларни сўзлаган чоқда маним диққатимга олгон нуқтам келажакдаги суҳбатда тўғри ва муфассал маълумот беришдан мунинг кўрқитмаслиқ ва чўчитмаслиқ бўлгон эди. Мундан сўнг ман унга Тошканддаги «Иттиҳоди тараққий» ҳам «Миллий иттиҳод» уюшмаларининг тузилиш тарихидан ва фаолиятдан бир қадар сўзлаб бердим. Қисқаси, илгариги мажлисимиздан ишғол этилган масала мана шу эски уюшмаларнинг тарихин ёзиш ва уни ҳукуматга қандай топшириш хусусларидан четга чиққон йўқ. Шул кеча Муродхўжанинг уйида ётиб қолиб, эрта туриб кетдим. Ул кунларда қўшхонам Эргаш деган бир тошкандликнинг квартири эди.

Бу муносабат билан шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, записқа масаласи кўзғолгондан сўнгра ман эски уюшмалар («Иттиҳоди тараққий», «Иттиҳоди миллий» ва «Буҳоро истиқлоли») нинг руҳи, жон томири масаласида бўлгон уч киши — Саъдуллахўжа, Файзулла Хўжа ва Мирзо Абдулқодирлар билан йўлиқиб, бу тўғрида уларнинг фикрларини олишни лозим топдим.

Шўролар ҳукуматининг узун муддат юқори мансабларини ишғол этган, яхши маош олгон ва яхши афтомобилда кезган бу ўртоқлар, эски уюшмалар тўғрисидаги маълумотни қачондир-да ёзиб берган ва ҳукумат қошида ўз гуноҳла-

риға иқрор қилиб, тавба қилгон бўлсалар керак, деб ўйлайманки, ҳам: «Бу тўғрида биз билгонимизни ёзиб берганмиз, сан ҳам кўрқмасдан ёзавер, ҳақиқатни яширма!» мазмунида дўстона бир маслаҳат бералар. 21-йил воқеаларида (ман қамалгондан сўнгра бўлгон ишларни) ёзишда манга бир қадар ёрдамлари тегар, деб умид этардим. Лекин булардан ман кутган маслаҳат чиқмади. Саъдулла ва Файзулла Хўжалар ўзларининг бу тўғрида ҳеч нарса ёзмаслиқларин, Мирзоқодир эса ёзиб берган нарсасининг журнал — «За партия»да ёзгон мақоласидан кам бўлмаса, ортиқ эмаслигини билдиришдилар. Бундан ташқари, Файзулла Хўжа Мирзоқодирнинг «За партия»даги мақоласидан норозилиқ изҳор қилди, маним ёзгон нарсамни бир кўздан кечиришга ваъда қилди. Уюшма ишларида мандан кўра кўпроқ ва фаолроқ ишлаган ҳатто аксилинқилобий ишларга очиқдан-очиқ киришган чоқларда (ман қамоқда ётгон, Анвар пошо Бухорога келгон вақтларда, 21-йилда) уюшмага раислик ва раҳбарлик қилгон, шунинг ила баробар ҳукумат даргоҳидан муҳим ўрунларни ишғол этган бу уч вўжд ва уч кўммунист дўстларимдан эшитилган у жавоблар маним записқа тўғрисидаги ғайратимни бир қадар сўндириб, бир неча ойлар ёзмай ташлаб қўйишимга сабаб бўлди.

29-йилда сиёсий ва иқтисодий аҳволим жуда оғирлашгоч, шул записқани битирмасдан туриб, бу оғир аҳволдан қутулишнинг мумкин эмаслигини англаб, такрор ёза бошладим. Қамоқдан бир-икки ой бурун бу записқа тўғрисида яна икки киши (Миёнбузрук ҳам Муҳиддин қори) маним фикримни сўраб, буларнинг иккиси ҳам «Миллий иттиҳод»нинг активний аъзолари бўлгонлигини бошқа аъзолар орасига сўз тарқалишидан кўрқиб, иккиси ҳам бир мазмунда — ўзим яхши билатургон «Иттиҳоди тараққий» уюшмасининг фаолиятини муфассал ёзиб, «Иттиҳоди миллий»га келганда, шахсларни очиқ кўрсатмасдан, қисқа ва умумий равишда ёзиш фикрида эканлигимни билдириб, уларни гўё тинчлантирдим. Мана маним записқам тўғрисида сўзлашган кишиларим ва айтган сўзларим шундан иборатдир.

Ўз фикримга келганда, ман записқамнинг октябрь қисмини узоққа чўзилмаса ҳам, мумкин қадар муфассал ва документалний бир суратда ёзмоқчи, «Иттиҳоди тараққий»дан бошлаб Наманган уюшмасига келтириб битирмакчи ва шу йўл билан ўзимнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволимни бир қадар тузатмакчи эдим. Манинг учун шундан бўлак бир нажот қолмагонлигини ва шу фикрни, сиёсий идорадан қутулишнинг мумкин эмаслигини жуда яхши сезар ва

англардим. Фақат, бу мақсадларимга етиша олмасдан қамоққа олиндим.

1930 йил, 28 декабрь.

«ХОТИРАЛАР»ГА ИЛОВА

Мунаввар қори Абдурашидхоновга

Муҳтарам жаноби қори!

Бизларга ишонаверинг, мен саломатман. Сизга ҳам шундай саломатлик тилайман. Ушбу хатни берувчидан яна ўнта-сини олинг, балки керак бўлиб қолар.

Келиш ва келмаслигингизни хабар қиласизми, ман билмайман. Ушбу хатни бергувчини ўз соғлигингиз ва келишингиз ҳақида огоҳлантиринг».

Афғон сафоратхонасининг котиби **Абдувоҳид**¹.

Афғонистон ташқи ишлар министри Фулом Содиқхонга

Ман Тошкентга келиб, Туркистон миллиятчилари ҳаракатидан, айниқса ерлик мусулмонларнинг ҳаракатидан четда туришни истамадим. Излаб-излаб ажойиб тунларнинг бирида ман ниҳоятда зиёли кишилардан бири, Тошканд мусулмонлари ва миллиятчилари фирқасида обрў ва мавқега эга Мунаввар қори билан учрашиб, суҳбатлашдим. Суҳбат асносида Мунаввар қори бундай деди: «Гарчи бизнинг миллиятчилар ташкилоти иш олиб бора олмаса-да биз бир жойда кўнгилдагидек йиғила олмаймиз ва бизнинг ҳар биримиз ҳукуматнинг беморлиғи туфайли Туркистоннинг турли шаҳарларида ҳар хил майда ишлар билан машғулмиз. Масалан ман Самарқандаги музей ишида бандман. Лекин миллиятчилар фирқаси ўз интилиши ва фаолиятидан чекинмаслиғига қаттиқ умид қиламан. Биз ўз миллиятчилик қарашларимизни тўлиқ ўтказамиз ҳамда ёш зиёлиларнинг идрокига сингдира оламиз. Улар ҳозир идораларда катта лавозимларда, ҳатто давлат ва қуйи мансабларни эгаллаб турибдилар. Биз, миллатчилар, хусусан Мунаввар қори, Салимхон, Миёнбузрук ва бошқалар майда ишлар билан шуғуллансак-да, аммо махфий равишда бўлса-да, ёшлар орасинда ўз ниятимизни яхши амалга оширишга бир мунча эришдик».

Кейин Мунаввар қори суҳбат чоғида: «Бизлардан баъзилари тахминан 10—15 киши, буни Маскўвдаги элчи Мирза

¹ Абдулвоҳиднинг 24.III.28 йилда ёзгон ушбу хати Мунаввар қорининг қўлига етиб бормаган.

Муҳаммадхон жаноблари ҳам яхши биладилар, ҳар қандай ҳолда ҳам Туркистондан Афғонистонга кетишга мажбур, чунки ҳаётимиз хавф остида қолди. Ҳар куни қандайдир баҳона билан биримизни қамашади ва сўроққа тутишади.

Агар Афғонистон ҳукумати рухсат берса, у ҳолда биз Афғонистонга келиб, худди Ҳошим Шойиқ каби маориф соҳасида ишлаймиз, чунки ҳозир бизнинг Туркистонда бўлишимиз фойдасиз, балки бизни йўқотишга сабаб бўлар, бироқ бошқа томондан, биз ёшларимизнинг Ватанни севишлариға, миллиятчи эканликларига ишончимиз комил. Миллиятчилар кеча ва кундуз тараққий этиб, кенгайишга интилишмоқда. Биз уларнинг муваффақият билан илгари боришлариға умид қиламиз».

Сизга ёзилгонларни хабар қилар эканман, уларнинг тўлиқ проғромини топишга ва батафсил маълумотларни топиб, Сизга жўнатишимга ишончим комил. Лекин улар Афғонистонга норасмий боришни ўйлаб, яна манга мурожат қилсалар, ман уларга нима деб жавоб беришим керак. Сизнинг фикрингизни ман билишим лозим.

Эҳтиром ила Фулом Жейлоний 1928 йил, 28 март.

Ўзимнинг № 1439 хатимдан сўнг хабар қиламан: Мунаввар қори билан учрашдим. У учрашув пайтида «Миёнбузрук келгандан буён мутлақо ҳеч қандай иш қилмагани ва касаллиги туфайли ҳеч қаёққа бора олмаётгани, чунки ҳар куни уни кузатиб туришганини, энди нима бўлишиға қарамай, Афғонистонга кетиши, аммо Афғонистон ҳукумати ўз худудиға ўтказмаслиғидан кўрқмоқда, чунки у Афғонистондан чиқиб кетишда ҳукуматнинг расмий рухсатисиз Иерусалим, Туркияға кетиб, у ердан Тошкандға қайтгон. Шу боис Сизнинг ҳузурингизға — Афғонистон вакилиға мани (яъни Мунаввар қорини — С.А.) юборди, ўз ҳукуматингиздан уни тинч, осойишта, норасмий Афғонистонға бориши учун рухсат олиб беришингизни сўради» деди.

Ёзилгонларнинг моҳиятиға кўра, Сизнинг кўрсатмаларингизни кутаман ва яна Мунаввар қори, Миёнбузрук, Салимхон (ва бошқалар) каби зиёли кишилар бу ерда ўзларини қисилгандек сезмоқдалар, шу боис Афғонистонға қатъиян кетмоқчи эканликларини кўшимча қилмоқчиман.

Эҳтиром билан Фулом Жейлоний

(Русчадан таржима)

1. «Адиби аввал» — Тошкент, 1907 й.
2. «Адибус-соний» — Тошкент, 1907 й.
3. «Усули ҳисоб» — Тошкент, 1911 й.
4. «Ҳавойижи диния» — Тошкент, 1912 й.
5. Тажвид — Оренбург, 1911 й.
6. «Тарихи қавми турк» — Қозон, 1911 й.
7. «Тарихи анбиё» — Тошкент, 1912 й.
8. «Тарихи исломия» — Тошкент, 1912 й.
9. «Даҳруннажот» — Қозон, 1912 й.
10. «Сабззор» — Тошкент, 1914 й.
11. «Ер юзи» — Тошкент, 1917 й.
12. «Ўзбекча тил сабоқлиғи» — Тошкент, 1925 й. I—II—III қисмлар.
13. «Ўзбекча тил сабоқлиғи» — IV қисм. 1926 й. (босилмаган)

«Тил сабоқлиғи»дан олинган шеърлар

1. Орзу.
2. Куз.
3. Қиш.
4. Ўзи ҳам тор эди.
5. Ялқовлик ёвумиздир.
6. Ҳар ким экканин ўрар.
7. Ҳимматли фақир.
8. Туғишганлик севгиси — ҳикоя.
9. Қандай қуллика тушди — ҳикоя.
10. Дев печак — ҳикоя.
11. Бизда ҳамият — ҳикоя, «Садойи Туркистон», 1915 й.

Нутқ ва мақолалар, хитоблар

1. Никоҳ тўғрисида — «Ўрта Азиянинг умргузаронлиги. Тараққий», 3, 9 феврал, 7 март 1906 йил.
2. Бизни жаҳлат — жаҳли мураккаб — «Тараққий», 14 июн 1906 й.
3. Сабаби тартиб — «Тужжор», 8 октябр 1907 й.
4. Тошкент мусулмон жамияти — «Самарқанд», 20 август 1913 й.

5. Тошкентда биринчи «Намуна» мактаби — «Вақт» 1914 й.
6. «Турон» труппаси расмий очилиши муносабати билан сўзланган нутқ — «Садойи Туркистон», 2 март 1914 й.
7. Жамиятлар қандай очилур — «Садойи Туркистон», 27 июн 1914 й.
8. Мақбул қурбонлар — «Нажот», 26 март 1917 й.
9. Шўройи ислом хитобномаси — «Нажот», 28 апрел 1917 й.
10. Хитобнома — «Иштирокиюн», 27 декабр 1919 й.
11. Туркистон вақфлари — нутқ, 30 июн 1920 й.
12. Хужумми, мунозарамми — «Қизил байроқ», 2 феврал, 7 март 1922 й.
13. Туркистонда вақф ишлари — «Ҳақиқат» № 1, 1922 й.
14. Туркистон шўролар жумҳурияти маорифпарвар ёшларга Хитоб — «Туркистон», 1 январь 1923 й.
15. Нашри маориф уюшмасининг аҳамияти — «Туркистон», 4 март 1923 й.
16. Ўзбекистонда вақф — «Қизил Ўзбекистон», 11 декабр 1924 й.
17. Жадидчилик ҳақида — Тошкент округ маданият ходимлари қурултойида сўзланган нутқ. «Қизил Ўзбекистон», 7 июн 1927 й.

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ ҲАЁТИ САНАЛАРИ

1878 йил — Мунаввар қори Тошкент шаҳар, Шайх Хованди Тахур даҳа, Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон оиласида дунёга келди.

1885—1890 йиллар — Бухорода таҳсил олди.

1900—1901 йилларда усули жадид мактабини очди.

1904 йилдан ижтимоий-сиёсий ишларга аралаша бошлади.

1906 йил — «Ўрта Азиянинг умргузаронлиги. Тараққий», «Тараққий» газеталарида ходим.

1906 йил — «Хуршид» газетасини ташкил этди.

1907 йил — «Адиби аввал» ва «Адибус-соний» китобларини чоп этди.

1908 йил — «Осиё», «Шуҳрат» газеталарида махфий муҳаррир.

1909 йил — «Жамияти хайрия» муассисларидан бири ва раис муовини.

1911 йил — Финляндияга саёҳат. Петербургда Мусо Жоруллоҳ билан учрашув.

1913 йил — «Турон» уюшмасининг муассисларидан бири.

1914 йил — «Нашриёт» фирмаси муассисларидан бири.

1914 йил — «Туркистон кутубхонаси» нашриёти муассиси.

1914 йил — «Садойи Туркистон» газетасида муҳаррир.

1915 йил — «Ал-Ислоҳ» журналининг муассиси ва ношири.

1916 йил — Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси раисининг муовини.

1917 йил — «Шўройи ислом» жамияти ташкилотчиси ва раис муовини.

1917 йил — Тошкент шаҳар Думасига гласний (аъзо).

1917 йил — «Турк адам марказият» фирқаси раисининг муовини, фирқа программасининг муаллифларидан бири.

1917 йил — Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухтор республикаси президиуми аъзоси.

1917 йил — «Нажот» ва «Кенгаш» газеталарининг бош муҳаррири.

1918 йил — Туркистон Маориф комиссарлиги турк шўъбаси иш юритувчиси.

1918 йил — Тошкент Эски шаҳар маориф инспектори, «Халқ дорулфунуни» шўроси раиси.

1919 йил — ТуркЦИК аъзоси.

1920 йил — Маориф комиссарлиги Вақф бўлими бошлиғи.

1920 йил — Бокуда ўтган Шарқ халқлари съезди делегати, президиум аъзоси, «Шарқ халқлари ҳамкорлиги ва тарғибот кенгаши» аъзоси.

1920 йил — Бухоро Маориф нозирлиги вақф бўлимининг мудир.

1921 йил 30 март — 3 декабрь — Садриддинхон иши бўйича қамоқда.

1922 йил — Тошкент шаҳар (Соцвос) Ижтимоий тарбия бўлими мудир.

1922 йил — «Кўмак» уюшмаси раиси муовини.

1922 йил — Академмарказ раиси, Тил-имло қурултойи делегати.

1923 йил — Маориф комиссарлиги коллегияси аъзоси.

1923 йил — «Нашри маориф» жамияти муассиси, раис муовини.

1909—1924 йиллар — «Иттиҳоди ислом», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод» яширин ташкилотлари асосчиси, раиси.

1924 йил — Аёллар маориф институтида муаллим.

1925 йил — Москвага, «Шарқ халқларини ўрганиш қўмитасига» иш сўраб бориш.

1925 йил — татар зиёлилари Бурҳон Шараф, Шаҳри Шараф, Ҳоди Мақсудий билан учрашув.

1925 йил — Қ. Рамазон, Ш. Зуннун билан ҳамкорликда уч қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиғи» китобини нашр этди.

1927—1928 йиллар — Ўзкомстарсис — Самарқанд музейи ходими, шу қўмитанинг Тошкент — Фарғона бўлими масъул котиби.

1928—1929 йиллар — ишсизлик.

1929 йил 6 ноябрь ГПУ томонидан қамоққа олинди.

1931 йил 23 апрелда Маскўвда отилди, Ваганкино қабристонига дафн этилди.

1931 йил — Оврупо газеталари Мунаввар қорининг отилгани ҳақида хабар тарқатдилар.

1934 йил — Парижда М. Чўқаев раҳбарлигида Мунаввар қорини хотирлаш кечаси ўтказилди.

- А. Абдурауфқориев**
(1856—1938) — Мударрис, аълам, қози, «Шўройи ислом» раиси, Тошкент маҳкамаи шаръиясининг раиси, Россия II чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, шоир.
- М. Абдураб — Берк** — Ҳиндистон Инқилобий ташкилотининг президенти
- Анвар пошо** (1881—1922) — Туркия «Иттиҳод ва Тараққий» фирқасининг намояндаси, Биринчи Жаҳон уруши даврида Туркия Бош ҳарбий қўмондони, 1921—1922 йилларда Шарқий Бухоро истиқлол ҳаракатининг қўмондони. 1922 йил 4 августда Балжувонда ўлдирилган.
- М. Валихон** — 1919—1920 йиллардаги Афғонистон консулхонасининг консули
- Ғ. Жейлонийхон** — 1926—1927 йиллардаги Афғонистон консули
- Р. Е. Зиновьев** (Радомыслский — 1883—1938) — шўро арбоби, 1920 йилда Боқуда ўтган Шарқ халқлари съезди раиси.
- Абдурашид қози Иброҳимов** (1857—1944) — Шарқ ислом оламининг намояндаси, олим ва журналист.
- А. А. Казаков** (1879—1963) — рус шовинисти, Туркистон АССР МИК раиси (1918), Туркистон Инқилобий Шўро Кенгаши раиси.
- Н. Камолхонтўраев**
(1873—1930) — мударрис, Туркистон Мухтор республикаси Маориф нозири.

- П. А. Кобозев** (1878—1941) — Туркистон АССР МИК раиси (1918), Туркистон бўйича махсус комиссия аъзоси, Туркистон МИК раиси (1919 й. февраль — октябрь).
- О. Маҳмудов** (1858—1936) — муҳандис, «Садойи Фаргона» газетасининг ношири ва муҳаррири, Туркистон Мухтор Республикасининг озиқ-овқат ношири.
- Ҳожи Муъин** (Шукруллаев. 1883—1942) — шоир, драматург, журналист.
- М. Рамзий** (1897—1938) — Ўзбекистон Маориф Халқ комиссари, «Маориф ва ўқитгувчи» журнали бош муҳаррири, драматург.
- Т. Рисқулов** (1894—1936) — Туркистон Ўлка Муслмон Бюроси раиси, РСФСР Миллатлар иши бўйича Халқ комиссари ўринбосари, РСФСР ХКС раисининг ўринбосари, Туркистон — Сибирь темир йўли қурилишига ёрдам комитети раиси, Ўрта Осиё халқларининг йирик жамоат арбоби.
- Мб. Солиҳов** (1891—1938) — адабиётшунос олим.
- Қ. Солиҳов** (Зиё Саид, 1901—1938) — драматург, Ҳамза номидаги академик драма театри директори, Ўзбекистон Радио комитети раиси.
- Г. И. Сафаров** (1891—1942) — шўро арбоби, «Туркистон: мустамлака инқилоби, тажрибалар» китобининг муаллифи.
- С. Тиллахонов** (1898—1931) — педагог, инқилобий ҳаркат намояндаси.
- А. Тожиев** (1898—1938) — «Қизил байроқ» газетасининг муҳаррири, Тошкент шаҳар Ижроия қўмитасининг раиси.

З. В. Тўғон (1890—1970)

— Бошқирдистон Мухтор Республикаси раиси, «Кенгаш» газетасининг муҳаррири, олим.

Н. Тўракулов (1892—1939)

— Туркистон АССР МИК раиси, Туркистон Ҳарбий Трибунали аъзоси, СССР халқлари нашриёти бошқармаси раиси, СССРнинг Ҳижоздаги элчиси.

М. В. Фрунзе (1885—1938)

— Туркистон fronti қўмондони (1919 й. август — 1920 й. сент.).

У. А. Хўжаев (1878—1938)

— «Садойи Туркистон» газетасининг ношири ва муҳаррири, биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, Туркистон Мухтор Республикаси Ҳарбий нозири, «Шўройи ислом» раиси.

Садриддин Шарифхўжаев (1878—1946)

— «Фуқаҳо» жамиятининг раиси, 1921 йилдан шўроларга қарши курашни хорижда давом эттирган ватанпарвар.

Бурҳон Шараф
Шаҳри Шараф

— татар педагоглари.

М. Чўқаев (1886—1941)

— Туркистон Мухтор Республикаси ҳукуматининг бошлиғи, жамоат арбоби, публицист.

З. Қосимхўжаев
(Заҳириддин аълам
1867—1937)

— Тошкент маҳкамаи шаръиясининг раиси, олим ва публицист, шоир Чўлпоннинг тоғаси.

- Авомуннос** — оми одамлар, саводсиз халқ.
- Аврат** — кишининг номахрамга кўриниши мумкин бўлмаган аъзолари ва товуши.
- Азҳари минал шамс** — қуёшдек равшан, қуёшдек порлоқ, барчага маълум.
- Амсол** — мисоллар.
- Асар** — инсон кўзидаги нур, хабар.
- Асҳоб** — суҳбатдошлар, Расули акрамнинг суҳбатдошлари, яқинлари.
- Атбоъ** — тобеъ, бўйсунган.
- Афъоли қабоиҳ** — қабиҳ, ярамас, маккор феъллар.
- Ағниё** — бойлар.
- Бадкирдор** — ёмон иш қилувчи, ёмон хулқли.
- Басмала** — тасмиянинг ўзбекчаси.
- Боз** — яна.
- Вақф** — мадрасалар, масжидларни иқтисодий қўллаш учун маълум бир шахс ёки жамоа томонидан ажратиб берилган ер, мулк, пул маблағи.
- Вирд** — вазифа.
- Вожиб** — бажарилиши лозим, аммо шарт бўлмаган вазифа.
- Даллол** — бу ерда ўйинчи, рақс этувчи ҳам яллачиларнинг корфармони.
- Дорул ожизин** — ожизлар, ногиронлар уйи.
- Доҳилия** — ички.
- Жаҳли мураккаб** — ўзи билмаган нарса ҳақида билагонлиқ қилиш.
- Жуҳало** — жоҳиллар.
- Залил** — хор.
- Зулэҳтиром** — ҳурматли, муҳтарам.
- Ижобат** — қабул қилмоқ, амалга ошмоқ.
- Ижобати диния** — диний тартибларга амал қилмоқ.
- Истеҳсол** — нутқнинг кириш қисми.
- Истидоъ** — илтимос.
- Истифода** — фойдаланиш.
- Иттиҳод** — бирлик.
- Иттиҳоди миллий** — миллий бирлик.
- Ихтилоф** — қарама-қаршилиқ.
- Иқтизоъ** — тақозо, талаб, зарурат.
- Куллия** — барча, ҳамма.
- Кўшиш** — ҳаракат, ёрдам.
- Мавзун** — чиройли.
- Макруҳ** — манъ қилинган.
- Манзума** — тартибга солинган, терилган китобча, шеър.
- Мартабаи истеҳсол** — ишлатиш, фойдаланиш мартабаси, одати, амали.
- Масоили эътиқодия** — эътиқод масалалари.

Масориф — сарф, харажат.
Машварат — маслаҳат, кенгаш.
Мусоада (мусоида) — имконият, фойдаланиш, ёрдам бермоқ.
Мутараққий — тараққий этган.
Мутобаат — эргашмоқ, бўй эгмоқ.
Муқобала — қарши чиқиш, қарши туриш.
Наҳйи — манъ этмоқ.
Низом — тартиб, қоида.
Паланг хуфта — шер ухлагандир.
Расми қабиҳа — ёмон одат.
Самий — эшитувчи.
Садади калом — сўз чегараси.
Саодати ухравия — охират саодати.
Сафид — оқ.
Суннат — Расули акрам (с.а.в.) бажарган амалларни бажариш.
Тасниф — ёзмақ.
Тахсис — тайин этиш, белгилаш.
Таҳрик — ҳаракат.
Тутол гаплар — ҳазил гаплар.
Улум — илмлар.
Устухон — суяк.
Уҳровий — охиратга оид.
Фарз — бажарилиши шарт бўлган диний амал.
Фароиз — фарзлар.
Фасех (фасх) — бекор қилиш.
Фасоди ахлоқ — бузуқ ахлоқ.
Фирқа — партия, гуруҳ.
Фоложение (положение) — Туркистон вилоятини бошқариш низоми назарда тутилмоқда.
Хутом (хатм) — якун, тугатиш.
Шоеъ — рухсат этилган, тарқалган.
Қарибат — яқинлик.
Қуззотил ислом — ислом қозилари.
Ҳабис — иблис, тубанлик, ёмон фикр кўзғаш.
Ҳукуматдорон — ҳукумат мансабдорлари, раҳбарлар.

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------|---|
| Муҳаррирдан | 5 |
| Йўлбошчи | 9 |

БАДИИЙ АСАРЛАР

| | |
|----------------|----|
| Шеърлар | 61 |
| Ҳикоялар | 67 |

РИСОЛАЛАР

| | |
|--------------------|----|
| Адибус-соний | 72 |
| Ер юзи | 97 |

НУТҚЛАР ВА МАҚОЛАЛАР

| | |
|--|-----|
| Никоҳ тўғрисида | 136 |
| Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб | 142 |
| Сабаби тартиб | 146 |
| Тошкандда мусулмон жамияти | 148 |
| Жамиятлар қандай очилур | 151 |
| «Турон» театри очилишида сўзланган нутқ | 153 |
| Мақбул қурбонлар | 155 |
| «Шўройи ислом» қарорномаси | 158 |
| Хитобнома | 160 |
| Туркистон вақфлари ҳақида | 161 |
| Ҳужумми? Мунозарами? | 164 |
| Туркистонда вақф ишлари | 169 |
| Туркистон шўролар жумҳуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоб .. | 172 |
| «Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти | 174 |
| Ўзбекистонда вақф | 178 |
| Қоралаш яхши эмас | 179 |
| Ариза | 182 |

ХОТИРАЛАР

| | |
|---|-----|
| Мунаввар қори Абдурашидхонов асарлари рўйхати | 294 |
| Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ҳаёти саналари | 296 |
| Тарихий шахслар | 298 |
| Луғат | 301 |

Адабий-бадиий нашр

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Тошкент «Маънавият» 2003

Муҳаррир *У. Қўчқоров*

Рассом *М. Агьямов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга 18.12.2002 й.да берилди. Босишга 16.04.2003 й.да рухсат этилди. Бичими 84×108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 15,96. Шартли кр.-отт. 16,38. Нашр т. 17,49. 5000 нусха. Буюртма № К-9663. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 05—03.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2003.